

Омон Мухтор

# ШЕРЛОК ХОЛМС БУХОРОДА

Қиссалар

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS»  
2008


84(59)6

Таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Омон Мухторнинг бу китобига унинг турли йилларда яратилган бир қатор саргузашт-детектив йўналишидаги қиссалари киритилди. Асарлар воқеа кўлами кенг, қизиқарли услуб ва жозибали тилда ёзилганидан, сизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Китоб детектив асарларни севиб мутолаа қилувчи китобхонлар оммасига мулжалланган.

Ю 34991  
291

ISBN 978-9943-312-71-5



© Омон МУХТОР, 2008

© «DAVR PRESS» нашриёти, 2008

# МУЪЖИЗА

## I ҚИСМ

### ИЗЛАР

#### НОМАЪЛУМ ШАРПА

Қария қоронги хонада, дераза олдида қотиб турарди. Кўча ҳам деярли қоронги эди.

Жимлик. Аҳён-аҳёнда анча олисдан поезд пишқиргани ёки катта йўлдан манзилга ошиққан юк машинасининг шагиллаб ўтгани эшитиларди, холос... Бошқа пайт фақат дайди шамолнинг ҳуштаги-ю дарахтларнинг куз тунларига хос нотинч, маҳзун шовуллашигина қулоққа чалинарди.

Осмонни қол-қора булут қоплаган. Йилт этган юдуз кўринмайди.

Қутилмаганда ташқаридан зинага шошмасдан тап-тап босилган оёқ товуши эшитилди ва кўп ўтмай эшик оҳиста тақиллади.

Қария ён томондаги кичик хонани эгаллаган, ўгли билан келини эса бир оз ичкарироқдаги катта бўлмада ётишар эди. У бемаҳалда бошқаларнинг ҳаловати бузилмасин, деб йўлакда беҳосдан бирон нарсага қоқилиб кетмаслик учун эҳтиёткор қадам босганча, эшикка яқинлашди.

Ташқарида чироқ милтиллар, тирқишлардан йўлакка хирагина ёруглик тушиб турарди.

Қария келган кишининг кимлигини олдиндан суриштириб ўтирмади. У кундузми, тунми, ҳамиша эшикни секин, аммо катта очарди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

Эшикни очганидан кейингина, остонада қандайдир номаълум шарпа қорайиб турганини сезди. У шарпанинг афт-ангорини кўрмади. Чунки дафъатан кўзи чироқ нурида ярқ этган дудамга тушди. Рўй бераётган воқеанинг мағзини чақиб, бирон чора ўйлашга улгурмади. Дудамга унга шу ондаёқ санчилди.

Қария худди бировга таъзим қилаётгандек, қўлларини қорнига босди ва шунинг баробарида, энди олдин туюлмаган қандайдир журъат ҳис этиб, бошини кўтарди. Аммо, у яна номаълум шарпанинг башарасини кўролмади. Шарпа бу орада зинадан пастга сирғалиб, кўздан ғойиб бўлган эди.

Қария бармоқлари орасидан қон сизаётганини пайқади ва тезроқ ўрнига қайтишни ўйлади. Бироқ буни эплаёлмади. Кексалиги таъсир қилди. Орқага бурилганча, икки қадам босмасдан, ерга аста йиқилди.

Мазкур воқеа 1981 йил 27 сентябрь тунида содир бўлган эди...

Воқеа буйича жиноий иш қўзғалди.

## ЎГИЛНИНГ ҲАСРАТИ

*(Қариянинг ўгли Исмат Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)*

— Уртоқ Бўронов! Уйингизда бўлган воқеани гапириб берсангиз?..

— Менимча, нима бўлганини ўзингиз яхши биласиз, уртоқ терговчи. Менга ҳозир буни эслаш ҳам, гапириш ҳам қийин. Мени тушунинг. Кейинги кунларда асабдан қўлларим, оёқларим мунтазам титрайдиган бўлиб қолди. Дадамнинг ерда гужанак бўлиб ётганлари кўз олдимдан кетмаяпти...

— Ўзингизни қўлга олинг, уртоқ Бўронов! Илтимос, — деди терговчи.

— Дадам қари одам эдилар. Саксонга бориб қолгандилар. Лекин бундай ўлим... Мени кечиринг, ким дадамга тажовуз қилганини билсайдим, ҳозироқ уни ўзим шу қўлларим билан бўғиб ташлардим!

— Мен сизни тушуниб турибман. Жудолик, кутилмаган фожиа... Аммо ўзингизни тутиб, бўлган воқеани гапиришингизга гўгри келади. Сизнинг гапингиз бизга қотилни топишда ёрдам бериши мумкин...

...Исмат ўйга тодди.

У уша маҳзун куз тунида ичкари булмада осойишта ухлаб ётган эди.

Биров унинг елкасидан қаттиқ туртгандек бўлди. Исмат елкасида санчиқ ҳис этиб, кўзларини очди ва тепасида қўшниси Жамил турганини кўрди. Жамил бу ерда қандай пайдо бўлганига тушунолмай, бир нафас анграйди. Кейин, бегона кишининг ётоқхонага бостириб кирганидан нохушланиб, худди калла ташламоқчидай, ўрнидан саччиди. Аммо Жамил шу аснода негадир, дадангиз, деб ташвишли пичирлагандек бўлди ва ортиқ унга қарамай, эшик томон юрди. У, дадамнинг мазалари қочиб қолгандир, деб ўйлади-да, нега бундан мен эмас, қўшни биринчи хабар топди экан, деган таажжубда Жамилга эргашди. Йўлакка чиққанида отасининг ерда гужанак бўлиб ётганини кўрди...

– Кейин, «Тез ёрдам» чақирдик. Милиция келди. Кейин, дадамни тупроққа топширдик, – Исматнинг кўзларида ёш гилтиллади.

– Йигламанг. Мана бу сувдан ичиб олинг. Қўшнингиз Жамил билан муносабатингиз ўзи қанақа?

– Тўғриси, унчалик эмас. Лекин менимча, бунинг ишга алоқаси йўқ. Чунки хотинлар ҳовлидаги арқонга кир осишаётиб, шунчаки гижиллашиб қолишган.

– Масалан, дейлик, қўшнингиз Жамил ўзи эшикни очиб, жиноят содир қилган, ўзи яна сизга хабар қилган бўлиши ҳам мумкинми? – сўради терговчи. – Бу содда бир тахмин, холос. Мен фақат аниқламоқчиман, шу тахмин сизнинг ақлингизга сиғадими ёки йўқми?

– Билмадим. Унақа бўлмаса керак. Биз адоват даражасига бориб етмаганмиз. Яна ким билсин! Одамнинг оласи ичида, дейишади. Мен буни текширолмайман. Айниқса, ҳозир бошим қотган.

– Демак, бу ҳақда бошқа ҳеч нарса деёлмайсиз?

– Йўқ, бошқа ҳеч нарса...

## КЕЛИННИНГ КУЗАТИШЛАРИ

*(Қариянинг келини Нодира Бўронованинг сўроқ анкетасидан)*

– Ўртоқ Бўронова! Уйингизда рўй берган воқеа бўйича билганларингизни гапириб берсангиз.

– Мен нима десам экан? Мен кўп нарса билмайман...

...Воқеа рўй берган тунда у бирдан сесканиб уйгонган, эр-хотин ётадиган хонада эри билан Жамил негадир юзма-юз туришганини кўриб, қўрқиб кетганидан, нафаси ичига тушиб кетган эди.

Йўқ, кўп ўтмай Жамил, унинг орқасидан Исмат чиқиб кетишди. Кейин, Исмат қайтиб кирди. Кейин, яна йўлакка ошиқди.

Нодиранинг юраги баттар орқага тортди. Шу аснода йўлакдан бехос Исматнинг «Дадажон!» деган нидоси эшитилди.

Нодира ўрнидан ирғиб турди.

У хонадан чиққанида, йўлакдаги чироқ ёқилган, Исмат бир четда бўйни, елкаларини қисганча жавдираб, қунишиб турарди.

Кейин, устига оқ чойшаб тортилган жасадага Нодиранинг кўзи тушди...

Нодира терговчига шуларни гапириб берди.

– Менга қўшни билан муносабатларингиз қандай бўлганини айтиб беролмайсизми? – деди терговчи.

– Қўшни билан? Ёмон эмас...

– Билишимча, эркаклар бир-бирларини ёқтиришмаган.

– Бу биз хотинларнинг айби. Мен Жамилнинг хотини билан бир марта уришганман. Шундан буён эрларимиз тумтайишиб юришибди. Ҳолбуки, биз Зулфия билан кейин яна икки марта аразлашиб, икки марта ярашиб ҳам олдик.

– Ниманинг устида уришгандинглар? – деди терговчи.

– Э, хотинлар нималар устида жанжаллашмайди, дейсиз? Биров ёғ доглаётиб, уйингга иси ўрнашса, бўгиласан. Ёки сен кир осаётганда, нақ бурнинг остида гилам қоқса...

– Демак, бошқа бирон адоват йўқмиди?

– Йўқ, бизнинг жанжалимиз гапиришга ҳам арзимади...

## ЁН ҚЎШНИ

*(Буроновиинг қушниси Жамил Сатторовнинг суроқ анкетасидан)*

Жамилнинг хотини Зулфия заводда уста эди. Кўпинча кечки сменада ишларди. Шундай пайтларда Жамил ўзини қўйишга жой тополмасди.

Уларнинг уч фарзанди — икки ўғил, бир қизлари бор. Жамил болаларга қарар, уларни овқатлантириб, уйнатар, навбати билан ухлатар эди. Кейин, хотини ишдан қайтишини кутиб ўтирарди.

Баъзан диванга чўзилганча китоб варақлар, баъзан хонадан-хонага ўтиб, уйда бекордан-бекорга айланиб юргани-юрган эди. Жиддий бирон иш билан машғул бўлиши ҳам, тинч ётиб ухлаши ҳам қийинлигидан, бундай пайтларда кўпинча ҳуда-беҳудага хаёли қочар эди.

Уша сентябрь тунида ҳам Зулфия ишда, Жамил уйда эди...

— Чақиртирган экансиз. Мен Сатторов Жамил...

— Ўтиринг. Марҳамат! Буроновлар иши бўйича сизни ҳозирча гувоҳ сифатида чақиртирдик, — деди терговчи.

— Нега «ҳозирча?»

— Бу тўғрида кейин гаплашамиз. Сизга бир неча саволлар бор: 27 сентябрь кечаси Буроновлар уйда қандай воқеа рўй берди? Нималарни айта оласиз?

— Бутун билганимни айтаверайми?

— Албатта! — деди терговчи.

— Уйда хотиним ишдан қайтишини кутиб ўтирган эдим. Китоб ўқишга уриндим. Булмади. Қўлимга олган китоб зерикарли экан. Кузимни юмдим. Бир маҳал ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Хотинлар сал ҳуркиб юришади. Айниқса, кечаси товуста айланиб кетишади. Бу эркак эди, зинага битта-битта, вазмин босаяпти. Хотиним эмаслигини билиб, ўрнимдан турмай қўя қолдим. Кўп ўтмай, ҳалиги оёқ товуши тингандек бўлди. Соатга қарадим. Соат бирдан ўтган. Зулфия ишдан қайтишига ҳали эрта. Шунга қарамай, хотинимни кўчада кутишни ўйлаб, ўрнимдан турдим. Эшиқдан чиқишим билан донг қотиб қолдим. Қўшнилари эшиги ланг очик, йўлақда биров чўзилиб ётибди. Узимни қўлга олиб, икки-уч қадам босдим. Ётган одам Қодир ота экан. Эшиқдан у чўзилиб ётган ергача қон. Дарров отанинг юзини ердан кўтардим, уни тўғрига ўтириб ётқиздим.

Нима воқеа бўлганига тушундим. Жон асари бормикин, деб қариянинг томирини ушладим. Шошиб қолганим учунмикин, буни аниқлаёлмадим. Орқамга югуриб, уйдан пичоқ кутариб чиқдим. Йўлакдаги чироқни ёқиб, пичоқни Қодир отанинг оғзига тутдим. Пичоқ дами терламади. Шундан кейин Исматни уйғотиш кераклиги хаёлимга келди. Лекин пичоқ билан ичкарига кириб бораверсам, бирон англашилмовчилик бўлмасин, деб қўрқдим. Қисқаси, пичоқни уйда қолдириб, Исматнинг ёнига бордим. Менинг билганим шу...

– Кечирасиз, ҳалиги, сиз қариянинг оғзига тутган пичоқни кўрсак буладими? – деб сўради терговчи.

– Майли.

– Сиз муҳим бир масала устида тўхталмадингиз... Бўроновлар билан муносабат...

– Яхши ҳам, ёмон ҳам эмасмиз. Аввалдан бир-биримизда ортиқча ишимиз йўқ. Бизни, ҳар ҳолда, «ён қўшни – жон қўшни» деёлмайсиз.

– Аввалдан дедингизми?

– Ҳа. Уйга кўчган пайтимиздан. Лекин бунга Қодир отани қўшмаслик керак.

– Нега?

– Қодир ота бошқача, жуда табаррук одам эдилар. Озодлик жангларида қатнашган у киши. Булар ўзи асли бухоролик. Амир пайтларида у зиндонда ётиб чиққан. Ушанда, ишонмайсиз, унинг баданига амирнинг одамлари эринмай миҳ қоқишган. Ота кейинчалик анча даволанган. Лекин умри охиригача бутун баданида катта-кичик чуқурчалар бор эди.

– Сиз буларни қаердан биласиз? – деб сўради терговчи.

– Менга ўзи баданини кўрсатган. Эр-хотин Бўроновлар билан гапимиз чиқишмаганига қарамай, ота билан яхши эдик. Мен кундузлари баъзан уйда бўш қоламан. Хотин ишга кетади. Кечки сменага борганида ҳам кундузи ухлайди. Қодир ота ҳам уйда бир ўзи, эр-хотин Бўроновлар ишда. Шундай пайтларда бизникида утириб, иккимиз анча гаплашганмиз... Қисқаси, Қодир ота урушда ҳам партизанлик қилган. Икки марта асирликдан қочган...



– Хуш, сиз бундай саволга жавоб берсангиз. Ота билан кўп суҳбатлашган экансиз, ў сизга, мабодо, бирон кишининг узига нисбатан душманлиги ёки эскидан қасди борлиги тўғрисида гапирмаганмиди?

– Йўқ, у киши бу ҳақда оғиз очганини эслаёл – майман...

## ҚОДИР ОТА ҲАЁТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

*(Яна Исмат Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)*

– Сизни безовта қилиб, яна суҳбатга чақирдик, ўртоқ Бўронов. Ранжимайсиз. Зарурат тугилди. Бизни дадангизнинг ҳаёти қизиқтиряпти.

– Мени кечиринг, лекин сиз қотилни қидириб топиш ўрнига гўрда ётган бечора дадамни нега суриштирасиз?!

– Булар бир-бирига боғлиқ, оғайни. Тушунинг. Ўлимнинг орқасида катта бир ҳаёт турибди.

– Мен бир-икки оғиз гапдан бошқа ҳеч нарса деёлмайман.

– Нега? – деб сўради терговчи.

– Шу кунлар дадамни кўп ўйлаяпман. Дадам ўлимларидан бир кун олдин нима учундир ўз оталарини, бобомни эсладилар. «Мен тахминан беш ёшларда, отам йигирма бешларда эди, – дедилар дадам. – Иккимиз икки отта миниб, кечаси бўйи йўл босдик. Қаёққа, қандай мақсадда кетяпмиз, билмайман. Яна, назаримда фақат бир кеча эмас, бир неча тунлар йўл босанга ўхшаймиз...» Дадам шуни айтиб жим бўлиб қолдилар. Мен нарёгини суриштириб, гапининг магзини чақиб ўтирмадим. Бу тушми ёки ўнгмиди?! Мен сизга ақалли шуни ҳам айтиб беролмайман... Отанг бошингда тирик юрганларида, ҳамма нарса оддий туюлар экан. Айрилгач, кўзинг молдек очиларкан...

– Бу ҳар кимда ҳар хил бўлади. Отаси тирик пайтида унинг ҳаётини ипидан-игнасигача ўрганадиган ўғиллар ҳам йўқ эмас! – деди терговчи. – Лекин майли, буни ҳозирча қўя турайлик. Қодир ота саксон йил ичида кўп воқеаларни бошдан кечирган. Борига барака, сиз болалик кунларидан

ўз эслаганларингизни гапираверинг. Дарахтнинг сояси ўзига ўхшайди, дейишади. Мен сизни тинглаб, дадангиз тўғрисида имкон етганча билиб олишга ҳаракат қиламан.

— Гапни нимадан бошласам экан...

...Буроновлар қишлоғи Галаосиёдан қуйироқда жойлашган эди. Бу ерда пахса деворли ҳовлилар, янги иморатлардан ташқари, бир неча қадимий обидалар ҳам сақланганди.

Қишлоққа йўл олган киши энг аввал ястаниб ётган дарахтзорга рўпара келади. Йўқ, бу бошқа қишлоқларда учраб турадиган одатдаги боғлардан эмас, дарахтлар қалин ўсган, ёввойи ўт-ўланлар оёқ остида говлаб ётган, гўёки бир урмон — чивакам дарахтзор эди. Дарахтзорнинг ичкарасида кичик бир ҳовузча бор. Суви зангор, тиниқ. Сув остида ҳар хил ялтироқ тошчалар кўзга ташланарди. Ҳовуз бўйидаги уч-тўртта антиқа дарахт ҳам диққатни жалб этарди. Булар ердан ярим газ тўғрига кўтарилиб ҳовузга энгашган, худди ҳовуз устидаги осма кўприкларни эслатар эди. Дарахтзорни оралаган сўқмоқ эгри-бугри қишлоқ кўчасига бориб уланарди. Кучанинг охирида эса қадимий обидалар: анчагина ерни эгаллаган салобатли хонақоҳ, ундан нарироқда қуббаси учиб тушган пастак минора, олди айвонли ташландиқ масжид.

Буроновларнинг ҳовлиси қишлоқ чеккасида — мана шу обидалар пинжида эди. Унг қўлда у девордан бу деворгача кетган бостирма, чап қўлда тўққиз болорли уй.

Улар турган уй гаройиб эди — бундай уйлар эндиликда қишлоқда эмас, Бухорода ҳам кам топилади. Хона тўридаги унлаб катта-кичик тоқчалардан чойнак-пиёла, чироқ, ҳар хил рузгор буюмлари жой олган. Пойгакда чуқур тошнов. Тошнов олдида ўрдак шаклида ясалган обдасталар, бухороча офтобалар. Пардаси йўқ иккита дераза синчдан қарийб шифтгача оралиқ эгаллаган, катак-катак ойначалардан иборат. Ташқаридан улар нақшинкор, кўркам, вазмин эшиклар билан қопланган.

Исмат ақлини таниганида, ҳовли юзидаги тарвақайлаб ўсган қари тут соясида, эски курсида, оёқларини осилтириб утирарди. Онаси унинг сочини тартибга солмоқчи. Исмат онасининг қўлини ушлайди, опамга тегмайсиз-ку, менга намунча ёпишасиз, дейди. Она гулдор рўмол билан

тангилган бошини чайқаганча, луппи юзидаги сурма тортилгандек кўзлари ярқираб, роҳатланиб кулади: «Опанг киз бола-ку, билмайсанми, углим!»

Уларнинг уйига, шундан сунг, кичкина, фариштадек оппоқ кийинган қандайдир мўйсафид, ҳеч ким чақирмаси ҳамки, ҳафтада бир марта — жума кунлари келадиган бўлди. У, афтидан, сартарош ва Қодир отанинг эски қадрдонларидан эди. Чол опасининг сочига ҳам баъзан қайчи урганига қарамай, Исмат уни бир келганида онадан сўккан бўлса керак, кўпинча у кулимсираб: «Бизнинг онамизни энди тинч қўясизми, тақсир, ёки йўқми?» дерди.

Исмат ота томондан на бобоси, на бувисини кўрган эди. У она томондан бобосини ҳам эсламасди. Лекин, бобом, деганда, — онаси кейинчалик кўп ҳикоя қилганидан бўлса керак, елкалари букик, соқоли, қош-киприкларига қуюқ чанг ўтирган чол негадир унинг кўз олдига келарди. Она томондан бувисини эса яхши эсларди. Одмигина камзул кийиб, бошини доқа рўмол билан елкаси аралаш тангилган жиккак, қорагина кампир.

Буви уларга ўхшаб қишлоқда эмас, нима учундир шаҳарда яшарди. Исмат онаси билан бувисини кўришга аравада кечалари шаҳарга бориб, эртаси кун ёйилмасдан яна қишлоққа қайтишар эди. Баъзан, аксинча, бувининг ўзи қуроқдан тикилган чуқур халта кўтариб, қишлоққа келиб қоларди. Унинг қулидаги халтада оқ ҳолвами, кунжут ёки пашмакми, албатта, қанд-қурс бўларди.

Қишлоқ болалари кўпинча минора атрофидами, масжид айвонидами чарх уришар, хонақоҳга кириб, қорайиб турган тешик-туйнуқлар орқали ҳужрадан-ҳужрага ўтишни ёқтиришар эди. Хонақоҳ биносининг урта қисми баланд гумбаз остидаги қироатхона бўлиб, қолган қисмини ҳужралар ташкил этарди. Қироатхонада ҳам, ҳужраларда ҳам деворлардан тўкилган совуқ тошлар уюлиб ётар, бу ер унут бир обида бўлганиданми, димоққа чангга қоришган могор иси ўрнашарди. Масжид зиикларига негадир отнинг калласидек қулф осилган эди. Аммо масжиддан ён томондаги катта, ҳайбатли дарвоза шунчаки ёпиқ турарди. Болалар баъзан бу дарвозани туртиб очиб, ичкарига ёпирилишарди. Ичкари бог. Богда ўрик, олма, рангин тутлар қаровсиз ётарди. Бог ўртасидаги шийпончада сополдан ясалган дошқозондек пиёла кўзга

ташланарди. Уни қишлоқдагилар, нима учундир, «Рустам пиёласи», дейишарди. Шийпон ортида аллақайси авлиё мақбараси, унга қишлоқ қабристони туташиб кетган. Қабристондан нарёги дашт. Уша томондан гоҳо кулранг туялар ўркачларини силкитиб, қабристондаги гиёҳларни чимдиганча, боққа кириб келишарди. Улар, боғда одамлар айланиб юришган бўлса, яна ўркачларини силкитганча, тикан-хас юлиб, дашт томон жунаб қолишарди.

Болалар баъзан боғни ҳам, обидаларни ҳам қўйиб, қишлоқ этагидаги дарахтзорга қараб кетишарди. Одам кўп ораламайдиган дарахтзорда табиат барқ урар, тулки билан қўённинг қувлашмачоқ уйнашганини кўриш мумкин эди.

Тунлари қишлоқ ортидан катта, ёруғ ой кутарилган кезлари олис-олисдан гоҳо шомдан саҳаргача шоқолларнинг чўзиқ, алланечук нолакор овози эшитиларди. Бунга аксадо бўлиб, ҳар дамда итларнинг нотинч ҳуришгани, далага қаратилган дарчалар олдидан қаёқларгадир югургилаб кетишгани қулоққа чалинади...

– Бизнинг болалигимиз қийин пайтга тўғри келди: уруш эндигина тутаган кунлар эди. Ким уйга қайтган, ким қайтмаган. Менинг дадамдан ҳам на хат бор, на хабар. Ана-мана келди, деб ўзимизча умидлайиб юрардик. Онамнинг бир томонида Нарзи опам, бир томонида мен, шаҳардаги бувимдан бўлак суйнадиганимиз ҳам, маслаҳатгўйимиз ҳам йўқ. Шу боисдан, сал ақлга кирганимда, онам ора-сира, мактабдан бўш пайтларда, мени ўзига эргаштириб, далага олиб чиқадиган бўлди. У энди рўмолини манглайдан зич тангиб, оёғига оғир этик кийиб юрар, далада кун бўйи ўт юлиб, кетмон чопарди. Далада асосан аёллар-у уларнинг оёғига уралашган болалар, холос. Мен ҳам шулар орасида. Баъзан онамга кўмаклашиб, баъзан аёлларга қумгонда чой дамлаб бераман. Лекин хотинлар кўпинча дарахт соясида тинч ўтириб, бир пиёла чой ҳам ичишолмайди. Иш кўп. Даладан қайтгандан кейин ҳам қишлоқда биров тинчимайди. Аммо ўшанда оқшомлар алланечук байрамни эслатарди. Кимдир челақларини тарақлатиб, сувга югурган, кимдир тандирда кўкка олов ўрлатиб, нон ёпган, кимдир қишлоқ кўчасида чироқ кўтариб, кимнидир излаган, кимдир кимнингдир уйига меҳмонга шошган. Гала-говур. Шовқин. Шу билан бирга, кечалари яна меҳнат. Биров томорқасига сув тарайди. Биров бу ерда ҳам даладаги сингари ўт юлади.

Бизнинг уйимизда ҳам аҳвол шу. Онам баъзан овқатга, уй юмушларига уннаб, Нарзи билан мен томорқага чиқамиз. Баъзан Нарзи учоқ-қозон бошида қолиб, мен билан онам томорқада ивирсиймиз...

– Кечирасиз. Ойингиз ҳозир ҳаётмилар? – деб сўради терговчи.

– Йўқ, у киши, анча йил булди, вафот этганлар.

– Опангиз қишлоқдами?

– Ҳа, опам қишлоқда ҳалиям...

– Давом этаверинг, – деди терговчи.

– Дадам уйга кутилмаган бир фурсатда келди.

Биласиз, қишлоқда эшик-дарвоза доим очиқ туради. Уйни ташлаб кетаверасиз. Адашмасам, ҳаволар бузила бошлаб, ерда ётган пахта ҳаммани ташвишга солган палла эди. Биз учаламиз ҳам далага чиққандик. Кеч қоронгусида уйга қайтсак, ҳовлида биров, аскар кийимида, тут остидаги курсида бошини эгиб ўтирибди. Уни, ранги-рўйини кўриб, дарров таниб бўлмасди. Лекин дарвозадан ҳовлига биринчи кирган онам кўнгли биланми пайқаб: «Бу даданг... Даданг, ахир!» деганча бехосдан чайқалиб кетди. У мен билан Нарзини ўзидан олдинга ўтказди. Нарзи, кейин мен дадамнинг бағрига оғилдик. Эсимда, дадам қаддини кўтаришга ҳам улгурмади. Бизни бағрига босаман деб, курсиладан йиқилиб кетишига оз қолди...

– Кечирасиз. Мен шу ўринда сизни яна бир оз тўхтатаман, – деди терговчи. – Ўша кунга қадар дадангиз тўгрисида нималарни билардингиз?

– Эшитганман, дадам ҳар хил душманлар билан олишган. Колхоз тузган. Раислик қилган. Раисликдан негадир тушиб, бригадир бўлиб юрганида урушга кетган... Умуман, у халқ ўртасида анча ҳурмат-обрўга эришган. Бир неча орден, медаллар олган...

– Ҳўш, кейин-чи? – деб сўради терговчи.

– Дадам уйга қайтганидан кейин, кўп ўтмай, уни яна раисликка сайлашди. Тез орада қишлоғимизда ҳам, колхозда ҳам турмуш ўнглана бошлади. Дастурхонда нон тўкис бўлиб, қозонда гўшт қайнайдиган кунларга етдик. Ўша пайтларда одамлар дадамни, колхозни кўтаряпти, деб яхши кўришарди, уйимизга ҳам кунора мухбирлар келадиغان бўлишган эди...

– Қўлингизда дадангиз тўгрисида ёзилган газеталардан қолганми?

– Йўқ. Улар сақланмаган. Ўзим энди сезиб турибман, ҳеч бўлмаганда улардан айримларини олиб қолиш керак эди.

– Хатлар-чи? Фронтидан келган хатлар? – деб сўради терговчи.

– Улар ҳам йўқ бўлиб кетган.

– Балки, уруш тўғрисида дадангиз гапириб берган баъзи бир муҳим воқеаларни эсларсиз?

– Биласизми... Дадам урушга кетганларида мен жуда ёш эдим. Дадамнинг ҳали юзларини ҳам кўз олдимга келтиролмасдим. У киши қайтганидан кейин эса, ҳар биримиз ўз-ўзимиз билан овора бўлиб қолдик. Дадам, умуман, ўзлари ҳақда гапиришни унча ёқтирмасдилар. Онда- сонда узуқюлуқ сўзлардилар. Бунинг устига, ҳаш-паш дегунча орадан беш-ўн йил ўтиб, мен Тошкентга, ўқишга келдим. Икки ўртада узилиш рўй берди.

– Барибир булар сабаб эмас. Дадангиз, наҳотки, ўша давр тўғрисида ҳеч оғиз очмаган бўлсалар? – деди терговчи.

– Арзимаган нарсалар... Масалан, қайсидир йили ёзда, дадамнинг буш пайтлари эканми, мен билан Нарзини нима учундир кўчага етаклаб, қишлоқ айлантирдилар. Мен бир пайтлар ўйнаб юрган жойларга бордик. Минора атрофи, масжид айвонида бўлиб, хонақоҳга кирдик. Худди сайёҳларга ўхшаб, бу ерларни томоша қилганимиздан кейин, дадам бошларини чайқаб: «Бизнинг бепарволигимиз қурсин! Шу обидаларни тартибга солиб, киши кўрадиган ҳолга келтириш керак! Яхши эмас!» дедилар. Хонақоҳдан чиқиб, масжид пинжидаги дарвозадан боққа кирдик. Дадам бу ерда ҳам неча юз йиллик боғнинг қаровсизлигига ўқиндилар. Боғдан беихтиёр йўлимиз қабристонга тушди. Дадам бизга ота-оналари қабрини кўрсатдилар. Қабристонда гўрлар чуқиб, ҳаммаёқни даштдагидек ёвшан қоплаб ётганидан, кўзларига ёш келди. Қабристондан чиқиб қишлоқ этагидаги дарахтзорга бордик. Дарахтзорда бир оз айлангач, дадам яна бошларини чайқадилар. «Яқин ўртада шу атрофдан катта йул ўтади. Биз шаҳарга бемалол қатнайдиган бўламиз. Лекин унда бу хилват гуша йўқолади. Аттанг!» – дедилар... Ниҳоят, уйга қайтаётганимизда, дадам уруш давридан, менимча, аҳамиятсиз бир воқеани ҳикоя қилдилар...

У киши икки огайнилари билан қайиқда катта, энли бир дарёдан сузиб ўтишлари керак. Душман ичига ёриб кириб, хандақни эгаллаш, осмонга мушак отиб, буни бошқа ўртоқларга хабар қилиш тўғрисида буйруқ олинган. Аммо қайиқ дарёни яримлаганда, нариги қирғоқда мустаҳкам ўрнашган душман уларни пайқаб қолади. Орқага қайтиб бўлмайди. Буйруқ олиними, бажариш шарт. Лекин олдинга бориш ҳам имконсиз. Душман нақ қайиқни мулжаллаб, ўқ ёғдирыпти. Ана шунда, уч огайни қайиқни дарё ўртасидаги қалин тўқайзорга буришади. Улар тўқайзорда беркинишиб, душманнинг гафлатда қоладиган пайтини пойлашади, шундай пайт келгач, бўйинларидаги вазифани бажаришади, албатта. Лекин унга қадар уч кечакундуз тўқайзорда уйқусиз, оч ўтиришга мажбур бўлишган улар. Ўшанда, навбати билан мудраб, ўлган бир отнинг хом гўштини қиймалаб, жон асрашган...

— Раҳмат, огайни, — деди терговчи. — Шуни эслаганингизга ҳам раҳмат. Сиз энди менга бошқа бир нарсани айтсангиз. Дадаангиз қачон, қандай қилиб Тошкентга келиб қолдилар?

— Ҳаммаси оддий. Дадам урушдан қайтиб, энди бағримиз тўлганида, онам вафот этдилар. Дадамни кўтариб юрган куч, уни суяб турган тиргак онам эканми, ҳар ҳолда, дадам бирдан чўқди-қолди. У қандайдир гаранг, паришон, негадир сал чайқалиб юрадиган одат чиқарди. Кечалари алламаҳалда қабристонга боради. Кундузлари шунчаки идорага бир кириб, кейин уйга келганича, кўксини ерга бериб ётади. Бировга айтган гапи аксар эсида турмайди. Кимгадир айтиши керак бўлган нарсани бошқага гапирди... Бошимизга тушган бир айрилиқ етмагандек, йил ўтмасдан шаҳарда бувим ҳам кўққисдан кўз юмди. У сўнгги пайтларда қишлоққа тез-тез келиб, дадам билан бирга онамни эслаб утирарди. Бувимнинг ўлими дадамни энди олдингидан баттар, бутунлай эсанкиратиб қўйди. Шу воқеалар ўтгач, колхозда сурункасига уч-тўрт йил план тўлмади. Дадамни бир пайтлардагига ўхшаб, раисликдан бригадирликка туширишди. Лекин дадам бу ишнинг ҳам кифтини келтиролмади. У бекорчиликни касб қилиб, бора-бора бутун ҳаёти уйда шунчаки ётиш, зерикишдангина иборат бўлиб қолди. Кишининг бир ерда кўзига дунё қоронгилашганида, у, албатта, бошқа ерга сафар қилиши,

турмуш тарзини ўзгартириши мақсадга мувофиқ, дейишади. Мен шу ҳикматни эслаб, дадамни Тошкентга бошлаб келдим.

– Демак, асосан, шу, – деди терговчи.

– Шу..

## ҚАССОБ ҲАМ ИНСОН

*(Яна Жамил Сатторовнинг сўроқ анкетасидан)*

Жамил учун қассобчилик ота касби эди. Терговчи яна чақиртирганида, бу қассоб экан, деб исканжага олишмаётганмикин, деб ўйлади.

Бу гал у терговчининг ҳузурига каппаси учиб, истаристамас, бўйнига арқон солингандек бир ҳолатда келди...

– Сиз билан Бўроновлар уйининг қулф-калити бир экан. Бунга маълум даражада қурувчилар айбдор, албатта, – деди терговчи унга. – Лекин, бунинг устига, зинада, эшиқда, йўлакда, қариянинг баданида — биз текширган ҳамма нарсада сизнинг бармоқларингиз изи бор.

– Тушунган одам экансиз, мўрига кирган кишининг қош-кипригига қурум илашмай қолмайди, – деди Жамил. – Мен рўй берган воқеадан биринчи хабар топдим. Одамларга яхшилиқ қилгим келди. Биласизми, баъзан шундай бўлади. Кўчада безорилар кимнидир аёвсиз дўппослашади. Сиз троллейбусда кетяпсиз. Сиздан бўлак яна камида эликта одам бор. Троллейбус тўхтайтиди. Лекин одамлар томоша қилишдан нарига ўтишмайди. Битта-яримтаси секингина «оҳ-воҳ» қилиб қўяди, холос. Нега? Одамлар тўхматдан, кейин овора бўлишдан қўрқшади. Оталаримиз, тўхмати ногаҳон, марги бемаҳалдан асрасин, дейишарди. Мен ўша кеча қўрқмай виждоним бутурган барча ишни қилдим. Бунинг учун тўхматга қоладиган бўлсам, билмадим. Дунёда ҳақиқат йўқ экан, деб бўғилишдан бошқа қўлимдан нима ҳам келарди?

– Ҳақиқатни, албатта, аниқлаймиз, Сатторов. Айбдор бўлсангиз, жазоингизни тортасиз. Мабодо айбсиз бўлсангиз, ҳеч ким сизга озор етказмайди. Мен бунга кафолат бераман, – деди терговчи. – Ҳозир эса, бўғилмасдан гапни давом эттирайлик. Энг аввало, менга сизнинг уша кундаги айрим хатти-ҳаракатларингиз тушунарли эмас.

– Қанақа хатти-ҳаракат?

– Масалан, сиз Исматни кириб уйготганингиздан кейин, қарияга ортиқ ёрдам кўрсатиб бўлмаслигини



билатуриб, нега яна ўзингиз апил-тапил «Тез ёрдам»ни чақириш пайига тушдингиз?

– Кимдир чақириши керак эди. Чақирдим. Яхшилик қилгим келди.

– Ахир, сизнинг қушни билан муносабатингиз бошқача эди-ку... Майли. Сиз эҳтиётсизлик қилгансиз, шошгансиз, дейлик. Мен сиз айтган «муридаги қурум»ни аввалданоқ ҳисобга олганман. Лекин куйлагингизда қон юқи қолган экан, – деди терговчи.

– Куйлак?! Э... Мен буни ўйламагандим.

– Уйланг, Сатторов. Уйланг. Сиз аёлингиз ишдан қайтишини кутиб, бир неча марта ташқарига чиққан, шу ўртада шум хаёлларга борган бўлишингиз ҳам мумкин-ку, ахир! Ўзингиз жиноят содир қилиб, ўзингиз Исматни уйготиб, «Тез ёрдам»нинг ташвишини қилган бўлишингиз ҳам мумкин...

– Мен қотиллик қилганим йўқ, қилолмайман ҳам! Молни ҳам раҳмим келиб суяман. Илож бўлмаганидан. Ишонинг.

– Ўзингизни қўлга олинг, Жамил Сатторов. Бўпти. Бошқа савол. Уйингизда пичоқ, яроқ дегандек ҳар хил қуроллардан коллекция йиққан экансиз. Нега бундай қилгансиз? Қассоб бўлганингиз учунми?

– Билмадим. Балки қассоб бўлганим учундир... Йўқ, тўгриси, қассобчилик сабаби тирикчилик мен учун. Коллекцияга бўлса, мен санъат деб қарайман. Йиққан нарсаларимнинг кўпи дид билан ясалган. Айримлари қадимий.

– Яна бир савол. Эсингиздами, олдинги суҳбатимизда сиз пичоқ тўгрисида гапиргандингиз? – деди терговчи.

– Эсимда.


– Лекин у пичоқ эмас, дудама экан.

– Ўзи дудама эди. Мен пичоқ деганман.

– Нега энди?

– Дудама ҳам пичоқ...

– Кечирасиз! Сиз, ёшлиқдан қассобчилик қилган киши, буларнинг бир-биридан фарқини билмаслигингиз мумкин эмас. Қолаверса, уйингиздаги ҳалиги коллекция. Девордаги гиламчага қиличдан тортиб, қаламтарошгача илиб қўйибсиз. Бу борада саводи йўқ киши коллекционерлик қилмайди. Демак, мудҳиш воқеа руй берган кеча сизнинг қўлингизда дудама бўлган?



– Дудаман...

– Қарияга ўқталган ҳам, сиз унинг огзига тутган ҳам худди шу дудаман бўлиб чиқди. Хуш, сиз бу далилга қарши нима дея оласиз? Мана, экспертиза маълумоти билан танишинг, – деди терговчи.

– Мен аҳмоқлик қилдим. Қайси жин урди мени, билмайман, аҳмоқлик қилдим...

– Очиқроқ гапиринг, Сатторов.

– Уша кеча воқеа сал бошқача бўлган эди. Мен уйдан чиқиб, қўшни остонасида ётган дудамани кўрдим...

– Демак, сиз уйдан ҳеч қанақа пичоқ олиб чиққаннингиз йўқ?

– Йўқ, мен уша дудамани кўйлагим этагига артиб, қариянинг огзига тутдим. Кейин, қўрққанымдан, уни уйга ташлаб чиқдим. Эртаси куни, бу дардисарни нима қилишимни билмай, бошим қотди. Бир кўнглим кўчага улоқтиргим келди. Лекин одам қилган қабихлик учун буюм айбдор эмас-ку, деб ўйладим. Ундан ташқари, дудаман эскидан қолган, чиройли экан. Кўзим қиймади.

– Нега менга буни олдин айтмадингиз?

– Айтишга тилим бормади. Уялдим.

– Гувоҳлик тўғрисидаги қозоғга қўл қўя туриб, нега ёлгон гапирдингиз? Бунинг ўзи жиноят эканини биларсиз?

– Аҳмоқлик қилдим, айтяпман-ку! Бир огиз ёлгон гапириб...

– Аввалига бир огиз ёлгон гапирган киши кейин бемалол имонини сотиб кетаверади. Хуш, ким сизни, қолган гапларни ёлгон гапирмади, деб айта олади? Балки сизнинг Бўроновларга яхшилик қилмоқчи бўлганингиз ҳам ёлгондир? Қодир отага нисбатан бутун муносабатингиз ҳам! Сиз қарияни балки гап олиш учун баъзан алдаб уйга олиб киргандирсиз?

– Наҳотки, мен шу қадар тубан бўлсам?

– Билмадим. Билмадим, – деди терговчи. – Фалокат пайти ўз коллекцияси гамини еб, воқеанинг устига этагини ёпадиган сизга ўхшаган одамдан ҳар нарсени кутиш мумкин.

– Мендан айб ўтган, лекин мен қотиллик қилганим йўқ, ўртоқ терговчи.

– Нима қилганда ҳам, биз сизни текшириш бир ёқлик бўлгунча ҳибсга олишга мажбурмиз.

- Майли. Менга энди барибир.
- Сизга охирги савол: отангиз Қодир ота Бўронов билан қачондир кўришганми яъни икки ўртада эскидан бирон танишлик бормиди, демоқчиман!
- Йўқ. Отам ҳовлида турган пайтимизда вафот этганлар. Биз буларни билмасдик. Ундан ташқари, отам Бухорога ҳеч қачон бормаганлар.

## БИР ОНАНИНГ БОЛАЛАРИ

*(Ишни ўрганиш давомида маълумот учун ёзиб қўйилган суҳбат варақасидан)*

Нарзи Бўронова куни бўйи далада, офтобда юрган, толиққан эди.

Унга идорадан кўнгироқ қилишиб, шаҳардан меҳмон келганини айтишди.

Уларнинг уйига газеталардан кўп меҳмон келган, ҳамон келиб туришар эди. Нарзи, бу ҳам газетадан бўлса керак, деб ўйлади.

У оёғидаги этикни ечишга ҳам улгурмаганди. Шу кўйда колхоз идорасига қараб кетди.

Нарзи, Қодир ота кейинги йиллар қишлоқда бўлмагани учун, «мендан дадам тўтрисида ҳеч ким гап сўраб ҳам ўтирмаса керак», деган хаёлга борган ва бундан кўнглида огриниб юрган эди... У терговчини кутмаганди. Аммо идора эшиги олдида турган хушқомат, келишган, кўзлари алланечук порлаган ёшгина йигитга тўқнаш келди-ю, Нарзи дарҳол бу одатдагидек газетадан эмас, афт-ангори кўп ўхшамаса ҳамки, терговчи эканини ҳис этди.

У ҳаяжонга тўлганига қарамай, йигитдан сўз сўрашга ошиқмади. Меҳмон эканми, марҳамат, бош устига. Йигитни уйга таклиф қилди. Уйда ҳам ортиқча лом-мим демасдан дастурхон ёзди. Аввал таом, кейин калом. Қадимдан таомил шу.

- Мен дадангизнинг иши бўйича сиз билан бир оз суҳбатлашмоқчи эдим, - деди Нарзига ниҳоят терговчи.

- Мен сизни келмайсизми, деб ўйлагандим. Раҳмат... Сизга нимани айтмай?

- Дадангизни эсласангиз, - деди терговчи.

- Йўқ, сиз савол беринг, мен жавоб қилай.

– Дадангиз катта ҳаёт йўлини босиб утган. Йиллар давомида одамлар билан яхши-ёмон муносабатда бўлган, – деди терговчи. – Яширмайман, шундай пайтлар борки, халқ иккига бўлинган, дўст ва душманга ажралган. Инқилоб, бойларни қулоқ қилиш, шахсга сизгиниш...

– Сиз ёш экансиз, жуда ёш, менинг аскарликда юрган ўғлимга ухшайсиз. Мен сизга қандай тушунтирсам экан? Дадам хизмат қилган йилларда, ўзини курашчи деб юриб, бировнинг уйи куйса куйсин, менинг қозоним қайнаса бўлди, қабилда иш тутганлар ҳам бўлган. Бундайлар доим топилади. Лекин дадам виждони пок одам эди. Ҳақиқат бор ерда эса, ҳар қандай кек, адоват чекинади.

– Хўп, унда сиз рўй берган воқеага нима дейсиз? – сўради терговчи.

– Текшириш сизнинг ишингиз. Мен билганимни айтаман. Дадам тўғрисида эшитиб, бундай бўлишига ақлим бовар қилмади. Самолётда учиб бордим. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Лекин ҳозир ҳам мен учун бу худди бир туш. Ўзимга ўзим ишонмайман.

– Демак, қисқаси, дадангизнинг душмани бўлмаган.

– Асло! Дадамга бутун умрида ким душманлик қилди, деса, фақат бир кишини курсатиш мумкин.

– Ким экан у? – деди терговчи.

– Йўқ. Дадамга ким қўл кўтарганини билмайман. Бу сиз ўйлаган душманлик эмас. Мен бошқа нарсани айтяпман.

– Нимани?

– Менга буни гапириш оғир. Ноқулай ҳам. Уйласам, юрак-бағрим эзилади.

– Барибир гапиринг, опажон. Мен билишим керак, – деди терговчи.

– Дадамга укам Исмат душманлик қилди.

– Укангиз?

– Укам... Э, қўйинг, сиз ҳам менинг дардимни янгиламанг! Бу ҳақда гаплашмайлик.

– Йўқ, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

– Исматдан биронтамиз ёруглик кўрмадик. Қайсидир йили уйда онам касал эдилар, профессорларга курсатаман, деб Тошкентта олиб кетди. Тошкентдан олдингидан баттар бўлиб қайтдилар. Отамни қўярда-қўймай судради. Мана, оқибати...

– Ота-онангиз Исматнинг раъйига қарашлари шартмиди? – деб сўради терговчи.

– Улар аввалдан, қиз бола бировнинг хасми, деб мен билан ортиқча ишлари йўқ эди. Икковлари ҳам, қиз бола гўёки одам эмасдек, қачон қараманг, фақат: «Биргина ўғил! Биргина ўғлимиз!» дейишарди. Доим Исматнинг оғзига қарашарди. Исмат буни биларди. Болалиқдан бирон гапи инобатга ўтмаса, қош-қовоғига тош осиларди... Э, майли, ўзига ҳавола. Гапирсам, тутаб кетаман. Ўз укам. Тақдир экан, деб қўя қолганим маъқул...

– Биласизми, мен рўй берган воқеа билан таниша бошлаганимда укангизни шубҳа остига олишим мумкин эди, – деди терговчи. – Одамзод тарихида оз бўлса-да, разил фарзанднинг ота ёки онасига суиқасд қилишига мисоллар бор. Лекин мен Исматдан шубҳаланмадим. Унинг дадангизга нисбатан ўзича меҳрини ҳис этдим. Изтиробдан куйиб, адо бўлганини кўрдим. Тўғриси, шубҳага асос ҳам, далил ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, сизнинг гапингиз мени қизиқтириб қўйди. Яна бир оз гапиринг шу ҳақда, иложи бўлса. Бу менга керак. Ишга аниқлик киритмаганда ҳам, тажриба учун.

– Бошқа нима дей?

– Масалан, Исмат ўқишга бормаса, борганда ҳам, ўқиш биттач, кексаларни овора қилмасдан, ўзи уйга қайтса бўлмасмиди? – деб сўради терговчи.

– Ким билсин. Биз бир отанинг пуштикамаридан бунёд бўлганмиз. Бир қориндан таллашиб тушганмиз... Яхшиси, гапни ўзимдан бошлай. Мен Бухорони ҳам, Тошкентни ҳам, бошқа шаҳарларни ҳам кўрдим. Қаерга бормамай, уйимни соғиниб, ўз жойимдан яхшироқ жой йўқ экан, деган хаёл билан шу ёққа келдим. Мана, ҳозир ҳам, ота-онамнинг чирोगи ўчмасин, деб шу ерларда юрибман. Исмат бўлса, болалик пайтидан биров шаҳардан гапирса, ўзини томдан ташлайдиган эди.

– Нега? Бу нимадан бошланди ўзи?

– Ким билсин. Эҳтимол, бу раҳматли онамга қўшилиб бувимникига борганидан бошлангандир. Ўшанда шаҳар иси унинг димоғига ўрнашиб қолгандир. Ҳар ҳолда, бўйи кўтарилиб-кўтарилмай, у баъзан шаҳарга бориб келишни одат қилди. Онам, кейин ўрушдан қайтган дадам, унга индашмади. У шаҳарга қатнаб, кундан-кунга инжиқ, эрка,

сал олифта бола турқини ола бошлади. Меҳнатта тоби йўқ. Икки челақ сув келтириш, лойли кетмонни артиб-тозалаб қўйиш ҳам унга малол, бирон иш буюрилса, кўзни шамгалат қилиб қочади. Ҳўлаган уйи: тезроқ улгайиб, шаҳарга кетиш. Узи-ку, майли, қўйиб берса, бутун қишлоқ кўч-кўронини кўтариб шаҳарга жунаши керак. Шунақа дерди. Охири Тошкентга ўқишга кетди... Мен унинг ўқиганига қарши эмасман. Чунки бу онамнинг орзуси эди. Онам кейинги йилларда бошларини кўтаролмай қолгандилар. Доим: «Икки чаккам лўқилаб огрияпти!» деб шикоят қилардилар. Кишлоқ касалхонасига ҳадеб қатнайвериш жонларига текканди. Бунинг устига, дадам ҳам, ҳар бир уйда бир дўхтир бўлиши керак, айниқса, қишлоқ шароитида, утлимиз муолажани ургансин, мазмунида гапириб юрардилар. Исмаатга, афтидан, қаерда ўқиши барибир эди. Дўхтирликка кирди. Ўқиса ўқимайдими, кимлар ҳозир ўқимаяпти. Лекин мен ўшандаёқ, бу бола қушдек учиб кетди, тамом, ошёнига энди қайтиб келмайди, деб уйлаганман. Дастурхондаги нон ҳурмати, хаёлимдан шундай гап ўтган. Кўрмайсизми, ҳаммаси худди мен уйлагандек бўлиб чиқди.

– Ғалатироқ бир савол. Укангиз болаликдан шеър-пер ёзмасмиди? – деди терговчи.

– Сиз буни қаердан билдингиз? Узи айтдими?

– Узи индагани йўқ. Сўроқ пайтида қишлоқ, болалик кунлари тўғрисида берилиб гапирди. Мен шаҳарлик бўлиб кетган йигитнинг бундай гапиришига ажабландим. Нима учундир у менга, она қишлоқ, қадрдон қишлоқ, деб шеър ёзиб юрадиган айрим шоирларни эслатди. Бугун қишлоқда ўша суҳбат ёдимга тушиб, беихтиёр шунақа хаёлга бордим.

– Тўғри, болаликда шеър ёзарди. Беш-ўнта дафтар тўлдирган. Мусиқага қизиқарди. Хонандалик ҳам қиларди. Овози ёқимли, ширали эди. Мен уни, санъаткор бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, кейин бошқа ёққа қараб кетди.

– Дадангиз тўғрисидаги гапга қайтайлик, – деди терговчи. – Менимча, dadангизни Тошкентга олиб кетгани учун Исмаатдан гина қилиш ўринли эмас. Ойингиз вафот этгач, Қодир ота уйда ёлғиз қолиб зерика бошлаган.

– Ёлгон, буни агар Исмаат айтган бўлса, адашибди. Балки гўқигандир. Онамнинг ўлими катта мусибат бўлди. Отам бечора биринчи кунлар ёш боладек кўз ёш тўкавериб,

кутилмаганда қариб қолдилар. Лекин у киши барибир уйда ёлгиз қолгани ҳам, зериккани ҳам йўқ. Мен, болаларим кечаси-ю кундузи ёнларида бўлдик. Эрим кўнгли очиқ, содда одам. Деҳқон. У дадамга Исматдан кўпроқ хизмат қилса қилгандир, оз эмас. Уйлаб қаранг, бир йилда икки марта саёҳатга олиб чиқди. Олдин Душанбега боришди. Кейин Ашхободни айлантириб келди. Мен билан умрида бунақа сайр қилмаган эрим, дадамни қўққисдан овга бошлаб кетадими-ей, қўшни қишлоқлардаги қариндошлари уйига меҳмонга чақиртирадими-ей... Икковлари олдинлари ҳам улфат бўлиб юришарди. Лекин ушанда шунақанги қалин бўлиб кетишдики, мен буларга бегона одамдек аралашолмай қолдим... Фақат биз эмас, бутун қишлоқдагилар дадамнинг ёнига вақт-бевақт бостириб келаверишарди. Гурунг бўлган ерда ҳар қандай ҳасрат емирилади, зерикшни энди айтмай қўя қолай. Қишлоқдагилардан ташқари, дадамни сўроқлаб, ҳар қаердан эски қадрдонлари ҳам мунтазам келиб туришарди. Бригадирлар, колхознинг бошқа обрўли кишилари... Раисни айтмайсизми! Раисимиз ўзи ёш бўлса ҳам, димоқ-фироқни билмайдиган яхши одам, кунора эшикдан бош суқиб, ота, бир чигал иш чиқди, нима маслаҳат берасиз, дейди. Гапни чўзиб юбордим. Кекса кишига урганган турмуш, уй- жойни, томорқабогни ташлаб, Тошкентга кетиш осон деб уйлайсизми? Тарозининг бир палласига шуларни юклаб, иккинчи палласига битта юпқа чамадонни қўйиб куринг-чи, қайси бири огирлик қиларкан?

– Мен сизни анча қийнадим. Узр, опажон. Демак, Қодир ота қишлоқдан чамадон билан чиқиб кетган, шундайми?! – деб сўради терговчи.

– Ҳа, сафар халтаси...

– Уша чамадонда нималар бор эди?

– Ортиқча ҳеч нарса олганлари йўқ.... Гапирмасам-чи?! Гапирсам, яна тилим қичийди. Кейин ичингизда, бу қандай хотин, бегона одамга ўз укасини, жигарини ёмонлагани ёмонлаган, деб юрасиз. Мен уни ёмонлаш учун эмас, куйганимдан гапираман... Дадам чамадонга битта костюм, уч-тўртта кўйлакни солиб, ўзларига тегишли бутун қоғозлар, ҳужжатларни олиб кетгандилар. Бир даста расмлар, хатлар бор эди. Исмат бепарволик қилиб ҳаммасини йўқотиб юборди. Дадамдан хотира қолмади.

– У кишининг орден-медаллари нима бўлган?

- Уларни дадам узлари музейга берганлар.  
- Уйда, сизнинг қўлингизда дадангиздан бирорта ёдгорлик ҳам сақланмаганми?

- Менда бир-иккита қогоз бор. Яхшиямки, нимадир бўлиб, уларни олдин олиб қўйган эканман. Шулар турибди.

- Сиз уларни менга беролмайсизми? - деб сўради терговчи.

- Йўқ, мен уларни ҳеч кимга бермайман.

- Шунчаки кўриш ҳам мумкин эмасми?

- Нега? Кўриш мумкин, албатта. Мен ҳозир...

«Ўзим учун ёзиб қўйганларим...»

«Бухородан амир қочиб, унинг тарафдорлари ҳар бири юз, икки юз кишидан иборат гуруҳлар тузган. Бухоро Халқ Озодлик армиясига ёзиддим. Йил 1921. Апрель ойи...»

«Биз кўпдан буён чўкиб ётгандик. Охир сув юзига чиқяпмиз...»

«Ушбу тилхат берилди Қодиржон Бўроновга, иккита от келтириб топширгани учун. 22.V.23 й. Қабул қилдим. Имзо...»

«Ушбу хатта биноан, бизнинг вакилимиз Қодиржон Бўроновга ҳамма ерда ишлашга имкон яратиб, ёрдам кўрсатилсин. Ҳукумат томонидан имзо чекаман. 5.X.25 й.»

«Кеча-кундуз, маҳал-бемаҳал, баъзан қф-ёмгирда, совуқда, баъзан жазирама қуёшда жанг қияпмиз. Ражаб қўрбоши, Кур Ато, Аъзам Хужа, Саид Мансур, Муҳиддин Махсум, Мулла Қаҳҳорларни яхши танийман».

«Вобкентдан Ромитанга ўтдик. Ромитан атрофидаги Мусича, Бахтин, Шалгами, Тогора деган қишлоқларда бўлдик... Хунрезлик... Қизилми, оқми, икки томондан ҳам ҳар қадамда ёвузлик содир бўляпти...»

Саид Мансур қуюқ зиёфат устида қамал қилиниб, отишма эрталабгача давом этди. Охири қўрбоши тирик қўлга туширилди. Унинг боши кесилиб, район милициясига элтиб топширилди... Ато қўрбоши котиби мулла Нор билан қўлга олинди. Гўрлари узларига қаздирилиб, отиб ташланди...

Бизнинг келаётганимизни пайқаб қолган душманлар қоронги тушаётганидан фойдаланиб, кўздан гойиб бўлди. Алламаҳалгача қидирдик. Тополмадик. Кечаси билан қор ёғди. Эрталаб яна душманни қидириб кетдик. Бир ерга келсак, эндигина ўтиб кетган отларнинг ва ялангоёқ бир



одамнинг изини кўриб қолдик. Шу из кетидан боравердик. Бир ариқнинг олдига келганимизда қишлоқ шўроси фаолларидан Шомуродов деган кишининг жасадига кузимиз тушди. Ёвузлар кечаси уни уйидан олиб чиқиб, қорда ялангоёқ ҳайдашибди, шу ерга келганда қийнаб улдиришибди...»

«Колхоз тузиш анча машаққатли бўлди. Қишлоқ гузарида одам кўп. Мажлис боряпти. Ҳар ким ҳар нима дейди. Галаговур. Кўпчилик ўзи нима бўлаётганини тушунмайди.

Бор-йўғи 20 киши колхоз учун қўл кўтарди. Дастлабки йили мана шу 20 киши 30 гектар майдонга пахта экиб, ҳар гектаридан 6 центнердан ҳосил олдик...»

«Бормисиз, қуролдош дўстларим?! Тирикмисиз? Нега менинг сизга йўллаган хатларим жавобсиз қоляпти?»

– Шуларни асраганингиз ўзи катта гап, опагон, – деди терговчи.

– Истасангиз қоғоз-қалам берай, керакли жойларини кучириб олинг. Лекин сиз мендан хафа бўлманг.

– Сиздан нега хафа булар эканман...

## ЖАМИЛНИНГ ХОТИНИ

*(Сўхбатта чақирилмаган одам билан сўхбат)*

Йулақда бир аёл анчадан буён уймалашарди. Терговчи ниҳоят унга эътибор қилди.

– Сиз кимни кутяпсиз?

– Сизни, – деди аёл.

– Нега кирмадингиз? – деди терговчи.

– Кирсам бўлаверадими?

– Албатта, бўлади, – деди терговчи. – Марҳамат, бу ҳукумат идораси.

Аёл ичкарига кирди...

– Кейинги кунларда жуда қийналиб кетдик. Мен қўлдан келганча чидашга ҳаракат қиламан, лекин уч бола...

– Нималар деяпсиз? Тушунмаяпман.

– Мен Жамил Сатторовнинг хотиниман.

– Э, шунақа демайсизми? – Аёлга разм солди терговчи. – Утиринг.

– Раҳмат. Мен балки сизнинг вақтингизни олаётгандирман, лекин иложим қолмади. Қийналиб кетдик. Мен уйда утирсам бир нав эди. Ҳар куни ишга бормасам бўлмайди. Борсам, уйда болалар ёлғиз.

– Кечирасиз. Сиз булмаганда болаларингизга доим эрингиз қарармиди? – деб сўради терговчи.

– Ҳа. Мен «Болалар уйи»да ўсганман. Эрим ҳам етим. Менинг уч-тўртта дугонамни айтмаганда, яқин кишимиз йўқ. Эрим мени, болаларни яхши кўради. У киши уй ишларини ҳам қилиб кетаверадилар, буни сен қил, буни мен, деб ўтирмайдилар. Қўл-оёқсиз қолдим. Айниқса, болалар. Мен уларга дадаси тўғрисида бирон нарса деёлмайман ҳам... Бошимни қайси деворга уришимни билмайман.

– Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ўқсинманг, – деди терговчи. – Сиз менга бир нарсани айтинг. Сиз ўзингиз, масалан, кўнглингизда эрингиз айбдор эканига ишонасизми ёки йўқми?

– Ишонмайман! Мен бунга ҳеч қачон ишонмайман! Эрим қассоблик қилиб, баъзан уйда гўштсиз қолган пайтларимиз бўлади. Қўли эгриликка ўрганмаган одам қотилликка бормайди.

– Лекин шунга қарамай, эрингизнинг қўлида ўша кеча дудама бўлган... Дарвоқе, айтинг-чи, уйда у нега коллекция йиққан?

– Йигит кишисиз, эркакларнинг феълени ўзингиз мendan яхшироқ билсангиз керак. Биров овга қизиқади, биров парранда боқади...

– Демак, сиз эрингизнинг бу ишига норозилик билан қарамайсиз?

– Йўқ. Китоблардан ўқиганмиз. Ўтган замонларда йигитман деган киши от йўргалатиб, пичоқ тақиб юрган. Бунинг нимаси айб?! Эркак доим эркак, аёл — аёл. Наҳотки, сиз эримни шунинг учун қотилга чиқарсангиз?!

– Мен ҳали ундай деганим йўқ...

– Сиз кўнглингизда барибир эримнинг қотиллик қилишига ишоняпсизми?!

– Қизиқ экансиз. Мен қолиб, сиз мени сўроқ қилишга тушиб кетдингиз-ку, – деди терговчи. – Ҳа, майли. Кўнглимдагини ҳеч кимга айтмагандим, лекин сизга айтаман. Бўпти. Одатда, жиноятчи ўзининг кўрсатган ҳунарини озми-кўпми пардалайди. Биз Жамил Сатторовнинг хатти-ҳаракатини кузатганимизда, ўша «парда» негадир кўзга ташланмаяпти. Ҳамма далиллар тўпна-тўғри унга бориб тақалапти. Аммо ҳаётда баъзан шунақаси ҳам бўлади. Бу

жиноятчининг тажрибасига боғлиқ. Мен ўз шубҳамдан шубҳаланаман, деган гап бор. Қайта-қайта текшириш, эрингиз айбдорми, айбдор эмасми — исботлаш керак. Бундан ташқари, умуман, Қодир отага нисбатан кимнинг қандай қасди бўлгани ҳали очилмаяпти. Бу — жуда муҳим. Мен буни аниқлаб, ўзим бир фикрга келмагунча бу ҳақда гапиришим қийин.

— Эримнинг Қодир отага қандай қасди бўлиши мумкин? Бегона одам. Бизнинг қўшни билан муносабатимиз қуюқ ҳам, суюқ ҳам эмасди. Эрим чолни бир оз ҳурмат қиларди, холос. Чолга ўглининг азбаройи унча иши бўлмаганидан кўнгли огриб, у билан онда-сонда гаплашиб турардилар. Шу... Ўзингиз иккиланаётган экансиз, нега ақалли ҳозирча бўшатиб юбормайсиз?

— Йўқ, сиз Жамил Сатторовни шунчаки қамалиб ётибди, деб ўйламанг. — Беозор тушунтирди терговчи. — Эрингиз, қотиллик қилмаган тақдирда ҳам, бу ишда иштирок этган. У, ҳеч бўлмаганда, жиноят қуролини олиб, биздан яшириб юрган. Бунинг учун жавоб бериши керак. Мен сизга эрингизнинг ҳар ҳолда айбдор эканини айтишга мажбурман.

— Бу фалокат бошимизга қаердан келди, тушунмайман. Турмушимиз тинч эди. Мен ишга ҳеч қачон бундай юрагимни ҳовучлаб бориб, уйга юрагимни ҳовучлаб қайтмасдим. Эрим баъзан кечқурунлар болаларни овқатлантириб, ўйнатгани кўчага олиб чиқардилар. Мени хурсанд бўлсин, деб телефон ҳам қилиб қўярдилар. Мана, топширган бутун ишларингизни бажардик, хоним, бизга яна нима хизматлар бор, дердилар... Ўша куни ҳам телефон қилдилар. Бунақа гаплар хаёлимизда йўқ эди.

— Тўхтанг, тўхтанг... Ўша куни эрингиз сизга тахминан соат нечаларда қўнгироқ қилганини эслаёлмайсизми?! — деб сўради терговчи.

— Ҳозир, эслайман... Адашмасам, етти билан саккизлар орасида.

— Эрингизнинг кайфияти қанақа эди?!

— Менимча, ҳар қачонгидек... Э, йўқ, нимадандир хафа бўлиб гапиргандилар, шекилли.

— Нимадан? Эслашга ҳаракат қилинг-чи, — деди терговчи.

— Адашмасам, бошида кўча айланыпмиз, дедилар. Ҳар кунги гап. Кейин, шундан кейин... эрим ўша куни,

менимча, қўшнилардан гапирдилар. Негадир улардан шикоят қилгандек бўлдилар... Цехда шовқиндан овозни яхши эшитиб бўлмайди. Мен гапига унча тушунолмадим.

– Эрингиз фалокат рўй беришидан бир неча соат олдин қўшнилардан сизга нимани гапириши мумкин эди? Қизиқ! – Бир оз ажаблангандек бўлди терговчи.

– Унисини билмадим.

– Сиз менинг ёнимга келганингиз яхши бўлди, Зулфия Сатторова. Нега, деб, ажабланманг. Буни кейинчалик ўзингиз билиб оласиз...

## УЙДАГИ ГАП

*(Жамил Сатторовнинг сўроқ анкетасидан)*

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, Сатторов, – деди терговчи. – Воқеа рўй берган куни, кечқурун хотинингизга қўнгироқ қилган экансиз.

– Бўлиши мумкин.

– Йўқ, сиз ушанда қўшнилардан гапиргансиз.

– Гапирган бўлсам, гапиргандирман. Эслаёлмайман...

...Жамил аслида буни яхши эсларди. Бироқ буларнинг бари сўзлашга арзимамайди, гийбатта ўхшайди, деган истиҳола уни тўхтатиб турарди. Айниқса, бировнинг сирасрорини титкилаш... Буни йигитчилик ҳам кўтармайди. Жамил шундай фикрда эди.

Унинг эр-хотин Бўроновлар билан чиқишмаслигига анча-мунча сабаблар бор эди.

Исмат касалхонада ишлар, хотини институтда фалсафадан дарс берарди. Уларнинг иккиси ҳам янги уйга кўчган маҳалда қўни-қўшни олдида ўзини, биз бошқача тоифадаги одаммиз, биз эмас, сизлар бизни ҳурмат қилишларинг лозим, деган алфозда тутган, бу Жамилнинг гашига теккан эди. Булар оқу биз қора бўлдикми, деб унинг қони қайнаган эди. Эр-хотин Бўроновлар йўлақдами, кўчадами учрашган пайтлари ҳеч қачон биринчи бўлиб салом беришмасди. Жамил тўхтаб салом берганида, бошларини виқор билан силкиб, гоз юрганча ўтиб кетишарди. Бу ҳам авваддан унга оғир ботган эди. Аёллар жанжаллашиб қолишганидан кейин Исмат олдингидан багтар тумтайиб юришга одатланди. Бу, эр киши ҳар қандай шароитда ҳам ўзини эрдек тугиши, хотинлар ёки болаларнинг ўртасига тушмаслиги керак, деб билган

Жамилнинг, айниқса, кўнглига ўтиришмаган эди. Аммо булар асосий сабаб эмасди.

Баъзи бир кексалар ўз болаларининг уйида худди меҳмонга келиб узоқ туриб қолган одамдек ҳаёт кечиришади. Уларнинг бутун хатти-ҳаракатида, сизлар, албатта, ишляпсизлар, болаларим, лекин мен ҳам текинхўр эмасман, қўл қовуштириб ўтирмайман, имконим етганча сенларга ёрдам бераман, дегандек маъно сезилиб туради. Улар эрта-кеч ҳарсиллаб бозорга, магазинга югуришади, атрофдагиларга кўзлари жавдираб қарашади, бировларнинг турткиларига чидашади. Уйда ҳам ҳеч бир ишни ўзлари учун ор деб билинмайди, қандай юмуш чиқмасин, нафаслари бўғизларига тиқилиб, жон-жаҳллари билан бажаришга уринишади. Тирик юриб, бирга турганликлари учун ўз болаларидан улар гўёки узр сўраётгандек бўлишади.

Қодир отанинг ўгли уйдаги ҳаёти ана шунақа эди.

Жамил қариянинг чинакам инсон эканлигини кўриб, қаҳрамонлиги ҳақида эшитганидан сўнг, унга юраги ачидиган бўлди. Чолнинг бир ҳолати уни титратиб юборди. Чол ўзи тўгрисида ҳар гал ҳикоя қилаётиб, бу бола мени ёлгон гапираяпти, деб ўйламаётганмикин, мазмунида ўрганиб, хижолат билан дам сайин Жамилнинг юз-кўзига тикиларди.

Жамил деярли ҳар куни Қодир отанинг остона супураётганини кўрарди. У, шу сабил уйни қариянинг келини ёки ўгли супурса, қўлларига чипқон чиқармиди, деб бўғиларди. Эр-хотин Бўроновлар бирон пайт қуёш ёйилмагунча уйқудан туришмасди. Қария бўлса, ўз навбатида, саҳардан кўчага югуриб, уларга сут-қатиқ таширди. Жамил яна, бу икки ешнинг оёқлари синганми, нима бало, деб жони ҳалқумига тиқиларди. Мана шу вазларга кўра, тобора Жамилнинг қўшнилardan ихлоси қайтган эди.

Аммо унинг ўша куни хотинига қўшнилardan гапирганига бошқа бир нарса сабаб бўлган эди...

— Эслаб кўринг, Сатторов, — деди терговчи. — Ҳозир бу мени қизиқтиряпти, билишим зарур.

— Мен бу ҳақда индамасам дегандим.

— Бўпти. Бошқа томондан келайлик. Ушанда гап Қодир ота устида борганмиди?

— Ҳа... қўймадингиз, айтаман, майли. Гуноҳи мендан соқит энди... Дунёда ёмон кўрганим — йигит кишининг

бижиллаб, хотини билан даҳанаки жанг қилиши. Эр булсанг, аввало хотинни ўзингга нисбатан ҳурматга ўргат. Буни эплотмасанг, яхшиси, бўйнингни қисиб, унга итоат қилавер... Буроновлар баъзан ҳалигидек томоша кўрсатишади. Шундай пайтда ақалли бири олиб, бири қўйса гўрга эди; иккаласи баб-баравар бақириб, баб-баравар чийиллайди.

– Демак, уша, воқеа рўй берган куни улар уришишган? – деди терговчи.

– Ҳа, уша куни ҳам кечга томон эр-хотин уришиб қолишди. Мен уйда юрагим сиқилиб, болаларимни етаклаганча, кучага чиқиб кетдим.

– Хотинингизга телефонда шу можаро ҳақида гапирдингизми?

– Мен унга, чамаси, уйда утиролмадим, эски томоша, дедим. Кейин, мен-ку чиқиб кетдим, уйнинг ичида, бу ёқа бугишмада Қодир ота қанақа қилиб утирган экан, қарияга ачинасан киши, дегандек бўлдим.

– Кучадан қайтганингизда можаро тугаганмиди? – деб сўради терговчи.

– Шунақа эди, шекилли. Уйга яқинланганимизда қандайдир кир халта кўтарган Қодир ота қўққисдан рупарамиздан чиқиб қолди. У бизни кўрмадими, уялганидан кўрмаганга солдими, ёнгинамиздан тезгина утиб кетди. Уни тирик ҳолда охириги марта кўрганим шу бўлди.

– Сиз нега шунча гапни ҳозиргача менга айтмадингиз?!

– Ўзимга муносиб кўрмадим. Уялдим.

## АҚЛ БАЛОСИ

*(Ёки маҳкамада бўлиб ўтган баҳс)*

– Сизнинг кўнглингиз тор, Исмаил Буронов. Бир гап камлик, икки гап кўплик қилади, – деди терговчи. – Шу боисдан, анча кун сизни безовта қилмадим. Лекин энди суҳбатни давом эттираюман.

– Қанақа суҳбат яна? Хафа булманг, калаванинг учини тополмай, одамларни бекорга овора қилмаяпсизми?

– Унчалик эмас, ўртоқ Буронов. Аввало, калаванинг учи ниҳоят топилганга ўхшаяпти. Бундан ташқари, мен сизни бекорга овора қилганим йўқ. Сўнгги пайтда шахсан

сизга тегишли бўлган бир қанча янги саволлар чиқди. Қисқаси, ота-бола муносабатларингиз мураккаб бўлган. Сиз буни инкор ҳам қилмаяпсиз. Хуш, сизнингча, бунга қандайдир сабаблар борми?!

– Албатта. Узингиз ўйлаб кўринг. Турли давр, турли организм...

– Соддароқ гапирсангиз, – деди терговчи.

– Дадам кеч уйланганлар. Мен йигирмага кириб, айти балогатта етганимда, дадам олтмишга боргандилар. Мана, мен қирққа кирганимда, саксонга. Бир-биримизга меҳримиз борлигига қарамай, биз ҳар хил кишилар эдик. Мен бунга қаттиқ ўкинаман. Лекин иккинчи томондан, сизга борини айтмасдан иложим йўқ.

– Демак, сизлар, ота-бола бир-бирларингизга яқин бўлмагансизлар. Мен сизни тўғри тушундимми?

– Тўғри. Яқин эмасдик. Аввалдан қандайдир яқин бўлолмадик.

– Нега? Бунга ёшдаги тафовутдан ташқари, нималарни сабаб деб биласиз? – қизиқсинди терговчи.

– Сабаби кўп... Менинг болалик пайтимда дадам урушда бўлган, буни айтганман, кейин иш-турмуш. Кейин мен уйдан кетдим. Кейин, тўғриси, икки ўртада кутилмаган зиддиятлар ҳам чиқди.

– Қанақа зиддиятлар?

– Мен ўқиш йиллари қишлоққа кўп бормадим. Кунора уйга хат ҳам ёзолмадим. Бу нарса юракда болаликдан қолган бемехрлик, кўнгилсовуқлик туюлиб, дадам бунинг учун мендан ранжиган бўлсалар, ажаб эмас. Лекин мени тушуниш мумкин, деб ўйлайман. Ўшанда менга жуда огир эди. Чўнтақларим кўпинча қўп-қуруқ, ҳадеб қишлоққа қатнашга имконим йўқ эди. Қийналганим учун уйга айрим талабалар сингари: «Гўзал Тошкент шаҳрида ўйнаб-кулиб юрган фалончидан соғинчи салом!» деб баландпарвоз хатлар ҳам ёзолмадим, албатта...

– Талабалиқда сиз ўзи нега қийналдингиз? Мен тушунмаяпман, – деди терговчи.

– Ҳаммаси ўқишга кирганимдан бошланди. Имтиҳонларда олган баҳоларим талаб даражасига етибетмасди. Қишлоқда ўқиганмиз, ҳар ҳолда... Хуллас, қабул комиссиясида пахта пайти теримда ўзимни кўрсатишим кераклигини бўйнимга қўйишди, менга вақтинча ётоқсиз, нафақасиз ўқишим

мумкинлигини айтишди. Пахта пайтида ҳалол ишладим. Бундан нолимайман. Лекин ётоқсиз, нафақасиз ўқишнинг қандайлигини ўзингиз тасаввур қилсангиз керак. Шу даврда она сутим оғзимга келди. Эски шаҳардаги шифти қурумдан қорайиб, деворлари нураган арзон-гаров бир кулбада ижарага турдим. Тирикчилик дардида бажармаган ишим қолмади. Бировларга дастёрлик қилдим. Ҳаммолик қилдим... Ниҳоят, навбатдаги имтиҳонларни яхши топшириб, аввал нафақа, кейин ётоқхонага эришдим. Лекин ўқиш йиллари кишига шуларнинг ўзи кифоя деб уйлайсизми?

– Нима, ушанда уйдагилар сизга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмадими? – ажабланди терговчи.

– Йўқ, уйдагилар менга ёрдам кўрсатишмади. Биринчи кунлардан бошқа талабаларнинг ота-оналари институт атрофида гирди капалак бўлишганини кўрдим. Қўйиб берса, ҳар куни улар болаларини дарсга йўртаклаб, қўлларида кўтариб келишади. Узоқда юрган ота-оналар ҳам булардан қолишмайди. Мунтазам пул, совға-салом юбориб туришади. Йилига камида бир ёки икки марта келиб, ҳолаҳвол сўрашади, янги уст-бош харид қилишади... Мен буларнинг барчасидан маҳрум эдим.

– Мен сизни ота-онангизнинг кўнглига қараб ўқишга киргансиз, деб эшитгандим.

– Буниси тўғри. Мен уйдагиларни уйлаб ўқишга кирдим. Аммо бунга жавобан мен ҳам уйлаш уларнинг хаёлига келмади. Ёрдам қилишмагани майли. Бир амаллаб қийинчиликни енгдим. Зиёни йўқ. Одамни оддий тушуниш... Мен қишлоққа кам бориб, кам хат ёзганим уйдагиларни тутақтириб юборди. Айниқса, опам... Опам аҳволим қандайлигини сўраб ҳам ўтирмай, ушанда шунақанги маломатли хатлар ёзганки, қўяверасиз.

– Уйга ёзмасангиз, дадангиз сизнинг қийналганингизни билмаган бўлишлари ҳам мумкин-ку? – деди терговчи.

– Мен ёзганимда ҳам, ҳеч қачон шикоят қилмаганман.

– Дадангиз, албатта, қийналганингизни билмаганлар! Мен сизнинг нега меҳрсизлик қилганингизга тушунмаяпман. Қийинчилик кунларида бола ота-онасига ташвишларини айтмаса...



– Мен меҳрсизлик қилганим йўқ, ишонинг.

– Булмаса, нега ёзмадингиз?!

– Мен ундай қилолмасдим. Биласизми, мен отабезори эмасман, лекин тўгриси, дадам ҳаётда ҳаммадан кўпроқ ўзини ўйлаб яшаган одам эди. Уйдан кетаётганимда, менга дадам бундай гап қилдилар: «Сен мендан ёрдам кутма, утлим. Мен эски партизанман, боламини бир умр суяб юришни истамайман. Ўзинг оёққа туришни ўрган!» Мен аввалига бу гапни шунчаки бир насиҳат тариқасида қабул қилдим. Аммо Тошкентга келгач, кундан-кунга унинг мағзини чақа бошладим. Ўқишга киришимдан тортиб, ҳаётга чирмашиб, одам бўлгунимча, дадамдан юрак ютиб, ёрдам сўраёлмадим. Дадам эса ўзларидан билиб, ҳаттоки бирон марта, қандай яшаяпсан, болам, деб суриштирганлари йўқ... Мен кейинчалик бу ҳақда кўп ўйладим. Дадам қўли қисқалигидан шундай қилдими? Ундай эмас, албатта. Мен раиснинг ўгли эдим, ахир! У киши хасислик, бахиллик туфайли мендан бор имтиёзни дариг тутганмиди? Бу ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Дадамни хасис ҳам, бахил ҳам деёлмайман!.. Дадам учун ҳаёт тўгрисидаги ўз фикри ҳамма нарсадан муҳим эди. «Ҳалол яшаш керак, қийналмасанг, ҳалол яшашни ўрганмайсан. Эгри йўл билан пул топгандан камбағал бўлган яхши!» Унинг фикри шундай эди. У менга айтган аزمи қарорида охиригача собит турди. Гап шу!.. Ўзимча ўйлайман, менинг меҳнаткаш дадам яхши тарбиячию, боласини папалаган бошқа ота-оналар ёмон тарбиячи эканми?! Бошқалар нима учун ўз болаларига ҳаётда барча имкониятларни яратиб беришади?! Улар нега, ҳаттоки ҳар қандай адолат чегарасини бузиб бўлса-да болаларини катта йўлга чиқариб қўйишади? Дадамга бу ҳақда гапириш фойдасиз эди.

– Нима қилганда ҳам, сиз ўша йиллар қийналганингизни ота-онангиздан сир сақлаб юришингиз шарт эмасди, — деди терговчи. — Дадангиз қанчалик қатъиятли бўлмасинлар, турмушда баъзан вазият, шароит билан ҳисоблашиш кераклигига фаҳмлари етарди. Сиз ўзингиз, мени уйимдагилар тушунинмаяпти, менга улар қайишмаяпти, деб масалани бир оз чигаллаштириб юборганга ўхшайсиз. Бундан ташқари, уйга икки энлик хат ёзмасликка ҳеч нарса важ бўлолмайди. Умуман, дадангизни виждонли, ҳалол одам эканликлари учун айблашга бизнинг

ҳаққимиз йўқ. У киши ҳаётнинг мазмунини бошқалардан кўра тўғри тушунган. Дадангиз сингари ҳам босқинларни, ҳам урушни кўрган, хизмат қилган кишилар кундан-кунга камайиб боряпти ҳозир. Бармоқ билан санарли кишилар қоляпти. Сиз кейинчалик асосан шу ҳақда ўйлаб, дадангизни кўпроқ қадрласангиз, чакки бўлмасди, албатта.

– Мен бу борада ўзимни оқламайман. Мен буни энди ҳис қиляпман. Дунёда сўқир кўз доим кеч очиларкан. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Худди отанг бошингда абадий турадигандек туюларкан.

– Хўп, ҳозирча бу гапни шу ерда тўхтатайлик. Менга айтингни, дадангиз сиз билан ҳаммаси бўлиб неча йил бирга ҳаёт кечирдилар?

– Ўн йилча...

– Ўн йил... қисқа муддат эмас, шундайми? – деб сўради терговчи. – Мен бир нарсани ўйлаб, тагига етолмаяпман. Сиз ёшлиқда дадангиз билан кам гаплашгансиз. Бунга имкон бўлмаган, дейлик. Дадангиз сизни ёш деб, кўрган-кечирганлари тўғрисида индамаган бўлишлари ҳам мумкин. Хўп, у киши Тошкетга келиб, сизнинг уйингизда турганларидан кейин-чи?! Наҳотки, узоқ ўн йил ичида ота-бола ақалли бирон марта осойишта ўтириб, ундан-бундан суҳбатлашмаган бўлсангизлар?

– Йўқ, кейин ҳам иккимиз яхши гаплашолмадик.

– Нега, ахир?

– Мен сизга айтганман. Дадам ўзлари ҳақда гапиришни умуман ёқтирмасдилар.

– Кечирасиз! Бу унчалик тўғри эмас, – деди терговчи. – Мен бегоналарга дардини ёрган одамнинг ўз фарзандига айтадиган гапи йўқлигига ишонмайман. Қисқаси, сиз дадангизга бекорга айб тўнкаяпсиз.

– Мен дадамга айб тўнкамайман. Сиз билан бир масалани келишиб олайлик. Мен шу пайтгача нимаики деган бўлсам, ҳаммаси рост, бундан кейин ҳам фақат ростини айтаман. Сиз менга камчиликларимни кўрсагишингиз, мени койишингиз мумкин. Лекин ёлгон гап кутманг. Мен жиноятчи эмасман. Мен дадамнинг хунига даъвогарман.

– Бўпти. Келишдик, – деди терговчи.

– Мен дадамга айб тўнкаётганим йўқ. Уйда баъзан иккимиз юзма-юз ўтириб, соатлаб дадамнинг оғзини пойлаган пайтларим бўлган. Дадам эса суҳбатта ҳеч

қачон майл билдирмаган... Гапирадиган булса, кўпинча фақат онамни эсларди. Ушанда ҳам узук-юлуқ, кераксиз, қандайдир мунгли нарсаларни гапирарди. «Онангнинг қабри устига катта сагана урнатган эдик. "Уйлаб қарасам, бу ишимиз унча яхши бўлмаган экан. Менга шўрлик тош остида эзилиб ётгандек туюляпти..." Тахминан шунақа гаплар. Мен ёшлиқдан шикоятга, ҳазинлик, ҳасратта тобим йўқ. Дадамнинг гапларини эшитиб, юрагим тарс ёрилаётгандек бўларди. Очиғи, онам то ҳозиргача менинг кўз оддимдан кетмайди. Болалиқда асосан онамнинг қўлида тарбия топганим учундир. Уларни дадамдан ҳам кўпроқ ардоқлагим келади. Лекин дадамнинг гаплари барибир мени, худди ўзим бояғи қоронғи қабрга кириб қолгандек, эзиб юборарди. Мен, дадам ортиқча хаёлчанлик қилмасин, деб унга аччиқ ҳақиқатни айтардим: «Дада, сиз бир куни қиёмат рўй бериб, одам гўрдан қайтиб чиқишига ҳар ҳолда ишонмасиз?! Шундай экан, бу гапларнинг нима керағи бор? Мен талабалик йилларимдан бери ўлик кўравериб, ҳаммасини тушундим. Инсон ким бўлишидан қатъи назар, дунёдан ўтдими, тамом, чиқит ҳисобланади. Ҳаёт қонуни шу...» Дадам сўзимни ҳафсаласиз, сал нохуш тинглаб, сен ҳеч нарсани тушунмайсан, дегандек қўлини кескин силтарди. Шу билан суҳбатимиз ҳам тугаб қўя қоларди... Умуман, дадам уйда доим негандир андак сиқилиб, мум тишлаб ўтирардилар. Мен у кишининг ҳамон онамга мотам тутгандек қиёфада юришидан хунобим ошиб, нима қиларимни билмай қийналардим.

– Дадангиз мум тишлаб ўтирганлар, ичимдагини топ, қабилада ортиқча гапирмаганлар, дейлик, мен ишондим. Лекин сиз-чи? Дадангиз тиригида у кишининг кўрган-кечирганларига нима учун ақалли бирон марта жиддий қизиқмадингиз?

– Мендан бу борада айб ўтган, албатта. Лекин асосан, кечаги воқеалардан энди одамлар «узоқлашиб» кетган, улар зерикарли туюларди. Очиғи, шундай. Бунинг устига дадам кутилмаганда рихлат қилишларини ким билибди, дейсиз?

– Кечирасиз! Фалокат рўй бермаганида ҳам, дадангизниг ёши бир жойга бориб қолган эдилар. Сиз буни билишингиз керак эди, – деди терговчи.

– Тўғри. Лекин дунё экан, одам баъзан ўзи сезмасдан лойга ботиб қолар экан.

– Хўп, энди марҳамат қилиб, бундай саволга жавоб берсангиз. Сизнинг дадангиз билан бошдан-оёқ бутун

муносабатингиз шунақа экан, дадангизни Тошкентга олиб келиб нима қилардингиз?

– Э, йўқ, мен сизга, қўлимни куксимга қўйиб, ҳақиқатни гапираверсам, сиз гапга бунақа тун кийдирманг, илтимос. Ҳаётдаги қарама-қаршиликлар ўз йўлига. Мен дадамнинг олдида ўзимнинг фарзандлик бурчимни бажардим. Бунинг учун мени айблаш инсофдан эмас. Катта бир ёзувчи, кимдандир нафратлана туриб ҳам уни севиш мумкин, деган экан. Мен эсам, дадамни чин юракдан яхши кўрардим. Дадам ҳам... Кейин, тўғриси, одам ёши улгайган сайин кўнглида баъзан ёлғизлик ҳис этаркан. Мен шундай пайтда дадамга талпиндим. Буни ҳам сиздан яширмайман.

– Бўпти. Менга айтинг-чи, дадангиз қишлоқдан сизникига қандай келганларини ҳозир эслай оласизми? – сўради терговчи.

– Эслайман... Ўзлари. Битта чамадон кўтариб...

– Уша чамадонда бир даста қоғозлар ҳам бўлган.

– Ҳа, ўзларига тегишли қоғозлар ҳам бор эди.

– Уша ҳужжатлар кейин қандай қилиб йўқолди?

– Биласизми, янги уйга кўчаётганимизда бошқа ортиқча қоғозлар ичида булар ҳам ёқиб юборилган. Хунук иш қилганмиз, албатта. Лекин биз уларнинг дадамга керакли ҳужжатлар эканини билмаганмиз. Бир оз шошиб қолганмиз. Умуман, бепарволик, деймикин...

– Йўқ, буни шунчаки бепарволик десангиз, адашасиз. Менга шу кичик далилнинг ўзи сизнинг дадангизга нисбатан бутун муносабатингизни кўрсатиб турибди... Хул, энди бундай савол. Сиз ўқишни битириб, нега қишлоққа қайтмагансиз?

– Ўқишни битириб... билмадим...

– Йўқ, мен сизни бунинг учун тергамайман. Ҳар ким қишлоқда яшайдими, шаҳардами, ўз ихтиёри. Мен шунчаки... қизиқ туюляпти, – деди терговчи.

– Ўқишдан кейин шаҳарда қолиб кетадиганлар оз эмас. Мен бу ҳақда унчалик уйламаганман.

– Сиз бир пайтлар адабиёт, санъатга қизиққансиз. Ҳозир ҳам кўнглингизда бунга оз-моз қизиқиш сақланганми?!

– Йўқ. У ёшлиқдаги ҳаваслар...

– Охирги савол... Мени кечирасиз. Сиз уйда хотинингиз билан тез-тез жанжаллашиб турасизми?

– Э, бунинг ишга нима алоқаси бор?

– Уйингизда мудҳиш воқеа рўй беришидан бир неча соат олдин ҳам сизлар уришгансизлар, – деди терговчи.

– Мен бу ҳақда гапирмай қўя қолай. Илтимос, бу ҳақда сўраманг. Дадамга бунинг ҳеч қандай дахли йўқ...

## БИР ТЎШАҚДА ТҶРТ КИШИ

*(Ёки маҳкамада ўтган яна бир баҳс)*

– Уртоқ Бурунова! Мен сизни бошқа чақирмасман, деб ўйлагандим. Лекин ҳозир кутилмаганда менга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди, – дея Нодирага юзланди терговчи.

– Менинг ёрдамим?

– Ҳа. Мен сўнги пайтда рўй берган фалокатнинг бутун илдири сизнинг уйингизда эканини ҳис этяпман, – деди терговчи.

– Вой, нега ундай деяпсиз?

– Менда шундай таассурот уйгонди. Бу, албатта, ҳали аниқ гап эмас. Шу боисдан, эрингизга индаганим йўқ.

– Сиз ҳаммасига эримни айбдор деб ўйлаяпсизми?

– Ҳозирча ундай дейишим қийин.

– Булмаса, менга буни нима учун айтяпсиз?

– Мени Қодир отанинг охирги кунлардаги туриш-турмуши қизиқтиряпти, – деди терговчи.

– Буни эримдан нега сўрамадингиз?

– Эрингиз кўп нарсаларни гапирди. Лекин шунга қарамай, у мендан нималарнидир сир сақлаёттандек.

– Биз ёмон турмаймиз. Қайнотам менинг ҳам отам эдилар. Кийимнинг яхшиси, таомнинг олди дадамники эди. Эр-хотин бирон марта дадамнинг юзларига тик қараб, гапларини икки қилмаганмиз. Аввалдан бошлаб охирги кунларигача шундай эди.

– Демак, сизнингча отанинг туриш-турмуши ёмон бўлмаган, – деди терговчи.

– Йўқ, ҳаммаси жойида эди... Нима, дадам биздан бировга шикоят қилган эканларми?

– Дадангиз... саксонга кирган кекса кишининг ҳаёти уйда охирги кунлар асосан югур-югур билан, рўзгорни деб қўймаланиш билан ўтган.

– Бизнинг турмушимизни биздан кўра яхшироқ билар экансиз, мендан сўраб нима қиласиз?

– Мен сиздан рост гапни кутандим, – деди терговчи.

– Мен ростини айтяпман... Дадам ўзлари табиатан нотинч, бир ерда утиролмайдиган одам эдилар. Булмаса, дадамга ҳеч қачон биров, мана бу икки челақ ахлатни тўкиб келсангиз, демаган. Эр-хотин уйда ишсиз утирмасдик. Дадам ҳам... Ким буни ҳурматсизликка йўйса, адашади.

– Кечирасиз, сиз ҳурмат деганда нимани тушунасиз?

– Ҳурматни, менимча, ҳамма бир хилда тушунса керак.

– Шундай бўлса, қанийди!.. Сиз фалсафадан дарс берасиз. Менимча, одоб ҳам ҳурматнинг бир кўриниши. Ҳурмат деяпсиз, ҳолбуки, сизлар, эр-хотин, уйда баъзан ҳаттоки оддий одобга ҳам риоя қилмагансизлар. Кундалик рўзгор юмушларини зиммасига юклаганларингиз етмагандек, отанинг олдида кунора жанжаллашиш, ҳарқалай, одобдан бўлмаса керак! Қодир ота шундай пайтларда ўзининг уйда эканлигидан хижолат чекиб, қанчалик эзилганини биласизми? Эрингиз ҳеч қачон бу ҳақда ўйламаган. Аёл киши булатуриб, сиз ҳам...

– Ёрдам, деб сиз мени қийнаш учун чақирган экансиз. Мен бу ҳақда ўйлаганман. Бир эмас, минг марта ўйлаганман... Ўйлаганман. Сиз нега менинг юрагимни бунчалик бурдалайсиз?

– Ўзингизни қўлга олинг. Қаттиқроқ гапирганим учун узр. Хўп, бошқа савол. Сизнингча, эрингиз қанақа одам ўзи?

– Эрим ёмон эмас.

– Мен биламан, эрингиз ақлли йигит. Ростгўй. Анча самимий, – деди терговчи.

– Эрим яхши.

– Менимча, сиз ҳам, ҳар ҳолда, ростгўй, самимий аёл – сиз. Умуман, эрингизга ўхшайсиз, кишида ёмон таассурот қолдирмайсиз. Шундай экан, мен бир нарсага тушунмайман. Сизлар, масалан, нега бундай жанжаллашасизлар?

– Ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша гурбатлари бор. Эр-хотин жанжали... Мен ўртамиздаги бутун гапни сизга дoston қилишим, наҳотки, шарт бўлса?

– Шарт эмас. Лекин сизлар аввалдан, турмуш қурганларингиздан бошлаб, мунтазам шунақа уришиб турасизларми? Шунга айтсангиз.

– Йўқ. Биз доим уришавермаймиз. Баъзан ҳафталаб, ойлаб бежанжал, тинч-тотув ҳам юраверамиз. Эрим менга яхши кўриб уйланган. Мен ҳам... Бизнинг турмушимизда, ҳар қалай кўнгилсизликка нисбатан бахтли кунлар кўпроқ бўлди. Мен уйда имкон етганча ҳар қандай можаронинг олдини олишга ҳаракат қиламан.

– Эрингиз-чи? Демак, асосан эрингиз можаро кўзгайдими? – деб сўради терговчи.

– Сизга нима десам экан? Турмуш ўзи зиддиятдан иборатми... Менинг кўнглим очиқ. Бунинг устига, ёшлиқда анча эркин ўсганман. Эримни қўлимдан келганча инжитмасликка ҳаракат қиламан. Лекин бир умр бундай қилишнинг иложи йўқ — дунёда ҳадеб бировнинг иродасига бўйсунавериб бўлмас экан. Мен баъзан ўринсиз гапиришим, эҳтиётсизлик килиб, одамлар олдида ўзимни беихтиёр эрим кутганидан бошқача тутишим мумкин. Эрим эса кўнгли тор, ҳамма нарсани юрагига олаверади. Бирон талаба баҳо қўйдиргани уйга келса ҳам хаёли қочиб, бугилаверади. Бундан ташқари, эримнинг ора-сира қилдан қийиқ ахтариш одати ҳам йўқ эмас. Ҳар қадамда ундай қилма, бундай қил, деб ўргатишни ёқтиради. Аёл киши бировга қўл бериб саломлашмаслиги керак. Эркаклардан кимнингдир фазилати тўтрисида оғиз очолмайсан. Қаергадир меҳмонга борилса, менга тегишли саволга ҳам ўзи жавоб қайтармаса, кўнгли тўлмайдми... Эрим мени ўз соясига айланишимни истайди. Мен унинг соясига айланолмаганим учун ҳам, истанг-истаманг, уйда можаро кўзгалаверади.

– Қисқаси, эрингиз можаро кўзгайди. Эрингизнинг феъли оғир, – деди терговчи.

– Оғир... Лекин мен бунинг учун эримдан ўпкаламайман.

– Нега?

– Айб эримда ҳам эмас. Буларнинг ҳаммасига ўтмиш айбдор.

– Ўтмиш? Қанақа ўтмиш? Табиатан феодалликми? Илгор фикрли кишининг ўгли...

– Бунинг ишга алоқаси йўқ.

– Айрим эркакларнинг рашкчилигини айтмоқ — чимисиз? – деб сўради терговчи.

– Йўқ. Менинг эримни феодал деб бўлмайди... Гап рашқда ҳам эмас... Эски бир латифа бор, балки

эшитгандирсиз. Мени уят қилмасангиз, айтаман... Афанди хотини билан кўпинча дуппа-дуруст гаплашиб ўтириб, бехосдан икковлари жанжаллашиб қолишаркан. Бунга сабаб, Афанди олдинги хотинини, хотини эса, олдинги зрини эсларкан. Бир оқшом одатдагидек гап қочганида, Афанди хотинини ёнидан нарига суриб ташлабди. Хотини, э, сиз нима қиялпсиз, деса Афанди, бир тўшақда яна тўрт киши бўлиб қолдик, сигмаяпмиз, деган экан... Биз учун ҳам бу, ҳаёт бошимизга солган савдо...

– Мен сизни яхши тушунолмадим. Нима, сизлар икковларингиз ҳам биринчи оилаларингиздан ажрашганмисизлар?

– Шунақа бўлган. Сиз буни билмасмидингиз?

– Йўқ...

– Менинг олдинги турмушим унмади. Эрим ҳам...

– Ҳечқиси йўқ, ҳаётда ҳар нарса бўлади, – деди терговчи. – Оила бузилиши ёмон, албатта! Лекин инсон ҳаминиша ўз бахтини излашга ҳақли. Одамни занжир билан боғлаб бўлмайди. Иккинчи марта оила қургач, қадр-қимматни билиш ўрнига... майли, ойда-йилда бўлсин, барибир, уришишларингиз эса... Хўп, сизлар неча йилдан буён бирга ҳаёт кечиряпсизлар?

– Тўрт йилча бўлиб қолди.

– Бундан чиқди, сиз Қодир отани олдиндан билмагансиз. Шундайми?

– Ҳа, албатта...

## ИСМАТ БЎРОНОВНИНГ БАҲОРИ

*(Кўнгил дафтарида саҳифалар)*

Бир ерда тургандан кейин, қийин экан. Исмат уйга кирса ҳам, чиқса ҳам Жамилнинг хотинига рўпара келар, у эса, сенларнинг касрингга биз кулфатга қолдик, дегандек ўқрайгани-ўқрайган эди. Исмат фақат Жамилнинг хотини эмас, ҳатто уларнинг болалари кўзига ҳам тик қараёлмас эди.

Аммо гап биргина бунда эмасди. Жамил ҳибсга олингандан буён, умуман, Исматнинг ичини қурт кемирарди. У, ҳар нарса бўлиши мумкин, деб аввалдан шубҳага йўл очган, энди кундан-кунга Жамилдан шубҳаланиш ортиқча эканини ҳис этар ва бундан ўзича азобланар эди.

Терговчи яна суҳбатга чақирганида, Исмат шундай кайфиятда эди.



У терговчига Жамил тўгрисида гапириб, мен куп ўйладим, Жамил айбдор эмас, бу ерда қандайдир англашилмовчилик борга ўхшайди, деди...

– Масалан? – деди терговчи.

– Биласизми, мен нега ўзи бу фалокат рўй берганига тушунмаяпман. Аввало, дадамга Жамилнингми, бошқа бировнингми қасди бўлса ёки дейлик, дадам кейинги йилларда кимнингдир қитиқ патига тегиб юрган бўлсалар, апоқ-чапоқ эмаслигимизга қарамай, мен ҳар ҳолда буни пайқамасдан қолмасдим. Унақа гап йўқ эди. Ҳуш, кейин, қотил дадам сингари кекса кишига суиқасд уюштириб, нимага ҳам эришарди? Ишониш қийин. Демак, бирон тасодиф рўй берганми ўшанда...

– Сиз билан шунча гаплашдик, лекин мана энди мақсадга бир оз яқинлашяпсиз, – деди терговчи. – Ҳуш, қанақа тасодиф?

– Мен унисини билмайман. Биз истиқомат қилаётган кучада бир қолипдан чиққан саккизта уй қатор терилиб турипти. Бу шароитда ҳар нарсани кутиш мумкин.

– Менга қишлоқда опангиз ҳам шунга яқин бир фикрни айтгандилар. Бундай тахмин менинг ўзимда ҳам йўқ эмас. Текшириш, аниқлаш керак. Мен, худди шу боисдан, ҳаммадан кўпроқ сиз билан суҳбатлашяпман.

– Нега мен билан?

– Бу тахмин ишни яна мураккаблаштиради, – деди терговчи. – Мен уйингиз атрофида айланиб, анча нарсани ўрганишимга тўғри келади.

– Уй-ку, майли, лекин мендан нимани ўрганасиз?

– Сизга нима десам экан... Менинг бошқалар билан суҳбатим, асосан, тугагандек бўлди. Сиз билан эса қизиқ бир ҳолатни сезяпман. Ҳар гал гаплашганимизда, сиз бутун кўнглингизни гўёки бўшатасиз, лекин сиз эшиқдан чиқишингиз баробарида, мен суҳбатдан яна қониқмай қолаверганимни пайқаб, фаромушланаман. Буниси ҳолва! Мен сизнинг кўнглингизда айтганингиздан кўра юз чандон куп гаплар борлигини аниқ-равшан ҳис этаман. Сиз менга ҳали бир дунё гаройиб ҳикояларни айтмай юрибсиз!

– Э, йўқ! Мен сизга керагидан ҳам ортиқ гапирдим. Дадам қолиб, мени кафтдагидек кўриб турибсиз. Ҳар гал чақирганингизда, соатлаб сўзлашамиз.

– Тўғри, ҳар гал соатлаб сўзлашамиз, – деди терговчи. – Лекин мен барибир сиз тўғрингизда айрим

оддий нарсаларни ҳам билмайман. Масалан, оиладаги турмушингиз қандай? Ҳаётингизда кимни севган, кимни севмагансиз?

– Буларга жавоб қайтариш осон. Икки оғиз сўз...

– Масалан, сиз икки марта уйланган экансиз. Биринчи марта қачон, кимга уйлангансиз? Олдинги турмушингиз қандай бўлган? Нега ажралгансиз?

– Э, мен ҳаммасини гишт қилиб териб қўйганман, дег. Яна ўзингизни гўлликка солишингизни қаранг! Дадамга буларнинг нима дахли бор? Дадам икки марта уйланмаган. Менимча, сизни шуниси қизиқтириши керак.

– Мени ҳамма нарса қизиқтиради, – деди терговчи. – Дадангиз уйланмаган. Лекин сиз янги оила қургунигизга қадар ҳам дадангиз сиз билан бирга бўлганлар. Демак, бу бевосита дадангизга ҳам тааллуқли.

– Дадам у пайтда тинч эдилар. У пайтда ҳозирги фалокат ҳам, бунақа ташвишлар ҳам йўқ эди.

– Мен сизни тушунмаяпман. Дадангиз у пайтда тинч бўлсалар, сизни ҳам маълум даражада осойишта яшаган, деб ўйлаш мумкин. Агар чиндан шундай бўлса, оилани нега буздингиз?

– Сиз бунинг учун мени айбламоқчимисиз? Дунёда оиласи бузилган бир мен эмас. Истаганча топилади бундайлар.

– Мен бунинг учун сизни айбламайман, – деди терговчи. – Мени фақат сизнинг кўпинча пала-партиш иш тутишингиз таажжубга солади.

– Мен қачон пала-партиш иш тутибман?

– Кўпинча деяпман-ку! Мисол керакми? Отанангизга нисбатан бугун муносабатингиз... Дадангизни ўзингиз Тошкентга бошлаб келиб, ўзингиз қадрига етмаганингиз...

– Бу ҳаётнинг мураккаблиги. Айтганман сизга...

– Хўп, унда Жамилга муносабатингиз-чи?

– Буларнинг ҳеч бирида пала-партишлик йўқ. Хўп, уйлангандим... Бир марта оилам бузилганига одамлар олдида уялиб, виждон азобига ўхшаш ҳолатни туйганим учун, бу ҳақда гапирмай юргандим. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Энди барибир...

– Оилангиз бузилганига нега уялиб, виждонингиз қийналади? – деб сўради терговчи.

– Шундай пайтда бу табиий ҳол...

– Сиз, бировни бахтсиз қилдим, деб изтироб чекмаяпсизми?

– Бу ерда кимни ким бахтсиз қилганини айтиш қийин... Ҳозир оилавий турмушим ўртача. Аъло даражада деёлмайман. Чунки ўз уйимда ўзимни доим бирдек бахтли ҳис этмайман. Ёмон ҳам деёлмайман. Чунки Нодирдан яқин кишим йўқ дунёда. Нодирани севганман. Олдинги хотиним Маликани севмаганман. Унга аввалдан ёлгон-яшиқ севдим, деб оғзим куйган. Ўшандан кейин умримда ёлгон гапирмасликка оғт ичганман. Бор-бўлгани шу, ишонсангиз...

– Мен тушунмайман, нега сиз ҳозиргача бу гапларни мендан сир сақладингиз? – деди терговчи.

– Ўзи одамлар билан очиқ-сочиқ кам гаплашаман. Сўнги йилларда ҳеч ким билан сизчалик ҳам гаплашган эмасдим...

– Нима учун, ахир?

– Ўз ёғида ўзи қовурилган одамнинг тили қисқа бўлади.

– Сиз ҳалиям олдинги оилангиз тўғрисида менга батафсилроқ гапирмаяпсиз, – деди терговчи.

– Энди мени гап яширишда айбламаслигингиз учун ҳам айтишим керак... Ёшлиқда ёввойироқ ўсган бўлсам керак, қизлардан дўст ортиролмадим. Тўғри, бир пайтлар қишлоқда Бахти деган қизни ёқтирганман, лекин бизнинг муносабатимиз узоққа бормаган. Тошкентга келиб ўқишга киргач, олдингидан бағтар ёввойиладим. Касбим дўхтирлик эканига қарамай, қишлоқдагидек ҳамон баъзан шеър ёзардим, баъзан рубоб чертардим, кайфиятим бўлганида куйлардим. Қизлар билан ишим йўқ эди. Мен қишлоқдан, курсимиздаги кўпчилик қизлар шаҳарлик бўлишганидан, ким биландир дўстлашишга журъат ҳам қилолмасдим. Аммо йилдан-йилга балоғатга етиб, баҳорга интиқ юрганганимни сеза бошладим. Ана шунда баҳор келди...

...Исмат ўқишни битириб, ишга кирган йили пахта терими пайтида Мирза исмиди ҳамкасби билан уни теримга чиққан ўқувчи талабаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун қишлоққа жўнатишди. Ҳаммаси улар қишлоққа келиб тушган кундан бошланди.

Колхоз раҳбарлари Исмат билан Мирзага икки хонадан иборат бир уйни ажратиб беришди. Бу хоналардан бирида улар касалларни қабул қилиб, иккинчисида ётиб-туришлари керак эди. Аммо Мирзанинг антиқа одатлари

бор эди. Колхоз раҳбарлари жой тайинлаб кетишгач, у Исматга иккала хона ҳам касал кўриш учун, унисиди сен, бунисиди мен одам қабул қиламан, деб туриб олди. Бўлмаса ўзимиз қаерда яшаймиз, деган саволга ҳам у дарров жавоб топди. Мирза, ўзимиз қишлоқдагилардан биронтасининг уйида турамыз, бу ҳар жиҳатдан маъқул иш бўлади, деди. Исмат бошда унинг нега бундай қилаётганига тушунмади. Аммо қишлоқ кўчасини айланиб, уй қидира бошлашгач, ҳамма нарса ошкор бўлди-қолди... Кўчада бири пакана, бири новча — икки бола ўйнаб юрарди. Уларга Мирза юзланди: «Ў, менга қара, сенларнинг уйларинг қайси?» Болалар йигитларга разм солишди. Ниҳоят, паст бўйли бола пахса деворли ҳовлини кўрсатди: «Анави!» — «Бўш уйларинг борми ҳовлида?» деб сўради Мирза. Паст бўйли бола: «Бо-ор!» — деди чўзиб. «Қани, юр-чи, бўлмаса... Биз ёрдамчилармиз», — деди Мирза. Паст бўйли бола олдинга тушди. Новчаси унга соядек эргашиди. Йигитлар бир тавақали эшиқдан ҳовлига киришди. «Ота-оналаринг уйдаими?» — дея паст бўйли болага яна савол ташлади Мирза йўл-йўлакай. «Йўқ. Улар далада!» — деди бола. «Сенинг отинг нима?» «Менинг отим Ўлжабой!» — деди бола. «Қани, бўш уйингни кўрайлик-чи, Ўлжабой!» Болалар Исмат билан Мирзани бир четдаги янгигина қурилиб, деворлари андаваланган, лекин оқланмаган уйчага бошлаб киришди. «И-е, чироқ йўқ экан-ку!» — деди Мирза шифтга қараб. «Ҳали чироқ утказмадик. Лекин лампамиз бор...» — деди Ўлжабой уйнинг меҳмонларга ўтиришмаганидан катталардек хижолат чеккан кўйда. «Йўқ, лампа билан иш битмайди», — деди Мирза. Кейин кутилмаганда уйга ҳеч алоқаси булмаган саволни берди: «Сигирларинг борми?». «Сигиримиз йўқ, иккита қўйимиз бор!» — деди Ўлжабой. «Қўйингни ўзинг пишириб е! Бизга эрталаб сут-қаймоқ керак!» — деди Мирза. Сўнг сўради: «Қовун-тарвуз экканмисизлар?». «Йўқ, бу йил шолгом билан турп экдик!» — деди Ўлжабой. «Турпингни ҳам ўзинг е!» — деди Мирза ҳафсаласи пир бўлиб. Исмат бу суҳбатга аччигланишини ҳам, кулишини ҳам билмасди. Улар қайтиб кўчага чиқишди. Кўчанинг бир томони қирга уланган эди. Ушанга кўтарилишди. Сурп кўйлаги енгларини шимариб олган бир йигит сал оқсоқланиб, пичан босилган кичкина галтак аравани судраб борарди. У бошланг, сочи устарада қирилган эди. Ҳаво ёнаётганига қарамай, оёғида этик.

Бир оёгининг бармоқлари қачондир гажилганми, бир пой этигининг учи йўқ, қирқиб-қайирганча тикиб қўйилган эди. Мирза йигитни тўхтатди. «Биз врачмиз. Ёрданчиларга қарагани келганмиз. Лекин сизга ҳам фойдамиз тегиши мумкин, – деди. – Бизга бўш уй керак. Ундан ташқари, чанқадиқ, аввало, бирон ерда қовун-тарвуз топилса...» «Топилади, ҳаммаси топилади...» – деди йигит. Кейин у, юринглар, деб аравасини орқага бурди. Улар кенг, узун кўйлак кийган иккита хотин дошқозонда аллақандай рангли сув қайнатиб, тери ботираётган куча муюлишига боришди. Рўпарада қамишдан тўқилган девор билан ўроглик қандайдир ҳовли кўринди. Ҳовлининг эшик-дарвозаси йўқ, фақат бир бўйра ўрнидек жой очиқ қолдирилган эди. Бояги оқсоқ йигит аравани бир чеккага қўйиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Ҳовли юзида сочи оппоқ оқарган кекса бир аёл бўйра устида жун тепкилар, бир томонда уч-тўртта ошланган тери оқариб ётарди. Терилар ёнида қизил читдан бир хил кўйлак-лозим кийиб, бошига кўк дуррача ўраган тўрт-беш ёшлар чамасидаги дўмбоққина қизалоқ. Унинг елкасида атлас камзулча. Бир енгини кийган, иккинчиси осилиб турарди. Қизчадан берида хушрўйгина жувон. У ҳам нечундир қизил кийган. Боласини кўтариб оёқчаларини кўйлагига ўраганча, кекса аёлга ора-сира кўз ташлаб нари-бери ҳорғин судраляпти. Оқсоқ йигит меҳмонларни остонадаги шолчага утиргизиб, ўзи рўпарадаги уйчадан тарвуз олиб келди. У шундан сўнг бошқа бир уйча эшигини очди. Бу оғбор бўлса керак, ҳар хил ашқол-дашқоллар кўзга ташланарди, бу ердан узун пичоқ, эски бир алюмин коса кўтариб чиқиб, яна улар ёнида пайдо бўлди. Косани тўнтариб, худди қўй суюдиган одамдек, пичоқни обдан чархлади. Ниҳоят, пичоқни ўртага қўйиб, қани, марҳамат, деди. Мирза тарвузга пичоқ санчаётиб йигитга қаради: «Бизга энди қайси уйингизни берадиган бўлдингиз, ака?». Йигит бир оз ўнгайсизлангандек бўлди. У кекса аёлга, дўмбоққина қизалоққа, боласини кўтарган жувонга бирма-бир кўз ташлаб, ниҳоят, босиқлик билан: «Уй куп, қайси бири ёқса, тураверасизлар!» – деди. Шуни айтиб, шарт орқага бурилганча, куча томон юрди.

Исмат бир карж тарвузни қўлига олди. Аммо иштаҳаси бўғилган, томоғига нимадир тиқилган эди. Мирза эса, булар

бари етмагандек, унга бундай гап қилди: «Бировникида туришнинг хосияти кўп, огайни. Еганинг олдингда...». Исмат: «Сен шу ерда турсанг туравер, лекин мен кетдим, ўзим касал кўрадиган хонада туравераман. Мен бу ерда туrolмайман!» – деди Мирзага, қўлидаги бир карж тарвузни еб-емай, беҳос ўрнидан қўзғалиб. Мирза ажаблангандек елкасини қисди.

Исмат кекса аёл билан жувоннинг, ўтирмайсизми, сиз ҳеч нарса емадингиз-ку, дейишганига ҳам қарамай, уларга ўзича миннатдорлик билдириб, кўчага чиқди-да, рўпарада ясланган бепоён, кимсасиз дала томон кетди. Унга ҳаво етмаётгандек эди. Ҳозиргина кузатган манзараси дам сайин бўгарди.

«Одам ҳам шунчалик назари паст, манфаатпараст бўладими! Йўқ, одам эмас бу Мирза!», Исмат далада боши оққан томон кетаётиб, жон-фигони чиққанча, шуларни хаёлидан кечирди...

– Мен шу куни ўзимнинг қордан қутулиб, ёмғирга тутилишимни қаёқдан билибман, дейсиз. Далада кетаётиб, беҳосдан қиргоқларида тол ўсган энсиз бир ариқ бўйига чиқиб қолдим. Ариқ бўйлаб яна кетавердим. Аммо энди кўп ўтмай, ариқнинг нариги бетида негадир гарангсиб турган бир қизга беихтиёр кўзим тушди...

...Исмат бу ерда кимнидир учратишни хаёлига келтирмаганидан, қизга таажжубланиб қаради.

Унга қиз ариқдан берига ўтмоқчи-ю, лекин қандайдир иккиланаётгандек бўлиб гуюлди. Қиз, афтидан, шаҳарлик эди. Исмат ундан шунчаки, ариқдан ўтолмаяпсизми, деб сўради. Қиз бош ирғади. Исмат ўз тахмини тўғри чиққанига суюниб, икки оёғини ариқнинг икки четига қўйганича қизга: «Келинг, ўтказиб қўяман!» – деди. Қиз бу таклифга эътироз билдирмади. Қиргоққа яқинлашиб, Исматга қўлини чўзди. Исмат унинг қўлидан тутди ва негадир бағрига босганча, даст кўтариб, бериги қиргоққа ўтказиб қўйди. Қиз уялиб қизаргандек бўлди. Исмат ҳам сал ўнгайсизланди. Аммо у орага тушган ноқулайликни бартараф этиш учун дарҳол: «Сиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?» – деб сўради. «Ўзим. Айланиб юрибман, – деди қиз. – Сиз-чи?!» Исмат гап ўз-ўзидан боғланаётганидан мамнунланиб, қизга бир лаҳза бурун рўй берган бутун воқеани гапириб берди. «Сиз олижаноб одам экансиз! Ҳар ким ҳам ҳаётда бунақа нарсалар устида бош

қотиравермайди!» – деди қиз. Исмат ҳикоя қилган воқеа қизга уни яқинлаштирганидек, қизнинг баҳоси кўнглига хуш ёқиб, Исматта уни яқинлаштириб қўйгандек бўлди. Улар танишишди. Малика химия факультетида ўқир экан. У бешинчи курсда таълим олаётганига қарамай, бор-йўги атиги иккинчи марта пахтага чиқиши эмиш. Исмат бунинг сабабини сўради. Малика саломатлиги яхши эмаслигини, юраги баъзан санчишини айтди. Исмат ёшгина қиз бу дардга нега чалинганига қизиқди. Маликанинг ота-онаси вафот этишган, бир акаси, бир укаси билан муносабати юзқўрмас даражада экан. Исмат ундан жигарбандлари билан нима учун аразлашганини сўради. Малика, улар иккиси ҳам кўрс-қўпол, одамни қадрлашмайди, деди.

Кеч қоронгуси тушгунча далада суҳбатлашиб юришди. Кейин эртаси оқшомда яна кўришишга ваъдалашишди...

Исмат кун бўйи Маликани ўйлади. Уни ўзича ақлли, кўнгли очиқ, виждонли қиз, деб улуғлади. У Исматга бўйбаста келишган ниҳоятда чиройли қиз бўлиб туюлди. Унинг қошлари қоп-қора, қалин, кўзлари сурма тортилгандек ярқироқ, қўллари нозик, бармоқлари ингичка, умуман, нақадар малоҳатли у, деб ўйлади Исмат. Дунёда бундан яхши қиз йўқ, бу сенинг манглайингга битган бахтинг, сен уни қўлдан чиқарма, деган хаёлга борди. Энг муҳими, назарида Малика ҳаётда кўп изтироб чеккан, бировнинг меҳрига зориқиб юрган қиз эди.

Эртаси оқшомда иккаласи яна далада учрашишди. Исмат Маликага ўз ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилди. Малика ҳам ота-онаси бир-бирларини қаттиқ севишганини, бири вафот этгач, орадан йил ўтиб-ўтмай, иккинчиси ҳам дунёдан кўз юмганини айтди. Унинг ҳикояси Исматга ўз ота-онаси ўртасидаги меҳр-оқибатни эслатиб, юрагини илитгандек бўлди. Исмат қизни бағрига босди. Олдин унинг қўлларидан ўпди. Сўнг, юзи, лабларидан буса ола бошлади. Қиз аввалига индамади. Сўнг, кутилмаганда, Исматни зарб билан ўзидан нарига итқитиб ташлади. Исмат нима воқеа бўлганига тушунолмай, тахтадек қотиб қолди. Малика эса, кўзларига жиққа ёш тулиб: «Сиз мени севмайсиз-ку! Нега ўзингизга бундай эрк беряпсиз?!» – деди. Исмат терга ботиб, мен сизни ёқтирдим, энди бир умр севаман, деди. Аммо Малика унга ишонмади, истеҳзоли жилмайди.

Исмат Малика билан энди куришиб турса, бутун ҳаёти узини оқлашга уриниш билан ўтишини, бунинг бахтсизлик эканини юрагининг аллақаерида ҳис этгандек бўлди. «Биз дарҳол хайрлашимиз керак. Қайтиб ҳеч қачон куришмаслигимиз керак!» деб ўйлади.

Улар икки кун кўришишмади ҳам...

Аmmo учинчи куни Маликанинг ўзи қўққисдан Исматнинг ҳузурига, у касал қабул қилаётган хонага кириб келди. Орадан ҳеч гап ўтмагандек очиқ сўзлашиб, ажабо, унга нега кўринмай қолдингиз, дегандек бўлди. Кейин Малика юраги санчаётганидан шикоят қилди. Исмат қизнинг юрак уришини текширди. Тутриси, Маликанинг юраги бир маромда урар, шикояти ўринсиз эди. Нарн борганда, унинг хасталигини зиқлик, шунчаки бир оз сиқилиш аломати, дейиш мумкин эди, холос. Исмат унга хизмат юзасидан шуни айтиб, сен ишдан қолиб, хонада биқингандан кўра, далада юриб пахта терсанг, ўзингга кўпроқ фойдали бўлармиди, деб маслаҳат бериши керак эди. Аммо Маликанинг ўзи ёнига келиб, яхши сўзлашаётгани уни қандайдир ийитиб юборди. Бунинг устига, бу қизни сен шу куйга солдинг, сен эҳтиётсизлик қилиб, унинг шундоқ ҳам мажруҳ юрагини тирнадинг, деган хаёлга бўриб, ўз-ўзидан койингандек бўлди. Муҳими, қизни яна бағрига босгиси, эркалагиси келмоқда эди. У виждонига қарши бориб, Маликага уч кун далага чиқмасликка рухсат берди. Шу куни оқшомда улар яна учрашишга ваъдалашишди...

– Малика шундан сўнг баъзан ишдан қолиб менинг қабулимга кириб туришга одатланди. Мен виждонимга қарши бораётганимни ҳис этиб, эзилардим. Нима қилишимни билмай, бошим қотганди. Ёнимда Мирзадан булак маслаҳатчи йўқ. Юрак ютиб, Мирзага маслаҳат солдим. Мирзанинг эса, нима дейиши олдиндан маълум. У мендан, бу қиз сенга чиндан ёқадими, деб сўради. Мен бош ирғагач, ёқса, юраверсин, бировни ишдан озод қилиш сенинг қўлингда, кимдир сени тергаб ўтирибдими, деди. Кейин, далага бир одам кам чиқди нима-ю кўп чиқди нима, пахта барибир ерда қолмайди, сен шунга ҳам бўғилаверасанми, деди. Мен Мирзанинг фикрига қўшилмадим. Лекин ушанда Маликанинг иродасига бўйсуниб, Мирза айтгандек иш тутишдан булак чора ҳам тополмадим. Қишлоқда кунлар шу тахлитда ўтди... Пахта пайти тугаб, шаҳарга қайтгач, Малика билан иккимиз яна кўришиб турдик. Бирга кўча кезар, сайр-томоша қилар, бир-биримизга аста-секин



урганиб қолган эдик. Мен энди орамизда дастлабки кунларда утган бутун гапларни унута бошладим. Аммо бир куни бехосдан олдинги гаплар қайтиб яна юзага қалқиди. Малика нимадир бўлиб, юраги санчаётганини айтди. Мен унга, зиёни йўқ, бу ўтиб кетади, дедим. Кейин уни авайлагим келиб, эркалаганча, боз муҳаббат изҳор қилдим. Малика эса, истеҳзоли жилмайиб, нега ёлгон гапирасиз, сиз мени севмайсиз-ку, деди. Ана шунда, мен Маликанинг юракдан никоят қилиши кўпдан буён гашимга тегиб, зур-базур бу гашни босиб юрганимни, яна шундай бўлганини пайқадим. Лекин бу муҳим эмасди. Шу палла кўнглимдан, Маликанинг бурро, ишонч билан, севмайсиз, дейиши унинг ақл-фаросати, бировни теран тушуниши нишонасими ёки бу севги борасидаги савод, тажриба белгисимикин, деган гап ўтди ва юрагимда куртак отган гашлик энди барг ёзаётганини ҳис этдим. Йўқ, мен кўнглимдаги товушни учириб, гашликли ҳайдадим. Маликанинг олдида ёлгон сўзлаган қабих одамга айланишдан қўрқиб, ўзимни оқлашга, уни чиндан севишимни айтишга ошиқдим. Унга, тахминан, сен жони жаҳонимсан, сени бир умрга севдим, севаман, дегандек бўлдим. Аммо Маликанинг лабларида истеҳзоли табассум музлаб қолган эди. У, сиз мени севмайсиз, бир куни ташлаб кетасиз, майли, йўлингиз очиқ, мен сиздан ранжиганим йўқ, ранжимайман, деди. Маликага нисбатан юрагимда қандайдир адоват, нафрат аралаш бир ҳолатни туйдим. Айни фурсатда, шошиб, телбаланиб, унга, мен сендан ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайман, хоҳласанг бугўн, хоҳласанг эртага сен билан никоҳдан ўтамиз, бирга яшаймиз, дегандек фикр билдирдим. Маликага кутилмаганда менинг таклифим маъқул келди. Хуллас, иккимиз ўша куними, эртасигами, менинг ҳам, унинг ҳам жигарбандларидан биров билан маслаҳат қилмаган ҳолда, бу ҳақда ҳаттоки жиддийроқ ўйлаб ҳам утирмай, никоҳдан ўтадиган даргоҳга бориб қолдик. Мен учун ўшанда ўз ишим тангилик, нима бўлганда ҳам, бахтсиз бир қизнинг олдида олижаноблик, валлакатлик эди. Аммо никоҳдан ўтган куни иккимизнинг уртамизда илк дафъа катта бир кўнгилисизлик рўй берди. Ўша куни нималардир харид қилмоқчи бўлиб кўча айланганимизда, Малика истеҳзоли жилмайиб мана, никоҳдан ҳам ўтдик, яқинда бирга ҳам яшаймиз, лекин мен биламан, сиз мени севмайсиз, деди. Унинг бу гапни таъна оҳангида ҳадеб такрорлаши, айниқса,

шундай кунда гапириши менинг иззат-нафсимга тегди. Бирдан бошимга қон қуюлди. «Хўп, мени қўятур. Сенчи? – дедим унга. – Сен ўзинг мени севасанми?!» Малика бошини чайқади: «Йўқ, мен ҳам сизни севмайман. Мен бошқа бир йигитни севганман!..» Бу шафқатсизлик эди... Бизнинг оилавий турмушимиз шундай бошланди! Киши кўча-кўйда сайр-томоша қилиб юрганида эмас, бирга яшаётгандан кейин бир-бирини яхшироқ билар экан. Малика ўқишни битириб, аллақайси лабораторияга ишга кирди. Унинг иши тинч эди. Аввало, ҳар куни борилмайди. Бунинг устига, кундузи соат ўн бир-ўн иккилардан соат уч-тўртгача ишласа кифоя. У ерда тартиб ўзи шунақа. Лекин шунга қарамай, Малика ишга борадиган кунда ҳам аксар юраги санчаётганини айтиб, уйда қолаверарди. Унинг уйда ҳам қиладиган ишининг тайини йўқ. Мактаблардаги синф хонасидек шифти, деворлари оқланган бир уйчада турардик. Малика ана шу ёзилмаган қогозга ўхшаган оппоқ шифтга, деворларга тикилиб ўтиргани ўтирган. Баъзан каравотда ёнбошлаб китоб ўқийди, холос. Буниси майли... У ҳаммани камситиб, ўзини ҳамма қадрлашини истайди. Мен унинг акаси Абдукарим, укаси Шарифжон билан танишдим. Булар қўрс-қўпол ҳам, одамни қадрламайдиган кишилар ҳам эмас эканлар. Аксинча, Малика уларни камситиб юрар экан. Унинг менга нисбатан муносабатида ҳам камситиш авжига чиқа бошлади. Мен нимаики иш қилмай, унга ёқмасди. Ўзининг эса қўлидан бирон иш келмасди... Ниҳоят, мен Нодира билан танишиб, энди олдинги тартибда Малика билан яшаёлмаслигимни ҳис этдим. Уйдан кетишдан бўлак иложим қолмади... Менинг биринчи оилам тарихи шу. Мана, сизга буни ҳам айтиб бердим.

– Хўп, бундай. Сиз Маликани севмаган, Нодирани эса севгансиз. Шундай экан, Малика сизни тергаганидек, сиз нега Нодирани баъзан тергайсиз? Нима учун осойишта яшашга ҳаракат қилмайсиз?

– Мен бунга ҳаракат қиламан. Лекин Нодирадан кўпроқ меҳр кутаман, шекилли. Аёлнинг беҳад эркинлигидан киши қўрқади. Буни ҳам очиқ айтишим керак.

– Бўпти. Бошқа савол, – деди терговчи. – Ойингиз вақтида Тошкентга бир келган эканлар. Сиз Маликага уйланганингиздан кейин келганмидилар?

– Ҳа, уйланганимдан кейин...

- Маликанинг ойингизга нисбатан муносабати қанақа эди?
- Ёмон эмас. У ойимни шунчаки қишлоқи бир аёл деб билар, унчалик иши йўқ эди.
- Демак, дадангиз ҳам Тошкентга келгач, аввалига сизнинг олдинги оилангизда яшаган. Шундайми? - деб сўради терговчи.
- Шундай.
- Маликанинг дадангизга муносабати қандай эди?
- Адашмасам, дадамни бир оз ҳурмат қиларди. Лекин яхши кўрмасди. Мен умуман Маликанинг дунёда кимнидир яхши кўриб, ардоқлаганини эслаёлмайман.
- Ҳалиги йигитни-чи?
- Қайси йигит?
- Малика сизга никоҳ қуни гапирган йигитни айтяпман. У ўшанда сизга озор етказиш учун жўрттага гапирганмиди ёки шундай бир йигитнинг ўзи бўлганми?
- Бўлган, албатта!
- Малика уни ростдан ҳам севганми?
- Севган бўлса керак.
- Сиз у йигитни яхши билармидингиз? - Кўрган - мисиз?
- Бир кўрганман. Яхши билмайман.
- Малика ҳам қайтиб турмуш қурганми?
- У турмуш қургани йўқ.
- Хўп, бутунча етарли. Мабодо менда савол тугилса, сизни яна чақираман.
- Чақиринг, майли...

## МАЛИКА

*(Яна бир суҳбат)*

- Сизни нега чақирганимни биласизми, Малика Бўронова? - деди терговчи.
- Йўқ.
- Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Қодир отани билармидингиз?
- Қайси Қодир отани?
- Қўйнотангиз...
- Ҳа. Нима эди?
- У киши тўғрисида кейинги пайтларда ҳеч нарса эшитмадингизми?

– Мен эримдан ажралиб кетганман. Улар билан неча пуллик ишим бор!

– Қодир ота энди ҳаётда йўқ. Қайвотангизга биров суиқасд қилган, – деди терговчи.

– Э, қачон? Мен эшитмагандим. Бечора... Охири чолнинг бошига етибди-да!

– Кимни айтяпсиз?

– Исмат...

– Нега бундай деяпсиз?

– Бошқа нима дейишим керак! У ифлоснинг кирдикорлари...

– Тухтанг! Сиз Қодир отага фожиали тарзда улгани учун ачинапсизми?

– Албатта...

– Яна?

– Хотини ўлган, ёши ўтганида ўглига эргашиб, бир хотиннинг уйдан бошқасиникига судралган одамга ачинмай бўладими?

– Хўп. Исматнинг қанақа кирдикорлари бор экан?

– У ифлос...

– Шошманг! Ҳақорат қилмасдан гапиринг. Икковларинг бир ёстиққа бош қўйиб, озми-кўпми бирга ҳаёт кечиргансизлар, – деди терговчи.

– Ҳаёт кечирганмиз. Лекин у мени икки бола билан ташлаб кетса, мен уни ҳақорат қилмасдан, бошимга кўгарайми?

– Икки бола билан? – ажабланди терговчи.

– Ҳа...

– Мен бунисини билмагандим. Чакки бўлган экан, – деди терговчи. – Лекин ҳозирча Исматнинг юзига лой чапламайлик. Турмушда ҳар нарса рўй бериши мумкин. Бундан ташқари, умуман, мени ҳақорат эмас, сизнинг фикрингиз қизиқтиради.

– У сизга ўзини яхши қилиб кўрсатган. Шунақа одати бор. Сезиб турибман. Сиз уни оқлаяпсиз!

– У менга ўзини яхши қилиб кўрсатгани йўқ. Қисқаси, сиз Исматнинг қанақа кирдикорларини айтмоқчисиз?

– Гулдай оилани бузди...

– Библишимча, оила қуришда ҳам, унинг бузилишида ҳам Исматдан кўра сиз кўпроқ хатога йўл қўйгансиз.

– Нега мен?

- Сиз Исматни ҳеч қачон севмагансиз. Тутрими?
- Мен унинг нимасини севишим керак?
- У содда, ҳар қалай зиёли одам. Биров уни севиши мумкин. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Саволга қисқагина жавоб берсангиз, - деди терговчи.
- Тутри, мен уни севмаганман.
- Сиз уни севмагансиз. Аммо бу етмагандек, унга биринчи кундан охиригача, ҳатто никоҳ кунда ҳам, севмайсан, деб таъна қилавергансиз. Ўзингиз уйланг, бунақада, ахир, оила бўладими?!
- Ёлгон гапирмасин. Мен унга ёлгон гапирганини айтганман.
- Ноумид шайтон. У ҳаётга умид билан қараган. Сиз эса унинг юрагини топтагансиз. Унга ишонмаганингиз майли, мен бошқа бировни севганман, ростини айтяпман, деб никоҳ кунда йигитнинг қалбига ханжар санчгансиз... Ёки мен нотутри гапиряпманми?
- У ёлгон гапирганидан кейин, мен шунга мажбур бўлганман. Айб менда эмас!
- Хуп, буни қўя қолайлик. Мен сиздан бошқа нарсани сўрамоқчиман. Сиз Исматни севмаган, унинг севганига ишонмай юрган экансиз, нега у билан оила қурдингиз? Сизни бунга биров мажбур қилдим?
- Бунақа иш қиз бола эмас, йигит кишига боғлиқ. У бўлса, номард, падарига лаънат...
- Бу қиз болага ҳам боғлиқ. Қиз бола ҳам муте эмас. Буни ўзингиз мендан яхшироқ биласиз. Кейин, унинг падарига тил теккизмасангиз яхши буларди. Айниқса, энди. Сизнинг бунга ҳаққингиз йўқ! Мен, умуман, ҳар бир сўзга сапчиб, бировни камситиш, ҳақорат қилаверишни аёл кишига муносиб иш деб ўйламайман.
- Менга барибир...
- Менга барибир эмас. Тутриси, мен бир пайтлардаги уз маҳрамани ерга уришдан булак нарсани хаёлига келтирмаган сиздай аёлни умримда биринчи марта кўряпман. Сизни кузатиб ўтириб, Исматни қоралаш эмас, унга сиз билан ҳаёт кечиргани учун раҳмим келяпти.
- Мен ўзимнинг қанақа аёл эканимни ўзим биламан. Бу ерга сиздан баҳо олгани келганим йўқ. Сиз уни оқлашингиз керак, тушуниб турибман.
- Хул, Исматни нимага асосланиб қоралаш керак?
- Унинг кирдикорлари... айтдим-ку! У бизни ҳеч қандай сабабсиз ташлаб кетди. Икки бола билан қолдим...

– Бола — азиз. Лекин энди болани уртага қушманг. Мен уни сабабсиз кетган ҳам деёлмайман. Бир-бирини севмагандан кейин кетади-да. Бунинг устига, у бошқа бировни севган.

– Кимни? Нодираними?

– Нодирани...

– Тўғри айтдингиз! У мендан олдин Бахти деган қизни севган... Дарвоқе, мен билан яшаётиб ҳам ўша Бахтини ўтринча кўриб турган. Кейин Нодирани...

– Бахти деганингиз қишлоқда эмасми? – деб сўради терговчи.

– Қишлоқда. Лекин Исмат акасини кўриш учун қишлоқдан шаҳарга тушиб туриш қийин эканми?

– Демак, сиз Исматни пок эмас, деб биласиз, шундайми?

– У қанақасига пок бўларди?

– Майли. Керак бўлса бу ҳақда кейинчалик яна гаплашамиз. Ҳозир эса, Қодир ота тўтрисида... Сизнинг-ча, у қандай одам эди?

– Ҳаммага ўхшаган одам-да.

– Йўқ, мени қайнотангизнинг ўзига хос хислатлари қизиқтиряпти. Сизнинг мулоҳазаларингиз?

– У киши уйда негадир зерикарди. Кўпинча кўчада юрарди. Уй олдини чопиб, алланималар экқанди. Бировнинг ишига аралашмасди. Шуниси яхши эди. У киши ўтлига ўхшаб ёлгон ҳам гапирмасди. Лекин Исматга ўхшаган томонлари ҳам бор эди...

– Масалан?

– Бир оз телба. Биров юр деган томонга судралиб кетаверади. Фурур деган нарса йўқ. Ҳайрон қоласан. Қўшилларнинг тўйи, маъракасида жонини жабборга бериб хизмат қилади. Бирон пайт ёшини ўйлаб, ақлини ишлатмайди.

– Нега бундай деяпсиз?

– Ақлни ишлатган киши қариганда қишлоқдаги уй-жойини ташлаб шаҳарда тентираб юрмасди.

– Ҳа, майли. Қодир отанинг қандай инсон эканига фаҳмингиз етмаган, дейлик. Ҳеч бўлмаганда, у кишининг ёшига ҳурмат билан қарамайсизми? Қайнотангизни вақтида яхши кўрмагандирсиз, лекин энди ҳурмат билан хотирлаш ҳам қўлингиздан келмайдими? Сиз ҳеч қачон, мен дунёда қандай яшаяпман, ўзим кимман, деб ўйлаганмисиз?

– Буни ўйлаб нима қиламан? Мен одамман!

– Одамликни сиз ўзингизча тушунар экансиз. Биламан, баъзан китоб ўқийсиз. Наҳотки, сизни китоблар шунақа тарбиялаган бўлса? – деди терговчи баттар асабийлашиб.

– Мен ўзимни ўзим тарбиялаганман. Лекин ажабланманг, китоб одамни фикрлашга ўргатади, холос.

– Хўп, энди бундай саволга жавоб берсангиз, – деди терговчи. – Сиз ҳеч кимни қадрламайсиз. Шунга қарамай, мен биламан, бир йигитни ёқтиргансиз. У ким?

– Мен балки бир эмас, унта йигитни ёқтиргандирман, сизнинг нима ишингиз бор? Мени бу ҳақда ҳисоб бериб ўтиришга мажбур қилолмайсиз...

## БЕГОНА ОДАМ

*(Исмат Буроновнинг сўроқ анкетасидан)*

– Мен сизнинг ҳозирги турмушингиз нисбатан ёмон эмаслигини ҳис этдим, ўртоқ Буронов, – деди терговчи Исматга. – Аммо сизга оғир ботадиган айрим нарсаларни ҳам суриштириш зарурати тугилди.

– Сўрайверинг. Иш тезроқ ниҳоясига етгани маъқул...

– Мен сиздан биринчи гада Нодиранинг олдинги эри тўғрисида сўрамоқчиман. Сиз уни танирмидингиз? У қандай одам эди?

– Уни танирдим. Ёши Нодирадан икки барабар катта одам. Илм оламида юриб, умрида ҳеч ким ўқимайдиган иккита китоб ёзишдан булак иш қилмаган олимлардан бири. Афт-ангори совуқ, манглайи йилтираб, чакка сочлари ҳурпайган, елкаси туртиб чиққан, паст буйли бир одам. Худди пуф десанг, ҳавога учиб кетадиганга ухшайди. Нодира вақтида унинг қўлида ўқиган. Машгулотда, мажлисларда чиройли гапиришига алданган. Шу...

– Етарли. Энди Бахти деган қиз... Сиз уни ёшлиқда ёқтирганман, деган эдингиз. Лекин кейин ҳам икковларингиз кўришиб турган экансизлар.

– Мен Бахти билан ҳозир ҳам баъзан кўришаман. У менинг ёшлиқдан дўстим. Ниҳоятда покиза аёл. Киши оғир пайтда унга суяниши мумкин. У яхши гапирганида, одамнинг кўнгли кутарилади. Аччиқ ҳақиқатни айтганида, чидамай илож йўқ.

- Демак, Бахти фақат дўстингиз, холос. Шундайми?
- Дўстим, холос. У ҳақда ёмон ўйга боришнинг ўзи қабихлик.
- Тушунарли. Хўп, сиз ўтган суҳбатимизда Малика яхши кўрган йигит тўғрисида арзирли бирон гап айтмагандингиз?
- Мен у ҳақда ҳозир ҳам бирон нарса деёлмайман. Унинг исми ҳам, ўзи ҳам менга номаълум...



## II ҚИСМ

### ИЛДИЗЛАР

#### ҚАБРИСТОНДАГИ ОДАМ

*(Бошқа бир жиноий ишни урганаётиб тўлдирилган  
варақадан)*

Мархум Қодир ота Бўронов иши билан шугулланаётган  
терговчи назарида иш кундан-кунга чигаллашиб  
кетаётгандек эди.

Қалбга қулоқ тутиб, изланавериш мумкин. Аммо  
иқир-чиқирлар кўзланган мақсадга хизмат қилмай,  
чувалиб қолаверса-чи? Ҳар ҳолда, ҳамон натижа йўқ. Бу  
етмаганидек, бир ҳамкасби хасталаниб, ушанинг қўлидаги  
ишни ҳам унга топширишди.

У истар-истамас, янги ишга тегишли қогозлар билан  
танишиб, жиноятчини ҳузурига чақиртирди.

– Мен оддинги терговчига ҳаммасини айтганман,  
– деди жиноятчи.

– Менга ҳам айтишингизга тўтри келади, – деди  
терговчи. – Чунки мен ҳали бу ишнинг нималигини  
билмайман.

– Икки ойдан буён судрашяпти. Ўзи арзимаган  
жанжал...

– Бўлиши мумкин, – деди терговчи. – Шунга қарамай,  
мен ҳаммасини қайтиб бир бошдан сўраб-суриштиришим  
керак... Хуш, қисқаси, сиз менга, аввало, ўз ҳақингизда  
икки оғиз гапириб беринг.

– Нимани гапираман?

– Оддий нарсаларни, масалан, сизнинг исмингиз  
Раҳимжон, фамилиянгиз Маҳмудов, шундайми?

– Шундай.

– Қабристонда кўпдан буён хизмат қиласизми?

– Бир йилдан ошди.

– У ерда ўзи кимлар бор? Қанча одам?

– Иккита гўрков, назоратчи, мулла, мен... беш киши.

– Сиз нима иш билан шугулланасиз? Умуман,  
аҳволингиз ҳақида гапиринг.

– Қоровулман. Турмушим жойида. Зиёратчилар кўп...  
Ош пишириб келишади. Иссиқ нон, мева-чева, оз-моз пул  
ҳам бериб кетишади.

– Билишимча, сиздан бошқа ҳамманинг — мулланинг ҳам, назоратчи-ю гурковларнинг ҳам шаҳарда уйи бор. Фақат сизгина шу ердан чиқмай яшагансиз. Нима, сизнинг уй-жойингиз йўқми?

– Йўқ. Уйим бўлса шундоқ юрармидим? Ҳеч кимим йўқ, етим ўсганман.

– Хўп, айтинг-чи, мулла билан нега уришиб қолдинглар?

– Пул устида... У мендан деярли ҳар куни чўзиб туришни талаб қиладиган бўлди. Сўнгги ойларда негадир шунга одатланди.

– Сиз шунинг учун муллани дўппослаб, кўзини чиқардингизми? – деб сўради терговчи.

– Тўғриси, бир оз ичгандим. Бўлмаса, иш бу даражага бормасди.

– Сиз хизмат қиладиган жойда ичилмайди, шекилли. Ёки бу янги расмга кирганми?

– Йўқ, айб... гуноҳ саналади. Мен ҳам ичмаётгандим. Лекин ўша куни юрагим сиқилиб...

– Барибир, бировни дўппослаб тўғри иш қилмагансиз. Мулла бир кўргандаёқ менда негадир ёмон таассурот қолдирди. У анча қабиҳ одам бўлса керак. Лекин, мулланинг ўзи афтидан калтакбоп эканига қарамай, сизни ҳам оқлаб бўлмайди. Нима деганда ҳам, сиз ўзингизни тутолмагансиз.

– Мен ўзимни оқламайман.

– Демак, айбингизни бўйнингизга оласиз, шундай — ми?

– Бўйнимга оламан. Бошқа илож қанча.

## РАҚИБЛАР

*(Исмат Буроновнинг сўроқ анкетасидан)*

– Сизга тегишли айрим саволлар бор, – деди терговчи Исматни чақириб. – Маликанинг қўлида сизнинг икки фарзандингиз қолган экан. Нега олдинги суҳбатимизда буни сир сақладингиз?

– Гапиролмадим... Болаларни уйласам, юрагим орқага тортади. Инсон ўз пуштикамаридан дунёга келган фарзандига ҳеч қачон бемехр бўлолмас экан. Аммо турмуш мени улар тўғрисида иложи борича ўйламасликка мажбур қилиб қўйди.

– Нима учун ўйламас экансиз? Болангиз! – деди терговчи.

– Тўғри. Лекин ўйласам, уларни кўргим, ёнларига боргим келади. Ўзингиз тушунасиз, мен бундай қилолмайман.

– Нега? Нодира бунга монелик кўрсатадими?

– Йўқ, Нодира индамайди. У шўрлик, аксинча, мени баъзан бориб туришга ундайди. Маликага юзланиш қийин. Кўнглим безиллаб қолган.

– Демак, Маликадан ажралгач, фарзандларингиз билан деярли кўришмай қўйгансиз?

– Йўқ, кўришиб турамиз. Лекин кам.. Одам таскин топадиган даражада эмас.

– Сиз менга, Малика ёқтирган йигитни яхши билмайман, лекин бир учратганман, деган эдингиз. Хўп, энди бу учрашувнинг қачон, қандай содир бўлганини эсласангиз.

– Ўйга болалардан хабар олгани бир борганимда, уни кўргандим. Ўшанда зинадан иккинчи қаватта кўтарилиб, эшикни секин тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Эшик қия очиқ эди. Остонада бегона одамдек саргайиб тургим келмасдан ичкарига кирдим. Аммо икки-уч қадам олдинга босиб-босмасимдан, беҳос гўхтаб, қотиб қодим. Рўпарадаги диванда сочлари қора, жингалак, кўзлари шиша парчасидек сўниқ бир йигит қўлларини боши остига қўйиб, бойваччалардек эркин, бемалол ястаниб ётибди. Малика диваннинг четига ўтирибди. Йигитнинг устига энгашиб, уни худди мушукдек ялаяпти. Мен индамай орқамга бурилиб, шарт чиқиб кетдим.

– Улар сизни пайқашмадими? – деб сўради терговчи.

– Пайқашди, албатта. Лекин шу аснода ҳаммасидан утиб тушадиган бир иш бўлди. Малика мени кўрдию истар-истамас ўрнидан кўзгалди. Бу ерда гўёки мендан уяладиган, боринги, хижолат чекадиган ҳеч нарса йўқдек, тўзиган сочларини шунчаки тартибга келтириб, юз-кўзимга бақрайди. Ҳалиги йигит эса шифтга қараб ётаверди. Мен унинг пинагини бузмаганига ҳайрон қолдим. Юрагимда уларнинг иккисига нисбатан ҳам алланечук нафрат ҳис этдим... Ўйдан чиқиб кетгач, ўзимча, эшиқдан узоқлашим биланоқ, Маликанинг яна диван четига ўтириб, хушторини ялашга тушиши, бунинг устига, менинг бемаврид келганим учун ундан узр сўрашини тасаввур қилдим. Лаҳза ичида

Маликанинг ўзимга бўлган бутун муносабатини эсладим. Кўнглим бузилиб, кўзларим ёшга тўлди... Шундан сўнг бирон йилча бормадим. Кейин болаларни соғиндим. Уларда гуноҳ йўқ-ку!

– Сиз бояги йигитни қайтиб кўча-кўйда ҳам учратганингиз йўқми? – деб сўради терговчи.

– Йўқ. Мен уни бошқа учратмадим.

## ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

*(Иккинчи жиний иш ёки Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)*

– Мен мулла билан яна гаплашдим. У, икки минг сўм тўлов берсин, кечираман, бўлмаса нима қилишни ўзларинг биласанлар, деяпти. Сиз унинг бу талабини бажара оласизми? – деб сўради Раҳимжондан терговчи.

– Йўқ. Унча пулим йўқ.

– Мен ҳам шундай деб ўйладим. Биласизми, умуман, бу иш ниҳоятда оддий. Мен мулланинг аввадан кунда сиздан пул талаб қилгани, сизни тинч яшашга қўймаганига ишонаман. Лекин гап шундаки, буни тасдиқлайдиган бирон далил топилмаяпти. Мен қабристондаги бошқа одамлар билан ҳам суҳбатлашдим. Улар бўлса, кўрмайсизми, аксинча, сизни эмас, муллани ҳақ деб айтишяпти.

– Ўзингиз тушунсангиз керак, улар муллага муте одамлар, уни фош этилари келмайди. Бунинг устига, мен ҳам тўғри иш қилмадим, албатта.

– Сиз айбингизни бўйнингизга оляпсиз, – деди терговчи. – Мулла ҳам фаришта эмаслигига қарамай, айб, асосан, сизда экани сабабли, мен рўй берган воқеа тўғрисида хулоса ёзиб, ишни бемалол судга топшираверсам бўлади. Лекин бунга ҳозир нималардир ҳалал берапти.

– Сиз менга ачиняпсиз. Ҳожати йўқ. Бундай судралиб юргандан ишнинг тезроқ бир ёқлик бўлгани яхши.

– Бу тушунарли, Маҳмудов, – деди терговчи. – Лекин мен ишни дарҳол бир ёқлик қилолмайман. Ҳали бор ҳақиқатни аниқлаганим йўқ. Хўп, масалан, мен сизга бошда чиндан ҳам бир оз ачингандим, ҳозир эса фикрим ўзгарди, унчалик ачинмаяпман, дейлик. Нега? Мен сизни аввалига, ўзингиз истамаган ҳолда, шунчаки фалокат юз бериб, безорилик қилгансиз, деб ўйлагандим. Аммо кутилмаганда

бу таассуротим тузиб кетди, сизга баҳо беришда адашганимни ҳис этдим. Чунки безорилик туфайли олдин ҳам бир қамалиб чиққанингиз менга ошкор булиб қолди. Демак, мен энди сизни бахтсизликка йулиққан одам деб эмас, балки маълум даражада жиноят йулиқа кирган киши деб билишга мажбурман. Мана, кўрдингизми, бизнинг ишимизда шошма-шошарлик кетмайди. Бу бир қарашда оддий туюлган ишни ҳам чуқурроқ урганиб, кейин хулоса чиқариш кераклигидан далолат берапти.

– Мен ўзимни оқлаб, сиздан ҳеч қачон ҳимоя кутганим йўқ. Безори дейсизми, жиноятчими, менга барибир. Айбим буйнимда. Менинг тақдирим шу. Мен сизга фақат ишнинг бекорга судралганини айтдим, холос. Мени тушунарсиз, деб уйладим. Бунақа ноаниқ ҳолатда юриш кишига қамоқдан ҳам кўра минг чандон оғир, билсангиз.

– Булиши мумкин. Лекин мен ҳозир бошқа бир нарсага тушунмаяпман... Хўп, масалан, сиз, олдин бир қамалиб чиққан киши, нега энди яна қамоққа бундай шай булиб турибсиз?

– Қўлингиздан келса, оқланг. Мен қамоққа шай булиб турганим йўқ...

## АҲМОҚ

*(Икки жиний ишнинг бирлашиши ёки Малика Бўронованинг сўроқ анкетасидан)*

– Бўронова, мени ҳозир сиз вақтида ёқтирган йигит қизиқтираяпти. Олдинги суҳбатимизда у ҳақда гапирмадингиз, – деди терговчи.

– Сиз кимни айтяпсиз?

– Сиз никоҳ пайтида Исматта у ҳақда гапиргансиз. Исматдан ажралгач, уйингизда у билан кўришгансиз..

– Мен ҳеч ким билан кўришганим йўқ. Исматга бировни гапирган бўлсам, гапиргандирман. У буни ҳаммага дoston қилиши уят! Ифлос...

– Хўп, майли. Сиз мабодо Раҳимжон Маҳмудов деган йигитни танимайсизми?

– Раҳимжон? Йўқ! Нима, ҳаммани танишим шарт эканми?

– Мен сизга қойил қолмадим, Малика Бўронова. Худди мана шу Раҳимжон Маҳмудов сиз ўз вақтида

ёқтирган йигит булади. Сиз, наҳотки йиллар давомида ўзингиз севган йигитни шунчалик тез унутиб юборган бўлсангиз?

– Сиз буни қаёқдан олдингиз?

– Мен Раҳимжон олдин бир қамалгани, Раҳимжонни севганингизга қарамай, ўшанда сиз у билан судлашганингизни ҳам биламан.

– Сизга буларнинг ҳаммасини Исмат айтдими?

– Йўқ. Исмат бу гапларни, ҳаттоки, эшитмаган. Мени Раҳимжон анчадан буён қизиқтираётганди. Лекин мен ҳам у ҳақда деярли ҳеч нарса билмасдим. Буни қарангки, яқинда кўққисдан Раҳимжон ўз оёғи билан менинг ёнимга келиб қолди. Биз танишиб, суҳбатлашдик.

– Аҳмоқ!

– Адашмасам, Исмат қолиб, сиз бу гал Раҳимжонни сўкяпсиз... Хуш, нега? – деб сўради терговчи.

– Унда зигирча виждон бўлмаганидан кейин... У сизнинг ёнингизга келиб, алақачонлар кўмилиб-чириб кетган эски гапларни кўзгаб нима қиларди?

– Сиз мени тушунмадингиз. Раҳимжон эски гапларни кўзгагани йўқ. Улар ўзидан-ўзи кўзгалди... Раҳимжон бир айб билан қўлга тушган экан. Мен бу йигитнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганишга уриниб, унинг олдинги қамалиш тарихига қизиқа бошладим. Ана шунда, биласизми, кутилмаган галати иш бўлди. Мен ҳужжатлар ичида беҳосдан сизнинг исми шарифингизга дуч келиб қолдим... Сизни бутун худди шу боисдан яна суҳбатга чақиртирдим.

– Мен қайнотамдан булак нарсани суриштирмасиз, деб ўйлагандим. У менинг хаёлимда йўқ эди... Мен Раҳимжон билан судлашганман. Тугри. Лекин айб менда эмас. Айб унинг ўзида...

– Шошманг. Менимча, энди масала аниқ! – деди терговчи. – Сиз ортиқча ҳаяжонга берилмай, бир бошдан саволаримга жавоб берганингиз маъқул. Хўп, демак, сиз Раҳимжон Маҳмудов деган йигитни танийсиз, шундайми?

– Танийман.

– Сизнинг у билан, умуман, муносабатингиз қанақа эди?

– Гапиришга арзимаydi. Ўқишга кирган йилларим бор-йўти биз фақат уч-тўрт кўришганмиз, холос...

– Шунга қарамай, дарров севишиб қолдингларми?

- Нима десам экан? У менга ёқарди. Лекин унинг авзойи ёмон эди. Мен ундан қўрқардим.
- Хуш, кейин-чи? – деб сўради терговчи.
- Кейин у менга зугум қила бошлади. Мен қўрққанимдан уни судга бердим...
- Кейин-чи?
- Судда уни қамашди.
- Сиз судланиш сабабини аниқ айтмаяпсиз.
- Айтдим-ку ҳозир, мени таъқиб қилди, қўрқдим, деб.
- Демак, кисқаси, сиз уни ёқтиргансиз. Аммо чинакам севмагансиз, шунақами?
- Севган бўлишим ҳам мумкин. Лекин биз ҳеч қачон жиддий муносабатта киришмаганмиз. Бўлмаса, мен унга эмас, Исматга тегармидим?
- Хўп, ундан кейин нима бўлди? – деб сўради терговчи.
- Қачон?
- Исматдан ажралгач, Раҳимжон билан қайтиб кўришмадингизми, деяпман.
- Кўришдик. Лекин фақат бир марта. У қамоқдан чиққач, уйга келди.
- Сиз бунга монелик кўрсатмадингизми?
- Мен уни кўксидан итариб ташласам бўларди, албатта. Лекин ундан яна қўрқдим...
- Сиз негадир нуқул кўрқишдан гапиряпсиз. Ҳолбуки, Раҳимжонни боя бўралаб сўкканингизга қараганда, ундан қўрқадиған одамга ўхшамайсиз.
- Мен сизнинг одингизда қўрқмай гапиряпман. Унинг олдида огзимни ҳам очолмасдим. Мен унга аввалдан юрагимни оддириб қўйганман...
- Сиз менга барибир тўғрисини айтмаяпсиз, – деди терговчи. – Мен сизнинг фикрингизни эшитиб, Раҳимжон ҳақида муайян таассуротга эга бўлмоқчи эдим. Афсуски, гапимиз унмади. Майли. Керак бўлса, бу хусусда кейинчалик яна гаплашармиз. Хўп, энди қайнотангиз ҳақида гаплашайлик. Сиз Исматдан ажралгач, отани бирон ерда учратдингизми ёки қайтиб кўришганингиз йўқми?
- Кўришганимиз йўқ. Мен уларни кўриб ҳам нима қилардим?
- Буниси тўғри. Лекин у киши ўзи сизни сўроқламадими? Масалан, неваралар туфайли.

– У киши уйга келгани йўқ. Болаларни богчага, мактабга кириб бир-икки кўрган, шекилли... Сиз нега буни суриштиряпсиз?

– Шунчаки бир уй... Раҳимжон Қодир отани кўрмагани, демоқчи эдим.

– Йўқ. У қайнотамни танимасди.

– Исматни-чи? – деб сўради терговчи.

– Исматни ҳам кўрган бўлса, бир ёки икки кўргандир. Яхши билмаса керак. Менимча, қайнотам билан Раҳимжоннинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ...

## ИШҚ ДЕЙСИЗМИ?

*(Яна Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)*

– Мен сизнинг ҳамкасбларингиз билан қайтиб суҳбатлашдим. Уларнинг айтишича, кейинги кунларда, сиз мулла билан уришган пайтда, қурбон, рамазон ҳайитлари ўтиб, қабристонга одам жуда кам қатнаган. Демак, сизларнинг пул устида гапларингиз қочишининг ўзи мумкин бўлмаган. Сиз кўчадан ичиб келиб, бекорга тўполон қилгансиз. Тартибга чақирса, муллани дўппослашга тушгансиз. Рўй берган воқеа шу.

– Улар шунақа дейишяптими?

– Шунақа, – тасдиқлади терговчи.

– Мен сизга бир сўз айтсам, хафа бўлмайсизми?

– Айтинг.

– Сиз бунақа бир менга, бир уларга ишонадиган бўлсангиз, яхшиси, мени кунда чақиртирмай қўя қолинг. Билганингизни қилаверинг...

– Бўпти. Бу можарони ҳозирча қўя туриб, сизнинг ҳаётингиз тўғрисида икки оғиз гаплашайлик... Мен сизнинг олдинги қамалиш тарихингиз билан танишдим. Сиз бир пайтлар Малика деган қизни яхши кўрган экансиз, – деди терговчи.

– Маликани орага суқиб нима қиласиз? Хўп, мен уни яхши кўрганман. Ҳозир ҳам севаман... бўлдимиз? Бировнинг юрагини тирнаш...

– Мен сизнинг юрагингизни тирнамоқчи эмасман, – деди терговчи. – Мен фақат бир нарсага тушунмаяпман. Сиз Маликани сева туриб, нега бир пайтлар унга зўравонлик қилгансиз?

– Мен ҳеч кимга зўравонлик қилганим йўқ.



— Сиз унга танишган кунингиздан зугум қилгансиз. Малика буни судда айтган. У ҳозир ҳам шунга ухшаш фикрни айтяпти.

— Сиз у билан гаплашдингизми?

— Гаплашдим.

— Қачон?

— Кеча, — деди терговчи.

— • Қизиқ. Бўлмаса, қамоқдан чиққанимдан кейин, нега у мен билан яна кўришган экан?

— У сиздан кўрққан...

— Кўрққан?! Маликага шундоқ аждарни рўпара қилсангиз ҳам кўрқмайди. Мен унга умримда тирногимни теккизмаганман. Мен ушанда тухматга қолганман, холос.

— Қанақа тухмат? — деб сўради терговчи.

— У кутилмаганда ўзини иккинчи қаватдан ташлашини ким билибди, дейсиз?

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Иложи бўлса, ҳаммасини бир бошдан айтсангиз.

— Айтаман... Мумкинми, сувдан бир қултум ичсам?

— Марҳамат, — деди терговчи.

— Раҳмат... Болалигимда дадам уйдан кетган. Ойим ҳар икки гапнинг бирида, отанг ўлган, дерди. Мен уни қачондир кўрган-кўрмаганимни билолмасдим. Ақлимни таниганимда, уйда ойим, опам — уч киши турардик. Турмушимиз оғир эди. Ойим бир ерда котибалик қилар, идорада ҳам, уйда ҳам, туну кун машинка чиқиллатарди. Бугун топган-тутгани шунчаки рўзгор тебратишга кетар, купинча даромадироқ касб танламаганидан инжиб юрар эди. Биз учун янги бир кийим харид қилиш, ойда-йилда сайр-у томошага чиқиш муаммо! Буни қўяверинг, баъзан уйда ҳаттоки оддий нон-тузга зорикқан пайтларимиз буларди... Йўқ, дадам ўлмаган экан, мактабда ўқиб юрганимда у аллақайси байрам олдидан кутилмаганда мени кўргани келди. Танаффус пайти эди. Биров дабдурустан ёнимга келиб, мен сенинг дадангман, деди. Дадамни бундай учратиш хаёлимга сигмаганига қарамай, мен унинг рост гапираётганини ҳис этдим. Аммо негадир суюнмадим. Қотиб қолганим ҳам, ортиқча ҳаяжонланганим ҳам йўқ. Дадам эса яна, мен сени согинаман, лекин ойингни кўргим келмайди, шунинг учун уйга бормаيمان, деди. Узича елкамдан қучиб, бағрига босган бўлди. Кейин апил-тапил гижимланган иккита бир сўмликни чўнтагимга тиқиб,

алланечук ўнгайсизланган ҳолатда мактаб ҳовлисида тез чиқиб кетди. Дадам шундан сўнг мактабни битиргунимча менга ора-сира шундай кўриниш бериб турди. Умуман, мен дадамни ҳаётим давомида бор-йўғи беш-олти учратганман, холос... Опам мактабни битиргач, ойимнинг қистови билан институтга кирди. Ойим менинг ҳам ўқишимни истарди. Аммо мен тезроқ уй-рўзгорга ярашни ўйлаб, ойим билан кўп маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай, қурувчиларга илогирд тушдим. Тез орада оёққа туриб, ишларим юриша бошлади. Ана шунда бир куни қўққисдан Малика билан танишиб қолдик...

– Кечирасиз... Дадангизни кейин учратганингиз йўқми? – деб сўради терговчи.

– Йўқ.

– Нега?

– Мен дадамнинг қаерда ишлашини ҳам, қаерда туришини ҳам билмасдим.

– У кишининг ўзи сизни суриштирмадими?

– У суриштириб, топмаган бўлиши ҳам мумкин, айтиш қийин... Биз Малика билан жуда оддий танишганмиз. Бир куни ишдан қайтаётиб, бекатда автобусни узоқ кутишимга тўғри келди. Талабага ўхшаш қандайдир қиз ҳам автобус кутаётганди, иккимиз гаплашиб қолдик. Мен унга пиёда кетаверишни таклиф қилдим. У сал иккиланган кўйда розилик берди. Йўлда унинг қаерда ўқишига қизиқдим. Ўз навбатида, у ҳам менинг кимлигим, касби-коримни суриштирди. Шу йўсин танишиб, учрашиб туришга қарор қилдик... Икки йилча дўстона учрашиб юрдик. Лекин мен бу орада, Малика жигарбандлари гамхўрлигидан маҳрум, ёлғиз яшаганини яхши билганимга қарамай, бундан фойдаланиш, унинг уйига бостириб киришни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Биз деярли ҳар куни кўчада кўришардик. Мен уни уйигача кузатиб, изимга қайтардим. Бир оқшом Маликанинг ўзи мени уйга таклиф қилди...

– Кечирасиз. Бу Малика ҳозир ҳам турган уйми? – деб сўради терговчи.

– Ҳа, ўша. Уйни унга акаси олиб берган.

– У турмуш қурганида ҳам шу ерда яшаганми?

– Шу ерда.

– Демак, қисқаси, сиз унинг ўша пайтда ёлғиз туришини тўғри қабул қилгансиз, шундайми?

– Мен буни тўғри қабул қилганман. Буй етиб, уйдагилардан ажраб чиққан қизлар ҳозир оз эмас. Унга

фақат юрагим ачишган... Уша кунни биз бир хонали уйга кирдик. Уйда диван, стол, иккита курси, телевизордан бўлак нарса кўзга ташланмасди. Мен туш кўраётгандек гаранг ҳолатда, андак қисиниб, курсилардан бирига ўрнашдим. Малика очиққанини айтиб, гўшт қовуришга тутинди. Мен унинг изидан ошхонага чиқдим. Бехосдан ошхонадаги шкафта идиш-товоқ, чойнак-пиёла, ҳар хил қутичалардаги дориворлардан ташқари, уч-тўртта ичимлик шишаси ҳам борлигига кўзим тушди. Хаёлим сал қочгандек бўлди. Ёлғиз турган қиз болага ичимликнинг нима кераги бор? У баъзан, дейлик, ўзи ичиб турадиган бўлса, бу яхшилиқдан нишона эмас. Бировлар бу ерга келиб ичадиган бўлишса, буниси ундан ҳам баттар... Малика менинг хаёлим қочганини сезмади. У ҳаш-паш дегунча дастурхон тузаб, ҳалиги шишалардан бирини дастурхонга қўйди. Биз тамадди қилиб, оз-оздан ичишдик. Ичимлик менга осойишталик бахш этмади. Аксинча, энди хаёлим қочгандан қочаверди. Маликанинг ҳамиша ўзини эркин тутиши, ҳозир ҳам эркин тутаётганини уйлаб, негадир уни синагим келди. Мен Маликани қучиб, эркалай бошладим. Бир маҳал тун ярмидан оққанини пайқадим. Ўзимча кетишимни ҳам, ўтираверишимни ҳам билмасдим. Малика эса бу ҳақда индамасди. Ўзингиз тушунасиз, бундай пайтда шайтон васвасасидан қутулиш қийин. Маликанинг ниҳоятда бепарволиги менга гўёки далда бергандек бўлди. Мен кўнглимда бу оқшом унинг уйида қолаверишга қарор қилдим. Мен уни яна эркалашга тушдим. Маликанинг ажабтовур одати бор. Ўзи сенга қучоқ очади, аммо яқинлашгач, кўксингдан итаради. У куча-қўйда юрган пайтларимизда ҳам кўпинча шу тахлитда иш тутарди. Уша кунни яна шундай бўлди. Мен ундан голиб келишни ўйладим. Аммо у қутилмаганда дераза олдида бориб, мени тинч қўймасангиз, ўзимни кўчага ташлайман, деди. Буни у шу қадар осойишта, алланечук илжайиб айтганидан, чиндан шундай қилишига ишониб мумкин эмасди. Аммо мен унга, лўписа қилмай қўя қол, деб кулимсираганимни биламан, ўзини бирдан кўчага отди-қўйди.

– Судда ишни чуқурроқ ўрганишмадими? – деди қизиқиб терговчи.

– Ўрганишди. Лекин мен ўшанда катта бир хатога йўл қўйдим. Мабодо, Маликани севмайман, унга

уйланиш ниятим йўқ, десам, унинг тескари феъли тутиб, эҳтимолки, мен уни яхши кўраман, тегмоқчиман, деб мени ҳар қандай бало-қазодан қутқарарди. Мен эсам, бизни юзлаштиришганида, уни севганим, унга аслида уйланмоқчи бўлиб юрганимни айтдим. Малика, башараси қурсин, уни кўргим йўқ, деб туриб олди. Натижада, мен худди унинг уйига бостириб кириб, унга зулм ўтказган кишига айланиб қолдим.

– Ойингиз билан опангиз бу воқеага қандай муносабатда бўлишди?

– Улар мендан юз ўтиришди.

– Улар сизни жиноятчи деб билишдими? – деб сўради терговчи.

– Йўқ. Ойим билан опам одам танимаганим-у улар билан бамаслаҳат оёқ босмаганим учун мени кечиришмади.

– Судга барибир келишгандир?

– Келишди. Лекин худди бегонадай ўтиришди.

– Қамоқдан чиққанингиздан кейин уларнинг ёнига бормадингизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Ойим суд пайтида, бундай углим йўқ, деб оқ қилган эдилар.

– Мен билмадим, лекин она нима қилганда ҳам — она!

– Йўқ, ишонинг, улар мендан аллақачон қўлни ювиб, қўлтиққа уришган. Мени кечиришмайди. Қамоқда юрган пайтим, уларга бир эмас, ўнлаб хат ёздим. Лекин ақалли биронтасига, майли, мени сўкиб-қаргаб бўлса ҳамки, жавоб ёзишмади.

– Хўп, сизнинг аввалдан бундай оғзингиз куйган экан, Малика билан нега қайтиб учрашдингиз? – деб сўради терговчи.

– Қамоқдан кейинми?

– Қамоқдан кейин.

– Мен уни узимча таҳқирлаб, ундан ҳаммаси учун интиқом олмоқчи эдим.

– Демак, яхши кўрганингиз учун унинг ёнига бормагансиз?

– Ким билсин, балки яхши кўрганим учун боргандирман. Айтиш қийин... Умуман, тўрт-беш кун

қаердадир туришим ҳам керак эди. Беихтиёр Маликанинг уйига бориб қолдим.

– Гапингизга қараганда, сиз қамоқдан кейин Малика билан фақат бир марта куришганингиз йўқ. Унинг уйида маълум муддат яшагансиз. Шундайми?

– Бошқа иложим йўқ эди.

– Хул, кейин қаерда ҳаёт кечирдингиз?

– Дуч келган жойда... Кўп шаҳар, қишлоқларда булдим. Ҳар ер-ҳар ерда бир йил, ярим йилдан тентираб юрдим. Охири ҳозирги жойга келдим.

– Қабристонда юрган пайтингиз Малика билан куришганингиз йўқми?

– Йўқ. Мен бир оз яшаб, унинг уйдан кетгач, қайтиб боришга оёғим тортмади.

– Сиз борган уша уйда Малика гурмуш қурган, эри билан бирга яшаган. Маликанинг қайнотаси ҳам уларникида турган... Сиз уларни танимасмидингиз?

– Йўқ. Мен уларни танимасдим. Мен келганимда, умуман, Маликанинг аҳволи қандайлигини билмасдим. Узимча, у мени барибир кутгандир, деб ўйлагандим. Қолганини у менга айтди...

– Сиз унга хат ёзмаганмидингиз?

– Йўқ, мен унга ёзишим қийин эди...

## УН ГУЛДАН БИР ГУЛ

*(Малика Буронованинг сўроқ анкетасидан)*

Терговчи Малика Буроновани ҳузурига чақиртириб, унга рўйроҳ:

– Сиз билан бир нарсани келишиб олайлик, ўртоқ Буронова, бу гал ёлгон гапирмасангиз. Раҳимжон тутрисида айтган гапларингиз кўпи тасдиқланмади, – деди.

– Нимаси тасдиқланмади?

– У билан муносабатингиз бошқача булган экан.

– Наҳотки, сиз Раҳимжонга ишониб, менга ишонмасангиз.

– Сизга-ку, ишонгим келади. Шунинг учун ҳозироқ Раҳимжонни чақириб, икковларингни юзлаштирмоқчиман.

– Йўқ, илтимос, чақирманг. Мен ўзим...

- Сиз ундан қўрқаяпсизми? – деб сўради терговчи.
- Йўқ, қўрқмайман. Лекин у билан юзма-юз гаплашиш...
- Демак, ўзингиз энди тутгисини айтаверасиз, шундайми?
- Айтаман.
- Булмаса, менга айтинг-чи, сиз Раҳимжон билан дўстлашиб, нега вақтида уни уйга таклиф қилгансиз?
- Мен шунчаки гаплашиб ўтиришни ўйлагандим. Унинг ўзини туголмаслигини билмагандим.
- Биров билан уйда ярим гунгача ўтириш, ҳар ҳолда ўзингиз тушунишингиз керак эди... Кўчада гаплашиб юришингиз етарли эмасмиди? Ўзбек қизи...
- Мен бир оз эркин ўсганман. Бундай оқибатини хаёлимга келгирмаган эдим. Ўзим бунинг жабрини тортдим. Ойлаб касалхонада ётдим.
- Хуллас, Раҳимжон қамоқдан чиққанидан кейинчи? Нега уни яна уйга киритдингиз?
- Мен эрга текканим учун унинг олдида узимни айбдор ҳис этдим.
- Ахир, олдинги муносабатлар буни тақозо қилмасдику, шундай эмасми?
- Аламдан шундай қилган булсам керак. Бунга Исмат айбдор.
- Тушунмадим, – деди терговчи.
- Исмат бошқа хотинникига кетмаса, мен ҳам балки Раҳимжон билан қайтиб кўришмасдим. Уни уйга ҳам киритмасдим.
- Менимча, Исматнинг бунга алоқаси йўқ. Сиз ҳамма гапга Исматни тиқиштириб, ўзингизни оқлашга уриняпсиз.
- Менга ҳам бир оз раҳмингиз келсин. Мен аввалдан қандайдир қарғишга қолган одамга ўхшайман. Яхшиликни истаб, нимаики иш қилмайин, охири ёмонлик бўлиб чиқади. Нега бундай? Билмайман... Мен Раҳимжонни севганман. У ҳам мени ёқтирарди. Лекин биласизми, ўшанда унинг менга нисбатан муносабати қандайдир аниқ эмас эди. У икки йил бирга юриб, масалан, бирон марта, ақалли кўнгил учун, бундан кейин турмуш нима бўлиши, орзу-умидлари ҳақида оғиз очгани йўқ. Афтидан, мен билан қўлтиқлашиб юрса, бас, бошқа ҳеч нарсани ўйламас эди. Ундан йигитга хос оддий журъат-жасоратни кутавериб, тинкам қуриди.

Ниҳоят, уни уйга чақирдим. Жўрттага ичимлик харид қилдим. Лекин у ҳаракатимни нотўғри тушунди. У менга ишонмаслигини ҳис этдим. Бу менга оғир ботди. Ушанда гўёки хароб бир деворга суяниб, девор билан бирга йиқилган одамдек бўлдим. Мен Раҳимжонни барибир кутардим. Бошимиздан кечган бутун фожиага қарамай, турмуш изга тушиши ҳам мумкин эди. Лекин бу орада Исмат йўлимдан чиқиб, сени севаман, деб ҳоли жонимга қўймади. Кейин у менга эр бўлиб, эрлик қилолмади, эзмаланишдан нарига ўтмади. У билан ҳаттоки чинакам дустлашолмадик ҳам.... Сиз менинг қанчалик бахтсиз эканимни билсангиз эди! Аввал етим қолдим. Кейин акам, укамдан етарлича меҳр кўрмадим. Улар уст-бошимни, оч-тўқлигимни ўйлашди, холос. Бирон пайт кўнглимдан нималар кечаётганига қизиқишгани йўқ. Ҳозир ҳам қизиқишмайди. Менга умрим бино бўлиб, биронта ҳимоячи топилмади. Дунёда билганим ёлғизлик. Мана, энди ун гулимдан бир гулим очилмасдан сўла бошладим. Сиз менга ҳам осон деб ўйламанг, ҳар қалай...

– Сиз одамларга енгил-елпи муносабатда бўлмаслигингиз кёрак эди...

– Мен нима қилибман уларга?

– Масалан, сиз Раҳимжонни севганингизга қарамай, қанчалик ўзингизни оқламанг, барибир, унинг қамалишига сабабчи бўлгансиз. Эрга тегиб, у билан хайрлашган ҳолда, уни яна бемалол уйга киритгансиз. Бу хатти-ҳаракатлар барчаси бир-бирига зид! Кўним бўлмаган ерда ўйин бўлади! – деди терговчи.

– Билмадим. Эҳтимол... Лекин сиз ҳам мени тушунишга ҳаракат қилсангиз. У қамоқдан келганда, унга ачиндим. Балки мен уни бахтсиз қилгандирман, деб ўйладим. Бунинг устига, у қаердадир яшаши керак эди. Мен сигдирмасам, унга бошқа бировнинг кўзи учиб турмаганини ҳис этдим. Қолаверса, бир-биримизни ҳар қалай севганмиз... Исмат кетгач, ўзимга-ўзим хўжайин бўлиб қолдим, кўнглим буюрганича иш тутдим. Мени бунинг учун қоралашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

– Сизга ортиқча ҳеч нарса демайман. Лекин бир куни болаларингиз сизни қоралашни мумкин. Уларнинг олдида, отаси уйдан кетгач, бировнинг уйга келиб, маълум муддат сиз билан яшагани хунук иш бўлган. Сиз ўша пайтда болаларнинг эртанги кунини ўйласангиз, балки бундай

қилмасмидингиз? Бу воқеалардан кейин болаларингиз қандай одам бўлиб етишишаркин?

– Буни мен эмас, Исмат ўйлаши керак эди. У ота!

– Яна Исмат... Тугри, Исмат ўйлаши керак, – деди терговчи. – Лекин сиз унинг болалар билан оддий бир мулоқотига ҳам кўпинча имкон бермагансиз. Бундан ташқари, улар оддидаги масъулиятдан сизни ҳам ҳеч ким соқит қилолмайди. Мен эртанги кунда бу болалардан Раҳимжон сингари кишилар чиқишидан қўрқаман. Буни тасаввур қилиш даҳшатли...

– Менинг болаларим унақа бўлишмайди.

– Сиз бунга ишонасизми?

– Ишонаман.

– Нима ҳам дердим, айтганингиз келсин! Лекин ўшанда, менинг бундай фарзандим йўқ, деб улардан юз ўтирмасангиз бўлгани. Инсон иморатта ўхшайди. Унинг ҳаёти биринчи гишталарни терган пайтдан бошланади... Хўп, қисқаси, мақсаддан бир оз узоқлашдик, изимизга қайта қолайлик. Сиз бундай саволга жавоб берсангиз. Раҳимжон сиз билан яна кўришгач, тахминан қанча вақт сизникида ҳаёт кечирди?

– Икки ойдан кўпроқ.

– Кейин кетдимиз?

– Кетди.

– Нега?

– Ўзи... Бир куни қўққисдан келганидек, қўққисдан ўйни тарк этди.

– Сиз унинг кетишига монелик билдирмадингизми?

– Йўқ, ҳаддим сигмади.

– Бир нарсага тушунмаяпман. Бир-бирларингни севгач, жиддий яшашни ўйласанглар бўлмасмиди?

– Биласизми, менинг бошда шундай фикрим йўқ эмасди. Лекин Раҳимжон кундан-кунга ўз-ўзидан асабийлаша бошлади. Болалар билан тил топишолмади. Менга эса ҳаммадан бурун болаларимга ота керак эди. Бунинг устига, у ҳадеганда ўйни ўйлаб, бирон ишнинг бошини тутмади. Мен унинг ўзимга нисбатан муносабати, худди бир пайтлар бўлганидек, ҳамон аниқ эмаслигини ҳис этиб, нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Лекин индамадим. Ўзи бир куни уйдаги лаш-лушларини йиғиштириб, сен билан ортиқ туролмайман, кетдим, деди.



– Икки ойдан купроқ вақт ичида сизлар, нима қилганда ҳам, ўзаро анча-мунча нарсаларни гаплашган бўлсангизлар керак, тўғрими?

– Тўғри. Лекин, умуман, биз унча очилиб гаплашмасдик.

– Нега?

– Қайси мавзуда сўз юритмайлик, гап менинг ёки унинг ҳаётига бориб тақаларди. Менинг турмушимни эслаш унга, унинг ҳаёти тўғрисида уйлаш менга огир эди.

– Шу орада Исмат, Қодир ота тўғрисида ҳеч гаплашганларингиз йўқми?

– Ким билсин, гаплашсак гаплашгандирмиз.

– Эсланг.

– Тахминан Исмат билан чиқишолмай ажрашганим... Кайнотам янги келиннинг уйига кетгани...

– Раҳимжон бу гапларни, одатда, қандай қабул қиларди?

– Лоқайд эди. Баъзан тиржайиб қўярди, холос... Адашмасам, фақат бир гал шунчаки, улар ҳам янги шаҳарда туришадими ёки эски шаҳардами, деб сўраганди.

## УЧ КИШИ

*(Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)*

– Мен, тўғриси, гапни нимадан бошлашимни билмай турибман, – деди терговчи. – Шу кунларда ўзимча кўп нарсани уйладим. Айрим саволлар тугилди. Аммо уларга сизнинг очиқ-ойдин жавоб қайтаришингизга кўзим етмаяпти.

– Сўранг. Фақат, илтимос, сиз ҳам оддинги терговчига ўхшаб ишни ойлаб судрамасангиз. Силлам қуриди. Маҳкамангиз атрофида айланганим айланган. На кўча, на иш жойим, на бу ерда биров бошини кўтариб, юзимга қарайди. Мен жиноятчиман, одамларга бахтсизлик келтиряпман, деб овозим борица бақиргим келади. Ўзим севган қизни, огир кунимда суяб, паноҳига олган кимсани, майли, у қанчалик қабиҳ бўлмасин, барибир, мажруҳ этганимни ҳеч ким оқлаёлмайди. Аҳволимни, шу сўзларимни инобатта олсангиз.

– Хўп, инобатта оламан, – деди терговчи. – Масалан, сиз қамоқдан чиққанингиздан кейин Малика билан яшаб қолаверсангиз бўлмасмиди?

- Йуқ, ундай қилолмасдим.
- Нима учун? Малика сизни кутмасдан, дарров эрга теккани учунми?
- Гап унинг эрга текканида эмас. Қамоқда юрганымдаёқ у шундай қилишини билгандим.
- Демак, Маликанинг бошқа бировдан болалари бўлгани сабабли...
- Болаларда гуноҳ йуқ. Мен уларни орага қушмайман.
- Унда нима халал берди? Ахир, сизнинг Маликадан яқин кишингиз ҳам, аниқ турадиган жойингиз ҳам бўлмаган. Шундай экан, нега у билан яшаб қолавермадингиз?
- Биласизми, қамоқдан чиққанимда, ўзимча Малика меники, деб ўйлагандим. У билан кўришганимда ҳам аввалига шундай бўлиб туюлди. Лекин бирга тургач, кундан-кунга энди бу Малика меники эмаслигини сеза бошладим. Охири бўлмади.
- Мен тушунмаяпман. Сиз, масалан, унинг феъл-атворида жиддий бир ўзгариш пайқаб...
- Йуқ... Маликанинг феъл-атвори, асосан, бир пайтлардагидек эди. У ҳамон уйда бирон иш қилишдан кўра кўпроқ ёнбошлаб ётиб, китоб ўқишни ёқтирарди. Ўзини эркин тутиши билан аёлдан кўра кўпроқ йигитларни эслатарди. Одамларга андак кинояли, камситиб қарайди. Унинг ҳаттоки олдинига қучоқ очиб, кейин силтаб ташлаш одати ҳам йўқолмаган. Қисқаси, гап феъл-атвор устида эмас. Мен Маликанинг ўзини айтяпман... Малика олдинлар озми-кўпми ҳар ҳолда иффати кетмаган, юз-кўзи очилмаган қиз бола эди. Энди у бошқа бировнинг оғушини кўрган, ҳаётига бошқа бировларнинг номи ёзилган аёлга айланганди. Мен кундан-кунга энди уйда бегона бир руҳ кезгани-ю, Маликага ҳам кимларнингдир ҳиди ўрнашганини англадим. Ўзимни худди бировнинг устидаги кийим билан кўчага чиққан одамдек ҳис эта бошладим. Ниҳоят, ёшлиқни қумсаганим, ўтган кунни қидириб адашганимга ишонч ҳосил қилдим.
- Сиз фақат шунинг учунгина уйдан кетдингизми?
- деб сўради терговчи.
- Менимча, бунинг ўзи арзимаган гап бўлмаса керак. Очигини айтсам, бундан ташқари, Малика билан кўришгач, юрагимдаги бутун алам босиладигандек туюлганди. Лекин унинг ёнига келгач, юрагим баттар кўпириб-тошиб, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим.

– Сиз оддинги суҳбатимизда бир саволга чала жавоб берган эдингиз. Айтинг-чи, Малика билан қамоқдан кейин, умуман, кўришмай қўя қолсангиз бўлмасмиди? Бунга сизни кўпроқ, қайси ҳиссиёт мажбур қилди? Муҳаббатми, ўчми?

– Билмадим. Айтишим қийин. Иккиси бирга бўлиши ҳам мумкин.

– Сиз Маликани нафрат билан севгансиз. Тушунарли. Лекин айтинг-чи, булардан қайси бири кучлироқ эди — мени шу қизиқтиряпти.

– Тушунтириб беролмайман. Маликани бир умрга севганман. Интиқом олишни уйлаганим билан, ўзингиз тушунсангиз керак, унинг нимасидан ҳам интиқом олардим? Мен ўз ёгимда узим қоврилиб қолавердим. Маликанинг уйида қандай юрган бўлсам, шундай чиқиб кетишдан бўлак ҳеч нарсага қурбим етмади.

– Хўп, кейин-чи? Маликанинг ўрнига бошқа бировдан ўч оддингизми?

– Кимдан? Э, гап буёқда, денг. Сиз Маликани кавлаштириб, бу ишдан ҳам менга айб тўнкамоқчи экансизда. Сизнинг касбингиздаги одамга ишониб бўлмаскан ўзи!..

– Мен сизга айб тўнкамоқчи эмасман. Фақат сизнинг қамалиб чиққач, қаерларда, қандай юрганингиз, нималар қилганингизни кўз оддимга келтиролмаёпман. Сиздаги интиқом ҳисси қаёққа кетди? Балки, юрагингизда алам бўлганидан бировни дўппослагандирсиз?

– Бу ишга муллани аралаштиришнинг ҳожати йўқ. У ўз йўлига. Мен уни аламдан эмас, аҳмоқлигимдан, бахиллигим тутганидан дўппослаганман. Ичмаганимда, эҳтимол, ундай қилмасдим. Мулланинг олдида айбдорман — гапнинг индаллоси шу. Сиз қайта-қайта таъкидлаётган интиқом эса мана бу ерда... кўкрагимда турипти. Уни ўзим билан бирга гўрга олиб кетсам керак. Сиз аҳволимни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

– Булти. Бу гапни шу ерда тўхтатамиз. Ҳозирча бундай саволга жавоб бера қолинг... Сиз қамоқдан чиққач, масалан, бошқа бирон ерда ишладингизми ёки биринчи келган жойингиз қабристонми? — деб сўради терговчи.

– Келган жойим шу ер.

– Астойдил ишлашни уйлаб, озодликка чиқишингиз билан бирон арзийдиган ишнинг бошини тутсангиз, ёки, дейлик, қурувчилик касбингизга қайтсангиз бўлмасмиди?

— Шунақа ниятим бор эди. Лекин мен бормаган эшик қолмади. Қамалган одамнинг қисмати маълум. Қайси идорага бош суқма, биров сенга ақалли эшикни бундай кенгроқ очгиси келмайди. Айбинг — бўйнингда тавқи лаънат, тентираб юраверасан. Мен бошқа бирон ишдан қочганимдан эмас, ўлганимнинг кунидан у ерни танлаганман.

— Хул, Тошкентда Чигатой, Минор, Камолон дегандек бир неча қабристонлар мавжуд. Сиз нега янги шаҳардаги бу қабристонда ишлашга қарор қилдингиз?

— Бунинг бошқаларидан ҳеч бир фарқи йўқ. Мен кучада кетаётиб, йўл устида шу ёққа кўзим тушди. Тўғри кириб боравердим.

— Сиз, демак, Маликанинг эри, қайнотаси қабристон муюлишидаги янги уйлاردан бирида туришганидан хабарингиз бўлмаган, шунақами?

— Сиз нега ҳадеб икки гадан буюн мендан уларни суриштиряпсиз? Мен тушунмаяпман! Уларга ўзи бирон нима бўлган эканми?

— Демак, сиз буни ҳам билмайсиз?

— Сизнинг бу саволингиз ҳаммасидан ўтиб тушди-ку! Мен уларни танимаганимдан кейин, уларга нима бўлганини қаёқдан биламан?

## МУЛЛАНИНГ ТУШУНЧАСИ

*(Ёки иккинчи жиноий иш бўйича суҳбат)*

Терговчи қабристондаги мулла Шамсуддин билан янги ишни қўлга олган кунлари бир марта суҳбатлашган, у Раҳимжонга айтганидек, мулла чиндан ҳам унда ёмон таассурот қолдирган эди.

Терговчининг столи устида анча кундан буюн бир варақ қоғоз ётар, бу қоғозга мулла Шамсуддиннинг Раҳимжондан тўлов сифатида икки минг сўм пул талаб қилиши тўғрисидаги даъвоси ёзиб қўйилган эди. Терговчи бу қоғозга ҳар гал кўзи тушганида асабийлашар, ижирганар эди.

Шунга қарамай, муллани чақиртириб, осойишта суҳбатлашишга уринди.

Терговчи муллага қоғозни курсатиб, биринчи навбатда, унинг Раҳимжонга муносабати ва бу даъвонинг жиддийми, ножиддийлигини суриштирди.

Мулла Шамсуддин терговчининг саволига шошмасдан, узоқ, дона-дона қилиб жавоб қайтарди...

– Мен, бутам, сизнинг айрим каттаконлардек турдан туриб эмас, мана шунақа рўпарамга ўтиб, ўтириб гаплашишингизни кўлдан бўён кутаётгандим. Бир йиллари, сиз буни билмасангиз керак, ёш бўлгансиз, нотиқларни муллаларга таққослаб, газитга уришганди. Мулла сандалда ўтириб, ташвиқот ўтказади, нотиқлар бўлса, минбарга ёпишиб олишган, бунинг устига, кўпинча одамдек жиддий гапирмай, аравани қуруқ олиб қочишади, дейишганди ўшанда. Ҳозир ҳам идораларда сизлар гоҳо фуқарога осмондан туриб муомала қиласизлар. Менимча, одил ҳукумат сизларга, шундай қилгин, деб ўргатмаган бўлса керак... Раҳимжонни сўрадингиз. Раҳимжон менга, отасидек одамга қўл кўтарди. Буни на мен билган шарият, на сиз тушунган тариқат тўғри дея олади. Лекин, бутам, у эртаси куни мабодо оёғимга йиқилиб, мендан узр сўраса, мен уни шу фурсат маъзур тутиб кетаверардим. Ҳукуматга хат битиб ҳам юрмасдим. Раҳимжон буни лозим кўрмади. Мен ҳозир ҳам уни маъзур тутмоққа мойилман... Алҳамдулиллоҳ, кўзим шифо топди, духтирларни, одампарвар ҳукуматимизни дуо қилишдан бўлак муддаом йўқ. Сизнинг иродангиз унга озодлик бериш бўлса, марҳамат, мен бунга мухталиф эмасман. Фақат Раҳимжон қабристондан йироқлашсин. Минбаъд менга кўринмасин. Дунё кенг... Энди пул масаласи. Мен Раҳимжоннинг шароитини биламан. Мен у гапни азбаройи газаб тулпорига минганимдан айтдим. Учириб ташланг. Менда пулга ҳеч қандай лозимият йўқ.

– Раҳмат, тақсир. Сиз бир эмас, кўп саволларга бирйўла жавоб қайтардингиз, деди терговчи. – Менга қилган ўгитингиз ҳам ўринли бўлди. Аммо сиз пул борасида қисқа гапирдингиз, мен яхши англаёлмадим. Мен сизни, Раҳимжондан ҳамиша пул талаб қилгансиз, деб эшитгандим. Бу ёлгонми? Агар бу рост бўлса, нега ундай қилганингизни тушунтирсангиз.

– Бу айти ҳақиқат, бутам. Мен Раҳимжондан тез-тез бир қисмдан пул талаб қилганман. Локин бу пул менинг киссамда эмас, жамоадан келган иона сақланадирган сандиқда турипти. Раҳимжонда сари-сомон йўқ. Мен бир оз пул жамгашиб, Раҳимжон гузардаги бирон бева-бечора

билан хонаи жой қилсин, одамдек турсин, деган мудаода эдим. Насиб этмади.

– Демак, пул тугрисида бошқа гапириб утиришининг ҳожати йўқ, – деди терговчи. – Бундан ташқари, сизнинг ҳозирги ранги-руйингиз, Раҳимжон тугрисида айтган барча фикр-мулоҳазаларингизга қараганда, умуман, сиз бу йигитни кечиришингиз мумкин. Раҳимжон зулм утказганига қарамай, уни қаматишни қаттиқ талаб ҳам қилмайсиз. Шундайми?

– Тугри, бутам...

– Сиз аввалдан ҳам Раҳимжонга ҳеч қандай ёмонлик қилмагансиз. Уни бахтсиз йигит деб ўйлагансиз. Унга фақат эзгулик истагансиз. Шундайми?

– Худо шоҳид, шундай.

– Унда, сизга бундай савол, тақсир. Сиз, масалан, Раҳимжоннинг олдин бир қамалганини билганингиз йўқмиди?

– Билганман. Биз ҳам бир идора. Муҳримиз бор. Ҳужжат текширамыз.

– Раҳимжондек одамларга кўпчилик ишонмайди. Сиз ҳеч қачон бу ҳақда ўйламаганмидингиз?

– Кўп ўйлаганман. Локин, бутам, ҳар бир ишда шарт-шароит мавжуд. Ойнаи жаҳонни кўриб турасизми?

– Қанақа ойнаи жаҳон?

– Уйдагиси. Дилбузар...

– Телевизорни айтяпсизми? Ҳа, албатта! – деди терговчи.

– Мен ҳам кўриб тураман. Ҳар хил мамлакатлар бор. Мисол учун, Ҳиндистон... Ганг деган дарёни биласиз. Бир одамни кўрсатишди. Дарёни ўз бўйи билан ўлчамоқчи экан. Қарасангиз, қирғоқда чўзилиб ётибди, чизиқ тортади, ўрнидан туриб олдинга юради, кейин яна чўзилиб, чизиқ тортади. Мен, бу одам нега бундай қиляпти, десам, у ўз-ўзига озор етказиб, азият чекиш орқасинда бўйнидаги гуноҳлардан фориғ бўлмоқчи экан.

– Сиз нега буни эсладингиз? – деб сўради терговчи.

– Масжид ёхуд қабристон ҳам бамисоли дарё, гуноҳдан баъзан фориғ бўладирган бир жой. Масжид, қабристонга осийлар бошқа жойдан кўра кўпроқ қадам ранжида қилишади. Албатта, булар орасида битта-яримта виждонини сотган, риё билан келганлар ҳам топилади.

Локин уларни деб, гуноҳлари учун қийналган бутун осийларни куксидан итармоқ тўтри эмас.

– Хўп, қисқаси сиз Раҳимжоннинг олдин бир қамалиб чиққанини билгансиз. Буни билган ҳолда унга ишониб, шафқат қилгансиз. Фақат бу эмас, эзгулик истаб, уни ҳаттоки ўглингиз ўрнида кўргансиз. Унинг уй-жойли бўлиб, тинч турмуш кечиришига ёрдам беришни ўйлагансиз. Шундайми?

– Худди шундай.

– Раҳимжон сизнинг ишончингиз, шафқат қилганингизни қадрламаган, дейлик. Аммо у, масалан, сизнинг ниятингиздан ҳам воқиф эмасмиди?

– Йўқ, нега? Мен унга айтганман.

– Булмаса, у сиз билан нима сабабдан низолашди?

– Қайдам. Уша куни унга нима бўлгани менга номаълум. Мен бир сонияда уни танимай қолдим.

– Ҳар ҳолда, Раҳимжон ўзидан-ўзи сизга қўл кўтармагандир? Балки сиз уни ҳақорат қилгандирсиз?

– Мен уни ҳақорат қилганим йўқ, бўтам. Насихатга тоби йўқлигидан феъли тутдимикан? Ичган экан. Мен унга масжид, қабристонда ичиш марҳумларга ҳам, гирикларга ҳам ҳурматдан эмас, деб айтдим. У бўлса, гўёки қугургандек, менга ташланди. Ҳақиқат шу, бўтам.

– Раҳимжон бутун эзгуликлар эвазига сизга нисбатан қабиҳлик қилган. Бу гапни мен айтаётганим йўқ. Қабристондагилар айтишяпти. Бунга Раҳимжоннинг ўзи ҳам иқроп бўляпти. У ҳақда энди сиз нима деб ўйлаяпсиз?

– Раҳимжон, дарҳақиқат, қабиҳлик қилди. У бундан сўнг ҳам қабиҳлик қилиши мумкин.

– Нимага асосланиб бундай деяпсиз? – деб сўради терговчи.

– Раҳимжонни бир дарди ҳаринадан қутқармоқ мушкул. Баҳарнав, менинг қудратим етмади. Мен унинг гуноҳлардан фориғ бўлишни истаб, азобланиш баробаринда, янгидан гуноҳ қилмоққа мойил эканини англаб турибман.

– Сиз унинг гуноҳ қилишга мойиллигини қаердан биласиз?

– У бисёр нотинч. Уни кўрсам, ичингда қуртинг борми, бўтам, дегим келади. Ўтганинг ўрогини, кетганинг кетмонини тортиб оладирган турқи бор. Ва яна ичишга ружу қилган. Бундай кимса гуноҳ билан изтироб орасинда кун кечирмоғи лозим. Мен унга ачинаман.

– Бундан чиқди, сиз ўртада рўй берган низодан кейин ҳам Раҳимжонни бахтсиз йигит, деб ўйлайсизми?

– Шундай, бутам.

– Сиздан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Яқинда қабристонни айланишга тўғри келди. Қодир Бўронов деган одамнинг қабрини зиёрат қилдим. Ўшанда уларнинг уйи шу яқин ўртада эканлиги менинг диққатимни жалб этди. Сиз Қодир отани танирмидингиз?

– Мен ўз қавмимизни бир оз биламан. Биз турган ерда улар кўп эмас.

– Демак, сиз Қодир ота билан кўришгансиз?

– Сизга нима десам экан, сиз айтган одам марҳум бўлганида, ўтли мени хизмат учун уйига бошлаб борди. Деворда марҳумнинг сурати турган экан. Суратни кўриб, бу одамнинг кимлиги ёдимга тушди. У баъзан наҳорда, баъзан шомда қабристонни айлангувчи эди. Қуръон тиловат қилмасди. Шундоқ қабрларни оралаб, чиқиб кетиш одати бор эди.

– Сизга унинг Қуръон ўқимагани ёқмасиди? Янги давр одами бўлгани...

– Йўқ, гап тиловатда эмас. Балки унинг яширин ўқиб юриш одати бўлгандир. Хушқомат, хушрўй одам эди. Мен ҳеч бир иймони йўқ одамдан ҳазар қиламан. Ундан ҳазар қилмаганман.

– У билан гаплашганмисиз?

– Йўқ. У аксар хаёлга машғул эканлигидан гаплашмоқни ўзимга лозим кўрмаганман.

– Раҳимжон-чи, у Қодир отани танирмиди?

– Билмадим. Раҳимжоннинг диққат қилганини хотирламайман. Қабристонга кўп одам келади. Дарвоқе, мен сизга бошқа одамни айтишим мумкин. Бир йигит баъзан сиз айтган мўсафиднинг орқасидан қабристонда пайдо бўлгувчи эди. Ўша ҳаммадан зиёд диққат қилгувчи эди.

– Бу, сизнингча, Қодир отанинг бирон танишимиди?

– Айтишим қийин. Мен мўсафиднинг қисматини эшитдим. Сизнинг ташвишингизга ҳам тушуниб турибман. Шу боисдан, бу борада ўзимга аён бўлган фақат бир гапдан сизни воқиф этмоқчиман. Биз зикр эта турган йигит шу кунлар менинг кўз ўнгимдан кетмай, таажжуб гирдобида айланмоқдаман. Зероки, у ҳар қачон қабристонда пайдо



булганида, осойишта юрган муйсафиднинг ранги учиб, тоби қочгандек ҳолатга тушарди.

– Сизнинг гапингиздан, улар ҳар ҳолда бир-бирларини таниб, бир-бирларини ёқтирмаган кишилар бўлишган! Хўп, сизнингча, бу йигитдан Қодир ота қандайдир қўрқармиди?

– Йўқ, у афтидан, хижиллик, озурдалик ҳис этгандек эди. Мен унинг мудом хаёлга гарқ юришидан бир ҳайратга тушган булсам, бундай аҳволдан икки ҳисса паришонлик туйганман. Шундоқ пайтларда, ўзимча, олижаноб бу одам нимадан бунчалар азобланмоқда, деб кўп уйлаганман. Локин, бутам, мен бунга жавоб тополмаганман.

– Демак, Қодир ота бу йигитни учратганида, унга тегишли бирон гапми, воқеаними эслаб, фақат кайфияти бузилиб қолмай, алланечук изтироб чеккан. Йигит эса, ўз навбатида, буни билиб, Қодир отага баъзан журттага кўриниш бериб турган, шундайми? – деди терговчи.

– Менимча, шундай.

– Улар ҳеч қачон бир-бирларига сўз қотганини пайқамаганмисиз?

– Йўқ, мен буни пайқамаганман.

– Сиз, масалан, у йигитнинг кимлигини тахминан айтолмайсизми?

– Йўқ, бутам. Мен унинг исмидан ҳам, касби коридан ҳам хабарим булмаган.

– Сиз менга бир қанча муҳим нарсаларни айтдингиз. Раҳмат, тақсир! – деди терговчи. – Сиздан илтимос, шу йигит тўғрисида яна эслашга ҳаракат қилинг. Мабодо бирон гап ёдингизга тушса, менга хабар етказинг, маъқулми?

– Маъқул, бутам.

## ЖУМБОҚ

*(Исмаи Буроновиинг сўроқ анкетасидан)*

– Сиз билан охири суҳбатимизда, асосан Малика ёқтирган йигит тўғрисида гаплашгандик. Эсингиздами? – деди терговчи Исмаи.

– Эсимда.

– Сиз менга, у йигитни Маликанинг уйида фақат бир марта кўрганман, дегансиз. Тўғрими?

– Тўғри.

– Менинг аниқлашимга қараганда, сиз уни бир эмас, кул марта кўрган бўлишингиз керак... Бўпти, гапни сал узоқроқдан бошлайлик. Сиз Маликанниг бундан анча йил муқаддам биров билан судлашганини билармидингиз?

– Малика судлашган эканми? Ким билан? Қачон?

– Бундан хабарингиз йўқмиди?

– Сиздан биринчи эшитяпман. Тавба! Менинг анойилигим... Илтимос, менга тушунтириб берсангиз!

– Малика ўша сиз кўрган, Раҳимжон Маҳмудов деган йигит билан судлашган. Улар бир-бирларини ёқтиришганига қарамай, Малика уни қаматган.

– Тавба! Демак, Малика унинг ҳам шурини қуритган экан-да?

– Раҳимжон қамоқдан чиққандан кейин, улар бояги уйда маълум муддат бирга ҳаёт кечиришган. Ниҳоят, Раҳимжон уйдан кетган. У сизнинг янги уйингиз яқинида жойлашган, бугунги кунда дадангизнинг хокипойи қўйилган қабристонга келиб, қоровулчилик қила бошлаган. Қисқаси, сиз Раҳимжонни ҳеч бўлмаганда дафн маросими пайтида ёки дадангиз қабрини зиёрат қилишга борганингизда учрагансиз...

– Демак, мен уни танимаганман. Ишонинг. Касбим ўзи шунақа. Касалхонага одамлар келиб-кетишаверади...

– Шундай бўлиши ҳам мумкин. Аммо мен буни шунчаки фаромушхотирлик деёлмайман. Бу сизнинг ўз тақдирингизга ҳам, дадангизнинг тақдирига ҳам ўта лоқайд қараганингиздан далолат беради.

– Чиндан лоқайдлик қилган бўлсам керак. Билмадим. Бунинг устига, унинг бошқа ерга, қабристонга келиб туриши хаёлимга сигмаган. Уни танитганимда, албатта, келиб сизга айтардим... Бу йигитнинг менга, мен туфайли дадамга нисбатан қандайдир адовати бўлган, деб уйлайлсизми?

– Унинг адовати бўлгани аниқ...

– Нега? Малика учунми?

– Малика учун...

– Сиз бир неча ойдан буён дадамни ҳам қўйиб, менинг ҳаётим билан жиддий қизиқаётганингизни билгандим. Узимча ажабланиб юргандим.

– Бу ишда дадангиз борасида қанчалик маълумотга эга бўлсам, сиз ҳақингизда ҳам шунчалик маълумот тўплашимга тўтри келди. Бундан сўнг ҳам, иш, афтидан, шу йўсинда борадиганга ўхшайди. Лекин мен дадангизни

бирон сония унутганим йўқ. Ҳамон гап биринчи навбатда дадангиз устида боряпти. У кишининг тақдири бизга муҳим бўлмаса, сизнинг ҳаётингизга қизиқиб ҳам утирмасдим, — деди терговчи.

— Халиги йигитнинг, Раҳимжоннинг адовати борлигига барибир ақлим бовар қилмаяпти. Наҳотки, Маликага уйланиб ажралганим бунга боис бўлса? Йўқ, мен унга нима ёмонлик қилибман? Хўп, менга нисбатан қасди бўлса, касалхонага бормайдими? Кун бўйи ёлғиз утираман. Дадамда гуноҳ нима?

— Раҳимжон, ким билсин, балки, умуман, ўз ҳаёти учун адоватга берилгандир. Бунга фақат Малика сабаб бўлгандир.

— Демак, ҳар қалай, дадамга у тажовуз қилганми? Бечора дадам... Нега очиқроқ гапирмаяпсиз?

— Мен, у тажовуз қилганми, йўқми, бу ҳақда ҳозирча сизга ҳеч нарса деёлмайман. Аммо ўртада адоват бўлганига ишончим комил. Биласизми, жиноятчи ҳам, одатда, ўзича бировни айблаб, кейин жиноятга қўл уради. Бу гап қанчалик гайритабиий туюлмасин, амалда шундай. Раҳимжонда бунга асос бор. Лекин шунинг баробарида, ҳали Раҳимжон қотиллик қилгани аниқ эмас. Аввало, қўлимда унинг айбдор эканини тасдиқлайдиган биронта далил йўқ. Бундан ташқари, олдимизда кўп нарсалар жумбоқ бўлиб турибди. Масалан, чиндан у нега сиздан эмас, дадангиздан интиқом олиши керак? Малика туфайли сизга, сиз туфайли дадангизга нисбатан адовати бўлганига қарамай, унинг бу оғир жиноятга қўл уриши, балки, боя айтганингиздек, унчалик ақл бовар қиладиган хатти-ҳаракат эмасдир? Қисқаси, бундай бўлган тақдирда, Раҳимжоннинг дадангизга нисбатан қандай қасди бор эди, бунга адоватдан булак сабаблар қўшилдимикин? Мен Раҳимжондан алақачон шубҳаланганим учун ҳам уни дарҳол ҳибсга олишим мумкин эди. Лекин бу саволларга жавоб топмай туриб, ундай қилолмайман. Бунинг устига, масалан, бошқа бир йигит дадангизни Раҳимжондан кўпроқ таъқиб қилган. Бу, албатта, Раҳимжонни оқлашга боис бўлолмайди, аммо уни қоралашга ҳам ҳалал беряпти... Биласизми, умуман, мен турли кишилардан анча-мунча гапларни сураб-суриштириб, ойлار бадалида тинимсиз уйлаган, изланган бўлсам-да, тўғриси, ҳамон ўзимни

қизиқтирган дастлабки саволга ишончли, аниқ жавоб топганим йўқ. Қодир отага кимнинг қасди бўлган? Кўриб турибсиз, биз айланиб-айланиб, яна эски муаммога тўқнаш келдик. Бу ерда ҳамма бало шундаки, биз дадангиз ҳаётини ҳозир ҳам яхши тасаввур қилолмаяпмиз. Мен сизни янгидан сўроққа тутиб, дадангиз, у кишини таъқиб қилган йигит тўғрисида суриштирмайман. Безовталанманг. Мен бугун сизни бунинг учун чақиртирганим йўқ. Чунки сиз фақат дадангиз эмас, ўз ҳаётингизни ҳам кўнгилдагидек билмайсиз.

– Дадамни ким таъқиб қилган экан? Кечирасиз, мени бундан ростдан ҳам хабарим йўқ. Сезиб турибман, сиз менга айтмайсиз! Майли... Буниси майли. Мени ақалли бугун нега чақирганингизни ҳам айтмайсизми?

– Сиз ўзингизни кўпинча олижаноб одамдек тутишга ҳаракат қиласиз, – деди терговчи. – Умуман, сиз ўзингизни, олижаноб одам, деб ўйлайсиз. Очиги, мен ҳам сизни ҳозиргача маълум қусурларингиз борлигига қарамай, суяги тоза, яхши одам, деб ўйлаб келдим. Лекин энди сиз ҳақда ундай деёлмайман. Чунки дадангизнинг ўлими, нима қилганда ҳам, сизнинг ҳаётингиздан четда, сизга даҳлсиз ҳолда рўй бермагани ошкор бўла бошлади. Сиз ҳам мусичаи бегуноҳ эмассиз. Мен бугун сизга, асосан, шу гапни айтмоқчи эдим...

## ҲАР ТҶКИСДА БИР АЙБ

*(Жамил Сатторов билан суҳбат)*

– Сиз билан кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди, уртоқ Сатторов. Мен сизни нега йўқламаганимни ўзингиз билсангиз керак, – деди терговчи Жамилга.

– Сиз мендан энди шубҳаланмайсиз, шекилли. Ўзимча шунақа деб ўйлагандим.

– Тўғри ўйлагансиз.

– Мен сиздан умуман, миннатдорман. Айбимга яраша бир оз ётиб чиққаним ёмон бўлмади. Беш-ун кун ичида янгидан ҳаётнинг магзини чақдим. Дунёда ҳеч қачон мудраб, лоқайд-бепарво яшаш мумкин эмас экан! Энг муҳими, ўзимнинг айбим нимада эканлигини тушундим.

– Хўп, сизнинг айбингиз нимада экан?

– Аввало, Исматни унчалик ёқтирмаганим учундир, Қодир ота билан унинг оиласидан яширинча муносабатда бўлганман. Ҳолбуки, чолни имкон етганча кўпроқ қадрлашим, ўз ҳимоямга олишим керак эди. Ушанда, балки қарияни фалокатдан ҳам асраб қолармидим?! Мудҳиш воқеа рўй берган тунда, йўлақдан оёқ шарпаси эшитилгандаёқ, мен ялпайиб ўтирмасдан, ўрнимдан сапчиб туриб, эшикка қарашим мумкин эди. Сиз нима деб ўйламанг, маҳаллада турган уйимиз менга ҳозирги янги уйдан кўпроқ ёқарди. Маҳаллага, одатда, бир бегона одам тунда икки марта ўрмаласа, бас, бутун маҳалла дарҳол оёққа қалқирди. Бизнинг янги уйларимизда бўлса, ўзингникини бегонадан ажратиш қийин. Қоронги тушиб-тушмасдан ҳамма ўзига тегишли каталакка биқиниб олади. Бировнинг биров билан иши йўқ, сенинг уйингни сув олиб кетмайдими, ҳаммаси, нари борганда, деразадан қараб тураверади. Кечқурун бундоқ чойхонага чиқиб отамлашмаганингдан кейин, яқиндан танишиб, бир-бирингни суяшга ўрганолмайсан, албатта. Мен янги уйга қарши эмасман. Лекин гапнинг омадини айтялман. Менинг ҳам қони-жонимга кўпчиликка хос шундай лоқайдлик ўрнашмаганида эди, қарияга ёрдамим теккан бўларди, демоқчиман... Уйимдаги коллекция мен учун ниҳоятда қадрли. Лекин мудҳиш воқеа рўй берганида, мен коллекция эмас, ўртадаги мана шу муносабатни уйлаб, дудамани яширганман. Исмат, бошқалар ҳам, сиз ҳам менга шубҳа билан қарашингиз мумкинлигидан қўрқиб, шубҳага ўрин қолдирмасликка ҳаракат қилганим сайин, худди ўргимчакка ўхшаб ўзим тўқиган тўрға ўзим ўралашаверганман. Мен вақтида сизга буни тушунтириб беролмагандим.

– Майли. Эҳтимол, шундайдир. Ҳозир бу муҳим эмас, – деди терговчи. – Сиз, анчадан буён кўришмаганимизга қарамай, рўй берган воқеани қайта-қайта эслаб, бу тўғрида мулоҳаза юритгансиз. Шу боисдан, сизни бугун яна йўқладим. Бундан ташқари, яқинда Исмат Буронов билан одатдагидек гаплашдим. У отаси ҳақида деярли ҳеч нарса билмайди. Умуман, аввалдан ҳам арзирли бирон гап айтгани йўқ. Сизнинг сўнги йилларда Қодир отани ўглидан кўра кўпроқ кузатганингиз ёдимга тушди, бизга анча маълумотларни берганингиз хаёлимдан кечди. Қисқаси, сиздан отанинг охириги кунлардаги туриш-турмушини яна бир қатла сўраб-суриштириб, ўзимнинг

айрим фикрларимни сиз билан уртоқлашишга қарор қилдим. Биласизми, мен кейинги пайтда Қодир отанинг уйдаги турмушдан мамнун бўлмагани устида кўп уйладим. Буни биринчи сиз гапиргандингиз. Бу тасдиқдан утгани учун ҳам энди бунга юз фоиз ишонич мумкин. Хўп, у нега мамнун эмасди? Сизга ҳам, менга ҳам қариянинг уйда узига нисбатан кўрсатилган ҳурматсизликдан, камситишдан, эрхотин уртасидаги можаролардан толиқиб, эзилиб юргани маълум. Лекин у фақат шу сабабдан бундай аҳволда юрганмикин? Бунинг бошқа боиси йўқмикин?

– Менимча, фақат шу...

– Менинг фикримча, ундай эмас. Қодир ота баъзан уй яқинидаги қабристонни айланишга одатланган экан. Мен бу гапни эшитиб, бир оз хаёлим қочди. Сиз унинг бу ишини пайқамаганмидингиз?

– Пайқагандим. Мен уни қабристон эшигида икки-уч кўрганман.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, у нега қабристонга бот-бот кириб турган? Уйда сиқилганиданмикин? – сўради терговчи.

– Эҳтимол... Қодир отанинг бошқа жойда бўлса ҳамки, аёли, кўп дўстлари тупроқда ётишипти. Ота, балки уларни баъзан эслагандир.

– Йўқ, мен унинг бу одатини эшитгач, юрагим бирдан орқага тортди. Чунки менга у ўшанда бостириб келаётган қандайдир хавф-хатарни ҳис этгандек бўлиб туюлди. Кейин отани биров гоҳ шомда, гоҳ наҳорда таъқиб қилганини эшитдим. Тахминим тўғрилигига ҳеч қандай гумоним қолмади.

– Бунисини пайқамаганман. Ота менга угли, келинидан ҳеч қачон шикоят қилмаганидек, бу тўғрида ҳам оғиз очмаган. Уйдаги гурмуши қандайлигини ўз кўзим билан кўрганман, бошқа бир дард билан оғригани-ю душмани борлиги эса етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган.

– Балки сиз ҳақдирсиз, – деди терговчи. – Иш ҳали бошқача кўчиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, ҳозирга қадар бизга кимнингдир шахсан отага нисбатан душман эканлиги маълум эмас! Лекин уни бир йигит таъқиб қилгани аниқ. Менимча, Қодир ота фақат уйдаги аҳволи учун қайгуриб, тунлари баъзан мижжа қоқмай, кундузлари қабристонда ўйчан айланмаган! Қария уйдаги турмушдан кунглида, умуман, норизо булган. Чунки унга бояги йигит кўнгилсиз бир воқеани эслагиб, охириги кунларда бутун хаёлини

банд этган. У қандайдир хавф-хатарни ҳис этиб, ўғлининг лоқайд-бепарволиги, ўзининг эса фалокатнинг олдини олишга ожиз эканлигидан қаттиқ нотинчланган.

– Демак, нима қилганда ҳам сизни ҳозир отани таъқиб қилган йигит қизиқтиряпти.

– Худди шундай, – деди терговчи. – Ким ўзи у? Қодир отани нега таъқиб қилган? Ота қандай кўнгилсиз воқеани эслаган? Фақат унинг бошидами ёки қария кутган булут бутун хонадоннинг устида муаллақ турганмиди?

– Сизга ҳеч қандай ёрдамим тегмаса керак. Мен отани уйда, ўзим булган дўконда, ҳаттоки қабристон эшигида ҳам кўрганман. Аммо сиз айтаётган шубҳали йигитни учратмаганман.

– Сиз уни учратган булишингиз ҳам мумкин. Унинг отага эргшиб юрганига кўзингиз тушмаган, албатта. Лекин ота билан дўконда ҳам кўришгансиз-ку. Дўконга, одатда, ҳар хил одамлар кириб чиқишади, – деди терговчи.

– Сиз қария ким биландир сал бошқачароқ муносабатда булганми, демоқчисиз? Йўқ, унақаси булмаган. Қодир ота ўзини тута билган одам эди. У куча-кўйда бировлар билан гижиллашиб, гап таллашиб юрмасди. Масалан, мен қассобчилик қилган дўконни олайлик. Сичқоннинг инидек тор дўконга кириб-чиқадиганларнинг деярли ҳаммаси менга отнинг қашқасидек таниш. Булар орасида жангарилар ҳам, эзма кишилар ҳам, кибрилар ҳам, ялтоқлар ҳам йўқ эмас. Баъзан улар ўзаро арзимаган нарсалар устида бўғилишиб, жанжал ҳам кўтаришади... Масалан, бир кун Қодир ота дўконга киргани, қорачадан келган даванги бир йигит ўзича куйманиб, одамларни тартибга солиш, навбатни назорат қилиш пайига тушди. У олдинда турган бир қарияга бекордан-бекорга тиргала бошлади. Ҳалиги қария чўнтагидан ҳужжат чиқарди, хизмат кўрсатган, урушда қатнашган отахонлардан экан, лекин йигит барибир орқага чекинмади. Сенлар қанақа хизмат кўрсатганларингни биламиз, деб энди қарияни рўйрост ҳақорат қилди. Эҳтимол, битта-яримта урушдан қочган, кейин ўзига ҳужжат тўғрилаб олганлар ҳам топилар. Лекин кимнингдир имонсизлигини деб, қон тўккан барча кексаларни аёвсиз тергашга, уларни тап тортмай ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг, айниқса, бизга ўхшаган ёшларнинг ҳаққи йўқ. Куюшқондан чиққан йигитта

уруш қатнашчилари навбатга турмаслиги тўғрисидаги кўрсатмани эслатдим. Кейин, қариянинг хизмати-ку, майли, ҳеч бўлмаса унинг ёшини ҳурмат қилмайсанми, деб кескин танбеҳ бердим. Титраб-қалтираётган чолни ҳам тинчитдим. Умуман, бу одатдаги воқеа эди. Лекин мен ўшанда Қодир отани кузатганман. Жанжал қўзгалганда, унинг асаби таранглашиб, бир оз ранги ўчгандек бўлди. Йигитнинг ҳақоратини ўзига олдим, кечган жанг-жадаллар асоратидан шу ҳолатга тушдим, айтолмайман. Аммо Қодир ота мен кутганимдек можарога аралашмади. Гала-говур ичида кўпчилик қатори бир оғиз гап ҳам қўшмади. Пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмадим, ҳар қалай, ҳалиги йигитга босиқ-вазминлик билан, лекин алланечук ижирганиб бир қараб қўйди, холос. Кейин менга юзланди. Углим, мен сал туриб келарман, деб дўкондан чиқиб кетди.

– Сизга бу воқеа ниҳоятда жўн туюляпти, шундайми?  
– сўради терговчи.

– Ҳа, албатта.

– Менга қолса, у сиз уйлаганчалик жўн эмас. Мана шу воқеанинг ўзи ҳам отанинг ким биландир бошқача муносабатига киради. Мен ҳикоянгиздаги айрим нуқталар устида тўхталмоқчиман. Сиз дўконга кириб-чиққанларни, асосан, билар экансиз. Хўш, ҳалиги йигитни ҳам танийсизми?

– Танийман. У ҳозир ҳам баъзан дўконга кириб туради.

– Бу йигит доим кексаларга шунақа тиргаладимиз?

– Йўқ. Билмадим, уни ўша куни нима жин урди.

– Сиз дўконга кириб-чиқадиганларни, масалан, эзма ёки кибрли, дегандек баҳоладингиз. Бу йигит тўғрисида фикрингиз қанақа?

– Менимча, ёмон йигит эмас. Афтидан, ақли, умуман, хушсуҳбат йигит. Уша куни ўзича «ҳақиқатпарвар»лиги тутиб, беихтиёр меъёрни унутиб қўйдимикан? Бошқа бирон ерда асаби бузилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан уйда кўнглинг хуфтоғ бўлса, кўчада бировнинг дилини сиёҳ қилишдан ўзингни тўхтатолмай қолсан. Лекин унинг бир феъли менга ўтиришмайди. У мен одам эмас, чўнтагим одам, дейдиганлар қабилидан. У бизнинг соҳада ишлайди. Кўрган бўлсангиз, қабристон орқасида жимит бир бозорча бор. ўша ердаги дўконда газ-сув, арзон-гаров ичимликлар сотади. Пулга ўч. Пул одамнинг бурнини шиширади.



Ушандаги унинг кексаларга ҳурматсизлиги ҳам шунинг оқибати бўлса керак.

— У уша куни бошқа қарияга тирғалиб, аслида Қодир отани чимдиб олмоқчи бўлмаганмикин? Қодир ота буни англагандан можарога аралашмаган, деб тахмин қилолмайсизми?

— Йўқ, дўконда олдинга сурилган кексаларни Бекмирзадан бўлак доим ҳам орқага тортадиганлар топилади. Мен буни кўп кузатганман.

— Унинг номи Бекмирзами? — сўради терговчи.

— Бекмирза... Йўқ, менимча, Қодир ота билан улар дўконда бир-икки кўришиб қолишганини айтмаганда, бир-бирларини унчалик танишмасди ҳам... Тўхтаг-чи... Қодир ота эмас, у Исмат билан таниш шекилли. Бир гал кўчада иккиси анча гаплашиб туришганини кўрганман...

## ЭТИК КИЙГАН АЁЛЛАР

*(Бир мактуб ва унга жавоб мактуби)*

«Ҳурматли Бахти Йўлдошева!

Утган йили Бухорога, сизнинг қишлогингизга борганимда, менга сиз билан кўришиб суҳбатлашиш насиб этмади. Тўғриси, у пайтда сизни излаш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Чунки сиз ҳақда ҳали ҳеч нарса билмасдим.

Тошкентга қайтгач, кундан-кунга сизнинг исмингиз ўз-ўзидан қулогимга чалина бошлади. Кейин, бир куни беҳосдан «Саодат» журнали муқовасида сизнинг суратингизни учратдим. Журналда сизга бағишланган мақола ҳам босилган экан, ўқидим. Ниҳоят, сиз билан, албатта, кўришиб суҳбатлашишга қарор қилдим. Аммо бу менга яна насиб этмади. Қурултой баҳонасида Тошкентга келганингизни эшитиб, сизни пойтахт меҳмонхоналаридан қидира бошладим. Дарагингизни топган пайтимда, муддатидан бир кун бурун қишлоққа жўнаб кетганингизни хабар қилишди. Фурсат топиб, бу гал фақат сизни кўриш учунгина яна қишлоққа бордим. Аммо сиз билан хабарлашмасдан йўлга чиқиб, тўғри иш қилмабман, сиз қишлоқда эмас, чет элдаги бир анжуманда экансиз. Қишлоқда менга сизнинг сўнги йилларда обрў қозонган пахтакорлардан бўлиб, айримлардек фақат исмингиз эмас, ўзингиз кеча-кундуз тер тўкаётганингиз

сабабли, ҳатто мухбирлар билан кўришишга ҳам ортиқча вақтингиз йўқлигини айтишди. Мен бунга тушунаман. Шунга қарамай, қишлоқдан қуруқ қайтиб, мана, орадан тагин маълум муддат ўтгач, ўзимча, нима қилганда ҳам, сиз билан ақалли бир қур сўзлашмаслигим мумкин эмаслигини ҳис эта бошладим. Бу энди заруратга, эҳтиёжга айланиб қолди. Қисқаси, сиз билан кўришиб суҳбатлашим, ҳеч бўлмаганда, сиздан икки оғиз дастхат олишим шарт. Мактубнинг бу даромад қисмини ўқиб, сиз менинг дийдор кўришув ёхуд ёзишмадан мақсадим нима эканлигига, умуман, нега сизнинг ҳаловатингизни бузаётганимга тушунмаётгандирсиз? Бу ким экан ўзи, деб ажабланаётгандирсиз?

Мен сиз учун нотанишман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолавераман. Аммо мени бир хиссиёт сиз билан қизиқсинишга мажбур этди. Мен учун сизнинг ҳамқишлогингиз Қодир ота Бўроновнинг хотираси муқаддас. У сиз учун ҳам шундай, деб ўйлайман...

Менга Қодир ота тўғрисида билганларингизни хабар қилмайсизми? Сиз ҳозир қизгин курашдан иборат ҳаёт бағридасиз, шу боисдан, сизнинг ота ҳақидаги ҳар қандай тахминингиз ҳам бошқаларнинг фикридан олдинда туради.

Мендан одобсизлик қилаётганим учун ранжимайсиз, лекин Исмаил Бўронов сизнинг дўстингизми, вақтида дўстингиз бўлганми, қабилда бир гап эшитгандим. Менга Исмаил тўғрисида ҳам муфассал, очиқ сўзлаб, у ҳақда Қодир отага нисбатан ҳам кўпроқ тўхталишингизни истардим.

Демак, кўришишнинг ҳеч иложи йўқ, деб билган тақдирда, мендан агар икки энлик дастхатингизни дариг тутмасангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлардим. Сизга чексиз ҳурмат билан... Имзо».

Жавоб мактуби:

«Ҳурматли ўртоқ терговчи!

Мен ёшлиқдан қишлоқдами, шаҳардами, ҳамма ерда, агрофимдаги одамлар орасида заррадек нуқсонни бўлмаган, баркамол кишиларни кўришни орзу қиламан. «Одам фаришта эмас!» деган гапни кўп эшитганман. Бу гапнинг мазмунига ақлим етади. Бироқ мен бунга қўшилмайман. Бу менга турмушда учраган нуқсонларни пардалаш ва ҳаттоки оқлаш йўлини тутган одамлар фалсафаси бўлиб туюлади.

Уйлайсизки, мен одамларни ёмон кўраман-у улардан кўпинча нуқсон излаб яшайманми? Йўқ, мен одамларда эзгу хислатлар оз эмаслигини тушунаман, аммо шу билан бирга, қусурларни кўра туриб, уларга бефарқ қарай олмайман. Баъзан кимнидир ардоқлаб, унинг нуқсонлари, қусурларидан кўз ҳам юмишга ҳаракат қиламан. Аммо кунлардан бир куни нимадир хунук воқеа рўй бериб, ундан дабдурустдан кўнглим совийди.... Китоблар ёки кинофильмларда айрим қаҳрамонларга дуч келиб, уларга меҳримиз тушади. Бундай қаҳрамонларни «идеал кишилар» дейишади. Мен атрофимга аланглаб, мана шу «идеал одамлар»ни кўришни-ю, улардан андаза олишни истайман. Наҳотки, фақат китоблар ёки кинофильмларда эмас, ҳаётнинг узида чинакам — идеал одамлар бўлмаса? Бундай одамлар, шаҳардан ҳам кўра қишлоқда доим топилган. Бундан кейин ҳам топилади!

Қодир ота менинг тасаввуримда шундай кишилардан эди.

Мен болалик йиллари отамдан ажралганман. Менинг падари бузрукворим жангга кетиб, қайтиб келмаган...

Қодир ота урушдан қайтган кунларни яхши эслайман.

Биз болалар, отанинг дарагини эшитиб, гўёки ўз отамиз қайтиб келгандек кўча чангитганча, уларникига юрак ҳовучлаб югурганмиз. Ота ҳам буни ҳис этиб, бизнинг ҳар биримизни, айниқса, отаси қайтмаганларни, бир бошдан меҳр билан қаттиқ бағрига босиб, упиб-эркалаган. У шошиб-пишиб, бизнинг қўлимизга, биз ҳали ниҳоятда гўр ва гул норасидалар эканимизни уйлаб, алламбало совгалар ҳам топширган! Кулгили, аммо ўшанда биз болалар учун, масалан, ўз уйимизда ҳам топиладиган бир ҳовуч майиз ёки қандак ўрикни отанинг — бизнинг оталаримизга қисматдош бўлган жангчининг қўлидан олиш жуда нашъали туюлган...

Қодир ота яна раислик қилганида ҳам, бизни бағрига бир олганича, қўйиб юбормагандек иш тутди. У отасими, ўглими, кимнидир урушга юборган оилалар ҳолидан вақти-бевақт, ярим қоп бугдойми, бир арава ўтинми келтириб ташлаб, мунтазам хабар олиб турди. Буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди!

Қодир отанинг улими тўғрисида қишлоқдагилар бултур бехосдан шивирлашиб қолишганида, юрагимдаги тугён

кўксимга сигмай, ўкириб юборганим-ку майли, мени қандайдир даҳшат чулғади. Одамлар деб яшаб, умрининг қаймогини улар бахти учун курашга бағишлаган инсонни бировнинг ифлос қўллари чавақлаб кетиши номардликдан, адолатсизликдан бўлак нарса эмас. Отага кимнинг душманлик қилганини айтолмайман. Дунёда совуққонлик билан эзгуликка қўл кутарадиган одамлар озми? Улардан қайси бирини кўрсатасан?!

Мен баландпарвоз гапни ёқтирмайман. Лекин сизга айтишим керак. Исмат Қодир отани қишлоқдан олиб кетдим, ҳар қандай бало-қазодан асраб қолишга бурчли эди. Бутун юрагим, виждоним ҳақи, сизни ишонтираман, ота қишлоқда тураверганларида, биз буни эплардик!

Исмат тўғрисида, бундан бўлак, нималар дейишим керак?

Биз бир кўчада ўсганмиз, ақлимизни таниганмиз. Бир мактабда ўқиганмиз. Менинг болалиқдаги биринчи сирдошим ҳам, далага, пахтага чиққанимизда, ёнма-ён тарадиган эгатдошим ҳам — Исмат эди.

У менга ўхшаш алифни калтак дейдиган, бурнинг қани, деса, қулогини кўрсатадиган қишлоқдаги кўпчилик болалардан ўзининг билимдонлиги, салоҳияти билан ажралиб турарди. Исматни қизиқтирмаган фан йўқ, ҳисобни, кимёни сув қилиб ичган эди. Унинг санъат борасида ҳам ҳаммадан бурун тиши чиққанди. Мактабдаги деворий газеталарни безаб, расм солишни ўрнига қўярди. Фақат бу эмас, биз ҳали қишлоқдан нарини кўрмаган, театр деган нарсани тасаввур ҳам қилмаган бир пайтда, у ҳар ҳафтада бир Бухорога тушиб, гоҳ «Нурхон», гоҳ «Офтобхон» дегандек томоша кўриб қайтарди. Аммо Исмат тарих ва адабиётга бошқаларга нисбатан ҳам, айниқса, меҳр қўйганди. У мактабда ҳам, далада, уйда ҳам нуқул тарих ва адабиётга тегишли китобларни варақлаб, турли қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳикояларни қидирар, бизга ўқиганларини эрта-ю кеч мароқланиб гапириб берарди. Унинг ушанда бугун ҳаёти мана шу ҳикоялардан тўқилиб, бизнинг кўз унгимизда катта мазмун касб этган эди!

Исмат, афтидан, Қодир отанинг изини босадиган эди. Биз уни, ҳеч биримиз ўз ҳақимизда ҳаёл қилолмаган буюк ишлар учун яратилган, деб ўйлар, унга одатда меҳр, куюнч ҳамда алланечук ҳайқиш билан зимдан тикилардик.

Мен Исмат билан дўст эканлигимиздан фахрланардим!

Ҳаш-паш дегунча мактабни битирдик. Исмат менга қўққисдан Тошкентга жунашдан гапириб қолди. Мен унга отам йўқлигидан онамни ташлаб кетолмаслигимни айтиб, иккимиз бирон ерда сиртдан ўқишимизни таклиф қилдим. У мен билан ҳисоблашиб ўтирмай, ўзи Тошкентга жунади. Мен, Исматга катта бир ишлар боғлиқ, сен унинг оёғини кишанлашга ҳаққинг йўқ, деб ўзимни овутидим. Ортиқча ранжиб-инжимасдан, уни кутишга жазм этдим.

Исмат менга хат-пат ёзгани йўқ. У таътил пайтлари қишлоққа келганида, баъзан кўришиб турдик, холос. Гап хат ёки бизнинг кам кўришганимизда эмас, албатта. Мана, мен шаҳарликман, деб башанг юриши, ўз-ўзидан мамнунлигига қараганда Исмат, умуман, мендан кундан-кунга узоқлашиб, мени алақачон унута бошлагандек эди. Аммо у ўқишни битирганида қишлоққа келиб, қўққисдан менга яна Тошкентдан огиз очди.

Аслида, мен уни кутавериб, толиққандим. Бунинг устига, қиз бола маълум бир ёшгача ойисининг бағрида ўтира олади. Шу боисдан, мен энди онажонимдан узр сўраб, Исматнинг орқасидан Тошкент эмас, дунёнинг бир чеккасига ҳам кетаверишимга ҳеч нарса монелик қилмасди. Ҳамма бало шундаки, бу мен болалиқда билган Исмат эмасди!

Йўқ, мен иккиланиш ҳис этдим. Кейин, кўнглимда эътироз тугилди...

Исматнинг менга нисбатан нождидий муносабатидан менинг энди у ҳақдаги бутун тасаввуримга раҳна тушган эди. Мен энди ўзимни унга бир пайтлардагидек меҳр, куюнч билан алланечук ҳайиқиб қарашга мажбур қилолмасдим. Шу сонияда, ўзимни ўзим, сенинг бу таассуротинг чалкаш, сен улгайиб, қизлик гурури сени ҳаволангирган, жоним, адашяпсан, деб тергашга ҳам тайёр эдим. Аммо бу мен эмас, кўпроқ Исматга вобаста: қаршимда бир пайтлардаги юз-кўзлари порлаб ҳуснига ҳусн қўшган ўсмир ўрнида, биргина мени эргаштиришга ҳам ишончи йўқлигидан қўрқиб, буришиб-тиришганча, ялингансимон қиёфага кирган бир кимса паришонланиб турарди. Шу аснода беихтиёр, у мени эргаштиролмаёпти, ҳеч қачон унлаб, юзлаб, минглаб кишиларни эргаштиролмайди, деган хаёлга бордим. Бехосдан, у қаҳрамон эмас-ку, деган фикр миямда чақмоқдек чақнади.

Аммо мен унга шафқат қилдим, ўйлаган ўйимни ўртага тукмадим. Фақат яна қишлоқ тўтрисида таклиф киритдим:

«Сизга Тошкентнинг кўзи учмаётгандир, — дедим сиполик, билан. — Қишлоқда эса сизга ўхшаган врачлар керак. Отанонгиз ҳам, менимча, вақтида шуни орзу қилишган. Умуман, менга айтадиган гапингиз бўлса, ўзингиз қолинг!..».

Исмат мулоҳаза юритиш урнига қайсарланиб, менга шаҳарнинг қишлоқдан минг чандон афзаллигини тушунтиришга урина бошлади. У, сиз менга ёқасиз, демак, мен билан Тошкентта боришингиз шарт, деб ҳисоблашиш урнига, тарбия кўрмаган боладек, оёқ тирашга тушди.

Мени охири жаҳлим чиқди. Шаҳрингиз жаннат бўлсин, бормайман, дедим. Сизга ёқсам, нима қилай, ўзимни осайми, дедим.

Исмат бу гал ҳам ўзи Тошкентга жўнади.

Орадан кўп ўтмай унинг уйланганини эшитдим.

Мен ҳам биров билан турмуш қурдим. Шу йусинда, биз болаликда сирдош дўст бўлган, ёшлиқда озми-кўпми, севишган кишилардан оддий таниш, оддий ҳамқишлоқларга айланиб қолдик!

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ходимларининг турли мажлис-анжуманлари баҳонасида Тошкентга кўп бордим. Исмат билан бир неча марта учрашдим.

Менга Исматдан кўра болалик, ёшлик хотиралари азиз. Бунинг устига, Исмат менга, наздимда ўзини қандайдир айбдор сезганиданмикин ёки унинг ҳаётини ипидаш-игнасигача билганим учунмикин, ниҳоятда эҳтиёткор, алланечук сизингандек муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, мени кўрганида, афтидан, суюнади. Аммо мен Исмат билан буларни деб учрашганим йўқ.

Менинг кўз ўнгимда болаликдаги Исмат йўқолиб, унинг ўрнида бора-бора негадир бошқа Исмат қад-қомат тиклагандек бўлди. Мен мана шу — кейинги одам тўғрисида муайян бир фикрга келишим, унинг ўзига буни айтишим керак эди.

Бундан икки йилча бурун биз охирги марта учрашдик.

Мен сизга бу ҳақда муфассал гапириб беришимга тўғри келади.

Шаҳарга борганимда, томоша кўришга мўлжалланган вақтдан фойдаланиб, Исматни суроқладим.

У кичик, лекин обрули бир ташкилот қошидаги поликлиникада ишлайди. Иши кундалик эмас, ҳафтада икки марта — сешанба ва жума кунлари қадам ранжида қилади. Ўшанда ҳам, бир гал эрталабдан тушгача, кейинги гал эса

тушдан кечгача ишлайди, холос. Яна бир нарсани эслатиш лозим. Шаҳару қишлоқлардаги кўпгина поликлиникаларда одамлар ҳамиша врачни пойлаб ўтиришса, бу даргоҳда врачлар фақатгина идора хизматчиларига қарашгани учун, аксинча, кўп пайтлар одамларни пойлаб ўтиришади. Сиз бу гапларни билишингиз мумкин. Ҳар эҳтимолга қарши айтяпман.

Поликлиника ҳовлиси дарахтзор, соя-салқин. Ҳовли тўрида деворлари янги оқланган узун бир бино жойлашган. Бинонинг қатор эшиклари нақ ҳовли дарвозасига рўпара қилиб қурилган.

Мен дарвозадан киришим билан Исматга кўзим тушди. У дарахтлар остида, бекорчиқдан зерикибми, уй сурибми, айланиб юарди.

Исमत менинг сўроқлаб келганимга одатдаги сингари суюнгандек бўлди. У мени ўзига тегишли хонага таклиф қилди.

Узун иморатнинг бир этагидаги эшикнинг устида қутичани эслатган ойнали тахтача кўзга ташланарди. Унга қизил ранг билан «Рентген кабињети» деган сўзлар ёзилганди.

Исमत мана шу эшикни очиб, торгина йўлакка кирди. Мен унга эргашдим. Йўлакда тўхтаб, негадир андак қисинган кўйда девордаги тоқчадан чўткани олдим. Эғнимдаги этагига лой сачраган қундуз ёқали қалин пальтони, унга қўшиб нима учундир бошимдаги бўркни, кейин бошқа чўтка олиб, оёғимдаги қўнжли туфлигимни наридан-бери тозаллаган бўлдим. Бу орада Исमत ун қўлдаги ичкари эшикни очди.

Бу хона бинодаги бошқа хоналардан фарқ қилиб, деразалар қалин мато билан қопланганидан, қоп-қоронги эди. Исमत тугмани босди. Хонада чироқ милтираб, худди шам ёнгандек сўниққина ёруғлик таралди.

Биз ичкарига кирдик. Хона тўрида иккита тахта девор билан биғта зиначадан иборат рентген аппарати бўлиб, аппаратнинг олд тахтасига бир кесим шиша ўрнатилганди. Бош устида кўз ўрганмаган қизил чироқ ёнарди.

Дераза томонда кийим илғич, юқорироқда битта стол ва иккита курси. Хонада бу нарсалардан ташқари, чарм қопланган эскигина бир диван ҳам бор.

Мен бу хонага киришимда ҳам, ўтиришимда ҳам маъно йўқлигидан курсилардан бирига шунчаки омонат

урнашдим. Исмат эса мен унинг ҳузурига келган бемор эмаслигимни бир лаҳзага унутиб қўйдими, ишбилармон одам қиёфасида эғнидаги калта камзулини ечди. Оқ халат кийиб, стол ёнидан жой олди.

Деворга Ибн Сино расми солинган календар ва худди календардаги расм катталигидаги Исматнинг сурати ёнма-ён елимланган эди.

Столда телефон, уч-тўртта қалин дафтар, картон қутичада кафтдек қилиб қирқилган қогозлар, сиёҳдон, ручка. Бир неча газета ва журналлар.

Юзада ётган журнални қўлимга олдим. Таажжубки, журнални очганим заҳоти «Ҳам рентген, ҳам кино» деган сарлавҳага кўзим тушди. Кейин, бундай сўзларни ўқидим: «Прага медицина институтлари яқинда янги типдаги рентген апаратига эга бўлишди. Бу апаратда инсон ички органларининг фақат рентген суратинигина эмас, балки рентген фильмини ҳам кўриш мумкин...»

Мен бир девордаги расм ва сурат, бир ўзим ўқиган сўзлар тўғрисида ўйлаганимча, мийигимда кулиб, журнални ўрнига қўйдим.

Биз гаплашишга ҳам улгурмадик. Исматнинг ҳузурига мункиллаб, қовургалари саналиб қолган қандайдир қария келди. Исмат чироқни ўчирди.

Мен ўрнимдан туриб, эшикка йўналдим. Исмат ялинган оҳангда мендан уни кутишимни сўради.

Ташқарига чиқдим.

Қиш аллақачон бошланган, бироқ декабрь урталарида фақат бир гал қор учқунлаб ўтган-у шу кунлар ернинг намлигига қарамай, осмон қайта очилган эди. Қуёш чарақлар, ҳаво баҳордагидек эди.

Фаслларнинг бундай бир-биридан ажралиб, ҳар бири ўз вазифасини бажармаганидан телбалангандек бемаврид кўкарган дарахтлар остидаги скамейкалардан бирига бориб ўтирдим. Аммо сал ўзимни йигиб, нафас ростлашга ҳам улгурмасимдан, Дилкаш деган ҳамшира қиз бор экан, пилдираб ёнимга келди. У бошда менга ниҳоятда очиқ, одамнинг жони бўлиб туюлди. Аммо кейин, шунчаки танишганимиздан кифояланмай, кимлигимни ҳадеб суриштиравериб, бир томондан, энсамни қотирса, иккинчи томондан, мени тергаётгандек туюлиб, таажжубга солди.

Мен кўп ўтмай гап нимада эканлигини тушундим.

Исмат қарияни рентгендан ўтказиб, ўзига тегишли хонадан чиққанида, Дилкаш иккимиз турганимизни кўриб,



андак нохушлангандек бўлди. У, бунинг устига, бизга гуёки буйнидан арқон боғлаб судрагандек истаб-истамаган ҳолатда яқинлашди. Дилкаш эса Исматга тик қадалиб, аксинча, қандайдир эшилди. Исмат яқинлашгач, унга эри билан дутоналари олдида мақтанган айрим хотинлардек, беихтиёр суйкалди. Исмат хижолат чеккани сайин, Дилкаш унинг пинжига баттар суқиларди. Мени кечирасиз, аммо қўйиб берса, бу хоним шу пайт қаршисидаги йигитнинг қўйнига кириб кетишдан ҳам қайтмайдиганга ўхшарди. Исмат асал, у гуёки пашша эди. Ҳаммасидан ҳам унинг, «биз кўпинча бекор юрамиз, ишимиз тиқилинч эмас!» деб менга яна, шу билан мағрурлангандек, орада сўз қотишини айтмайсизми! Бу хонимнинг асли аҳволи қандайлигини билмадим, аммо уни, нима қилганда ҳам, қўлга ўргатган Исмат эди!

Менга шу куни «кейинги Исмат» ўзининг бутун борлиги билан намоён бўлганди. Мени, илми тибда рентген сингари тор ихтисос ҳам муҳим эканлигини тушунмас экан, деб ўйламанг, лекин менинг кўз унгимда уша асно биргина Исмат иккига парчаланиб, бирданига икки қиёфага кирди; булардан бири — одамларни эргаштиришни ўйлаб, юз-кўзлари порлаган умидли ўсмир, иккинчиси — қоронги хонада одам пойлаб утирган нотавон кимса эди! Мен бу йигит тўғрисида муайян фикрга келгандим. Исмат энди бир пайтлар қишлоқда менга йўлиққан расмана кимса ҳам эмасди. У ёши қирққа борганида ҳар қалай жиддий тортиш ўрнига, мутгасил увоқланганидан, жиддиятни хаёлига келтирмай қўйган бачкана бир одамга айланганди! Бу одам тўғрисида менга энди биров, ўз манфаати учун ёлгон гапириб, кимгадир нисбатан номардлик қилди, деса ёки идорада кимдандир пора олди, ҳаттоки, ишга яроқли буюмни уйига ташиб, давлат мулкини ўмарди, деса ҳам ҳеч иккиланмай, бемалол ишонавераман. Э, сен тўхтаб тур, деёлмайман. Чунки, шундай бўлиши мумкин!

Исмат тўмтайиб, бир-икки тўнгиллагач, Дилкаш бизни ниҳоят холи қолдирди. Кейин, Исмат менга сиз шошманг, илтимос, ақалли бир оз сўзлашайлик, менинг сиз билан гаплашадиган гапим кўп, дегандек бўлди. Биз болаликдан дўстмиз, қайсимизнинг ҳаётимиз қандай давом этмасин, бир умрга дўст бўлиб қолаверамиз, деган фикрни ҳам илгари суриб, бизнинг муносабатимизни фақат ўзи эмас, мен учун ҳам гуёки белгилаб қўйди.

Йўқ, менинг бу ерда ортиқ утиришга на вақтим, на хоҳишим бор эди. Дилкашнинг изидан мен ҳам, мийигимда кулганча, Исмат билан хайрлашишга ошиқдим.

Дарвоқе, бир нарсани сизга ўрнида айтиб утмаяпман. Бундан оддинги гал Исматни сўроқлаб, уни нақ поликлиника дарвозаси олдида учратганман.

У, афтидан, ишни тугатиб, уйга йўл олганди. Қулида қандайдир шохча.

Биз кўчада ёнма-ён кета бошладик. Мен Исматдан нега шохча кўтариб юрганини сўрадим.

Исмат менга, шошиб-ҳаяжонланиб, бу шохчани тувакка солиб қўйса, барг чиқариши, уйда кишининг кўзи яйраши тўғрисида гапиришга тушди.

Мен ҳеч қачон Исматнинг уйида бўлмаганман. Аммо уни тинглаб, у турган уйда саҳарлар хониш қилган эркин қушлар ўрнида, қафасга солинган хонаки парранда, шовуллаган боғлар ўрнида мана шунақа шохчалар борлиги эҳтимолдан узоқ эмаслигини ўйладим. Негадир бехосдан «дарахтдан пайраҳалар қолибди» деган бир гап хаёлимдан кечди...

Ўшанда Робия хола Исматникида эди. Мен ундан ойсининг аҳволи қандайлигини суриштирдим.

Ўзингиз мендан яхши биласиз, шаҳардаги уйларнинг олди-орқасида томорқага ўхшаган бир парча ер бўлади. Исмат кулиб, Робия хола ўзи қишлоқдан кўтариб келган эски бир этикни кийганча, уззу-кун мана шу бир парча ерда куйманиб юришини айтди.

Исматнинг буни кулиб гапириши менинг гашимни келтирди. Унга:

– Биласизми, мен сизни вақтида жуда катта одам бўлиб кетасиз, деб ўйлагандим. Идеал одам! – дейишдан ўзимни тўхтатиб туролмадим...

Кўнглимда ҳеч кимга айтмаган анча гаплар тупланиб қолган экан, сизга эринмай ёздим. Аммо яна саволлар тутилиб, кўришиш зарур бўлса, қишлоққа келаверинг, бош устига! Сиз Қодир отанинг тақдири билан қизиқаётган экансиз, мен ҳеч қачон вақтимни сиздан дариг тутмайман...

Самимият билан  
Бахти Йўлдошева»

## КАЛАВАНИНГ УЧИ

*(Мулла Шамсуддин билан кутилмаган мулоқот)*

– Хуш кўрдик, тақсир. Ассалому алайкум, – деди терговчи муллани кўчада, эшик олдида учратиб.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ... Намози бомдодни ўқиб келавердим, бўтам. Маъзур тутасиз.

– Галингиздан, мени анча кутибсиз-да, – деди терговчи.

– Зиёни йўқ, бўтам. Идора қулфлоқликми?

– Ҳа, лекин менда калит бор, тақсир, ҳозир очамиз... Қани, марҳамат!

– Кам бўлманг... Элдан бурун хизматга келганингиздан, сиз ҳам бизга монанд саҳархез экансиз. Бу кўп маъқул иш, бўтам. Боракаллоҳ. Кунингиз бобарака бўлади.

– Айтганингиз келсин... Мана бу юмшоқ курсига утира қолинг, – таклиф қилди терговчи. – Хуш, тинчликми ўзи?

– Тинчлик, бўтам.

– Менга кўчада бир оз хаёлингиз паришон бўлиб куринди.

– Ўзи шундоқ, бўтам.

– Нега? Бирон воқеа рўй бердимиз? – сўради терговчи.

– Йўқ, Охират яқин, бўтам. Бу кексалик.

– Хўп, мақсадга кўчайлик, тақсир. Бирон гап эсладингизми?

– Қайси тўғрида?

– Ҳалиги йигит? – эслатди терговчи.

– Йўқ, мен уни кўп эсламадим, бўтам. Фақат, қабристондан бўлак, бир дўконда ҳам кўрган эканман.

– Қанақа дўконда?

– Бозордаги дўконда. Майфуруш... Кеча-кундуз ўйлаган билан бошқа арзийдирган ҳеч гап хаёлимга келмади. Шу боисдан, сизга аввалдан у тўғрида бекор сўзлаб, гуноҳ қилмадимми, деб қаноат ўрнига, билъакс, ўн беш кундан буён уз-узимдан норизо бўлмоқдаман. Менга бу борада амри маъруфдан амри вожибга ўтмоқнинг ўзи, албатта, номуносиб эди.

– Демак, сиз менга, қисқаси, яхши билмас эканман, гапиришим зарур эмасди, демоқчисиз, шундайми? – мулланинг сўзига аниқлик киритди терговчи.

– Шундай, бутам. У йигит қабристонда мўйсафидга кўз тикмоқдан бўлак менга бирон айб зоҳир этмаган. Мен буни таъкидлашим лозим. Зероки, ундан шикоят айлаб, унинг қисматига зомин бўлмоқдан, охиратда жавоб бермоқдан қўрқаман.

– Хўп, майли, лекин сиз ҳар ҳолда саҳардан менинг ҳузуримга фақат буни айтиш учунгина келмаган булсангиз керак? Ёки шунинг учунгина келдингизми, тақсир?

– Йўқ. Мен авваламбор, Раҳимжон борасида... Менинг сўзим — сўз. Раҳимжонга, унинг зулмидан кўз юмиб, шафқат истайман. Ҳеч қандай талабим, ҳеч қандай даъвоим йўқ.

– Сиз буни менга ўтган гал айтгансиз. Мен кейин қогозга белгилаб ҳам қўйганман, — деди терговчи.

– Гал бошқа, бутам... Бизнинг бир замонлар падари бузрукворимиз силоҳи бўлган. Бошга дубулга қундириб, қилич тақиб юрган. Алқисса, падари бузруквор, биринчи жаҳон муҳорабасида Туркистондан жунаб, биз учун беному нишон қолган. На мен, на биродарларимга қиблагоҳдан бирон-бир мерос теккан! Локин йиллар кечиб, биз машаққат билан улгайганимиздан кейин, кунлардан бир кун, менга падари бузруквордан баяогоҳ ҳам мерос, ҳам ёдгорлик насиб этди: мен уйдаги арзимас ашёларни кўздан кечира туриб, қўлимга қиблагоҳга таалуқли бир дудамга тушди. Бу воқеанинг айни ҳақиқат эканига, истасангиз, менинг биродарларим, улар ҳаёт, бири — этикдўз, бири — сартарош, бажонидил шаҳодат беришади. Мен у яроқнинг баҳосини билмадим, балки, кўп қиммат ҳам, кўп арзон ҳам эмасдир, баҳарнав, менга ҳам мерос, ҳам ёдгорлик тариқасинда, ҳар қандоқ хазинадан устун кўриниб, азиз ва мукаррам бўлмишдир. Алқисса, мен бу яроқни ёнимда сақлаб юрмоққа одат қилган эдим. Локин бултур моҳи қурбонда бир куни таҳорат пайти гофил бўлиб, кимдир дудамани гилофдан сутуриб, қандоқ ўтирлаб кетганини англамай қолдим...

– Сиз дудамани Раҳимжон олган, деб уйлаяпсизми? — сўради терговчи.

– Худди шундай.

– Нимага асосланиб бундай деяпсиз?

– Қабристонда бошқалар билан йиллар бадалида нони-туз бўлганмиз. Улар бу йўсин ҳунар кўрсатмоққа ҳеч вақт саъй билдиришмаган. Бундан бўлак, эгнимдаги чакмон

устида дудамани олдин ҳам қолдирганман, биров менга, эгнингизга қаранг, тақсир, деб эслатса эслатган-у, кўзлари мултираб, менинг хотири паришонлигимдан нотинчланиб юрмаган. Мен воқеа рўй берган соатда Раҳимжоннинг қўлини тутганим ёхуд унинг қўлида дудамани кўрганам йўқ. Локин бу ишда, баҳарнав, ундан гумондорман.

– Раҳимжоннинг ўзига ундан шунақа гумонингиз борлигини айтмаганмисиз?

– Айтганман. Локин бўйнига қўёлмаганман... Мабодо сиз бўйнига қўйсангиз, ўлгунимча дуои жонингизни қилардим. Бу тонгла шу ниятда ҳузурингизга келдим.

– Демак, сиз Раҳимжондан дудамани олиб, сизга қайтариб беришимни сўраяпсиз, шундайми?

– Шундай, бўтам. Бошқа даъвоим йўқ!

– Сиз бирон ерда ўша дудамани кўрсангиз, танийсизми?

– Шубҳасиз... Бир мен эмас, икки биродарим, қабристондаги дўстлар ҳам, таниб, бунга шаҳодат беришлари муқаррар.

– Унда, тўхтаг-чи... Ҳозир... Масалан, мана бу ўша дудамани эмасми? – тортмадан Жамил келтирган дудамани олиб, муллага кўрсатди терговчи.

– Менга беринг-чи, бўтам... ўша! Мен, бу ҳамон Раҳимжоннинг қўлида, бирон қабр орасига яширган, деб ўйлагандим. Унинг бундоғ одати йўқ эмас. Сиз ундан олиб қўйганингизни билмагандим... ёки, сизга Раҳимжоннинг ўзи топширдими? Мен англамаяпман.

– Мен ҳозирча сизга буни айтмайман. Фақат бир гапни айтишим мумкин, – деди терговчи. – Сизнинг ўз манфаатингизни ўйлаб, одамларнинг кундалик турмушдаги қилмиш-қидирмишларидан аксар кўз юмишингиз, жиддий муносабатда бўлиш ўрнига, ўзингизча, ҳаммани, мумин, деб кечириб юраверишингиз ҳаётда баъзан кутилмаган кўнгилсиз ишларга олиб келади.

– Билмадим, бўтам. Маъзур тутасиз. Худо шоҳид, ҳаммамиз ҳам осий бандалармиз... Баҳарнав, бу яроқни энди менга қайтармоқнинг имкони йўқми, бўтам?

– Йўқ, бу менга ҳозирча керак, тақсир.

## ИНТИҚОМ

*(Терговчи монологи ёки айбнома)*

– Утган йили сентябрь ойи эди, Қодир отага тажовуз қилинганида. Яна сентябрь оёқлаяпти. Бу орада, мана, ниҳоят, тергов ҳам якунига етди. Менимча, терговнинг қай йўсинда борганини сиз бошқалардан яхши биласиз, Исмат Бўронов. Шунга қарамай, сизга буни эслатишдан эринмайман... Мен бошда дадангиз ҳаётини қунт билан ўрганишга уриндим. Ушанда, тўғриси, Қодир отага суиқасд қилингани оддинги нотинчликлар давридан қолган қандайдир кағта, эски бир адоват нишонаси эмасмикан, бу ишнинг шунақанги иддизлари йўқмикин, деб ўйлагандим. Аммо кейинчалик бунга нуқта қўйиб, сизнинг ҳаётингиз билан қизиқсинишимга тўғри келди. Чунки менга рўй берган фалокат дадангиздан кўра кўпроқ сизга тегишлидек, бутун воқеалар ҳам дадангиз эмас, сизнинг тегрангизда бир ипга тизилаётгандек бўлиб туюлди. Мен ўтмишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бахтсиз бир ҳодиса, бир-икки тахмин қилинганидек, хаёлга сигмайдиган тасодиф рўй берганини ҳис эта бошладим. Шу йўлдан бориб адашмаган эканман. Тергов натижаси буни тасдиқлади. Сиз, Исмат Бўронов, ҳамма гапни айтдим, деб, то ҳозиргача бари бир айрим муҳим тафсилотларни яширган экансиз. Сиз уқишни битиргандан буён хизмат қилиб, мустаҳкам ўрнашган поликлиникага кейинги йиллар Дилкаш исми ҳамшира қиз ишга келган. Сиз Маликадан ажралиб, яқин орада Нодира билан турмуш қурганингизга қарамай, Дилкашни дарҳол кўз остига олиб қўйгансиз. У билан аввалига ака-сингил туғиниб, сўнг бора-бора ака-сингиллик шартини бемалол буза бошлагансиз. Сизга поликлиникада маҳаллий ташкилот раиси эканлигингиз қўл келганидан, Дилкашга ортиқча ғамхўрлик кўрсатиб, аста-секин унинг ҳар қандай қаршилигини енгиб, марҳаматига сазовор бўлгансиз. Аммо у ҳадеганда гаҳ, десангиз, қўлингизга қунавермаган. Чунки у бир йигит билан ҳам астойдил учрашиб турган. Ниҳоят, Дилкаш ўша йигитга турмушга чиққан. Сиз унинг тўйида раислик қилиб, оила бахти, муҳаббат ҳақида нутқ сўзлагансиз. Шеър ҳам ўқигансиз... Икки марта уйлангансиз, билишингиз керак, ҳар қандай оилада, ҳатто севишганлар оила қурганида ҳам, маълум қарама-қаршиликларга дуч келинади. Худди шу пайтда муносабатлар шаклланиб,

кейин тикланишга ёки емирилишга қараб кетади. Дилкашнинг хонадонида ҳам табиий зиддият туғилган. Дилкаш эрини севмагани, унга ўрганолмаётганини ҳис этган. Сизнинг эрига нисбатан анчайин ақлли, тажрибали эканингиз унинг хаёлидан кетмаган. У эс-ҳушини йигиб, турмушдаги масъулият ҳақида ўйлаши керак эди, албатта. Аммо сиз бунга имкон бермагансиз. У билан поликлиника қолиб, энди куча-кўйда ҳам судралганча суюлишни давом эттиргансиз. Дилкаш гоҳ эрига, гоҳ сизга илакишиб, ҳаёти кундан-кунга тўшак танламайдиган хотинларга хос шармандалиқдан иборат бўлиб қолган. Ўзингиз биласиз, ойни этак билан ёпишнинг имкони йўқ. Элнинг оғзига элак ҳам тутиб бўлмайди. Кўчада кўз, деворда қулоқ бор. Қисқаси, сизнинг Дилкаш билан муносабатингиз одамларга ошкор бўла бошлаган. Дилкашнинг эри ҳам бундан хабар топган... Одатда, хотини суюқоёқ эрлар турли йўсинда иш тутишади. Масалан, улардан бири ўз ҳамжинсининг оёгини уриб синдиради, бошқаси дарвозани ланг очиб, кўчага қандай чиқиб кетишни уқтиради. Дилкашнинг эри ўзича йўл тутган. Бекмирза деган бу йигит тўппа-тўғри сизнинг уйингизга борган. Сиз билан хотинингиз ишда, дадангиз уйда ёлғиз бўлган. Бекмирза Қодир отага куйиб-пишиб, сизга нима арзи борлигини ярим-ёрти тушунтирган. Шу орада сиз ишдан қайтгансиз. У сизни кўчага имлаб, яхшиси, оёгингни торт, оғайни, бўлмаса сени гавдам биланоқ босиб, пачоқлаб қўяман, деган мазмунда гап қилган. Сиз мағрур, олижаноб одам қиёфасида, аксинча, бу йигитнинг узини янчиб ташлашга урингансиз. Унга бошида, тошингни термайсанми, укажон, бундай судралишингни кўриб, сенинг ўрнингда мен номусдан ўялпман, дегансиз. Кейин номардлик, бунинг устига Дилкашга хиёнат қилганча, йигит бўлсанг, хотинингни тиймайсанми, деб иблисона иш тутгансиз... Бекмирза Дилкашни ўзича севган. Шу боисдан, уни инсофга чақириб, ялиниб-ёлворган, ҳатто йиглаб-сиқтаган. Фойдаси бўлмаган. Шўрлик йигит сизни ҳам, хотинини ҳам айблаёлмаганидан ўз қонига ўзи ташна бўлиб юрган кунларнинг бирида беҳосдан кўчада узоқдан сиз билан Дилкашга кўзи тушган. Сиз эркин одимлаганча, гоҳ Дилкашнинг қулини тутиб, гоҳ елкасини сийпалаб бораётганингизни кўриб, у ўзининг сиз билан гаплашганда алданганини, айб сизда эканлигини кўнглида беихтиёр ҳис

этган. Шу лаҳза Бекмирзанинг хаёлидан, мен у билан сўзлашишга ожизлик қиламан, еқалашсам, баттар ўзим маломатта қоламан, холос, мен ундан фақат кутилмаганда кескин интиқом олишим мумкин, деган фикр утган... Бекмирза кейинги йилларда Раҳимжон билан озми-купми ош-қатиқ бўлган. Қамоқдан чиқиб, Малика билан куришган Раҳимжон кўнглида олдингидан ортиқ аламзадалик туйган. Сиз болалардан хабар олгани бориб, уйда унга тўқнаш келган ва уйдан чиқиб кетган пайтда, у ўрнидан сакраб туриб, дераза олдиға борган. Раҳимжон деразадан сизнинг виқор билан кетаётганингизни кузатиб, Малика бир пайтлар ўзини шу деразадан ташлаганини эслаган; вақтида шунақа мағрурлик қилган Маликани, сиз уйланиб, уч-тўрт йил ичида бемалол топтаб-янчиб ўтганингизни, мана ҳозир ҳам ўзингиз эмас, унга аччиқ қилгандек одим отаётганингизни ўйлаб, юрағида сизға нисбатан чексиз адоват уйгонган. Раҳимжон шундан кейин гап орасида Маликадан сизнинг турган жойингизни аниқлаб, худди ўша атрофдан бошпана излаган. У қабристонда юриб, кўнглидаги дардини унутмаганиға қарамай, сиздан ҳали қандай ўч олишни билмаган. Бу йигит аввадан ичишга иштиёқи борлигидан, вақт-бевақт қабристон орқасидаги бозорчаға қатнаб, топган-тутганини Бекмирзанинг қўлиға топширган. У кайфи ошиб, кўзига ёш олганча, Бекмирзаға бир неча марта ўз тақдиридан шикоят қилган. Охири керак бўлса, баъзан пулсиз ҳам унга қўйиб берадиган ошнасига беихтиёр юрагини адоват тоши эзаётганидан ҳам огиз очган. Қўйиб-ёниб юрган Бекмирза Раҳимжон кимға нисбатан адоват сақлашиға қизиққанида, сизни айтган. Бекмирза Раҳимжоннинг ўзига қисматдош эканлигидан суюниб кетган. У ҳам ошнасига кўнглини очган. Улар энди ҳар куришганда бир-бирларига шу одамни қандай йўқотсак экан, деб ҳасрат қилиб туришган. Ниҳоят, бир куни Раҳимжон мулла Шамсуддиннинг чакмони устида ётган дудамани енгига яшириб, Бекмирзаға келтириб берган. У, мулла ичмагин, деб қўлимдаги бутун пулимни олиб қўйяпти, мана, дудамани сеники, менға эса беш-олти кун пулсиз қўйиб турасан, мазмунида гудранган. Раҳимжоннинг шу пайтда ичишға ҳеч вақоси йўқлиги рост бўлган. Аммо у шунинг учунгина дудамани Бекмирзаға келтириб бермагани аниқ. Бекмирза ҳам Раҳимжоннинг дилидагини тушунган. У қўлиға дудамани олганида, сиз унинг кўз ўнгида



гавдалангансиз... Бекмирза купинча Қодир отани бозордан қабристон орқали уйига қайтаётиб, йул устида учратган. У дадангизнинг сизга вақтида тарбияси, энди сўзи кор қилмаганидан, дардини ёриб, дадангиз қаршисида шармисор эканлигидан хуноби ошган. Сиз туфайли дадангизга алам ва нафрат аралаш бир ҳолатда тикилишдан ўзини тўхтатиб туролмаган. Аммо Бекмирзада табиийки, Қодир отага нисбатан ҳеч қандай адоват ҳам, интиқом ҳисси ҳам бўлмаган... Бекмирзанинг кўча-кўйда дуч келиб, ҳадеб ўқрайиб қараши Қодир отанинг бир оз гашига теккан. Шу билан бирга, ота ҳар гал бу йигитнинг сиздан шикоятини эслаб, унинг олдида ўз аҳволидан — сизни чиндан вақтида қайиролмагани-ю, ҳамон қайира олмаётганидан хижолат чеккан. Хаёлидан, боламнинг феъл-атвори охири яхшиликка олиб бормади, деган гап кетмаган. Сентябрнинг охири кунларидан бирида Дилкаш ишдан уйга анча кеч, бунинг устига, қандайдир илжайиб-ишшайиб қайтган. Бекмирза сўроққа тутганида, у эрига оппа-очиқ, беписанд қарашга одатланганиданми, ўйнаб юрибмиз, нима дейсиз, қабилида галирган. Бекмирза индамаган. Раҳимжон берган дудамани қўйнига солиб, кўчага чиқиб кетган. Алламаҳалгача кўчаларда судралиб юриб, ниҳоят, сизнинг уйингизга йул олган. Йўлакка кириб, эшикка яқинлашганда, кимдир радиодан концерт тинглаётгани диққатини жалб этган. У радио сизнинг эмас, қўшнингиз Жамилнинг уйида янграётганини билмаганидек, эшикни бошқа биров очиши мумкинлигини ҳам хаёлига келтирмаган. Бекмирза, фақат сиз радио ёнида роҳатланиб ўтирибсиз, эшикни ҳам ўзингиз очасиз, деб ўйлаган. Эшикни секин тақиллатган. Эшик очилиб, дадангизга ташланганидан кейингина, сиз билан муносабатни эпломлагани сингари, сизга жазо беришнинг ҳам урдасидан чиқолмаганини ҳис этган. Ўзининг қотиллигидан бир саросималанса, дадангизга, бегуноҳ кекса одамга ҳамла қилганидан икки даҳшатга тушиб, қўлидан остонада тушиб қолган дудамани олишни ҳам унутиб, жон ҳолатда кўчага югурган. Муюлишга етиб, водопровод кранини очганча, маст одамдек сув остида ўтириб, ҳўнгир-ҳўнгир йиглаган. Кейин уйига қайтиб, балки ҳаммаси ўз-ўзидан тинчиб кетар, деган хаёлда нафас ютиб юраверган... Ўша оқшом эса қўшнингиз Жамил дадангиз учун бир одам бажариши мумкин бўлган барча ишларни ўз бўйнига олишга ҳаракат

қилган. У сизнинг бадгумонлигингизни билганидан, дудамани уйига яшириб қўйишдан бўлак чора тополмаган. Бутун воқеа мана шундан иборат...

Сиз болаликдан қишлоқни эмас, шаҳарни ёқтирға — нингизга ҳеч қандай эътироз йўқ, минглаб бундай кишилар топилади. Лекин ота-онангиз ҳам, тенгдошларингиз ҳам ўз вақтида, болаликдаёқ сизнинг қон-жонингиз, вужудингизда қизиқ бир ўзгариш рўй берганини пайқашмаган. Сиз кейинчалик эмас, ўшанда иккига парчаланиб, икки бўлақдан иборат бўлиб қолгансиз. Бир томондан, отангизнинг шон-шуҳрати сизни руҳлантириб, сиз ажойиб инсон, кагга қаҳрамон бўлишни орзу қилгансиз. Аммо иккинчи томондан, сизда гайрат бўлган, мақсад бўлмаган. Ақл бор, амал йўқ. Ҳамқишлоқларингиз, айниқса, сиз билан бир кўчани чангитиб, бир хонада дарс тинглаган дўст-ёрларингиздан айри йўл тутиб, кундан-кунга узоқлашиб боравергансиз. Нега бундай бўлган? Илк қарашда — ўз орзу-умидлари билан ҳамманинг кўнглини ёритган бола одамларга яқинлашиш ўрнига нима сабабдан бундай аҳволга тушган? Гап шундаки, сиз қишлоқдан Бухорога илк қатнай бошлаган пайтларингиздан қишлоқдаги кўпгина болалар, қизларнинг бундан бенасиб эканлигини билгансиз. Аммо, мен бошқалар билан ҳисоблашишим шарт эмас, деган фикрга келгансиз. Бора-бора бу фикрни ўзингиз учун ҳаёт қонунига айлантиргансиз. Кўп ўтмай Бахти билан ҳисоблашмай, Тошкентга келгансиз. Тошкентда ўқиб юргангизда оилангиз билан, ўқишни битиргач, яна Бахти, бутун ҳамқишлоқларингиз билан ҳисоблашмагансиз. Кейин оингиз, сўнг дадангиз билан ҳам ҳисоблашишни хаёлингизга келтирмаган ҳолда, уларни Тошкентга етаклагансиз. Ниҳоят, Маликанинг сизни севмагани-ю, дунёда Раҳимжон деган бир одам бор-йўқлигини ўйлаб ҳам ўтирмагансиз. Болаларингиз қандай кун кечиришаётгани билан ишингиз йўқ. Уйда Нодира билан ҳисоблашмайсиз. Дилкашнинг тақдири сизни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Дилкаш билан муносабатингиздан Бекмирзанинг ҳоли нима кечишини ҳам ўйламагансиз. Сиз қишлоқда юришга сабрингиз чидамай, шаҳарга келгач, зерикиб, Бахтидан Маликага, Маликадан Нодирага, Нодирадан Дилкашга интилгансиз. Ниҳоят, кундан-кунга болаликдаги орзу-умидлар йўқолиб, улардан айрилган сайин, пастлашиб кетаётганингизни ҳис этгансиз. Лекин сиз ҳушёр тортиш

ўрнига, бошқаларни «жарга қулатиш» пайига тушгансиз. Мендек ақлли, зиёли кишига ҳамма нарса мумкин, деб ўз дадангизни ҳам истаб-истамаганингиздан қатъи назар, ана, жарга қулатгансиз... Нега бундай фожиа рўй берди? Гап шундаки, сиз аввалдан, ўша болалик кунларида, худбинликдан ташқари, ўз орзу-умидларингизга хиёнат қилгансиз. Сиз ўшанда орага дарз тушиб, одамлардан аста-секин узоқлашаётганингизни пайқагансиз. Аммо бунинг ҳеч қандай зиёни йўқ, мен ўз манфаатимни ҳам кўзлайвераман, бир куни ажойиб инсон, катта қаҳрамон ҳам бўлавераман, иккисини ҳам бемалол эплашга нима етсин, деб ўйлагансиз. Сиз Мирза исмли врач дўстингиздек кишилардан инжигансиз, лекин у кичик, сиз эса каттароқ манфаатпарастга айлангансиз. Сиз бу қарама-қарши икки қутбни бирлаштиришга чоғланиб, ўзингиз икки бўлакка ажралганча, иккига парчаланиб кетгансиз. Энг муҳими, сиз болаликдаёқ кугилмаган бир мўъжиза рўй бериб, одам қаҳрамонга айланиб кетса керак, деган хаёлга боргансиз. Аммо мўъжизани кутиб, қанотсиз осмонга талпиниш ўрнига уни ердан, атрофингиздаги оддий одамлар орасидан изламагансиз. Одамлар учун мўъжиза уларнинг ҳаётида, эзгу интилишларда эканига тушунмагансиз... Мен бир гапни кўп ўйладим. Дадангиз сизнинг феълингизни билмасмидилар? Нега еталовингизда Тошкентга келиб, бу ерда яшаб қолавердилар? Нима сабабдан, фалокат рўй берган тунда, гарчи шуурсиз ҳолатда бўлса ҳамки, сизни муқаррар ўлимдан асраганча, худди жангчи сингари ерга қуладилар? Мен бу саволларга жавоб топдим. Қодир ота ҳам мўъжиза рўй беради, ўғлим бир куни бари бир менинг изимни босади, деб ўйлаган. Сизнинг бутун бўлмаса, эртага қанотланиб, катта ишлар қилишингизга, ўзларига ухшаган одам бўлишингизга умидланган... Йигламанг, Исмаил Буронов, ҳожати йўқ. Энди кузёши билан нимага ҳам эришардингиз?!

## БОЛАЛИККА САЁХАТ

Улар хонада икки киши эди.

Қария турдаги стол орқасида, йигит ён томонда ўтирарди.

Қўққисдан эшикда ўрта ёшлардаги, баланд буйли, йўгондан келган учинчи бир киши жонланди.

– Мумкинми? Салом алайкум...

– Кираверинг, – деди қария эшикка кўз ташлаб. – Марҳамат...

Меҳмон ичкари кирди.

Йигит идорада яқиндан бери ишлар, у ингичка, анчайин нозик эди. Катта, андак бесунақай гавдали қария эса, аксинча шу ерда — касабта ташкилоғида соч оқартирганди. Қизиги шундаки, қариянинг ёнига ҳам негадир кўпинча унинг ўзига ўхшаган одамлар қадам ранжида қилишарди.

Йигит, шу боисдан, ҳозир ҳам меҳмонни дарҳол қарияга тегишли бўлса керак, деган хаёлга борди ва салом-алиқдан сўнг, уларга халал бермасликни ўйлаб, олдидаги қоғозларга шўнгиди.

Аmmo иш бошқача кўчди.

– Менга Карим Муродов керак эдилар, – деди келган киши ва йигитга юзланиб: – Бу сиз эмасми, ҳар ҳалай? – деб сўради.

– Мен, – деди бошини кўтарган йигит.

– Сизга икки оғиз гапим бор эди.

– Бемалол...

– Йўқ, бу ерда эмас, – негадир хижолат чеккандек бўлди меҳмон. У секин қўшиб қўйди: – Махфий.

Карим бу одамнинг нима махфий гапи бўлиши мумкинлигига қизиқсинган, бир оз ташвишланган кўйи ўрнидан турди ва эшик томон жилган меҳмонга беихтиёр эргашди.

Ташқарида кун ёруғ, ҳаво мўътадил эди. Идора ҳовлисидаги қатор дарахтлар шохини янгидан беазаган ям-яшил япроқлар тиниқлиги кўзни қамаштирарди.

Улар соядаги ўриндиқлардан бирига бориб ўтиришди.

– Кечирасиз, – деди Каримни истаб келган киши. – Сиз асли бухороликсиз, шундайми?

– Шундай.

– Жондор томондан...

– Йўқ, биз, асосан, шаҳар...

– Жондордан! – деб туриб олди бояги киши.

Каримнинг беҳосдан асаби таранглашди.

– Жондор бўлса, Жондор дердим. Менга бунинг аҳамияти йўқ! – У бирдан чўрт кесди. – Нима демоқчи эдингиз?

Меҳмон суҳбатдошининг жаҳли чиқиб, феъли айний бошлаганига ортиқча нарво қиладиганга ўхшамасди. У афтидан, ўз хаёли билан банд эди. Худди шунинг учундир, пинак бузмагани етмагандек, алланечук содда, беозор жилмайди.

– Агар малол келмаса, менга ўз тўгрингизда гапириб берсангиз!..

Карим кўнглида меҳмоннинг самимийлигини, чамаси, унга нисбатан ҳеч бир гарази йўқлигини ҳис этди. У бир дамда қандай лов этиб ёнган бўлса, шундай тез олдинги шаштидан қайтди. Юмшади.

– Нимани?

– Бутун ҳаётингизни қисқача...

Каримга меҳмоннинг бу талаби антиқа ва бир оз эриш туюлди. Унга умрида ҳеч ким, ҳеч қачон бундай талаб қўймаганди. У икки ўртада қизиқ бир ўйин бораётгандек кайфиятга тушиб, нотаниш кимсанинг кўнгли учун, аслида сал ножиждий кўйда, истар-истамас ўзи тўгрисида тапира бошлади:

– Мен Бухорода тутилиб-усганман. Шаҳарда... Мактабда ўқидим. Кейин икки йил заводда ишладим. Пахта заводида... Тошкентга келиб, ўқишни давом эттирдим. Ўқишни битиргач, яна иш... Бухорода ота-онам, опаларим, укаларим бор. Бу ерда ҳам уй-жой, оила... Шу!

– Демак, Жондорда қариндош-уруғлардан ҳам йўқми?

– Йўқ. Мен Жондорни, умуман, яхши билмайман. Уч-тўрт борганман, холос. Иш юзасидан...

Орага анча сукунат чўқди.

– Биз Жондорда, дашт қаърида ер очяпмиз, – деди ниҳоят меҳмон ўйчанлик билан. – Лекин уй-жойимиз туманнинг шундоқ этагида. Менинг кўп йиллик бир дўстим бор. Муаллим. Иккимиз қўшни турамиз. Шу одам Тошкентга келаётганимни билиб, сизга, албатта, учрашишимни сўради.

– Унинг менда нима иши бор экан?

– Биласизми, улар вақтида уч ака-ука бўлишган. Ҳозир икки киши. Бир укаларини уруш пайтида йўқотишган.

– Мендан бирон ёрдам сўрашмоқчими?

– Йўқ. Улар, сизга ўхшаб, Муродов... Сизни ўз укалари деб ўйлашапти...

– Мени улар қаёқдан билишибди? – деди Карим таажжубланиб.

– Телевизорга чиққан экансиз... Ўшанда сизни бухоролик деб айтишган экан. Афтингиз ўхшайди. Бунинг устига, фамилия... Ёшингиз ҳам тахминан тўғри...

– Сиз мени қандай топдингиз?

– Мен оддин телевизор идорасига бордим. У ерда телевизорга чиққан вақтингизни айтиб, сизни суриштирдим.

– Сиз ўзингиз Тошкентга нима сабабдан келдингиз?

– Қувур керак. Уч кундан бери югуриб юрибмиз.

Карим энди ниҳоятда жиддий тортиб, ўйга толган эди. У меҳмон билан бирга хонани тарк этганида, бугун ўз ҳаётида фавқулодда воқеа рўй беришини билмаган, суҳбат бошланганида ҳам, ишнинг бундай тус олишини хаёлига келтирмаган эди. Аввалига, Карим шу сабабдан андак паришонлангандек бўлди. Кейин меҳмонни тушунмай нохуш қаршилагани, яхши муомала қилмаганидан уялиб, уни совуқ тер босди. Ниҳоят, одамларнинг чигал қисмати-ю, бу қисматнинг кутилмаганда ўзига келиб боғланганидан таъсирланиб, ажабтовур бир ҳаяжонга чулганди.

У, сирасини айтганда, ўзини истаб келган кишига, бу кимсанинг мақсад-муддаосидан воқиф бўлмагани учун ҳам, бошдан ҳаёти тўғрисидаги бор ҳақиқатни очиб ташламаган эди. Шу алфозда туйқусдан кўп нарсалар унинг ёдига ҳам тушмаганди. Масалан, Каримнинг Жондорни яхши билмагани, фақат иш юзасидан уч-тўрт боргани унчалик тўғри эмас. У илк болалик кунларидан бу ерни яхши эслайди. Аксар шаҳарликлар сингари унинг Бухоро атрофидаги ерларда қариндош-уруғлари ҳам топилади... Умуман, Жондорни унга бегона жой деб бўлмайдими... Лекин бу воқеаларнинг меҳмон бугун топиб келган ҳангомага алоқаси йўқ.

Карим гапни чувалаштириб ўтирмади.

– Сизнинг исмингиз? – деб сўради у меҳмондан.

– Маҳмуд...

– Мен сизга нима десам экан, Маҳмуд ака. Менинг ҳаётим бошқа, ишонсангиз. Ўзимни болалиқдан эслайман. Ота-онам... яхши...

– Улар ҳам... яхши одамлар, – деб гудранди меҳмон.

– Бўлиши мумкин. Мен уларни билмайман. Қисқаси, мен уларнинг укаси эмасман...

– Дунёда ҳар хил воқеа рўй беради. Сиз балки айрим гаплардан вақтида беҳабар қолгандирсиз.

– Йўқ. Мен сизга анигини айтяпман...

Меҳмон эзгин бир оҳангда пичирлади:

– Хўп, мен нима дей уларга бориб?

Карим бу саволга тез жавоб қайтаролмади. Бировларни ўйлаб, унинг юрак-бағри уртаниб кетаётгандай эди.

– Майли, – деди у анчадан кейин, – сиздан бу иш соқит. Мен ўзим уларга бир учрайман. Яқин ўртада Бухорога борсам, албатта, учрайман.

\* \* \*

Уша кунга қадар Каримга ўзининг таржимаи ҳоли худди қафтда чизилгандек аниқ, кўнглида ҳеч қандай шубҳа-гумони йўқ эди.

Карим яхши биларди: гални узоқроқдан бошлаганда, унинг она авлоди каттақўргонлик, ота авлоди жондорлик. Ота-онаси, асосан, Бухоро шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда ҳаёт кечиришган. У шаҳарда таваллуд топган, лекин болалиги шаҳару қишлоқ ўртасида ўтган.

Уқишни битириб, Тошкентда қолганидан буён, Каримнинг ўз болалиги кечган Бухоро теграсида жойлашган қадрдон қишлоқларга ҳеч қачон йўли тушмаган эди. Қишлоқлар тугул, у энди ота-онаси яшаётган шаҳарнинг ўзига ҳам муттасил, бузчининг моксидек қатнай олмас эди. Хизмат, тирикчилик... Ёзда дам олгани ёки сайри-сафар қилиш имкони тугилган пайтлар кўпинча Ўзбекистондан олис ерларга жўнади: умр ўтяпти, дунё кўриш керак. Бироқ шунга қарамай, ернинг остида кўзга ташланмагани билан дарахт барибир илдизсиз ўсмагани сингари, Карим ҳам ўз ҳаётини Бухородан айри ҳолда тасаввур қилмас, Бухорони, болалиқ кунларини бот-бот эсламай туролмасди. У Бухорони соғинар, Бухорога борган пайтлари ўзини беҳад бахтиёр ҳис этарди.

Карим кутилмаган воқеа рўй берганидан кейин орадан бирон ой ўтгач, яна Бухорога бориб, у ердан Жондорга йўл олди.

Идорага Каримни сўроқлаб боришга кунга қадар унинг ҳаёти ҳар ҳолда тинч, осойишта эди.

Карим, аслини олганда, Маҳмудга ўшанда кескин рад жавобини айгиб, уни жўнатиб қўя қолиши ва бошига ташвиш орттиришдан бемалол фориг бўлиб юравериши қийин эмасди. Аммо табиатан хаёлпараст, кўнгилчан бу йигит, дунёда ечилмайдиган чигаллик, чекинмайдиган кулфат йўқ, одамларга доим эринмасдан ёрдам кўрсатиш керак, деб ўйлар, ҳар қандай бахтсизликнинг сўнгида бахтнинг тантана қилишига юрак-юрагидан ишонарди. У кўпинча ёр-дўстларига болаларча шавқ билан, тоннелга кирган поезд у ердан чиқмай қўймайди, дейишни ёқтирар, ҳаётни шу йўсинда гушунар эди. Худди шу важга кўра, Карим ўшанда Маҳмудни учратганида ҳам, беихтиёр куйинчак бир ҳамдардликни лозим кўрган эди.

У, воқеа бундан кейин қандай давом этишини билмас, Муродовларга нималар деб, улар учун нима қилишини ҳали ўзига-ўзи ҳам тушунтириб беролмас эди. Аммо Маҳмуд билан хайрлашганидаёқ кўнгли безовталанган, Жондорга, албатта, бир боришини теран ҳис этганди.

Карим автобусда Жондорга кетаётиб, бу ерда узоқ қариндошлар эмас, отасининг тоға-тоғаваччалари яшашганини, беш ёки олти ёшларида биринчи марта Жондорга — уларникига борганини эслади. Қандайдир сўлим бир бог хотирасида гира-шира гавдаланди. Ўшанда анжир пишиги бўлгани, боғни оралаган ариқчада муздек сув шилдираб оққани ёдига тушди. Жондорга кейинчалик бир неча марта борганига карамай, қайтиб ота юртини, қариндош-уруғларни сўроқламаганидан кўнглида хижиллик тўйди.

Карим Жондор марказида автобусдан тушиб, Маҳмуднинг дўсти — Муродов муаллимлик қилаётган мактабни сўроқлаб топди. Айни танаффус пайти эди. У мактаб ҳовлисида Муродов билан учрашди.

Бу — бўйи ўртадан сал баланд, елкалари кенг, бутдойранг юзли, сим-сийёх кўзлари кулимсираб турган, истараси иссиқ, малоҳатли бир киши эди. Ранг-рўйи, қиёфасидан Каримга қандайдир ўхшар, умуман, уни, Каримнинг акаси, деб ўйлаш ҳам мумкин эди.



Аввалида гап-суз қисқа бўлди. Карим ўзини таништирди. Муродов у билан содда, самимий кўришиб, ундан бирпас кутиб туришини суради. Сўнг, чуқурлашаётган болалар теграсида юрган ўзи сингари муаллимлар билан нимадир ҳақда пичирлашганча гаплашиб олди-да, Каримнинг ёнига қайтиб, кетдик, деди.

Улар мактаб биносидан кучага чиқишди. Бино орқасида Муродовнинг машинаси турган экан, ўтиришди.

Муродов ҳамон ортиқча лом-мим демасдан, машинани магриб томондаги худди чизгични қўйиб қора қалам билан чизиқ тортганга ухшаш тик асфальт йўлдан қаёққадир ҳайдаб кета бошлади.

– Кечирасиз, қаёққа кетяпмиз шу кетишда? – деб суради Карим, Жондор маркази орқада қолиб, атрофда дала-дашт бошлангач.

– Акамникига бир борайлик-чи, – деди Муродов. – Кейин бизникига қайтамиз.

Улар анча жим йўл босишди.

– Бу ўзи, нима воқеа бўлганди? – савол ташлади Карим, ахийри сабри чидамай.

Муродов бир муддат янаям теран уйга толди. Кейин, уруш давридаги ўз хонадони қисмати тўғрисида Каримга шошмасдан ҳикоя қила бошлади:

– Биз ота-онамиздан бевақт ажралганмиз, уч ака-ука... Акам урушга кетган. Мени Бухорога «Болалар уйи»га юборишган. Укамиз бор-йўти икки-уч ёшларда бўлган ўшанда, мендан беш-олти ёш кичик. У бир ногирон узоқ қариндошимизнинг қўлида қолган. Қариндош ушоқ норасидага, бировга ишонмаганидан, бошда ўзи имкон етганча қарашга ҳаракат қилган. Лекин у тез орада жуда қийналиб кетган. Кузи яхши кўрмаса, бунинг устига, бола боқиш — эркак одамнинг иши эмас. Ноилож болани Жондорнинг ўзида очилган қандайдир етим-есир норасидалар тарбияланаётган даргоҳга берган... Акам урушдан қайтгач, мени топди. Аммо укамизга кейин нима бўлган — билмаймиз. Уни ҳали-ҳануз топодмай юрган пайтимиз эди...

– Ҳалиги қариндош қайтиб боладан хабар олмаган эканми?

– Балки бир-икки хабар олгандир. Ким билсин. Лекин бунга турмуш имкон бермаган бўлса ҳам ажаб эмас. Болаларни Жондордан бошқа ерларга кучиришган бўлиши ҳам мумкин...

– Унинг ўзи нима дейди бу ҳақда?

– Биз вақтида, ўзимиз сал тинчиб олгунча, ундан буни яхшироқ сўрамаганмиз. Энди бўлса, оёққа туриб жигар қадрига етганимизда, у дунёдан ўтиб қолган. Қишлоқда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

– Боланинг исми Кариммиди?

– Йўқ, исми Хиром...

– Бўлмаса, мени нега суриштирдигиз?

– Қулоққа иккиси бир хил эшитилади. Исми ўзгариб кетмаганмикин, деб ўйладик... Масалан, менинг болалиқдаги исмим Баҳром, «Болалар уйи»да адашиб, ҳужжатга Барот деб ёзишган. Буниси майли, кўпчилик, Баҳром дейишга тиллари келишмай, одамлар оғзида исмим асосан Барон бўлиб қолган...

Карим беихтиёр мийигида кулди. Барон!..

Машина тахминан ярим соат ичида беш-ўнта янги солинган ҳовлилардан иборат қишлоққа, Баҳром Муродовнинг — темир йўл яқин бўлса керак — узоқдан аҳён-аҳён поездлар пишиллаб-пишқираётгани қулоққа чалиниб турувчи акасининг уйига кириб борди.

Ака уйда, ҳовлидаги олма, нок туплари остида куйманаётган экан. У меҳмонларни кўриб, чангли қўларини қоқиштирганча, буларга пешвоз юрди.

Баҳром, бу киши акамиз, исмлари Муслим, деб уй эгасини Каримга, Каримни акасига таништирди.

Муслим Баҳромга нисбатан нозикроқ, бўйи ўрта, кўзлари сим-сиёҳ... Карим унга тикилиб, энди галати бир ҳолдан андак ўнгайсизланди: афт-ангори, ўзини тутиши, умуман, ташқи кўриниши жиҳатидан у Баҳромдан кўра Каримга кўпроқ ўхшаш эди.

Улар ичкари киришди. Дастурхон бошида уруш даври-ю ўша давр фалокатларига қайта хаёлан назар ташланди. Йўқ, бу ерда Карим йўлда эшитган ҳикояга деярли янгилик қўшилмади. Аммо Карим муайян қарорга келган эди, кўнглидагичи ўртага тўқди:

– Мана, танишдик... Мен қўлимдан келган бутун имкониятни ишга солиб, сизлар билан бирга укаларингизни қидириб кўраман. Топилса, яхши, хурсандчиликка нима етсин. Борди-ю топилмаса, мендан инжимайсизлар. Мен умрим сўнгигача бир ука ўрнини босишга ҳаракат қиламан...

Карим болаликдан урушнинг нималигини биларди.

У олдин ҳам, кейин ҳам эмас, роппа-роса минг тўққиз юз қирқ биринчи йил ёзида дунёга келган эди.

Ақлини таниб, фарзандини, акаси ёки укасини, суюкли ёрини урушда йўқотган кўплаб кишилар маврид-бемаврид тўккан кўз ёшлар Каримнинг мургак юрагига томган, оналарнинг аччиқ фарёди унинг қулоқларида қотиб қолган эди. У қишлоқнинг тупроқ кучаларида ҳам, Бухоронинг ҳали асфальт ётқизилмаган қайроқтош йўлларида ҳам аламзада, мағрур ва шунинг баробарида, қандайдир аянч судралган, уруш аждари гажиб ташлаган юзлаб, минглаб майиб-мажруҳ кишиларга гоҳ хос, гоҳ бехос рўпара келган; тўқиллаган қўлтиқтаёқлар, гижирлаган тахта аравачалар, инқиллаб-инграган майиб-мажруҳлар ўша пайтданоқ унинг хотирасида мангу муҳрланган эдилар.

Ёши улғайгани сайин болаликда курганларининг давоми бўлиб, унинг хотирасига янгидан-янги уруш манзаралари ёзилган эди. Унга Ўзбекистондаги деярли барча катта уруш ёдгорликлари таниш эди. У кейинги йилларда Кавказ, Қрим, Белоруссия, Украина, Молдавия ва бошқа кўплаб уруш кечган сарзаминларни айланган, Биродарлик қабристонларини зиёрат қилган эди. Карим мрамар лавҳаларда минг-минглаб йигитларнинг исм-шарифларини ўқиб, қаттиқ ҳаяжонланган эди. У Аҳмедов, Ботиров, Сатторов сингари ўзбекча фамилияларга тўқнашганда, булар Ўзбекистонда мункиллаб юрган қайсидир чол, қайсидир кампирнинг жигарбанди эканини тасаввур қилган, беихтиёр ларзага тушган эди.

Узоқ бир йили эса бундай воқеа рўй берди.

Уруш пайти ўзбек болалари номидан қамалдаги Ленинград болаларига совга-салом олиб борилган, вакиллар орасида эса Амин Умарий деган шоир ҳам бўлган экан. Карим қайсидир эски газетадан шу ҳақда хабар ўқиган, илк ёшлигида Амин Умарий шеърларини севиб, ёд олганидан, бу хабар уни дафъатан қизиқтирганди. У ёзда Ленинградга сафар қилган, аммо бу ерда «совга-салом» тарихи қолиб, унга кутилмаганда бошқа бир тарих юз очган эди.

Болтиқ бўйидаги шаҳар этагида Ладога деган каттакон кўл бор, у ҳам денгизга ўхшайди. Карим эшитган эди: уруш пайти бу кўл қамалдаги Ленинградга бамисоли

дарвоза булган. Шаҳарга фақат шу кўл орқали озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори ташилган. Минглаб йигитлар кўлдан кечаётиб жонларини қурбон қилганларидан ташқари, ушанда кўлга юзлаб самолётлар, машиналар, ўнлаб пароходлар ҳам чўкиб кетган.

Карим Ленинградни айланиб, сафар давомида шунчаки тасодифан Ладога соҳилига бориб қолди... Урушда «Ўзбекистон» деган кема ҳам кўлга чўккан экан. Карим буни билмасди. У соҳилдаги Биродарлик қабристонини зиёрат қилаётиб, бу ерда, ажабо, одатдаги шаҳидларнинг исми-шарифларидан ташқари, пароходлар номини ҳам учратди ва булар орасида бехосдан «Ўзбекистон» кемаси деган ёзувга ҳам кўзи тушди...

Карим энди ўша соҳил, ўша кемани бот-бот эслар, унга уруш кунлари ҳалок бўлган юртдошларининг барчаси «Ўзбекистон» кемасида сувга чўкиб кетгандек туюларди.

Каримнинг бутун ҳаёти, шу йўсинда, уруш таассуротларидан тўқилган, уруш ва тинчлик тўғрисидаги ўйлар табиий бир ҳолда унинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Аmmo шунга қарамай, уруш давридан у фақат ҳикоялар эшитиб, майиб-мажруҳлар, қурбонлар, сафар қилган ерларида айрим мунгайган харобаларни четдан кузатган, холос, шунинг ўзидангина аёвсиз бир даҳшатни туйган эди. Уруш ҳеч қачон унинг тақдирида акс этмаган, унга дахли булган воқеага айланмаган эди!

Карим Муродовлар билан танишиб, Жондордан Бухорога қайтгач, ҳаётида илк дафъа ўзини худди уруш билан чинакам юзма-юз турган-у, мана энди унинг битмас жароҳатларини жисму жонида адоқсиз бир сирқираган огриқ билан сезаётгандек бўлди.

У шаҳардаги барча архивларга бирма-бир кириб чиқа бошлади. Бироқ ҳеч қайси архивда етим-есир норасидаларга тегишли маълумот топилмади.

Ниҳоят, Карим маориф бўлими архиви эшигига бош уриб борди.

Бу ерда у кўзойнакли кекса бир аёл билан танишди.

– Уруш пайтида «Болалар уйи»дан бўлак, норасидалар учун қандайдир даргоҳлар ҳам бормиди? – деб сўради Карим салом-алиқдан сўнг.

– Ҳа, бор эди. Ҳамма ерда ясли-боғчага ўхшаган уйлар очилганди, – деб тасдиқлади аёл. Сўнгра русчалаб

тушунтирди. – Буларни «Детдом» эмас, «Детская комната» дейишарди.

– Сизнинг қўлингизда шу ҳақдаги ҳужжатлардан сақланганми?

– Афсуски, йўқ...

– Нега?

– Булар тез орада тугатилган. Булардан кўпчилиги асосан, «Болалар уйи»га қўшилиб кетган...

– Демак, «Болалар уйи» тўгрисида қогозлар топилади. Шундайми?

У ўзича, Хиром ҳам, Жондордан бирон «Болалар уйи»га кучирилгани аниқ, балки унинг исми-фамилияси қогозлар ичидан лоп этиб чиқиб қолар, деб умидланмоқда эди.

– Албатта. Лекин бу ҳам унчалик кўп эмас, – деди аёл.

Карим Бухоро воҳасида уруш ва урушдан кейинги кунлар унлаб «Болалар уйи» ишлаганидан, нима қилганда ҳам, буларга тааллуқли қогозлар камида бир туяга юк бўлиши керак, деб ўйлади ва улар билан шошмасдан, жиддий танишишга шайланди.

Йўқ, кузойнакли аёл Каримга галнинг индаллосини айтган экан! У атиги тўрт-бешта қалин дафтарни Каримнинг олдига келтириб қўйди.

– Бўлгани шуми? – деб ажабланди Карим.

– Шу... Биласизми, айрим жойларда шароит огирлигидан болаларнинг исми-фамилиясини чойқогоз ёки бир ёғи тўлдирилган идора қогозларига ҳам қайд этиб кетаверишган. Уларга сон-саноқдан болаларнинг соғ-саломатлиги муҳим туюлган. Кейин, сарсон-саргардонлик, ҳар хил кўчишлар, бошқа оворагарчиликлар туфайли, жуда кўп ҳужжатлар йўқолган... Биз қолган бутун маълумотларни мана шу дафтарларда тўплашга уринганмиз. Бунга ҳам етарли меҳнат сарфланган...

Карим ҳаяжонланиб, дафтарларни секин-аста кўздан кечира бошлади. Булар саргайган, титилиб кетган эди. Гоҳ сиёҳ, гоҳ қаламда ёзилганидан, айрим бетлардаги ёзувларни ўқиб ҳам, тушуниб ҳам бўлмасди.

У «М» ҳарфидан Муродовлар фамилиясини топиб, ҳар бир дафтарда уларга алоҳида диққат қила бошлади.. Шу кунга қадар, Муродов деган фамилия нисбатан, кам учрайди, деб ўйларди Карим. Бу ерда ҳар дафтарда ундан ортиқ, жами юзга яқин Муродов фамилиясини кўриб, у

донг қотди. Ушанда биргина Бухорода, биргина Муродов фамилияси билан юрган шунча етим-есирлар бўлганидан таъсирланиб, унинг кўзларига беихтиёр ёш қалқиб чиқди.

Карим дафтарлардан Хиром Муродовни тополмади.

Кейин, архивчи аёлга кўнглидаги дардини қисқача тушунтирган бўлди.

— Бу огир масала, укажон, — деди аёл. — Биринчидан, бола вақтида тирик қолганми, йўқми — айтиш қийин. Ҳақиқатни яшириб нима қилдик, ўша йиллари анча-мунча болалар нобуд ҳам бўлишган. Иккинчидан, кўриб турибсиз, ҳужжатлар тўла сақланмаган, бунинг ушанда иложи ҳам йўқ эди. Демак, қидиришдан натижа чиқиши даргумон. Буларнинг устига-устак, масалан, болани аввалдан биров ўз тарбиясига олган, ўз фамилиясига ўтказиб, исмини узгартирган бўлиши ҳам мумкин. Бунақа воқеа кўп учрайди. Буни эса суриштириб тагига етиш бир оз қалтис иш, укажон. Одамларнинг тинчини бузиб, уларни қайтиб бахтсиз қилиб қўйиш ҳеч гап эмас...

Карим аёлнинг бу шарҳу изоҳини эшитиб, тарвузи қўлтигидан тушгандек, бўшашиб қолди...

Карим икки-уч кундан сўнг Бухородан Тошкентга қайтди ва бу ерда Хиромни бари бир қидиришни давом эттирди.

У салгина эҳтиётланган эди. Аммо олдига қўйган мақсаддан воз кечган эмасди.

Карим, албатта, Хиромни толиб, акалари билан учраштиришни, кейин бир умр улар хонадонининг олижаноб, самимий дўсти бўлиб қолишни истар, бу эзгу хаёл унга қандайдир руҳ ва куч бахш этган эди.

Каримнинг ҳаётида баёнсиз бир нотинч кунлар бошланган эди.

У талабалик йилларида анча таниш орттирган, унинг, жумладан, газетада, радиода хизмат қилиб, Ўзбекистон бўйлаб кезишни ўрнига қўйган бир неча журналист дўстлари бор эди. Карим Тошкентга қайтгач, биринчи навбатда уларни ишга солиб, ёрдам беришларини сўраганди.

У буш пайт топилса бас, архивдан чиқмасди.

Карим хизмат қилаётган идорага кўп одам келиб-кетар, унинг олинлари бу билан иши йўқ эди.

Энди икки кўзи эшиқда, қулоғи келган-кетганларнинг гап-сўзида. Касаба ташкилотига эшик очиб, бир куни

Жондордан Маҳмуд келганидек, Хиром ҳам ўз оёғи билан қўққисдан қадам ранжида қилиши мумкин, бунақа воқеалар ўзи шундай тугайди, деб ўз-ўзини бунга ишонтирар, остонада кўринган ҳар бир одамдан Хиромга хос аломатлар изларди.

У олдинлар Муродов фамилиясига лоқайд эди.

Энди ўзига фамилиядош кишининг дарагини эшитдими, тугилган ери, ёши, туриш-турмуши тўғрисида суриштириб, ўзича бир аниқлик киритмагунча тинчимас, тунлари ухлай олмасди.

Каримнинг ҳаётидаги бутун ўзгаришлар устига, яна бир ажиб ўзгариш...

...У Жондорга бориб, Хиромни қидиришга тушганидан буён унгида нечундир Ладога соҳили, «Ўзбекистон» кемасини деярли эсламай қўйганди. Аммо тушларида ҳамон ўша соҳил, ўша кема жонланар, ҳамма гап шундаки, тушда зангори кўл жимирлаб, сув остидан ихчам, эртақлардаги сингари жозибали «Ўзбекистон» кемаси аста кўтарилар ва сувда енгил сузиб кетарди...

Аттанг! Карим қанчалик саъй кўрсатмасин, унинг уринишларидан ҳадеганда натижа чиқадиганга ухша-масди.

\* \* \*

Унга Муродовлар хат ёзишди. У жавоб ёзди. Кейин, Муродовлар Жондордан Каримни сўроқлаб келишди. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш: икки ўртада ўз-ўзидан илиқ бир муносабат қарор топди.

Кейин, Каримнинг яна Бухорога йўли тушди. У яна Жондорга борди.

Карим Жондорда бу гал катта давра, тўй устидан чиқиб қолди. Ака-ука Муродовлар қатнашишлари зарур экан. Каримни ҳам қистаб таклиф қилишди.

Бошда ҳамма нарса рисоладагидек бўлди: тўйхонада уларни мамнун қаршилаб, давра тўрига ҳурмат билан ўтқазишди. Одамлар тўпланишгунча зерикмасликларини сўраб, икки чойнак кўк чой ҳам келтиришди.

Бироқ одамлар тўпланишиб, тўй авжига чиққач, кутилмаганда тошкентлик меҳмон, деб Каримга сўз беришди. Карим тўй эгаларини табриклаб, урнига ўтирган заҳоти эса, бир гуруҳ нотанишлар уни қуршаб, қадаҳ тутган ўнлаб қўллар унга томон чўзилди.

– Яхши гапирдингиз. Раҳмат!.. – Миннатдорчилик билдиришди нотанишлар. Сўнг дарҳол бошқа кўчага уриб кетишди:

– Сизларнинг тарихларингизни эшитганмиз, Хиром!

– Яшанг, ҳамқишлоқ!..

– Хурсандмиз, шунча йил ўтиб топишганларингга. Охиригача оласиз...

– Қойил, Хиром...

Карим Жондорга ҳам, тўйга ҳам келганидан кўнглида алланечук пушаймонлик ва ўзи-ўзидан норозилик ҳис этди. У қишлоқдагиларнинг воқеага бундай муносабатини етти ухлаб тушида кўрмаганидан эсанкираб қолди. Шу тўс-тўполон ичида тўнғич Муродовнинг кимгадир уртанча укаси ҳақида айтган гапи унинг қулогига чалинди:

– Биринчи топганимда, бормайман, деган. Қочиб кетган ёнимдан. Қайсарлик қилган. Уни детдомдан уйга бошлаб, одамлар орасига олиб киргунимча, она сутим огзимга келган, тўгриси...

Карим бу гапни олдин эшитмаганди. У Баҳромни, акаси суроқлаган пайтда, «Болалар уйи»дан сакраб-уйноқлаб уйга йўл солаверган, деб уйлаганди. Аслида, бошқача экан. Карим ажабланди: наҳотки Баҳром акасига дарров бўйин бермаган бўлса? Наҳотки, болакай ушанда уйдан етимликни афзал кўрган? Йўқ, бунга у тез тушунди: Баҳромнинг ўз турмуш тарзини ўзгартириб, уйга йўрғалаб кетавермагани табиий. Доим ҳам ҳаёт кишига илк туюлганидан анча мураккаб!

Лекин бу гапнинг бугунги даврага, Каримга нима алоқаси бор?! Карим шу палла сархуш, паришон ҳолатда, бунинг мағзини чақолмади.

У на қишлоқдагилар, на Муродовларга — на Хиром, на ўзи тўгрисида тушунтириш берди. Бу ҳақда сўзлашга унинг қурбими, журъатими етмади.

Алмо Карим бу гал Бухородан Тошкентга бир оз дили гаш бўлиб қайтди.

Тошкентга қайтгач, бугун ҳақиқат унга гўеки, мана мен, дегандек секин-аста юз оча бошлади. Карим узининг Хиром эмаслигини аввалдан очик-ойдин айтганига қарамай, ака-ука Муродовлар унинг ўз укалари эмаслигига ишонишмаган. Ишонишмаяпти. Ишонгилари келмаяпти! Нима учун?! Булар Каримни, афтидан, шунчаки бош буряпти, кўникмаганидан ҳозирча ёввойилик, қайсарлик қиляпти, деб уйлашяпти. Унинг бегоналиги ҳақида гап



йўқ, қўйиб берса, бу ҳали қочиб кетиши ҳам мумкин деб, шундай бўлишидан қўрқибляпти, холос. Буларга қўшилиб, қишлоқдагилар ҳам, у эътироз билдирсин-билдирмасин, унинг бегона эканлигига ишонишдан кўра кўпроқ ишонмасликка мойил. Уларни ҳам фақат энди Каримнинг ўзини қандай тутиши қизиқтиряпти.

Муродовлар, нима бўлганда ҳам, Карим қолиб, воқеага ўз билганларича тўн бичишган, Жондорда Каримни даврада, қишлоқдагилар олдида, эҳтимолки, ўзлари истамаган ҳолда, бир оз ноқулай аҳволга солиб қўйишганди. Карим, шу боисдан, Жондорни, Бухорони бу гал Муродовлардан сал ўпқаланиб, ўзига нисбатан муносабатдан иззат-нафсими оғриб, тарк этган эди.

У Тошкентда ҳам уч-тўрт кун асабийлашиб, ғашланиб юрди.

Ниҳоят, бу ҳам ўтди. Карим, Муродовлар дунёдан умидли, меҳр-оқибатли, олиҳиммат кишилар бўлишгани-ю уни ўз укалари деб билиб, бунга сидқидилдан ишонишгани учун улардан ўпқаланиш, инжишга ҳаққи йўқлигини ҳис этди. Муродовларни ўйлаб куюнган, тўйда Каримни кўриб суюнган қишлоқдагиларни ҳам айблаб бўлмайдди. Буни деб тажангланиш қўлгили.

Ахир, Каримнинг ўзи Хиромнинг борлигига, топилишига ҳаммадан кўп ишониб, уни бир неча ойдан буён қидирмаяптими?! Карим бошқаларнинг йиллар давомида шундай умидланиб юришганига, албатта, тушуниши керак эди. Жондорликлардан кимдир, балки Биродарлик қабристонларини айланиб, охир-оқибатда Ленинградга, Ладога соҳилига бормаган, «Ўзбекистон» кемасига тўқнаш келмагандир. Аммо буларни ҳам, барибир, уруш фожиаларидан қанча воқиф бўлишмасин, кеманинг чўкиб кетганига ишонтириш қийин. Карим сингари, буларга ҳам, кема ҳамон сувда енгил сузиб юргандек туюлмоқда. Бунинг учун бировдан гина қилиш жоиз эмас.

Карим ўзини бепарво тутиб, Муродовлар билан олдингидек муносабатни давом эттиравераман, деган хаёлга борди. У яна ўйлади: Муродовлар менинг бегоналигимга ишонишмаса ишонишмасин, мени укалари деб билишса билишаверсин, бировларга, шу бизнинг укамиз бўлади, дейишса дейишаверсин. Мен индамай, Хиромни қидиравераман. Хиром топилса, кўп ўтмай ҳамма нарса ўрни-ўрнига тушади.

Бироқ, шу кунлар унга нотаниш бир кишидан хат келди:

«Салом хати.

Ассалому алайкум, бизни билмаган тоғажоним. Аҳволларингиз қандай, яхшими? Соғ-саломат, чарчамасдан ишлаб юрибсизми? Ҳорманг, ишлар билан.

Тоға, бу хат кимдан экан, деб ҳайрон бўлманг. Қоракўллик Гуландом опангизнинг ўгли Болтабойдан. Суюкли тоғажон, сиз Баҳромбой тоғамнинг уйига келиб кетган экансиз. Мен сизнинг адресингизни ўша жойдан олдим. Бизнинг уйимизга келмаганингиздан онам ниҳоятда хафа бўдилар. У киши айтдиларки, Хиромбой ёшлигида, отам ўлганларидан кейин, кимсасиз, қаровсиз қолган... Майли, у кунлар ўтиб кетди. Келинг, энди бир-бировимизни йўқлаб, борди-келди қилайлик. Тоға, мен бу ерда сиз билан Тошкентда ўқиган бир-икки ўртоқларингизни танийман. Уларнинг қўлида сизнинг расмларингиз ҳам бор экан. Келгириб кўрсатишди.

Хуп, тоғажон, ёзаётган мактубимни тугаллайман. Қисқагина ёздим. Хатоси бўлса, кечирасиз. Хайр, тоға, соғ бўлинг. Хатимнинг жавобини интизорлик билан кутаман. Жиянингиз Болтабой».

Карим хатни ўқиб, худди Жондордагидек эсанкираб, паришонланиб қолди. У ҳовлиққанча олдинга босаётиб, кучли бир қўл зарбидан бирданига яна орқага тисарилган одамга ўхшарди.

Карим шу кунлар маълум муддат ўз-ўзини алдагани, уни домига тортган гирдобдан осонгина чиқиб кетишга беҳуда уринганини ҳис этди.

Йўқ, бир томондан, Муродовлар Каримни укалари деб қабул қилишлари, иккинчи томондан, бунга у ҳеч қандай муносабат билдирмаслиги мумкин эмас! Бундай пайтда бепарволик кетмайди. Сен ўзинг учун ҳам, бошқалар учун ҳам ёки укалик, ёки бегоналик йўлини тутишинг шарт. Учинчи йўлни қидирмай қўя қол.

Қўққисдан энди олдин ўйламаган бир гап унинг хаёлига келди; дейлик, Муродовлар кимларгадир уни укалари деб таништиришди. Карим ҳам илож-ноилож, Муродовларнинг кўнгли учунми, одоб юзасиданми, борингки, тўйда бўлганидек, довдираб-гарангсиб қолганиданми, ўзини ука ўрнида тутди. Хўш, бора-бора бунинг охири нима бўлади?! Каримни яхши таниган, унинг ҳаёт тарихини озми-кўпми

билган одамлар наздида кунлардан бир кун у етти ёт кишилар уйига укалик даъво қилганча бостириб кирган, уялмай-нетмай бемалол айланиб, меҳмон бўлиб юрган ёлгончига, товламачига ўхшаб қолмайдими?! Буниси майли. Кеча Жондорда, бугун Қоракўлда тарқатган гап эртага Бухорога етиб келади. Бухоро ўзи, чор-атрофи багрини тинимсиз шамол ялаган яйдоқ дашт эканлигиданми, шунақа воҳа — бу ерда гап одатда бир жойдан иккинчи жойга енгил кучади. Қисқаси, Бухорода ҳеч кимнинг озор чекишини истамай, багри кенглик, валламатлик қилаётган Каримнинг шўрига шўрва тўкилмайдими?! У ўзини тарбиялаб, вояга етказган ота-онасининг юзига қандай қарайди?! Опалари, укаларига нима дейди?! Буларга воқеани тушунтиролмай, буларнинг наздида ҳам ер ёрилиб кириб кетадиган аҳволга тушмайдими?!

Карим хат баҳонасида чексиз изтиробга чулганди.

У чиндан Муродовларнинг укаси бўлсайди, эҳтимолки, бунчалик азобланмасди! Ўзини эркин тутар, Жондорга бориб, акалари багрига отилар, уларни таниган-танимаган одамлар билан бирга суюнар, Муродовларнинг қоракўллик қариндошлари ёзган мактубга ҳам эринмай жавоб қиларди. Аммо ҳозирги шароитда бош қотиб, юрак зирқирайди, ночорликдан ўртаниб тураверасан. Бировларнинг сизинишини билган ҳолда, уларнинг неча йиллик умидини кўкка созуриш сенга огир. Бегоналигингни ҳадеб таъкидлашга тилинг бормади. Шунинг баробарида, бировларнинг укаси бўлиб қўя қолишинг ҳам мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ. Одамларга охир-оқибатда бир куни бу ўйин кўрсатгандек туюлиши дард устига чипқон бўлади. Сен қийналишга мажбурсан, огайни!

Хуш, Карим мабодо чиндан ҳам Муродовларнинг укаси бўлса-чи?! Буни у аввалига шунчаки лоқайдлик билан хаёлидан кечирди. Аммо кейин, бу ўй уни домига тортиб, теграсида қуюндек чарх ура бошлади.

Бундай деб ўйлашга ҳам маълум даражада асос бордек эди. Шу боисдан Карим бундан қочиб қутулолмади.

Мана энди илк дафъа Каримнинг кўнглида ўзининг Карим эканлигига шубҳа тугилган, фақат тугилиб қолмай, ўр-у қирда от чоптирган чавандоздек, унда бўлган бир қадар осойишталикни ҳам емириб ташлаган эди.

Карим шу дамгача умрида ҳеч қачон ўз ҳаёти тўғрисида жиддий ўйламаган, буни баъзан ўйлаш кераклиги хаёлига

келмаганди. У ҳар қандай тинч, бахтиёр инсон сингари ўз ҳаётидан узук-юлуқ манзараларни эслаб, қолганини қолдириб кетаверишга одатланганди. Худди шу сабабга кўра, жондорлик Маҳмудни биринчи учратганида ҳам таржимаи ҳолини енгил-елпи гапириб берган эди.

У мана энди юрагида от дупурлатган шубҳадан фориғ бўлиш ёки муайян қарорга келиш учун бутун ҳаётини бир ипга тизиши, ҳаммадан ҳам болалик кунларини ҳаёлида аниқ жонлантириши талаб қилиняпти, Карим бу талабни бажариши керак!

У бошидан кечган воқеаларни шошмасдан эшашга урина бошлади.

Ота-онанинг Каримдан катта тўртта қизлари бўлиб, Каримни уйда, тўнғич ўтил, дейишарди. Бу, аслида, тўтри эмасди. Ундан олдин ҳам бир ўтил дунёга келган, аммо бола ақлини таниганида йиқилиб хасталанган, эрта кўз юмган эди. Фарзанд доғи ўшанда ота-онани қагтиқ куйдирган бўлса керак, болакайни улар ҳамон баъзан, жуда ақлли эди, деб хотирлаб туришади. Қизиги шундаки, уларнинг Каримдан кейинги бир-икки фарзандлари ҳам нобуд бўлган, аммо булар уйда деярли хотирадан кўтарилганди.

Уруш ва урушдан кейинги оғир йиллар эканлигиданми, ота оддий касб-кор кишиси қабилада умргузаронлик қилгани-ю, она асосан, уйда ўтириб фақат қўли бўшаганида тикиш-бичиш билан шугулланганиданми, хонадонда турмуш машаққатли эди. Нон топиш мушкул, янги бир уст-бошга эришиш эса Сулаймон тахтини эгаллаш билан тенг бўлганидан болалар ортиқча орзу-ҳавасга ўрганишмаган эди. Уларнинг мургак юрагида орзу-ҳавас чашмаси қуриётганига ота-она парво қилишмас ёки буни пайқашмасди. Умуман, бу хонадонда ҳамма — ота-она ҳам, болалар ҳам — ҳар ким ўз ташвиши билан ўзи банд, ўзи билан ўзи овора эди. Лекин шунга қарамай, хонадон аъзолари бир дастурхон атрофида ўтиришиб, бир майизни қирқ бўлиб ейишар, ўзларини тўқ-мамнун кишилардек тутишарди. Булардан ҳеч бирини бахтсиз деб бўлмасди. Аксинча, чироқ хирагина милтираган кулда ҳамманинг чеҳраси очиқ, кўзи порлар, қандайдир ёрқинлик, фарах, бахт ҳукмрон эди.

Булар нега мамнун юришиб, нимадан бахтиёр бўлишганига тушуниш қийин эди. Уларнинг эгнига

ухшаб, улар турган уй ҳам, ҳовли ҳам эски, хароб эди. Уй ертўлага ўхшаган зах, қоронги. Ҳовли деворлари чириган қогозни эслатади. Буни ўзи, огизни тўлдириб, ҳовли деб ҳам бўлмайди. Қийшайиб-пачоқланган қандайдир қути. Каталак... Ҳайдаги бутун руҳ, кайфият, чамаси, отага боғлиқ эди. Етим ўсиб, ёшлиги амирлик даврида ўтган, кўп йиллар бировлар эшигида, гариб-гураболиқда юриб, муҳтожлик, ҳуқуқсизлик, сарсонлик жабрини чеккан бу киши соддалик, беозорлик, осойишталикка муҳаббат, одамларга нисбатан чексиз шафқатга ўрганган эди. Ота умрида ҳеч қачон болаларидан биронтасига қўл кўтармаган, қўл кўтариш тугул, уларнинг иззат-нафсини огритадиган бир огиз аччиқ сўз айтмаганди. У болаларидан ранжиганида ҳам, улар эмас, ўзини айблагандек бир четга ўтиб, чўнқайиб ўтирар, болаларнинг ўзи инсофга келиб, узр сўрашини кутарди. Энг муҳими, доимо озни кўп ўрнида кўриш, қаноат қилиш унга хос эди. Унинг шу хислатлари хотини, болаларига ҳам юққан, хонадонда ҳамма арзимаган нарсаларга суюниб, шукрона билдиришга одатланганди. Шу боисдан, машаққатли кунларда ҳам улар хонадонини фароғат, мамнуният, хурсандчилик, ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги тарк этмаган эди.

Карим тахминан тўрт-беш ёшларида ақлини таний бошлаган эди.

У онаси, опаларига индамай, уйдан ташқарига сирғалиб, гоҳ ҳовли, гоҳ дарвозахонада, гоҳ эшак-арава зўр-базўр ўтадиган тору танг кўчада тупроққа қоришиб, уйнаб юрган пайтларини гира-шира эсларди. Нечундир, ўша йиллари ёзда офтоб пойабзал ичида оёқни куйдириб, қишда кўпинча дарвоза очилмайдиган даражада кўчани қор босгани ҳам унинг хотирасида сақланган эди. Бир йиллари, ота яхшироқ яшашга умидланган бўлса керак, улар шаҳардан Когон атрофидаги қишлоқларга кўчишиб, кейин яна шаҳарга қайтишганди. Бепоен дала-дашт бағридаги бу қишлоқларда, шабнам тушган ўтлоқларда югургани, дарахтларга чирмашиб, лойқа сувларга шўнгигани ҳам Каримнинг гира-шира ёдида эди.

Карим болалигида Когондан бўлак, отасининг қариндош-уруғлари яшаган Гиждувон, Қизилтепа ва бошқа ерлардаги турли қишлоқларга — гоҳ отаси ёнида, гоҳ қариндошларга қўшилиб, бир неча марта борганди. Иланг-биланг тупроқ йўллар... икки ён томонда кўзга ташланган туя ўрқачидек аллақандай тепаликлар... арава... от ёки хачир минган,

кўринишидан тасаввурдаги Хужа Насриддинни эслатган кишилар... Кейин, қишлоқ: бири йўл бўйида, бири йўлдан ичкарида жойлашган пахса деворли ҳовлилар, қўнқайган пасти-баланд уйлар... Карим энди буларни ҳам худди тушда кўргандек, болаликда ўқиган бир эртақдек хотирларди.

У беш-олти ёшларида ажабтовур ҳунарлар кўрсатган. Кучадан ўтиб кетаётган арава гилдираги остига, қани, буёғи нима бўларкин, деб оёқ суқади... Томдан бенарвон тушишга уринади... Ушанда нега бундай қилганига ҳамон тушунолмайдди. Лекин бу шумликларни-ю, булар эвазига онаси неча марта қулогини бураб, орқасига туширганини яхши эслайди.

Ақлга киргани сайин, шўхликлар даври тутаб, Карим кундан-кунга машаққатларга юзлана бошлади. У ерни қалин қор қоплаган қиш кунлари қуроқ жилдани елкасига останча, йиртиқ калишни судраб, мактабга қатнаганини эслар, келажақда ўзи ўз кунини кўришга мажбур эканини ҳис этгани, ота-онаси ҳам уни шу йўлга йўллашганидан, еттиңчи синфни битириб-битирмай, гоҳ пилла саралаш корхонасида уймалашиб, гоҳ трактор ременти заводидида шогирд туғинишга ҳаракат қилгани, ниҳоят, пахта заводи эшигига келгани, ўқишга киргунча ҳаёти шундай ўтгани — буларнинг барчаси унинг кўз ўнгида, илк болаликдаги сингари гира-шира эмас, яхлит бир манзарадек жонланар эди.

Каримга уйда, олдинги ўғил нобуд бўлиб, у тўнғич ўғилга айланиб қолгани учунми, аввалдан, умуман, анча эҳтиётлик билан муомала қилишганди. Карим эса, аксинча, ўзига-ўзи бировнинг ўрнини олгандек туюлганми, уйдагиларнинг муомаласидан негадир бир оз сиқилиб ўсган, хонадонда қандайдир бегоналик, қад-қомати тикланмай туриб, кўнглида чоллардек алланечук ёлғизлик ҳис этганди. У бошқаларга нисбатан кўпроқ ўз ташвиши билан банд, ўз-ўзи билан овора кўйда кун кечирган — уйда унга қанчалик меҳр, эътибор кўрсатишса, шунчалик инжиб, асабийлашиб, уйдан ҳам, уйдагилардан ҳам узоқлаша бошлаган эди. Карим, эҳтимол шу боисдан, хонадондаги ночорликдан тугилган машаққатларни ҳам бошқалардан кўра теран англагани учун кўнглида бунга қарши норозилик, исён уйгонганди. У ўқишга киргач, инини тарк этган парранда сингари бундан сўнг бугун ҳаёти энди фақат биргина ўзига боғлиқ, ўз зиммасида эканига

ишонч ҳосил қилган ва балки, шундандир, Тошкентдан уйга ойда-йилда, олдингидан баттар қимтииб, меҳмон қабилада бориб-келишга одатланганди. Ҳақиқат ботириб, турмушдан маълум даражада тинчигандан кейин, у ўз инсонлигига қайтиб, ота-она, туғилиб-улгайган хонадон қадрига ета бошлаган, аммо шунга қарамай, унинг қони-жонида ҳамон андак ёввойилик ҳам сақланиб қолганди. Карим уйдагиларнинг бағрига сингиб кетишни истаган, бироқ мудом нималардир бунга халал берганди. У хонадон аъзоларидан ҳеч ким билан, ҳеч қачон орзу қилгандек очиқ-ойдин муносабатда бўлмаган, ҳаммадан ҳам ўтиб тушадиган жойи, ҳеч қачон уйда ўзини уй эгасидек тугулмаганди. Ҳозирги кунга келиб, шароит анча ўзгарган эди. Унинг отажони, онажони қариб қолишган эди. У илк дафъа булар олдида бурчли эканини ҳис этиб, қирқ йил умри кўнгилдагидек йўсинда ўтмагани, тўнғич ўтилга муносиб иш тугулмаганидан, бошдан табиатида негадир бунёд бўлган худбинликми, бемехрликми сабаб бўлиб, бурчини оқлаёлмаганидан юрагида изтироб чекиб юрган пайти эди. Карим энди ҳаётнинг ниҳоятда мураккаблигини тушуниб, хонадон қисматига жилла қайгуриб қарашни одат қилган эди.

Хуш, болалик кунларига бундай осойишта, узоқ кўз ташлаб, утган воқеаларни хотирасида тиклагандан кейин, у ўз ҳаёти тўғрисида нима дея олади?!

Карим юрагида от дупурлатган шубҳадан, дарёда тўлқинлар қиргоқдан-қиргоққа суриб, қиргоқдан-қиргоққа итқитган кишидек, ночор ва таҳликада эди. Шунинг баробарида, у яна худди қарама-қарши икки қутб орасида — икки ойна ичига кириб қолган қовоғаридек, кескин уринаётганга ўхшарди.

Карим жондорлик Муродовларни, амалда бориб улар билан танишгунча билмасди. Бунинг устига, уларни ақалли зигирдек ҳам эсламаяпти. Лекин...

Бу ҳали ҳеч нарсани белгиламайди. Бунга асосланиб, муайян қарорга келолмайсан.

У бир-бирига зид ҳаёлларга чулгана бошлади.

Масалан... Карим асли Жондорда туғилган. Қаровсиз қолиб, гўдаклик пайтида болани давлат тарбиясига топширишган. Шу алфозда у Жондордан бир куни Бухорога келган. Кейин, мўмин, одампарвар киши эканлигидан, ота уни ўз қарамоғига олган. Дарвоқе, ўшанда бу киши бекатда

ишлаган, бир ердан иккинчи ерга узлуксиз кучирилган норасидалар аҳволини яхши билган. Кўнгли ачиганидан, шу ишга жазм этган. Балки хонадонда тўнгич ўтил дунёдан ўтгани сабабли, тоқатсизланиб, шундай қилинган... Воқеа шу тарзда рўй бериши мумкинмиди?! Мумкин эди!..

Йўқ!.. Уруш пайтида қўли қисқа, шунингсиз ҳам тўртта фарзанди бор аёлманд киши боқиш учун бола олмайди. Бунга катга журъат керак. Ота эса қанчалик бағри кент бўлмасин, журъатли эмасди...

Масалан... Нобуд бўлган тўнгич ўтилни уйда ҳамма, айниқса, ота ардоқлаган-ку, ахир. Демак, балки ота ўзи болани боқиш учун олмаганида ҳам, унинг кўнглидаги дардини билишиб, жондорлик тоғаваччалари бола келтиришган, ота бунга жон деб розилик бергандир? У, эҳтимолки, Жондорни эслаб-эсламаслигини текшириш учун, Каримни кичкиналигида бир қур қариндошлари уйига олиб борган, айлантириб келгандир? Тўрт-беш ёшларда бўлган Карим, балки шунинг учун ҳам ўзининг бу саёҳатини ҳамон қандайдир энтикиб эслар?..

Йўқ... Отаси Каримни фақат Жондор эмас, бошқа қишлоқларга ҳам бошлаб борган. Бу табиий ҳол. Ота уни тўнгич углим, деб етаклаб юришни ёқтирарди. Қолаверса, қариндошларнинг бировга бола келтириб бериши ақлга сиймайди.

Масалан... Карим кичик бир воқеани эслади. У тўрт, укаси икки ёшларда эди. Укасини эргаштириб, негадир бир куни шаҳардан ташқарига чиққанча, боши оққан томонга қараб кета бошлади. Қаёққа кетмоқчи эди? Нима учун? Билмайди. Ота уларни ҳовлиқиб-ҳансираганча қидириб, ниҳоят, топди. Ушанда уй алгов-далгов бўлган эди. Кейин анчагача бу воқеани гапириб юришганди. Карим ўша пайт шуурсиз бир ҳолатда киндик қони томган гушани қидирмаганмикин?!.

Йўқ... уйдан чиқиб, баъзан тентираш барча болаларга хос. Бу нари борса, шўхлик, шумлик бўлиши мумкин...

Масалан... Карим энди уйдаги бир суҳбатни эслади. Ота унинг қайсидир опаси тўғрисида, қиш эди, тугруқхонадан чопонимга ўраб, кўтариб келганман, деб ҳикоя қилди. Мени-чи, деб қизиқсиниб сўради Карим. Сени ҳам шундай кўтариб келганман, деди ота бу ҳақда гапиришни истаб-истамаган кўйда. Карим ёзда тугилган, чопонга ҳожат йўқ



эди. У отасининг гапидан қаноатланмади... Умуман, Карим ўзининг уйдаи, тугруқхонадаи тугилганини билмас, буни бир неча марта суриштириб, аниқ жавоб ололмагани ҳануз ёдида.

Ота-она нечундир унинг тугилишига тегишли саволларга ҳамиша мужмал жавоб қайтаришарди. Улар сир очилишидан қўрқиб, шундай қилишган бўлса-чи?!

Йўқ... Бизда ота-оналар бола тарбиясида қуюшқондан чиқмасликка одатланишган. Каримга ҳам, шу боисдан, бу тўғрида ортиқча гапиришмаган...

У икки ўт орасида уртаниб, ахийри бундай қарорга келгандек бўлди.

Уларнинг фамилияси бир. Бухоролик Муродовлар оиласи шундай фамилияли жондорлик болани топиб, тарбиялашига ишониш қийин. Эртақда бунақа бўлиши мумкин. Ҳаётда эмас! Карим мабодо ўз уйи қолиб, бошқа хонадонда тарбияланганида, бу ҳозирга қадар қайсидир йўсинда барибир сезилиши ҳам керак эди. Ҳолбуки, ҳамма нарса дабдурустан рўй берди. Демак, унинг аввалдан тутган йули тўғри. У фақат Хиромни қидира олади, аммо Хиромга айланолмайди...

Карим яна, Хиромни қидиравераман, ўни, албатта, топиб, акалари билан учраштираман, деган фикрга борди. Бу йўлда ҳар қандай машаққатга миқ этмасдан бардош беришга, худди шу тарзда чигалликни ечишга чоғланди.

Бироқ буни у эплаёлмади...

\* \* \*

Карим энди Хиромни бир пайтлардагидек астойдил қидиришга киришолмади.

Буниинг устига, у орадан икки ойча ўтгач, иш юзасидан Бухорога борди ва қизиқ... Хиром эмас, кўнглида ўз ҳаёти тарихини аниқлашга кўпроқ қизиқиш ҳис этди...

Карим бир гал отаси билан уйда ёлғиз қолиб, ҳар тўғрида гурунглашиб ўтирди. Шу паллада уни бирдан очиқ сўзлашиб, отадан ўзи ҳақида сўраб-суриштириш истаги шунчалар ўртаб юбордики... Аммо бунга ботинолмади.

Кейин ойиси билан ёлғиз гаплашди. Бу суҳбатда ҳам уша ҳолат уни тарк этмади. Кейин опалари билан ўтириб, булардан ўзи ҳақида сўрашни мўлжаллади...

Кейин ҳовлида ойисини кўришга келган кайвони кампирни шунчаки гапга солишни ўйлади. Бу кампир бир пайтлар маҳалладаги бугун болаларга доялик қилган эди. Аммо Карим қайта-қайта огиз жуфтлашдан нарига ўтолмади...

У кўрқди.

Унга нечундир аччиқ бир ҳақиқат фош бўладигандек, маълум тартибда давом этаётган ҳаёт издан чиқиб кетадигандек туюлди. Карим, бундан бўлак, ҳақиқатни аниқлашга уриниб, одоб чегарасини бузишдан, жондорлик Муродовларга бахт беролмаган бир пайтда, ўз уйдагиларини бахтсиз қилиб қўйишдан ҳайиқди...

Унинг юрагида, шунга қарамай, ўзи ҳақда кимдандир сўраб-суриштириш истаги, ўз ҳаёт тарихига қизиқиш ҳисси қолаверди!

У Жондорга бу гал бормаганим маъқул, деб ўйлаганди. Уйда отасининг ҳам, онасининг ҳам бир оз тоби йўқ эди. Устига-устак, шаҳардаги мактабдошлари ундан учрашишни сўрашганди. Тугриси, Бухорога ҳар борганида, унинг Жондорга ҳам ўтиши шарт эмасди.

Аммо юрагидаги қизиқишми, истакми, уни беихтиёр йўлга бошлади.

Карим Жондорга етиб боргач, ўз ишидан тезда норозиланди. Кўнгли ота-онасидан алланечук безовталанди. Мактабдошлари олдида бебурдлик қилганидан гашланди. Айниқса, Бухорода аниқланмаган ҳақиқатни бу ердан қидиришнинг телбалик эканини англаб, асабийлашди.

Унинг кайфияти ака-ука Муродовларга ҳам юқди. Бу гал дастурхон бошида бир-бирларига тикилиб, бир-бирларидан гап кутиб ўтиришди, холос. Сўхбат қизимади. Икки ўртадаги муносабатни ёритиб, чигалликни ечадиган бирон-бир воқеа рўй бермади.

Тунда Карим алаҳлаб ёмон тушлар кўриб чиқди. У саҳардан йўлга отланди. Шошмасликнинг иложи йўқ; ота-онаси билан тезроқ учрашишдан ташқари, аэропортга бориши, бугун Тошкентга қайтиши керак эди.

Муродовлар уни кузатиш пайига тушишди.

Бир пайт дарвозадан Каримнинг эски таниши — Маҳмуд кириб келди. У Каримни машинада шаҳарга, сўнг аэропортга кузатиб қўйишини айтди.

Жондордан Бухорога қайтаётиб, йўлда улар деярли гаплашишмади.

Уйда, отанинг ҳам, онанинг ҳам аҳволи огирлашган, икковлари хонанинг икки бурчида кўрпа-тўшак қилиб ётишар эди. Карим ота-онасини шу ҳолда ташлаб қишлоққа кетганидан Маҳмуднинг олдида, Маҳмуд билан бошлашиб келганидан чол-кампирнинг олдида қандайдир хижолат чекди. Худди шу аснода у ота ҳам, она ҳам ўзининг юриш-туришидан хабардор эканини бирданига ҳис этди. Ҳозир яна ҳеч нарсага қарамай, Тошкентга жўнаётганини ўйлаб, ўнгайсизланди! Кейин, унга ўзи ота-онасига аллақачон хиёнат қилгану, ҳамон хиёнат қилаёттандек бўлиб туюлаверди.

Карим одатда осойишта хайрлашиб, уйдан чиқиб кетаверарди. Аммо бу гал отаси ҳам, онаси ҳам нечундир кўзларига ёш олишди. Каримнинг хаёлидан, кейинги келганимда буларни кўраманми, йўқми, деган гап кечди ва дунёнинг бебақолиги-ю бевафолигини ўйлаб, беихтиёр унинг ҳам киприклари намланди.

У Маҳмуд билан уйдан чиқиб, кўча бошида турган машина томон кескин одимлади. Муюлишга етгач, шунчаки тўхтаб, орқага ўгирилиб қаради.

Одатдагига зид ва айни сонияда кутилмаган бир ҳолда, қадрдон кулба остонасида унинг ота-онаси — соч-соқоли оппоқ оқарган, оппоқ кийинган фариштадек чол, бошини одмигина катта рўмол билан тангиганиданми, увоққина қиёфага кирган кампир қотиб туришар эди. Булар шу паллада бир пайтлар ўғлини олис сафарга — жангу-жадалга кузатган мўйсафидларни эслатишарди.

Энди чол-кампирними, ўша мискин мўйсафидларними ўйлаб, Каримнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Машина, ниҳоят, аэропортга йўл олди.

Карим Маҳмудга юзланди.

– Мени ўзи нима савдоларга солдингиз, Маҳмуд ака?! – деди у. – Бир бармогимни тишласам, иккинчиси оғрийди. Қийналиб кетдим икки ўртада...

– Қийин, албатта, – пичирлади Маҳмуд. – Менимча, бунақа ишда эзилиб юришдан, тўғриси тани олиб қўя қолган маъқул бўлса керак...

– Тўғриси қанақа?!

– Чол-кампир сизни тарбиялашган. Сизга меҳрга қўшилиб, кўп меҳнатлари сингган. Лекин сиз буларга кам ухшайсиз. Тўғривингиз бошқа ердан олинган...

– Жондордан!

– Менимча, шунақа. Мен эмас, буни бутун қишлоқ гапирянти...

– Қишлоқ гапираверади, – деди Карим, – Мен ҳам асли жондорликман. Отам туфайли, – деди у. – Лекин мен ўзимнинг етти пуштимни билмайман. Муродовлар ҳам... Биз улар билан, балки бир илдиздан ушиб чиққандирмиз... Шундай бўлиши ҳам мумкин. Демак, бу сиз ўйлагандан кўра мураккаб. Ҳамма бало шундаки, етти пуштни қўйинг, биз ўз-ўзимизни яхши билмаймиз, Маҳмуд ака...

– Нега ўзимизни билмас эканмиз?! – таажжубланди Маҳмуд.

– Мен кўп ўйладим. Лекин ўзим ҳақимда, масалан, ҳозиргача ишонч билан, ундай ёки бундай, деёлмайман. Тўғриси шу, Маҳмуд ака...

Машина аэропортга етиб келган эди. Улар ўйчан хайрлашишди.

Карим самолётлар учиб-қунадиган майдонга чиққанида, кузатувчилар уюлиб турган темир панжара ортидан кимнингдир нидоси унинг беҳос қулогига чалингандек бўлди:

– Хиром...

У, мени биров чақиряптимики, деб ўйлаганча қайрилиб, панжара томон кўз ташлади.

Бошқа йигит экан. Аммо ака-ука Муродовларга Каримдан кўпроқ ўхшаш...

Карим йигитнинг ёнига югуриб боргиси, гаплашгиси келди. Лекин биров билан дабдурустдан қайси йўсинда гаплашиш мумкин?! У довдираб қолди. Бунинг устига, Каримнинг ҳамроҳлари самолёт томон силжишди. У ҳам панжарадан узоқлашишга мажбур бўлди.

Самолёт ҳаволаганида, Карим оддий бир ҳақиқатни ҳис этди: катта сувларда кўплаб Ўзбекистон кемалари сузиб юришибди. Бироқ Ладога кўлидаги кема энди ҳеч қачон сув юзига кўтарилиб, енгил юзиб кетиши мумкин эмас...

Каримнинг хаёлида, шунга қарамай, бутун воқеанинг худди яқуни бўлиб, эҳтимолки, бир умрга бундай саволлар қолган эди: Хиром ким — Каримми, панжара ортидаги ҳалиги йигитми ёки бошқа бировми?!

Хиром Муродовнинг дарагини аниқ биладиган кишилар борми?!

БИРИНЧИ КИШИ

Дастурхон йиғиштирилганидан кейин уйга келган бир даста янги рўзнома-ойномаларни кўтариб, у ўзига мутолаа учун ажратилган хонага кирди. Аммо дам ўтмай хонадан қайтиб чиқиб, апил-тапил кийина бошлади.

Куни бўйи ишда бўлган эрининг кечқурун яна кўчага чиқиб кетиши аёлларга ёқмайди, албатта. Айниқса, лом-мим демай отланишганида, аёлларнинг беихтиёр хаёли қочади.

Эри кийиниб олганини кўриб, эндигина идиш-товоқни ювиб, уйни йиғишгиришга тушган Замиранинг ҳам авзойи ўзгарди:

– Ҳа, Мансур ака, тинчликми?

– Бир нарса эсимдан чиқибди. Идорага тез бориб келишим керак...

Унинг шундай аниқ-тиниқ жавоб қайтарганига қарамай, Замира яна алланималар деб жавради. Лекин ҳозир хотинининг гапи Мансурнинг қулоғига киргани йўқ. Тўтрироғи, бунга атайин эътибор бермади. Чайналиб ўтиришнинг мавриди эмас, керак бўлса, кейин ҳаммасини тушунтиради.

Лабига папирос қистирганича, шошиб эшикка йўналди.

Аллақачон қуёш қайтган, аммо ҳаво ҳамон кундузгидек иссиқ, дим эди. Барча ўзини уй-уйига, соя-салқин боғларга урганми, кўчада одам сийрак, машиналар ҳам камайиб қолганидан, шаҳар деярли бўм-бўш.

«Ишқилиб, фалокат рўй бермаган, ўт чиқмаган бўлсин! Худойим, ўзинг асра!»

Боядан бери Мансурнинг ўй-хаёлини шу таҳликали илтижо эгаллаган эди.

У идорадаги кабинетда яйраб чекиб ўтирганди. Ўртоқлари эшик оғзига келиб: «Ўйга кетмаймизми? Етар энди!» – дейишганини аниқ эслайди. Бироқ шундан кейин, қулидаги папирос нима бўлди? – ўйлагани билан сира ёдига тушмаётган эди.

Мансур уйда ҳам, ишхонада ҳам купчиликнинг раъйига қарар, ҳамма нарсада одамлар билан ҳисоблашар эди. Фақат... чекиш борасида у бировнинг истак-хоҳишини

инобатга олмасликка одатланган. Уйда боласини тиззасида эркалатиб ўтириб ҳам папирос тутатади. Ишхонада турт томон қоғоз эканлигига парво қилмай, кул сепгани-сепган. Хўп, буларни қўйинг... Қайсидир йили учоқда сафарга кетаётиб, қўлида 50 сўм пул, хизматчи қизни ёнига чақириб, олдиндан жарима учун мановини олсангизу мен биттагина чекиб ташласам майлими, деган одам худди шу — Мансур бўлади!

Айни сонияда — дилгир ёз оқшомида ҳам, лабида папирос, ҳовлиққанича автобус бекатига йўл олган эди.

Бекатда анча туриб қолди. Ниҳоят, сабри чидамай, такси ёллаб, идораси жойлашган Эски шаҳарга қараб жўнади..

Машина қадим қалъа — Самарқанд дарвоза томондан юриб, ахийри беш қаватли гиштин иморат ёнига келиб тўхтади.

Мансур машинадан туша солиб, қаршисидаги бинонинг бешинчи қаватидаги ўз хонаси деразасига тикилди. Бўйдор акас туллари халал бераётганига қарамай, дераза очиқ эканлиги, хонада ҳам осойишталик ҳукм сураётгани кўриниб турарди. Хайрият! Кўнгли бир оз таскин топди.

Лекин у ўт чиқмаганига тугал қаноат ҳосил қилмагунча бу ердан кетолмас эди. Шошганича ичкарига йўл олди.

Бошини кўксига солинтириб мудраб ўтирган қоровул чолнинг ёнидан зипиллаб ўтиб, зинадан юқорига чиқа бошлади.

Бино бушаб, чироқларнинг барчаси ўчириб қўйилганидан, зина йўлаги деярли қоронғи эди.

Мансур бирон нарсага қоқилиб кетмаслик учун эҳтиёт бўлиб, аммо олдинги шаҳд билан бешинчи қаватга кўтарилди.

Узун йўлак икки ён томонда каттакон ойналар борлигидан гира-шира ёришиб турарди.

Бошлиқнинг қабулхонаси олдиндан ўтаётиб, Мансурга негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди. Бироқ бунга шу пайт ортиқча аҳамият бермади. Ўз кабинети остонасига бориб, чўнтагидан калит чиқарганча, эшикни очди.

Хона йўлакка нисбатан ҳам ёруғроқ эди. Лекин Мансур барибир чироқни ёқди. Атрофга олазарак қаради. Ёзув столида уюлиб ётган қоғозлар устида уюм-уюм кул... куддон гўла эзилган папирос қолдиги. Хонада тамаки ҳиди — куюнди бир ҳид ўрнашиб қолган, бироқ Мансурнинг бахтига ўт чиқмаган, ёнгин рўй бермаган эди!

У кўнгли тинчигандан суюниб-бушашиб, каттакон стол орқасидаги юмшоқ креслога — ўз ўрнига бир нафас ўтиб ўтирди. Шу аснода мириқиб-роҳатланиб биргина папирос чеккиси келди! Ҳатто чўнтагидан қути билан гугуртни ҳам олди! Аммо ўзини тийди. Ташқарига чиқиб чекканим маъқул, деган мулоҳазага борди.

Ўрнидан туриб, стол устини папирос қолдиқлари, кулдан нари-бери тозалаган бўлди. Яна нима қилсам экан, деб столга тикилиб қолди. Столнинг бир четида чойнак-пиёла турар, уларнинг ёнида электр сим гажак бўлиб ётарди.

Мансур хонада чекишдан ташқари, ўт учирувчилардан яширинча чойнакка электр қайнатгич солиб, кунига уч-тўрт марта чой ҳам дамлаб оларди. Ҳозир уйдан бир гал симни узиб қўйганмидим, йўқми, деб худди шундай ҳаяжонланиб келганини ва бекорга овора бўлганини эслади. Ўзича, менинг шу ишларим барибир яхши эмас, бир кун ўт чиқиши ҳам мумкин, деб ўйлади. Электр қайнатгични стол тортмасига жойлаб қўйди.

Ниҳоят, чироқни ўчирди.

Тун кириб қолган эди. Лекин кўча чироқлари ёқилганидан, хона боягидан ҳам ёруғ, ҳамма нарса кўзга ойдин ташланиб турарди.

У эшикни қулфлаганича тезроқ бинони тарк этишни мўлжаллади. Бироқ йулақдан изига қайтаётиб, беихтиёр...

...бошлиқнинг қабулхонаси олдида тўхтади. Унга яна негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди.

Мансур яқинлашиб, ҳалқани тортди.

Эшик ҳақиқатан ҳам очиқ эди.

Мансур котиба қизнинг баъзан эшикни беркитмай ўйига жўнаб қолишини олдин ҳам кузаттанди. Гарчи бунинг ўзига ҳеч даҳли бўлмаса ҳамки, у ҳозир алланечук гижинди. Бу одамлар ўз ишини ҳам тўғри бажармайди, деб ўйлади.

Кейин, шунчаки қабулхонага мўралади.

Бошлиқнинг кабинети эшиги ҳам негадир очиқ эди.

Мансур шуурсиз ҳолатда бир қадам олдинга босди.

Ҳалигина унинг хонасида бўлганидек, кўчадан тушган нурдан кабинет ичи ёришиб турарди. Ҳамма нарса кундуздаги сингари ўрни-ўрнида. Қизиқ жойи... бошлиқ ҳам шу ерда эди! Уларнинг бўлим бошлиги — Рустам Қўргонов, столдан ён томонда, креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирарди. У майкачан, яланг

оёқ эди. Оқ кўйлаги бериқоқдаги курсилардан бирига «кийдирилган». Туфли билан пайпоги ерда «сочилиб» ётарди.

Мансур эсанкираб, бир лаҳза донг қотиб қолди.

Қўргонов бутун бошқалардан ярим соатча бурун хайрлашиб ишхонадан чиқиб кетган эди. Умуман, у ишга кечроқ келиб, эртароқ кетаверарди. Бошлиқнинг қачондир иши кўпайиб, оқшомлари идорада қолганини ҳеч ким эсламасди. Айниқса, унинг бу ерда ҳозиргидек аллозда ўтириши ақлга сигмайдиган ҳол!

Мансурнинг урнида шу пайт журъатли, қатъиятли бир киши бўлганида, албатта, остонада ҳайратланиб-тангиб турмасдан, нима гап эканлигига қизиқсиниб чироқни ёқар, жилла қўрганда келганини билдириб, йўталиб қўярди. Лекин Мансур табиатан камсуқум, ўта мулоҳазали йигит эди. Бунинг устига, у аввалдан ҳар қандай каттароқ лавозимдаги кишидан ич-ичида қўрқар, оддий бир муносабатда бўлишдан ҳам баъзан ҳайиқарди. Қўргонов тўғрисида Мансур бемаҳалда нега бу ерда ўтирибди, бирон кўнгилсиз воқеа рўй берганми ёки бекорчиликдан келиб ҳордиқ чиқаряптимикин, деган хаёлга борди. Аммо бу саволларга жавоб топишдан кўра, унга ўзининг бу ерда беҳосдан келиб қолганини ошкор қилмаслик унгайроқ туюлди.

У соядек сурилиб, қайтиб йўлакка чиқди.

Мансур зинадан пастга тушганида, боя пинакка кетган қоровул чол энди хаёл сурибми, кўча эшиги олдида серрайиб турарди.

— Ҳа, ўғлим, нима гап?!

Қария, афтидан, уни ишхонада бир оз тутилиб қолган, деб ўйлаганди. Қоровул чолга разм солиб, Мансурнинг хаёлидан, бу менинг кирганимни пайқамганидек, Қўргоновнинг қайтиб ишхонага келганини ҳам сезмаган, албатта, деган гап ўтди.

У бир кўнгли, қарияга бошлиқ тўғрисида қўрган-билганини айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин шу ондаёқ бу фикридан қайтди. Тилидан илиниб нима қилади!

Кўчага чиқиб, папирос тутатди.

Унинг хаёлини — балодан нари, деб қочгани билан, барибир, Қўргонов тўғрисидаги саволлар тарк этмаган эди. «Бемаҳалда нега кабинетда ажиб бир аллозда ўтирибди? Бирон кўнгилсиз воқеа рўй бермаганмикин?!»



Кучанинг иккинчи бетига ўтиб, шошмасдан дарахтлар панасидаги ўтиргичда ярим соатлар чамаси чекиб ўтирди. У панадан Қўргоновнинг кабинети деразасига тикилиб, балки ўрнидан туриб чироқни ёқар, деб кутди. Аммо чироқ ёнмади.

Мансур деразадан ташқари, ишхона эшигини ҳам пойлади. Бошлиқ ахир, идорадан уйига чиқиб кетиши мумкин-ку!

Лекин эшикда ҳам ҳеч ким кўринмади...

## II

### ЯНА ЎША БИРИНЧИ КИШИ

У Замирага Қўргонов тўғрисида гапириб ўтирмади.

– Менинг одатимни биласан-ку, баъзан чекамани, баъзан чой ичаман, – деб, ишхонага қандай хавфсираб бориб қайтганини хотинига обдон тушунтирди.

– Менимча, ёнингизда кулдонингиз бўлса, битта-яримта папирос ҳеч нарса қилмайди. Электр ёмон! – деди хотини куюниб. – Электрдан истаган пайтда ўт чиқади. Бир-икки шиша сув олиб бориб қўйсангиз бўлмайдими?!

– Йўқ, сув билан иш битмайди! Чойсиз қийин. Айниқса, бунақа ёзда! – деди Мансур. – Ўзи бутун идораларга биттадан самовар қўйиб, уша ўт ўчирувчилар қараб туришса-ю, бемалол қайнатаверса буларди. Биров буни уйламайди! Ўз кунингни ўзинг кўришга мажбур бўлиб қоласан...

Шундан кейин, у қайтиб мутолаа учун ажратилган хонага кирди.

Бирон соат чамаси ўтирди. Бироқ ҳеч нарса ўқий олмади, хаёли чалғийверди. Идорадаги креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирган Қўргонов унинг кўз ўнгидан нари кетмас эди.

Мансур Қўргонов тўғрисида ўйлаб, бундан уч кун бурун рўй берган кичик бир воқеани эслади.

Тушликка ўртоқлари билан кучага чиқишди. Унинг ўртоқлари — Наби, Рамазон, Отахон деган йигитлар эди. Тамадди қилишгач, соя-салқин бог ичида, қадимий ёдгорлик ёнида жойлашган чойхонада ўтириб, ҳар кунгидек, ундан-бундан суҳбатлашишди.

Уша куни нимадир сабабдан Қургоновнинг ёнига хотини келиб кетган эди. Гапдан гап чиқиб, йигитлар уни беихтиёр тилга олишди. Чиройли, эртақдаги Зухрани, тўғрироғи, рол ўйнаган Юлдуз Ризаеванинг ёшлик йилларини эслатади, деб мақташди. Кимдир бегараз кўйда, баъзан кўзга яқин аёллар эркакнинг шури бўлади, деди. Бошқаси, ҳамма нарса аёлнинг ўзига боғлиқ, деди. Гап шу билан тугади.

Мансур ўшанда бу гап-сўзларга эътибор қилмаганди. Қургоновнинг бутунги ажабтовур ҳолатига бу воқеанинг алоқаси йўқ, деб билганидан, ҳозир ҳам аҳамият бермади. Эслади-қўйди, холос. Бизнинг қайси биримиз ҳақимизда ахир қаерларда кимлар нималар демайди! Умуман, суҳбат содда, самимий эди.

Шуларни хаёлидан кечириб, хонада бир оз утиргач, толиққани-ю, энди барибир ҳеч нарса ўқиёлмаслигини ҳис этди. Вақт ҳам алламаҳалга борган эди.

Эртаси куни эрталаб Мансур идора эшигида тасодифан Қургоновнинг котибаси — Мадина деган қизга тўқнаш келди. Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, зинадан юқорига бирга кўтарилишди.

Сўнг...

Мансурни ҳайратга солиб, Мадина қўлидаги қолчиқдан калит чиқарганича, берк қабулхона эшигини шарақлатиб очди.

Буниси майли.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, ҳар кунгидек қалин қизил чарм жилдни қўлтиқлаган Қургонов ишга келди. У кўринишидан уйда одатдагича мириқиб дам олган одамга ўхшарди.

Мансур бошлиқнинг соғ-саломат, тинч эканлигига (тунда у нима бемаъни хаёлларга бормаганди!) шукр қилиб, осойишталик туйғандек бўлди. Бу ҳам етмагандек, эс-ҳушидан айрилган, ҳақиқат ва рўенинг чегарасини билмай қолган телба эмаслигига қарамай, кеча кўрганларим шунчаки бир туш, бир хаёл бўлиши керак, йўқ нарсалар кўзимга чалингандир, деб ҳам ўйлай бошлади. Мансур бошлиқ тўғрисида аҳмоқона, ножўя фикрларга боришдан кўра, шундай деб ўйлашга кўпроқ мойил эди.

Лекин...

Тушга яқин Мадина Мансурнинг хонасига кириб келиб, сизни Рустам ака чақиряптилар, деди.

Мансур бир оз гангиб, бўлим бошлигининг кабинетига йўл олди.

Қўргонов биргина оқ куйлақда бўлса ҳамки, бўйнига йўгон бўйинбоғ таққанди. У стол орқасида ҳар қачонгидек ўйчан ва сипо утирарди.

– Хўш, ишлар нима бўляпти? – сўради Қўргонов.

Уларнинг идораси турли корхоналардан келган хатларни кўриб чиқиб, керак бўлса, маълум тузатишлар киритиб, марказга юборадиган, бошлиқларга баъзан маъруза, баъзан вақтли матбуот учун мақолалар ёзиб берадиган маъмурий ташкилотлардан эди. Мансур ишнинг қандай бораётганини қисқача тушунтирди.

Қўргонов унинг сўзини бир нуқтага жим тикилганча эшитди. Кейин ўрнидан туриб, хонада нари-бери юра бошлади. Ниҳоят, ўз ўрнига эмас, нима учундир, Мансурнинг рўпарасидаги курсига келиб ўтирди.

У Мансурга разм солиб, шунинг баробарида, сал паришонланган кўйда тикилиб қолган эди.

Мансур, кеча оқшом ишхонада айланиб кабинетта мўралаганимни бошлиқ пайқаган, пойлоқчига ўхшаб юрганимдан ичида ранжиган, албатта, мана энди галвани кўрасиз, деган хаёлга борди. Шунинг учун, ўзича бир оз саросималаниб қолди.

Йўқ, Қўргонов жуда дўстона оҳангда гап бошлади:

– Сизнинг ишларингиз яхши кетяпти. Мен хурсандман! Яқин орада, бир йил-ярим йил ичида, мен бу ердан бошқа ёққа ишга ўтаман... Иккимизнинг ўртамизда қолсин, биласиз, ҳар хил одам бор. Кисқаси... сизни ўз ўрнимга мўлжаллаяпман! Сиз қобилиятли, камтар йигитсиз. Усишингиз керак!.. Эътироз билдирманг. Гапни булманг. Мен шундай қарорга келганман. Лекин... – у ўзининг олижаноблигидан хижолат чеккандек, қизариб-тутилганича, сукутга чўмди. Сўнг олдингига нисбатан тез, суръат билан сўзини давом эттирди. – Сиздан фақат бир илтимос. Арзимаган, дўстона... Гапиришга ҳам ноқулай, муҳим бўлганидан... Мени тушунарсиз, деб ўйлайман. Қисқаси... душанба кuni, бундан роппа-роса тўрт кун бурун сизлар туш пайти чойхонада утиргансизлар. Мен кимлар бўлганини биламан. Нималар дейилганидан ҳам хабарим бор. Фақат, ростдан шундай бўлганини айтсангиз. Кейин, ким нима деганини сўзма-сўз, аниқ! Менимча, бу қийин эмас. Айниқса, мен сиздан утиниб сўраяпман...

Мансур кутилмаганда галати бир ҳолатга тушиб қолди.

У гўёки йўл четида гулларга анқайиб турганида, биров орқасидан келиб, уни тепиб юборгандек эди.

Бу — жуда эски, разил услуб. Қўрғонов унинг териси остига кириб олиб, гап ташиш, чақимчилик қилишга ундаяпти. Бир пайтлар худди шундай бўлган. Бизга ёрдам берсангиз, фикрингизни билдирсангиз деб, одам орқасидан одам қўйиб, шубҳа тугдириб, жирканч уйдирмаларга асосланиб минг-минглаб кишиларнинг ёстиги қуритилган. Хонумони куйдирилган. Қанчадан-қанча кишилар кундалик мулоқотлардан қочиб, кўнглидаги оддий бир дардларни ҳам айтишдан ҳайиқиб, журъатсиз тўнкага айланган. Илоннинг жилланглашига ўхшаган муомала, ёлгон-яшиқ ваъдаларга алданиб, бировларни қурбон, бировларни майиб-мажруҳ қилган кишиларнинг ўзлари ҳам уларнинг изидан тубсиз жарларга қулаб кегилган. Одамларни бошида қор-ёмғирли аёвсиз совуқ бир шамол, гирдибод урган! Бутун ҳаёт хиёнат ва тўхматдан иборат бўлиб келган!.. Энди у маломатли, машғум замонлар орқада қолгандек. Бироқ, қон-қонида ўша кунларнинг асорати сақланган хасталар, қуллар бўлганидек, у даврларнинг ҳамонки ўрнида турган посбонлари ҳам бор экан-да! Баракалла, уртоқ Қўрғонов!

Мансур бир дақиқа ичида жуда кўп нарсаларни ўйлаб, ҳис этса-да, энди саросималаниб ҳаяжонланмади.

— Нимаики илтимос бўлса, бош устига, Рустам Камолович, — деди у босиқлик билан. — Айтганингизни бажаришдан қочмаймиз. Ҳалиги гапга келсак, биз ҳар кун чойхонада ўтирамиз. Суҳбатлашамиз. Бундан жиддийлик қидириш, билмадим. Менинг гап териби, гапни кўтариб юриш одагим ҳам йўқ...

— Демак, бўйин товлаяпсиз! Тушунарли! — деди Қўрғонов бирдан ранги ўзгариб, асабийлашиб. — Билиб қўйинг, сиз учун иккита йўл бор. Ёки ҳаммасини эслаб, бугун бўлмаса бошқа кун, менга кириб айтасиз... ишларингиз яхши бўлиб кетади! Ёки шу идоранинг ўзида ҳам бундан буёғи ишлашингиз ҳақида ўйлаб кўришингизга тўтти келади. Мен қўл остимдаги одамларнинг ўйин кўрсатишига лоқайд қараёлмайман! Гап тамом!..

Мансур Қўрғоновнинг ҳузуридан бушашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб келиб, руҳсиз бир ҳолатда ўрнига ўтирганича, кетма-кет папирос тутатиб, ютоқиб чекишга гушди. Унга Қўрғоновнинг кечаги ҳунари

ҳам, бугунги ялтоқланиб тўр ташлаши-ю дагдагаси ҳам тушуниксиз эди. Мансур раҳбарлар қачондир олий бир табақадек шаклланганини билар, улардан оддийроқ кишиларга нисбатан марҳамат кутиш ортиқча эканлигига ақли етар эди. Қўргонов ҳам бундан мустасно эмасди. Шу боисдан, Мансур аксар, кечагига ўхшаб кўриб, кўзга ташланавермаслик пайдан бўларди. Бироқ Қўргоновнинг антиқа хатти-ҳаракатлари уни барибир ажаблантирди. Бошлиқ нега ўзини бундай тутаетганини ақлига сигдиролмасди. Гишт қолипдан кўчиб, иш жойида муносабат бузила бошлаганидан ҳам хижил эди. Қўргоновга тегишли воқеалар бир ипга тизилиб келаётгани-ю бунинг унга ҳам дахли борлиги Мансурни эсанкиратиб қўйганди. Ҳозир хонада чекиб ўгириб, ўзи нима бўляпти, туппа-тузук ишлаб юргандим, бу бало менга қаердан ёпишиб қолди, Худойим, деб ўйлаганича, ич-ичидан зил кетди.

Мансур ўзича, ҳар ҳолда ўша куни чойхонада яхши бўлмаган экан, бировнинг хотини тўгрисида сўзлашиб нима қилардик, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ бу фикр унга дарҳол асоссиз туюлди. Ахир, улар пасткашлик қилишмаган, қуюшқондан чиқишмаган эди-ку! Кўз бор экан — одам кўради! Оғиз бор экан — гапиради! Буни тақиқлаб қўйишга дунёдаги энг улуғ салтанат эгалари ҳам қодир эмас!..

Бошлиқ ҳузурига кириб-чиққанидан буён, хаёлининг аллабурчида муҳим бир савол уймалашиб, бунинг нима эканлигини аниқлаёлмай қийналарди. Бехосдан унинг фикри ёришгандек бўлди: Қўргонов бўлимдаги йигитларнинг қачон, қаерда, қандай суҳбатлашганини қаёқдан билди экан? У осмондан олиб гапирмайди-ку!..

Беихтиёр ўрнидан туриб кетди...

Суҳбатдошлар тўрт киши эди! Ораларидан кимдир жосуслик, хоинликка юз тутиб, хушомадгўйлик қилиб, бутун гапни оқизмай-томизмай, ҳатто ёнига қўшиб-чатиб бошлиққа етказганмикин? Ким?!

Мансур олдингидан баттар паришонланиб қолди.

Тушлик вақти аллақачон етиб, жилла фурсат утган ҳам эди. Лекин ҳозир бу эмас, бошқа бир ҳол Мансурнинг кўпроқ диққатини жалб этди. Кўнглида ўртоқларига нисбатан шубҳа тугила бошлаганига қарамай, у

ўртоқларининг бугун нега ҳар кунгидек тушлиқка таклиф қилиб келишмаганидан таажжубланди.

Вақт зиқлигини инобатта олиб, Мансур ишхонанинг узида, биринчи қаватдаги ошхонада овқатланишга қарор қилди. Аммо ошхонага кириб, кутилмаган қизиқ бир манзарага дуч келди; унинг жонажон ўртоқлари бугун айри-айри: Наби бир томонда, Рамазон иккинчи, Отахон учинчи бурчақда утириб овқатланишар эди. Мансур шу асно кўнглида йигитларнинг ҳамма гапдан хабари борлигини ҳис этди. Демак... демак, Қўрғонов буларни ҳам бирма-бир чақириб гаплашган!

Мансурнинг хаёлида бундан бир неча дақиқа бурун айланган савол энди унинг бутун фикрини банд этди. Ким?!

### III

#### ҚЎРҒОНОВ

Кеча унинг учун кўнгулсиз кун эди.

Кечки пайтда бўлимдаги йигитлардан бири ўт чиқишидан қўрқиб ишхонага бош суқиши-ю, кабинетга беихтиёр мўралашни Қўрғоновнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

У ҳар кунгидек идорани эртaroқ тарк этган, лекин оёғи тортмай, оилали бўлганидан бери ўтган ўн йил бадалида биринчи марта уйига бормаган эди. Янги шаҳардаги ҳашаматли меҳмонхона пинжида жойлашган ресторанга кириб овқатланган, бир оз ичиб ҳам олганди. Бироқ олдин кўнглидан кечириб мўлжаллагани бўйича меҳмонхонада қолиши ноқулай, қийин, бунинг устига бўш жойнинг ўзи йўқлиги эҳтимолга яқин эканлигини ўйлаб, кўчаларда анча тентираб юрганди. Ниҳоят, ишхонага қайтиб, бу ерда менга ҳеч ким халал бермайди, менинг аҳволимни ҳам кўрмайди, деган фикрдан таскин топганди.

Қўрғонов шу хаёл билан устини, оёғини ечиб, ўзини креслога ташлаган эди.

У ичганиданми, асаблари қақшаб, толиққаниданми, ўрганмаган одамга унча тўғри келмайдиган шароит бўлса ҳамки, кўп ўтмай тахтадек қотиб қолганди.

Қўли қаттиқ бир нарсага кескин урилиб, тахминан тун ярмига борганида, чўчиб уйгонди. Мана энди юрагини ҳамон тошдек эзиб ётган алам етмаганидек, бутун суяклари ҳам зирқираб огриётганини сезди.

Иродасини жамлаб ўрнидан сапчиганича, қафасга тушган шердек, хонада, узун тушалган гилам бўйлаб яланг оёқ, шип-шип нари-бери юра бошлади. Нимадир қилиш керак! Нимадир қилиш керак!..

Қўргонов талабалик йиллари ҳар хил ижара уйларда гурганини эслади. Уша пайтларда бу қандайдир табиий ҳол эди! Энди сени ҳар ким ўз уйига киритавермайди. Сенга ҳали жой беришининг тайини йўқ — аҳволингни сўраб-суриштириб, бутун ичингни қоқиб олгандай иш тутади. Тинкангни қуритади! Ҳозир уй топиш олдинги пайтлардагига ухшаб осон ҳам эмас. Хўп, топган тақдирингда ҳам, ижара уй ҳеч қачон ўз уйингдек бўлолмайди!..

Булар ҳаммаси тушунарли... Шунга қарамай, бошпана қидирмай илож йўқ! Қидириш, топиш керак! Белинга камаринг бор экан, ўз уйингдан этак қоқиб чиқиб кетган экансан, Худонинг берган куни барибир буёққа келиб, лаънати креслода бундай ётолмайсан-ку!

Шу палла у ўзича уйда хотини, болалари қандай ухлашаётганини тасаввур қилишга уринди. Қизчаси билан угилчаси кечқурун унинг йўқлигини кўриб, «дадам қани, нега келмаяпти», деб тоза инжишгани аниқ. Улар арзимаган нарса устида бир-бирлари билан аразлашиб, иккиси ҳам йиглаб, кейин уйқуга кетишган. Ичкари бўлмада устларини очиб, тушларида алланечук хўрсиниб ётишибди. Малоҳат... Малоҳат ухламаётган бўлиши ҳам мумкин. Шуниси ҳақиқатта яқин! Хонадан-хонага ўтиб, чироқни дам учириб, дам ёқиб, эҳтимолки, деразадан кўчага аланглаб ўтиргандир?! Рустам бир гал огоҳлантирмай кеч қайтганида, хайрият, эсим чиқиб милицияга хабар беришимга оз қолди, деган эди. Унинг қийналиб, изтироб чекаётгани турган гап! У шунақа хотин!..

Хотини, болаларига кўнгли ачиб, Қўргоновнинг кўзларига жиққа ёш тўлди. У қўлининг орқаси билан кўзларини артганича, креслога келиб утирди. Нима қилганда ҳам, тезроқ уй-жой топиб, ҳисоб-китобни тўгрилаш керак! Ўзини йигит деб билган ориятли киши ҳар қандай шармандалиқдан кўз юмиб, тупроққа қоришиб яшаёлмайди. Албатта, ўз обрўси, гурури, ҳамияти учун

курашади! Аламлар, саргардонликлар эса бир куни унутилади. Орқада қолиб кетади!..

О, бу заҳар-заққум утган йиллар давомида томчи-томчи тупланди!..

Бутун даҳмаза у Малоҳат билан танишган ёз кунларидан бошланди.

Улар бир-бирларини ёқтиришган, ўша йили кузда тўй ўтказишга қарор қилишганди. Уйланадиган бўлдим, деб ҳовлиқиб кетиб, сабри чидамай, Рустам шаҳардан бирон соатча масофадаги ўзи тугилиб-ўсган қишлоққа бориб, ойиси билан катта опасини бошлаб келган, икки ўртада қуда-андачиликка рози-ризолик бериб, нон ҳам ушатилаганди.

Лекин мана шу — икки томон ҳам тўйга тараддуд кураётган пайтда, Малоҳат бир куни томдан тараша тушгандек қизиқ гап қилди:

– Мен дам олгани кетяпман. Дугонам билан! Ҳар йили бирга борардик. Охирги марта! Ваъда берганман... – Сўнг негадир нафасини ичига ютиб, секин қўшиб қўйди. – Хоҳласангиз, сиз ҳам юринг. Путьека топиш мумкин. Учов бирга бораверамиз...

Рустам кутилмаган бу гапдан довдираб, кўнгли гашланиб қолди. У, келин бўлаётган қизнинг гўй олдидан бундай сафарга чиқиши шарт эканми, бормаса нима қиларди, деб ўйлади. Аммо Малоҳатга буни айтмади. Қизни барибир шахидан қайтариб, олиб қололмаслигини ҳис этди. Узича, Малоҳатнинг сўзига кириб, йўланма дараклаб, қўшилиб бораверишни ҳам чамалади. Бироқ одамлар обрўли деб билган шу идорага эндигина янги ишга ўтганди. Айни ёз кунларида жавоб ололмаслигига кўзи етди. Бунинг устига, ўшанда қўли қисқа эди. Тўйга деб жамгарганини кўкка совуриб, эски ўйнинг мўрисидек сўппайиб қолишдан кўрқди.

Сирасини айтганда, бу оддий бир воқеа эди. Ҳозирги замонда қизлар, жувонлар кўнгиллари чопган томонга бемалол бориб, айланиб келишаверади. Уларга ҳеч ким монелик кўрсатмайди! Аёллар паранжи-чиммат ёпинганда ҳам нуқул тўрт девор ичида ўтиришмаган-ку! Уйланмай туриб, Малоҳатнинг оёқ-қўлига кишан солиши инсофдан бўлмаса керак!..

Рустам Малоҳатнинг дугонасини танирди: Гулгун! Буларнинг иккиси ҳам ёш врач, бирга ўқишганми, олдинмакейинми, шунақа эди.



Қизлар характер жиҳатдан бир-бирларига сира ухшашмасди. Малоҳат узини босиқ-вазмин тутар, хатти-ҳаракати бир оз суст, гапни ҳам салмоқлаб гапирарди. Гулгун, аксинча, нотинч, шўх, шум, жуда эрка ва афтидан, утил болалар орасида ўсган эди.

Феъл-атворида бир-бирига яқинлик кўринмаса ҳамки, қизларнинг муносабати жуда қалин эди. Улар бир-бирларини ялаб-юлқарди. Иккисини болта билан ҳам ажратиб бўлмасди. Яна қизиғи шундаки, улардан ҳар бирининг бошқасига қиладиган муомаласи қандайдир йигит кишининг қиз болага нисбатан илтифотига ўхшаб кетарди.

Малоҳат дам олишга мана шу дугонаси билан бормоқчи эди!

Турли томондан сайёҳлар Москвада тўпланишиб, пароходда Волга бўйлаб сайр қилишга жўнаб кетишлари керак эди.

Лекин қизлар йўлга отланишганида шароит бир оз узгарди. Малоҳат Москвага бир кун олдин, Гулгун бир кун кейин борадиган бўлди. Гулгуннинг шаҳарда қандайдир ташвиши чиқиб қолганди.

Рустам Малоҳатни самолётта кузатиб қўйди. Малоҳат Рустамга йўлдан ора-сира хат ёзиб турди. Унинг хатларида Гулгун тўғрисида бир огиз ҳам сўз йўқ эди. Аммо Рустам бунга ажабланиб ўтирмади. Қизнинг ўзи турмушга чиқаётган йигитга йўллаган қисқагина дил изҳорида дугонасининг таржимаи ҳолига бало борми!

Малоҳат сафардан ниҳоятда очилиб-сочилиб қайтди. Рустамга яна у билан Гулгун бирга кўриниш бера бошлашди. Рустам қизларнинг сайри-саёҳати қандай ўтганига қизиқиб ҳам юрмади. Кузда улар тўйни ўтказишди.

Тўй кечаси Гулгун ҳеч кимга парво қилмай ичиб, минг мақомда ўйнаб, кўпчиликни даврага тортиб, тоза қизиқчилик қилди. Кейин кайфи ошиб, негадир йиглади. Кейин эса, бўш бир хонага кириб, ухлаб қолди.

У эртаси куни, мендан хафа бўлманглар, кеча сал жиннилик қилибман, деб Малоҳатни ҳам, Рустамни ҳам бўйнидан қучиб ўпди. Кулимсираб, бироқ одатдагига ҳеч ўхшамаган тушкун кайфиятда уйига кетди...

Малоҳат билан Гулгун энди кундан-кунга олдингидан кўра анча кам кўришадиган бўлишди...

Орадан түрт йил ўтди...

Рустам бахтдан алланечук сармаст эди. У, менга ўзи ҳам, қалби ҳам гузал бир аёл насиб этди, тавба, нима эзгуликларим эвазига тақдир бундай бахт буюрди экан, деб ўйлар, телбаланиб, кўксини тўддирган севинчдан баъзан боши айланиб, кўзларига ёш қалқир эди.

Зарурат тугилиб бирон ерга борганида ҳам, иложи борича тезроқ қайтиш ташвишида булар, уйга рўйирист югуриб-чопиб кириб келарди.

Ўтган давр ичида қизчалари — Азиза тугилиб, секин-аста оёққа тура бошлади. Ойисидан ҳусн, дадасидан меҳр олган қизалоқ хонадон ҳаётига янги бир файз, янги бир ёруғлик бахш этган эди!

Рустам баъзи бировлар одатда қишлоқи дейдиган гўл йигит эди. У ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронги эканлигини ҳали билмасди. Ҳа, дунёда худди шундай тескари бир шакл ҳам борлигини хаёлига келтирмаганди...

Бир куни ҳар қачонгидек уйга ошиққанича келиб, негадир Малоҳат билан Гулгун ошхонада қизаришиб фаромушланиб ўтиришганини кўрди.

Аввалига Рустам ўз кўзи билан кўриб турган бу ҳолатга эътибор қилмай, Гулгунга ўртоқчилик ҳам шунақа бўладими, огайни, кўринмай кетдингиз, деб ҳазил-хузул қилишга уринди. У даврага қўшилиб, осойишта қанд-қурс чайнаб, хўриллатиб чой ҳам ичди. Лекин бояги «булут» тарқалмаётганини ахийри ҳис этиб, беихтиёр, ўзи нима гал, деб қизиқсинди.

— Гулгун ҳозироқ путёвканинг пулини толиб беришимни сўраяпти, — пичирлади Малоҳат. У эрининг юз-кўзига қарамай, бўйни, елкасини қистанди.

— Қанақа путёвка?

— Бундан түрт йил бурунги. Куйиб кетган...

— Нега куйиб кетар экан? Куйган бўлса, курсат! — жеркиниб деди Гулгун.

— Қаергадир ташлаганман. Эсимда йўқ... — яна пичирлади Малоҳат.

— Тўхтанг! Сиз ўшанда сафарга бормаганмидингиз? Мен тушунмаяпман... — деди Рустам.

— Мен борганим йўқ, — энди Рустамга зарда қилди Гулгун. — Аввалдан бораман, деб аниқ айтганим ҳам йўқ.

Кураимиз, деганман. Пулни булса, тулаганман. Ҳисобли дуст айрилмас, дейишади. Бир йил кутдим, икки йил, уч йил, мана, тўртинчи... одам ўзи уйлаши керак!..

– Мен ой бўйи сенинг йўлингга қарадим, дугонажон! Сен келмадинг, – шафқат кутибми, Гулгунга илтижоли оҳангда деди Малоҳат. – Ахир, бу менинг айбим эмас-ку!

– Нима, сенинг эсинг йўқми? Одам уч кун келмагандан кейин, келмайди-да! У эмас-бу эмас, тўгрисини тан олгинг келмаяпти. Путёвкани сотгансан. Балки бировга бергандирсан! Биронтани бирга олиб кетмаганмидинг, ишқилиб?!

Гулгун сўнги тошни ўртага қўйган эди! Айни дамда, у худди шу тош билан Рустамнинг бошига ургандек бўлди. Рустам, бас, етар, деганича ўрнидан асабий қўзғалиб, ичкари хонага йўналди.

Ойликка қараб кун кўрадиган ҳар қандай оила учун бир даста пулни бировга шартта чиқариб бериш ҳазилакам гап эмас. Аммо Рустамнинг наздида, хотини ва у боисдан, ўзининг шаъни орага тушган эди. Йигит киши бундай пайтда пулнинг юзига қарамайди!

Рустам ичкаридан олиб чиқиб, стол четига қўйган пулни Гулгун, ижиргангандек бир қўйда икки бармогининг учи билан тутанча, худди ахлат қутига нарса ташлаётган одамга ўхшаб, сумкасига солди. Кейин, ишшайиб, уйдан чиқиб кетди.

Бир пайт ўзи уйланган йилдаги сафар воқеасига яна қайтилади, деб Рустам ҳеч қачон ўйламаган эди. Бироқ, не иложки, ҳаёт деганимиз буюк бир занжирнинг ҳалқаларидан иборат экан!

У ич-ичидан Гулгунни бирданига ёмон кўриб қолган эди.

Унинг юрагида хотинидан инжиш ҳам йўқ эмасди. Шундай дарди бор экан, вақтида ёзмайдими? Хўп, қайтиб келгандан кейин бир огиз индамайдими? Шу ҳам эр-хотинчилик бўлди-ю!

Рустам уша куни кечгача хотинига лом-мим демай, қош-қовоғи солиниб юрди. Аммо тунда Малоҳат одатдагидек унинг пинжигга кириб, мушукка ўхшаб суйканди.

– Мени кечиринг, хўпми? Мен аҳмоқман. Сизга гапиришга қўрқдим, – деди Малоҳат. – Мана, пальто олмоқчи эдингиз, костюм... пул бекорга кетиб қолди.

Лекин хафа бўлманг, яна ишлаймиз.. — у бир дам уйланиб туриб, сўзида давом этди. — Гулгундан ҳам инжиб юрманг. Уларнинг оиласи учун пул пўчоқдай гап. Аламидан жиннилик қияпти! У бизни бир-биримиздан қизганади! Ёши утиб боряпти...

— Ана, тегсин биронта эрга! Ким унга тегма депти? — бўтилди Рустам.

— Оладиган эр йўқ! Бунақа қизларнинг қанчаси юрибди судралиб. Сиз билмайсиз! Ачинади киши...

Рустам ўзича Малоҳатнинг гапларида жон борлигини ҳис этди. Бироқ унинг кўнглидан энди барибир Гулгунга нисбатан теран бир адоват жой олганди. Бу қиз юзини гуёки сидириб ташлаб, унинг инига чўп суққан, ҳаловатини бузиб, бахтини ўгирлаганди. Бундай нарсалар осонликча кечирилмайди!

У Малоҳатга шу куни ортиқча зугум ўтказмаганига қарамай, кўнглида хотинидан ҳам норизо эди. Хотини ҳозиргача ундан нималарнидир сир сақлаб келган-у, бугун ойна беҳосдан чил-чил синган эди. Бундай нарсаларнинг узоқ йилларгача асорати қолади!

Лекин булардан кўра ҳам муҳимроқ гаплар бор эди!

Рустам йигитман деб, илк қарашда валлакатлик намунасини кўрсатган, амалда эса, уйдан Гулгуннинг думини тутиб, икки дугона ўртасидаги можарога шунчаки нуқта қўйган эди, холос. У ўз-ўзига жабр қилган, ҳамма нарсанинг устига парда тортиб, аслида бундан тўрт йил бурунги сафар пайти воқеа қандай кечганини билмай қолаверган эди. Рустамга, Малоҳат дугонасини илҳақ кутгани-ю, у ҳақми ёки Гулгун ҳақ, чиндан айб Малоҳатнинг ўзидами, бу — қоронги эди. Рустам буни аниқлашга эринганди. Эриниш ҳам эмас, тўғрироғи, машъум бир ҳақиқатнинг очилишидан қўрққанди! Рустам шошиб-пишиб, хотинини, ўзини обрўсизланишдан асрагандек иш тутганди! Гулгуннинг оиласига ўхшаб, улар учун «пул пўчоқдай гап» деб бўлмайди. Аммо пулнинг падарига лънат, даҳшатли жойи: Рустам ҳақиқатни аниқлаш ўрнига, кўмиб ташлашга, ор-номусни, шаъни бировдан сотиб олишга уринган эди!

Хўп, Гулгун айтганини айтиб, икки ўртада чиққан можарода ўзиникини ўтказиб кетгач, у нега қош-қовоғини солинтиришдан нарига ўтмади? Нега Малоҳат келиб

пинжига сукилганида, силтаб ташламади? Ҳақиқатни суриштирмади? Малоҳатни қийин-қистовга олмади? Хотини суйқанганига эриб, тилига қулф тушдими? Кеч тунда эркаланиб айтилган сўзлар, лоқайд тавба-тазарруга паққос ишондими? Ёки қўрқдими?!

Йўқ, Рустам бу гапларнинг барини англаган ҳолда, Малоҳатни тергаёлмаслигини ҳис этди. Малоҳатта кўп йиллик жонажон дутонаси ишонмаганида, ўзи ҳам ишонмай, хотинини тупроққа қориб, камситиш, ҳақорат қилишга ботинмади! Бундай хатти-ҳаракат Рустамга инсофсизлик ва қандайдир номардлик бўлиб туюлди!..

Шундай қилиб, Рустамнинг дарди ичида қолди.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай гашлик тарқайди. Ҳар қандай кўнгилсизликдан инсон узоқлашади.

Улар ҳам хонадонларида рўй берган дилсиёҳликдан аста-секин узоқлаша бошлашди.

Рустам энди Гулгуннинг куз шамолидек ҳаммаёқни тузитиб кетганини гоҳ эслаб, гоҳ унутиб юборгандек бўларди.

Касб-кори юзасидан, Малоҳат ҳамон баъзан Гулгун билан кўришиб турар, афтидан оз-моз гаплашиб ҳам юрарди. Бироқ Гулгун ортиқ уларни келмас, уйда унинг номи ҳам тилга олинмас эди.

Аҳён-аҳёнда Рустам куча-кўйда тасодифан Гулгунга дуч келиб қолар, икковлари ҳам бир-бирини кўрмаганга солиб, ўтиб кетишар эди. Аниқроғи, қилган ишидан хижолат чекибми ёки Рустамни мазах қилибми, Гулгун унинг ёнидан қандайдир иржайиб ўтиб кетарди.

Рустам туйган олдинги бахт, сурур энди ўз-ўзидан йўқолгандек эди. Лекин у Малоҳатни яхши кўрар, уйим, хотиним, болам деб яшар, турмуш, умуман, қайтиб муайян изга тушганга ўхшар эди.

Азизадан кейин уларнинг угилчаси Азамат тугилди.

Болали уй — бозор. Бола — ҳаёт гули.

Бора-бора Рустамга ўзини маълум муддат уртаган уйлар, азобли кечинмалари асоссиз, аҳамиятсиз туюлиб, бунга у ишонч ҳам ҳосил қила бошлади...

Мана, орадан ўн йил ўтиб, ҳозирги кунлар етиб келди...

Рустам ўтган ҳафта Малоҳатни озиб-ёзиб кинога олиб борадиган бўлди. «Болаларнинг эси кириб қолди. Ўзлари

уйда ўтираверишади, юр, хотин, бир айланиб келайлик», деди.

Шаҳар марказидаги кинотеатрда чет эл фильми кетаётган экан. Улар амаллаб билет тошиб киришди.

Фильмни Рустам тўқинланиб томоша қилди. Унга фильм ёқди. Фақат, лаҳза ичида утиб кетган чигал бир қисмат хаёлини қочириб, уни сал паришонлантирди.

..Қиз эрга тегяпти. Бироқ унинг бошқа севгани бор. У ҳаммадан қочиб, ўша севгилиси билан махфий учрашади. Мен сенга ўзимни топширгани келдим, биринчи навбатда сеники бўлишим керак, дейди. Аллақандай қоронги бир жойда йигитнинг бағрига киради ҳам. Кейин, гўйхонага қайтиб, турмуш қуриб кетаверади.

Рустам барча томошабинлар сингари қизга ачинди.

У қизнинг ночор бир кўйга тушганини ҳис этди. Бу фильмда ҳам яхши тасвирланган эди! Лекин Рустам шу билан бирга, негадир уйланган йигитга явада кўпроқ ачиниб қаради. Бу йигит, нима бўлганда ҳам, алданган эди!

Кинодан уйга қайтишаётганида Рустам Малоҳатга беихтиёр шу тўғрида сўз очди.

– Сиз тушунинг! Қиз биринчи йигитни яхши кўради, ахир! – деди Малоҳат. – У виждони олдида пок...

– Дунёда бурч деган нарса бор, – асабийлашди Рустам.

– Муҳаббат-чи? Муҳаббат йўқ жойда бурч ҳам бўлмайди, – бўш келмади Малоҳат. – Баъзан Фарб, Шарқ, деймиз... Мен ўзимизнинг қизларимиз шундай иш тутишган пайтлар борлигини биламан! Тўйи олдидан севгилисининг кўксига бошини қўйиб йиглаган қизларни-ку, айтмай қўя қолай. Унақалар сон мингга!..

Рустамнинг фикрига қўшилмаганда ҳам, Малоҳат шу палла жилла қурганда индамагани, баҳслашмагани дурустмиди?! Унинг оқланиш оҳангидаги ўй-мулоҳазаси Рустамни гўёки дафъатан қиргоқдан-қиргоққа отгандек, яна хаёлан ўзи уйланган кунларга қайтарди. Рустам вақтида ҳақиқатни очиб ташлашга журъат қилмагани-ю, шунча йил бирга яшаб, хотинининг кўнглини билмаганидан энди алланечук ўкиниб, нотинчлангандек бўлди. У хотини билан томоша қургани чиқиб, баҳра топиш ўрнига, қайтиб ўз оиласи бошида бўлган эски савдони сотиб олгандек эди!

Рустам уч-тўрт кун кўнгли хижил, биров ўласи қилиб тепкилагандек ланж юрди. Бу жароҳат ҳам вақт ўтиши билан балки битарди! Аммо кутилмаганда янги бир саҳифа очилиб, воқеа ўз-ўзидан тезлашди.

Якшанба куни Малоҳат болаларни олиб, ота-онасини кўргани кетди. Рустам уйда зерикиб, китоб варақлагани жавон оддига борди. Китобларни кўздан кечираётиб, тасодифан улар орасида турган альбомга кўзи тушди. Рустам суратпараст эмасди. Суратга кам тушар, альбом билан ҳам иши йўқ эди. Ҳозир шунчаки қўлига олиб, очди. Беихтиёр яшил бир конверт Рустамнинг диққатини тортди. Унинг юзига «Волга бўйларида олинган суратлар» деб ёзилган эди.

У негалигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, ҳаяжонланиб, нафаси бўғзига тиқилиб, суратларни кўздан кечира бошлади ва бирдан... юраги қинидан чиқиб, ерга гурсиллаб йиқилишига оз қолди. Мана... мана, то ҳозиргача ундан гоҳ олисда жонланиб, гоҳ кўмилиб келган ҳақиқат! Мана, Малоҳат йиллар бўйи ундан пинҳон тутган сир!

Суратлардан бирида Малоҳат қандайдир ариқнингми, чуқурликнингми бўйида туриб, олдинга қўлини чўзган, иккинчи томонда қомат тиклаган хушбичим бир йигит унинг қўлларини маҳкам тутган эди. Икковлари ҳам бошларини орқага ташлаб, қотиб кулишарди. Суратдагиларни унутиб, Рустам шу дамда кўпдан буён кўринмай юрган Гулгунни эслади. Гулгун аввалдан бу тўғрида билиб гапирган экан-да!

У суратни чўнтагига солиб, альбомни қайтиб жойига қўйди.

Шу оқшом Малоҳатга ҳеч нарса демади. Лекин туни бўйи илон чаққандек тўлганиб чиқди. Эртаси куни эрталаб яна лом-мим демасдан ишга жўнади.

Малоҳат унинг тундаги лоқайдлигига ҳам, эрталабки қош-қовоғи осиглигига ҳам парво қилгани йўқ. У гап нимада эканлигини билмаслиги аниқ, аммо болалар билан уралашиб, эрида бир ўзгариш рўй берганини сезмадими... Ҳар ҳолда, одатдаги муомаласини давом эттиргандек бўлди. Бу етмагандек, болаларга нимадир олишни мўлжаллаб, кундузи ишхонага пул ҳам сўраб келди!

Рустам, кейинги куни ишхонада йигитлар хотини тўғрисида орқаворотдан гапиришганини эшитди. Бу

— сўнги томчи эди! У, аҳволни мендан бўлак ҳамма, идорадагилар ҳам билишар экан, мен бўлса лаллайиб юрган эканман-да, деб уйлади. Узини ҳақоратланган ҳис этиб, нафрат-адоватга тўлди.

Унинг яна икки кеча уйда қолишга сабри етди. Хотини билан бир оғиз ҳам гаплашмади. Хотини ҳам ундан ҳеч нарса сўрамади. Бироқ Рустам ўз ёғида ўзи қоврилиб, асабийлашгани сайин, Малоҳат энди узини жўртгага бепарво тутаётгандек қиёфага кирди. Рустамга аҳамият бермай, ишдан кейин, уйда болаларга қараб, бемалол телевизор кўриб, китоб ўқиб, идиш-товоқни ювиб юраверди!

Ниҳоят, Рустам бундай хурликка ортиқ чидаёлмаслигини сезди.

У саҳарлаб туриб, ювиниб кийинди. Болалар мактабга кетиб, эр-хотин нонуштага утирганча бир пиёладан чой ичишгач, чунтагида олиб юрган суратни чиқариб, индамай Малоҳатнинг олдига ташлади.

Шу фурсатда Малоҳат мабодо бир дунё ёлгон-яшиқ ишлатиб, узини оқласа майли эди! У йиглаб-сиқтаб, Рустамнинг оёғига йиқилиб, узининг бир пайтлардаги гуноҳини тиласа ҳам майли эди! Рустам тушунарди. Бутун гапни энди бир йўла тамоман кўмиб ташлашга ҳаракат қиларди.

Йўқ, бу — ҳар қачонги, пинагини дарров бузавер — майдиган, эҳтиросга берилавермайдиган Малоҳат эди!

У одатича шошмасдан суратга тикилиб, бир қатла қизариб олгандек, бир нафас хаёлга берилиб, ёнида Рустамнинг борлигини ҳам унутгандек бўлди. Сўнг суратни шунчаки бир четга суриб қўйди.

— Ҳали шунгамиди? Мен нима экан, деб ҳайрон бўлиб утирибман! — пичирлади ниҳоят Малоҳат. — Қаёқдаги қолиб кетган гапларни кавлаштириб юрганингизни қаранг! Ёш катга бўлганда одамга бунақа ишлар ярашмайди!...

У, қандай йусинда булмасин, ақли бовар қиладиган жавобни кутаётган Рустамга ланжлик билан, беписанд кўйда, узини даҳлсиз тутиб, шундай деди.

Малоҳат учун гўёки уларнинг ҳаётида даҳшатли ҳеч нарса рўй бермаганди!

Малоҳатнинг сўзларидан, шу билан бирга, у эмас, ҳаммасига Рустам айбдор, у эмас, Рустам уялиши керакка ўхшар эди!



Рустамга унинг сўзлари замирида, кўнглимга келганини қилганман, бундан кейин ҳам қиламан, сенга ҳисоб бериб ўтирмайман, сен галварс, бачканалик билан гап кавлаштириб, нимага ҳам эришардинг, деган маъно яшириниб ётгандек туюлди. Одамлар баъзан ҳазиллашиб: «Ўлган, қучган — шамол билан учган!» — дейишгани сингари, Малоҳат ҳаётни жўн тушуниши-ю, бунинг устига, писмиқ эканлигини ўйлаб, Рустамнинг қони қайнаб кетди! Хотини уни бурнидан ип ўтказиб ўйнатгани, шунча йил олдига похол солиб юргани кам, ҳозир яна пичоқсиз сўйгандек бўлди.

Бироқ Рустам узини йўқотмади. Аламини, кўзига қўйилиб келаётган ёшни ичига ютди. У Малоҳатга зулм-зугумсиз, фақат, мен ортиқ бундай яшаёлмайман, деди.

Рустам кетдим, деб айтгани йўқ. Қўлига уйдан арзирлик бирон буюм олгани ҳам йўқ. Лекин унинг хайрлашгани шу эди!

Албатта, Малоҳатга ачинмаслик мумкин эмас. У суюкли хотин эди! Оғзидан чиққанини эри бажарарди! Мана, энди иккита бола билан эрсиз қолди!

Малоҳат ҳали кўп пушаймонлар қилади! Рустамни қайтармикин, деб кутади! Рустам қўли остидаги Мадинагами, бирон ёш, ундан чиройли қизга уйланганини эшитиб, тунлари совуқ тўшақда тўлганиб чиқади. Кўзёш тўкиб, бошини деворларга уради! Аммо, натижа бўлмайди! Малоҳат ўз гуноҳи учун жавоб беради!

Кабинетдаги креслодан сапчиб туриб, Қўрғонов узун тўшалган гилам бўйлаб яна яланг оёқ нари-бери юра бошлади.

Малоҳат бир нарсани тушуниши керак эди. Рустам хотинини шунчаки рашк қиладиган аҳмоқ эмас: у оиланинг поклиги, номуси тўғрисида ўйламаса, уйдан кетмасди. Бекордан-бекорга оила бузилиб, болалар чирқираб тирик етим қолишини ҳам Рустам истамайди. У яхши биладикки, дунёда гуноҳсиз одам йўқ. Шу боисдан олижаноб инсон ҳар қандай оғир шароитда ҳам маълум даражада кечиримли бўлади. Бироқ буни суиистеъмол қилиш, гуноҳинг бўйнингда була туриб, мен шунақаман, қўлингдан келса осмондан ташла, деб безбетларча серрайиб туриш ярамайди! Малоҳат худди шундай қилди! Ун йил бир ёстиққа бош

қўйиб, Рустамнинг юрагини топтаб келгани етмагандек, сўнгида ҳам уни тушунмади. Рустамга қўшиб ўзини, бегуноҳ болаларини ҳам мушкул қўйга солиб қўйди!..

Ташқарида кун ғира-шира ёриша бошлади.

Қўрғонов креслога қайтиб келиб утирганича, яна бир оз мизгиган бўлди. Ниҳоят, графиндаги сувни тўкиб-сочиб, наридан-бери ювиниб олди. Шошмасдан кийиниб, қалин қизил чарм жилдни қўлтигига қистирганича ташқарига йўналди.

Қоровул чол йўлақдаги диванда кўрпа-тўшак қилиб, худди уйдаги сингари бемалол пишиллаб ухларди.

Қўрғонов қариянинг ҳеч нарсани сезмаганига суюниб, унинг ёнидан эҳтиёткор қадам босиб ўтганча, эшик ҳалқасини тушириб, кўчага чиқди.

Кеча кечқурун ишхонани тарк этганида иккиланиб, ўйланиб қолганди. Нима бўлганда ҳам ўйга бориб, Малоҳат билан қизишмасдан яна бир гаплашиб кўрсаммикан, унинг узидан ҳақиқатни билишга ҳаракат қилсаммикан, деб кўнглидан кечирганди. Лекин бу фикридан тез қайтиб, ресторанга қараб кетган эди.

Ҳозир ҳам Рустам, ўйга бир кирсаммикан, хотин нима қиляпти, болалар нима қиляпти — билиб, шунга қараб иш тутсаммикан, деб ўйлаб, кўчада сал иккиланиб турди. Лекин бу унга яна қўнимсизлик, йигит кишига ярашмайдиган бачканалик бўлиб туюлди.

Уч-тўрт бекат пойи пиёда юриб, йўл устидаги чойхонага кирди. Бу ерда қуёш ёйилгунча чой ичиб ўтирди.

Ниҳоят, шошмасдан ишхонага қайтиб келди.

#### IV

### ЯНА ҚЎРҒОНОВ

Сирасини айтганда, у бўлимдаги йигитларнинг бир ерда ўтиришиб Малоҳат тўғрисида гапиришганига аҳамият бермаса ҳам бўларди! Одамларнинг тилини пойлаб, ҳамманинг оғзига бирма-бир қулф солиб чиқишнинг иложи йўқлигини Қўрғонов, албатта, яхши биларди! Айниқса, шу кунлар Малоҳат ишхонага келиб-кетганидан, бўлимдагиларнинг у ҳақида гаплашиши табиий ҳол эди.

Бироқ Қўрғоновнинг хаёлига, булар бир нарсани биладики, гапиради, деган бемаъни фикр беихтиёр урнашганди. У қудуқдан сув тортганга ўхшаб, қўли остидагиларнинг ичидагини билиб олишга жазм этганди.

Қўрғонов Малоҳат тўгрисида ўзича хунук бир ҳақиқатни — Малоҳатнинг қачон, қандай бўлмасин, хиёнатга юз тутганини англаган, унга энди шу ҳақиқатнинг иқрорими, исботими керак эди! У Малоҳатни тили билан иқрор қилолмаслиги учун, буни бошқалардан аниқлайман деб телба бир кўйга тушганди.

Хотинидан ажралиб кетган тақдирда ҳам, бировлардан у ҳақда сўраб-суриштириш пасткашлик эканлигини Қўрғонов кўнглининг алабурчида ҳис этарди. Лекин шунга қарамай, обрў, номусни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли шу бўлиб туюлар, бундай хатти-ҳаракатни у ўз шаъни учун кураш деб тушунар эди.

Малоҳатдан ташқари, у билан қўл ушлашиб, кулишиб суратга тушган йигит Қўрғоновнинг бутун хаёлини эгаллаганди. Бу йигит ким? У ҳозир қаерда? Унинг Малоҳат билан муносабати нимадан иборат эди? Қўрғонов энди шу тўтрида ўйлагани-ўйлаган, ўша йигитни қай йўсинда бўлмасин, бир кўрмоқчи эди! Кўриб нима қилади, нима дейди — буни Қўрғонов билмасди. Фақат юзма-юз келишни ўзи учун ниҳоятда муҳим деб ўйларди! Умуман, унга рўй берган воқеадан кўра кўпроқ бунга кимлардир гувоҳ эканлиги оғир ботаётган эди.

Ишхонада кўннинг биринчи ярмида Қўрғонов бўлимдагиларни гоҳ эшилиб, гоҳ асабийлашган ҳолда тергаш билан банд бўлди. Аммо унинг меҳрибонлик кўрсатгани ҳам, дағдага қилгани ҳам наф бермади: қулогига етиб келганидан бошқа ҳеч нарса билолмади. Тунни уйқусиз ўтказганидан баттар толиқиш сезгани қолди, холос! Тушдан кейин, кечгача бўлган вақт идора бошлигининг кабинетида мажлис билан ўтди. У мажлис давомида уйқу босиб, бехос мункиб кетишдан қўрқиб ўтирди.

Қуёш уфқда ёнбошлаб, кеч кира боргани сайин уни гам-ташвиш чулғай бошлади. Тунни қаерда, қандай ўтказиш керак?! Ёшинг бир ерга борганида бошпанасиз одам кўйига тушиш кишига малол келар экан! Бирдан унинг кўнгли ёришди.

Кун — жума эди. Қишлоққа бориб, чол-кампирни, қариндош-урутни хурсанд қилиб, дам олиш кунларини уша ерда утказиш, баҳонада ўзи нима бўлди-ю, нима бўлаётганини бафуржа ўйлаш мумкин-ку, ахир!

Қўрғонов хаёлига келган оддийгина шу фикрдан терисига сигмай севиниб кетди.

## V

### БИРИНЧИ КИШИ

Хонада қозоғга кўмилиб папирос тутатганича угиравериб, Мансур зерика бошлади.

Унинг уртоқлари бугун ҳар бири ўзича тушликка чиққани етмагандек, ишхонада ҳозир уларнинг бор-йўқлиги ҳам сезилмаяпти! Инига кириб кетган сичқонга ўхшаб, ҳаммаси ўз хонасига беркиниб олган! Ҳеч ким, қалайсан, уртоқ, деб муралаб, афтидан, аҳвол ҳам сурамоқчи эмас! Хўп, оғайниларни сотган бўлсанг, биттанг сотгандирсан! Ҳамманг хоин эмассан-ку! Буича тиззаларинг қалтираб, бўйниларингни ичларингга тортиб қолдиларинг?!

Мансур беихтиёр бутилиб асабийлашди. Унга уртоқлари ўзига нисбатан ҳам эҳтиёткор, журъатсиз бўлиб кўринди. Бошлиқлар мажлис қилишаётган шу палла, ҳамкасблари билан гаплашиб, бир йўла уларнинг юрагига қўл солиб кўргиси келди.

Чекаётган папиросини ўчириб, эшикни ёпганича, Мансур тўғри рўпарадаги Набининг кабинетига кириб борди.

У олдиндан кутганидек, Наби хонада алланечук эзилиб, отаси қазо қилган одамдек, мотамсаро бир ҳолатда утирарди.

— Иш кўпайиб кетдими, жура?! — суради Мансур, дўстининг қош-қовоғига эътибор бермасликка тиришиб. Наби унга гамгин, шу билан бирга, разм солгандек қаради:

— Нима, «разведка» қилиб юрибсизми?!

Мансур тахтадек қотиб қолди. Бу гап илк қарашда ҳазил-мутойибага ўхшаса ҳамки, тагида, пойлоқчилик қиялпанми, деган зил маъно бор эди. Мансур бошқа уртоқларидан кўра Набига кўпроқ ишонар, уни ўзига яқин деб биларди. Юрагини ким, деган савол кемирғанда ҳам, Набидан кам

шубҳаланиб, азбаройи дардлашгиси келганидан, биринчи навбатда унинг хонасига кирган эди. Шу боисдан, дабдурустдан Набининг силтаб ташлаши Мансурга малол келди. Унинг нақ юрагига пичоқ санчилгандек бўлди!

– Осмон узилиб ерга тушган экан, жўра. Билмабмиз, узр, – деди Мансур ва шахт-шиддат билан ташқарига отилди.

У Набининг ҳар қачонгига ўхшамаган совуқ муомаласи мағзини чақолмай гангиб-эсанкираб, йўлақда бир оз айланиб юрди. Кейин, булар нега бунақа қиляпти, деб ўйлаб тоқатсизланганидан, ўзини тутолмай, бошлиқ қабулхонаси ёнидаги Рамазоннинг кабинетига «бостириб» кирди.

Рамазонни Мансурга Наби даражасида яқин деб бўлмайди. Лекин унинг феъл-атворидаги яхши бир жиҳат, қўрслиги, ҳар нарсага сапчийдиган одати йўқ. Хушмуомала. Маданиятли. Мана, ҳозир ҳам у Мансурни бағри кенг одамларга хос беозор жилмайиб қаршилади.

Мансур тўлиб турганидан, Рамазонга дардини ёрди.

– Бирон фожиа рўй бердими? Нима бўлди?! Овқатга чақирмадинглар?! Ҳамманг хонанишин бўлиб ўтирибсанлар! Энди бир-бири билан гаплашиш ҳам мумкин эмасми?! Салом-аликни ҳам йиғиштириб қўя қоламизми шу боришда?!

– Ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз, – деди ўйчан, мулоҳаза юритган бир кўйда Рамазон. – Яхши иш бўлмади, ўртоқ...

– Яхши бўлмаса, бунга мен жавоб бераманми?

– Ҳа, энди... ким билади... – Рамазон юзини секин четга бурди.

Мансур бу хонадан баттар бўғилиб-асабийлашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб, папирос тутатганича ўйга чўмди. Энди бир нарса дафъатан унга аён бўлиб қолганди: ўртоқлари ундан шубҳаланишяпти! Наби ҳам, Рамазон ҳам бошқа биров эмас, уни сотқин деб билиб, галлашгилари келмаяпти!

Отахон...

Мансур унинг ҳузурига кириб ҳам утирмади. Наби билан Рамазонки Мансурга ишонишмаётган экан, Отахон ўлганда ҳам ишонмайди. Бу йигитнинг аввалдан бадгумонлиги бор.

«Мендан нега шубҳаланишади? Қизиқ! Менинг Қургоновга қандайдир яқинлигим бўлмаса, шу ишда

қимирлаб туришдан булак нарсани уйламасам... Наҳотки, одамни тушунишмайди?! – Мансур шундай огир, аламли хаёлларга борди-ю, секин-аста гүёки кўзи мошдек очила бошлади. – Сенинг бошингда шохинг борми? Сен бировлардан шубҳаланиб турганда, улар ҳам сендан шубҳаланишади-да! Бунга ажабланиш ортиқча!..»

Шундан сўнг, унинг хаёлини яна, ким, деган савол згалади.

## VI

### ИККИНЧИ КИШИ

Қўрғонов булимдаги бошқа йигитларга қараганда Наби билан жуда қисқа гаплашган эди. У сўз очгани заҳоти, Наби чувак юзидаги ўткир кўзлари чақчайиб, нима, мен сизга шпионманми, деган ва Қўрғонов дарҳол, майли, жавоб сизга, дейишга мажбур бўлганди...

Эрталаб алла-палада уйқудан турган Наби уйда хотини йўқлигини сизди. Бироқ дастурхонда нонушта тайёр эди. У чой ичаётиб, кечаги суҳбатни эслаганича гижинди. Ҳозир ҳам, нима, мен Қўрғоновга шпионманми, деб уйлаб, ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди.

Бу, хотин қаерда экан, деган хаёлдан безовталаниб турганида, ташқаридан хотинининг овози эштилди:

– Наби ака! Бу ёққа қаранг, Наби ака...

У тўртинчи қават ойнасидан пастга — кўчага қаради.

Раънонинг галати одатлари бор! У усти ёпиқ қандайдир юк машинаси олдида турар, эри билан маслаҳат қилиб ҳам утирмай нимадир харид қилган, ўшани уйга олиб келган эди.

Наби истар-истамас пастга тушди.

– Китоб жавони! – мағрурланиб деди Раъно.

– Ҳозир шу зарилмиди?! – тўнгиллади Наби.

– Ҳеч қачон зарил эмас! Китобларингиз оёқ остида сочилиб ётибди.

Наби ҳайдовчи билан машинадан амаллаб жавонни ерга туширди. Машина кетгач, энди нима қилдик, дегандек хотинига эзгин тикилиб серрайди.

– Улфати чор, деб юрасиз... Ўртоқларингизга қўнгироқ қилинг, – унинг ҳолатини тушуниб, дарҳол фикр бидирди Раъно. – Шунақа пайтда ёрдам беришмаса...

Одатда, хотини олдида ўзини осойишта тугадиган Наби, бирдан тутқаноги тутган одамдек титраб кетди:

– Менинг ҳеч қанақа уртогим йўқ! Тушундингми?! Туртинчи эмас, қирқинчи қават бўлсаям, ўзим олиб чиқаман. Ўзим!

Жавон катта, огир эди. Аммо Наби уни орқалаб, йўлак томон судрала бошлади. Эрининг нега бундай бехосдан феъли айниганига тушунмаган Раъно унинг ёнида пилдираб, ёрдам беришга уринди.

Ниҳоят, жавонни уйга олиб киришгач, хотинига юзланиб:

– Нима, мен Қўрғононга шпионманми? – деди ҳамон асабийлашиб турган Наби. – Бунақа ишда ишлагандан, улган яхши. Ариза ёзаман! Кетаман...

## VII

### УЧИНЧИ ВА ТЎРТИНЧИ КИШИ

Наби билан кетма-кет Рамазон ҳам ариза ёзиб, ишдан бушади.

Кейин, орадан кўп ўтмай, Отахон ҳам кетди.

Бу йигитлар ўрнига ишга янги хизматчилар келишди...

## VIII

### ЯНА БИРИНЧИ КИШИ

Мансур, ким хиёнат қилгани маълум эмас, аммо ишдан кетмаса, бутун гуноҳ ўз бўйнига тушиб қолишини кундан-кунга чуқурроқ ҳис эта бошлади. Ниҳоят, у ҳам ариза ездди....

## IX

### ҚЎРҒОНОВ

Беш-ун кун ётиб турадиган аниқ жой тополмай кўчада қолганидан кейин, Рустам Қўрғононов уйига қайтиб, хотини билан ярашди. «Турмушда ҳар нарса булар экан. Оилада бир-бирингни кечериш керак!» – деб ўз-ўзига таскин берди.

Аммо шу кунлари у котибаси Мадинани Мансурнинг ўрнидаги ишга ўтказди.

– Сиз қайси ишда ишланг, олдингидек дўст бўлиб қолаверамиз, – деди Мадинага. – Менга доим хизмат қилиб турасиз. Одамларни сездирмай кузатасиз. Мен барибир бир куни хотинимдан ажралиб, сизга уйланаман...

## Х

### ТЎРТ ЙИГИТ ВА ГУЛГУН

Мансур билан унинг уч оғайниси — тасодифан дуч келганда, бир-бирларидан қочиб, кўришмаслик учун кучанинг нариги бетига ўтиб кетишар, афтидан, бу энди уларнинг ҳаётида қолган бир умрлик савдо эди... Мансур бундан, айниқса, қаттиқ изтироб чекарди.

Қўргонов ҳам куча-кўйда Гулгунни учратганда, ҳамон алақандай азобланарди. Аммо фарқи... у кўнглида ҳар гал, қани, иложи бўлса, мен шу қизни, албатта, йўқ қилардим, деб ўйлар эди...



## ШЕРЛОК ХОЛМС БУХОРОДА

### ЁХУД СИРЛИ ҚЎЛЁЗМА ТАРИХИ

Бухорои шарифга зиёратга келган дўстларим Тоҳир Малик ва Турсунбой Адашбойни шаҳарнинг муқаддас жойлари, тарихий ёдгорликлари билан таништириб юрган эдим. Ҳазрат Имом Ҳожатбарор ичидаги масжиднинг пастак минораси остида калта соқол қўйган, бошига фута ураб, одми яктак кийган бир киши иккита синган гиштнинг устига утириб олиб, олдига ёйилган эски матога турли китоб-дафтарларни сотиш учун териб қўйган экан. Афтангори нақ Хўжа Насриддинни эслатувчи бу зот билан эски қадрдонлардек қуюқ сурашиб, бисотидаги нарсаларни кўздан кечиришга киришдик. Шунда чиройли муқоваланган инглиз тилидаги юпқагина қўлёзма-дафтарни кўриб қолдик. Унинг тепасига ўқловдек ҳарфлар билан «Артур Конан Дойл» деб ёзиб қўйилган эди. Бу эса учаламизнинг ҳам эътиборимизни дарҳол узига жалб этди.

Шу ўринда Артур Конан Дойлнинг кимлиги, таржимаи ҳоли, чарм муқовали қўлёзмага нега қизиқиб қолганимиз ҳақида қисқача маълумот бериб утиш лозим. Ёшлигида тиббиёт билим юртида ўқиган Артур дастлаб кема табиби сифатида кўп марта денгиз сафарларига чиқиб, бир неча йил Африкада одамларни муолажа қилади. Сўнгра Лондонга қайтиб, кичкина шифохона очади. Бироқ иши юришмайди. Эрмак йўлига бадий ижод билан шугулланади. Уч жилдлик шеър, бир қанча романлар ёзса-да, унчалик ном қозонолмайди.

Кунларнинг бирида кучадан ўтиб кетаётган йўловчи Артурга ўқувчилик чогида сабоқ берган Жозеф Бел исмли ўта зийрак ва топқир муаллимини эслатиб юборади. Шунда Конан Дойл беихтиёр у ҳақида китоб ёзишга қарор қилади. Аммо қаҳрамонни Жозеф Бел урнига Шерлок Холмс деб атайтиди. Орадан кўп вақт ўтмай, Шерлок Холмс ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар Артур Конан Дойл номини бутун дунёга машҳур қилиб юборади.

Таъкидлаш жоизки, Шерлок Холмс тимсолида муаллиф ва муаллим феъл-атвори мужассамлашган. Шу сабабли китобхонлар адибни асар қаҳрамони билан бир деб билиб, уни шу номда атаб, кўча-кўйда ортидан тўп-тўп бўлиб

эргашиб юрган... Аммо аслида Конан Дойлга Шерлок Холмсдан кўра бошқа қаҳрамон — доктор Ватсон кўпроқ яқиндир. Бир қарашда доктор Ватсон Шерлок Холмснинг ёнида юрган «иккинчи даражали персонаж», холос. Шунинг баробарида, усиз Шерлок Холмс йўқ — бутун воқеа у орқали (унинг тилидан) ҳикоя қилинади. Бошқача айтганда, Конан Дойл ҳаётда кўрган-кечирган, ҳис этган, ўйлаганларини иккинчи даражали қаҳрамонга "юклайди".

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, адабнинг асарларидан доктор Ватсоннинг маълум муддат Шарқда, жумладан, Афғонистондаги ҳарбий лагерларда даволаш билан машғул бўлгани, шу даврда бошқа кўшни юртларга ҳам сафар қилгани ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу эса доктор Ватсон, тўғрироғи, Артур Конан Дойл Бухоро ҳақида ҳам анча-мунча маълумотларга эга бўлган, деган хулосага келишга асос бўлади. Қолаверса, у ҳаким сифатида Абу Али ибн Сино асарлари ва уларга ёзилган шарҳлардан ҳам яхши хабардор бўлган.

Қисқаси, йигирма йил мобайнида Шерлок Холмсга бағишлаб китоб ёзган адиб Шарқ (асосан, Бухоро) ҳаётидан асар ёзишни ўйлаган, айрим тафсилотларни қогозга тушириб борган. Тасаввур қилиш қийин, лекин худди шундай бўлган эди... Қўлёзма ҳали қиёмига етмагани боис уни яна бир қўр кўриб чиқиш, айрим тузатишлар киритиш керак эди. Бундан ташқари, Конан Дойл асарни одатдаги тартибда доктор Ватсон "тили"га кўчиришга ҳам улгурмаган эди. Афсуски, бу ишлар қоралама ҳолича қолиб кетади. Бу орада қўлёзма сирли равишда гойиб бўлади. Кейинчалик бир гал Парижда, яна бир гал Техронда ўша қўлёзма топилгани тўғрисида гап чиқади. Асар катта нархга баҳоланади. Уни китоб қилиб чиқариш-чиқармаслик борасида ҳам кўп баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади. Вақт ўгиши билан бу гаплар-да унутилади...

Кулимиздаги дафтар, афтидан, ўша қўлёзма эди. Қанчалик ҳаяжонланган бўлмайлик, Тоҳир Малик сиполик билан сотувчидан қўлёзмани қанчага беришини суради.

— Бизда катта пул йўқ! — дея Турсунбой Адашбой ҳам луқма ташлаб қўйди.

— Сизларни танигандек бўлдим, — деб кулимсиради "Хужа Насриддин". — Мен китоб учун ёзувчидан пул олмайман. Бу сизларга ҳада! Лекин йўқотманглар! Текин олмайлик десангизлар, сопол косада бир коса сув кифоя...

Учовимиз бу гапдан кейин шошилганча сопол коса қидириб кетдик. Зиёратгоҳ рўпарасидаги бозорни айланиб, бир дўкондан чиройли гулдор коса харид қилиб, тезда орқага қайтдик. Дарвоза олдида косани тоза сувга тўлдириб, бояги жойга келдик. Бироқ ҳовуз бўйида ўша иккита синган гиштдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Китоб сотувчини қидириб масжидга мўраладик, ён томондаги хужраларга қарадик. Бизни таниган зот гойиб бўлган эди. Ахийри, ноилож сув тўла сопол косани синган гиштлар устига қўйиб, чанг тушмасин учун бир варақ оқ қоғоз билан ёпдик.

Қўлёзма қўлимда қолди.

Уни биринчи бўлиб Тоҳир Малик ўқимоқчи эди, аммо мен бухоролик эканимни пеш қилганча бир гапда туриб олдим. Тошкентга қайтгач, лугат ёрдамида қўлёзмани ўқишга тушдим. У маромига етмаган бўлса-да, Артур Конан Дойлнинг бошқа асарлари сингари гаройиб ва жозибали эди. Ана ўша қўлёзма билан танишинг...

## БУЮК БУХОРО САФАРИ

### I

Ёмгир ёгай-ёгай деб турган дим ёз куни.

Шерлок Холмс "Бейкер-стрит" кўчасидаги кичкина уйда қадрони доктор Ватсон билан суҳбатлашиб, ора-сирада "Аҳмад" чойидан хўлаб ўтирар эди. Тўсатдан уларнинг гурунгини уй соҳибаси миссис Хадсон бўлди:

— Холмс! Сизни бир мусулмон савдогар сўраяпти.

Миссис Хадсон одамнинг кимлигини илк кўргандаёқ чамалашни Шерлок Холмсан ўрганган.

— Кирсин, — деди оромкурсида ўтирган Холмс бироз ажабланган кўйи.

Хонага бошида симобий салла, эгнида енгил шоҳи тўн қора соқоли киши кирди. Меҳмонни қаршилаб ўрнидан турган мезбонлар унга бўш курсидан жой кўрсатишди.

— Сиз — Шерлок Холмс! Сиз — доктор Ватсонсиз! — деди меҳмон адашмай. Холмсга алоҳида эътибор билан қараб, яна қўшиб қўйди: — Мен сизни шундай жуссаси ихчам, лекин ўзи кибор, кўзлари ўткир, чақноқ, келишган қиёфада тасаввур қилган эдим. Тўғри чиқди!

Холмс илтифот учун миннатдорчилик билдириб, меҳмонга бир пиёла чой қўйиб узатди. (Хонадондаги чинни лаган, чойнак ва пиёлалар Ватсонга тегишли эди.)

– Бугун қаҳва ичишдан чойга ўтган эдик. Энди билсам, бу сизнинг келишингиз аломати экан! – деди Ватсон лутф қилиб.

Меҳмон пиёлани қўлида айлантираётиб, ён-атрофга синчков кўз ташлади:

– Икковингиз бир вақтлар бу уйни ижарага олгансиз. Кейинчалик доктор Ватсон уйланиб, кучиб кетган. Сиз эса, Холмс, шу ерда қолавергансиз.

– Бунинг нима аҳамияти бор?! – дея гап қотди қизиққон Ватсон.

– Мен сизни учратолмайман, деб қўрққан эдим. Хайрият, дўстингиз олдида экансиз! – деди-да, меҳмон мақсадга кучди: – Мен Умар Хўжа деган бухоролик савдогарман. Бизнинг бир шоиримиз "Агар ўлсам, биродарлар, мени Лондонга қўмгайсиз", деб ёзган. Бу каминага багишланган, чунки умримнинг ярми шу ерда ўтди.

Шерлок Холмс бир қарашдаёқ меҳмоннинг араб ҳам, афгон ҳам эмаслигини пайқаган эди. Кейинги замонларда араблар, афгонлар, яна ҳиндлар-у африқолик ҳабашлар озодлик, мустақиллик учун инглизларга қарши бир неча бор уруш эълон қилган. Шу сабабли улар инглизларни унчалик хуш кўрмаслиги аниқ эди. Меҳмоннинг ўзларига нисбатан юз-кузидаги хайрихоҳликни Холмс дарҳол пайқаган эди.

– Бу ерда бир қанча дўконларим бор, – деб сўзини давом эттирди Умар Хўжа. – Лекин ҳозир олдимда тижоратдан бўлак бир ташвиш кўндаланг бўлиб турибди.

Шерлок Холмс ҳам меҳмонга илтифот кўрсатди:

– Хўш, қандай ташвиш экан? Тортинмай сўзлайверинг, қулогимиз сизда.

– Гапни узоқдан бошлашга тўғри келади, – деди Умар Хўжа хижолатомуз жилмайиб. – Бухоро амири Аҳадхон жаноби олийлари отам билан ёшлиқдан дўст тутинган. Шу сабаб менга мудом меҳрибонлик кўрсатади. Амир Аҳадхон Русияга бориб, подшоҳ ҳазратларининг қўлини олиб қайтган. Мамлакатимиз ҳозир вассал ҳолатида. Амир аслида Русиянинг ҳам, Англиянинг ҳам Шарқдаги зўравонлик сиёсатини маъқулламайди. Маърифатли ва зеҳдли амир хориж сиёсати, матбуот ва маданий ҳаётини доимий равишда кузатиб боради. Дарвоқе, ул зот Ватсоннинг илгари Бўмбайда бўлганидан хабардор. Жангда қаттиқ ярадор бўлиб, омонатни топширишингизга

оз қолганини ҳам эшитган. Холмс, амирим сизнинг кўлаб кишининг гуноҳсиз эканини исботлаб, уларни дордан, қамоқдан, сургундан қутқарганингизга қойил қолган. Биз амир билан сизлар ҳақингизда кўп гаплашганмиз. Хуллас, амир Аҳадхон икковингиз билан юзма-юз кўришиш истагида. Шу мақсадда сиз жанобларни Бухорога таклиф қилдилар.

– Бухоро жуда узоқда. Бундай сафар муайян тайёргарлик кўришни талаб қилади. Қолаверса, хавф-хатардан ҳам холи эмас, – деди Шерлок Холмс.

– Энг муҳими, амир бизни нима учун Бухорога чорляпти? Ҳар ҳолда, фақат суҳбатлашиш учун эмасдир?

Бунга жавобан Умар Хўжа қўйнидан шапалоқдек хат чиқарди.

– Бу сизларнинг Бухоро ва атроф ерларда хавфсиз юришингизга кафолат хати. Аҳадхон имзо чекиб, муҳр босган... Таклиф қилганларига, албатта, бирон сабаб бўлиши керак. Аммо уни мен билмайман. Айтмаганлар... Мени эса бу ишга бош қўшишга мушкул бир савдо мажбур қилди, – дея Умар Хўжа узоқ сукутга чўмди. Ниҳоят, чой ҳўплаб дардини ёра бошлади: – Балогат ёшига етганимда падари бузрукворим Усмон Хўжа менга бебаҳо бир ёқуттош совга қилган. Мен тошни ёнимда сақлашга ўрганган эдим. Лекин бир гал Бухорога борганда Арк тепасига чиқиб айвонда таҳорат олаётганимда биров чўнтагимга кўл солдими ёки ўзим тушириб қўйдимми, билолмай қолдим. Одатда, Аҳадхон ҳузурига киргунча кўп одам билан кўришаман, бирови ўғирладими, буни ҳам пайқамадим.

– Ёнингизда яқин кишиларингиз йўқмиди? – деб секин қизиқсинди Шерлок Холмс.

– Синашта мирзамдан бўлак ҳеч ким йўқ эди, – дея чуқур хурсинди Умар Хўжа. – Хуллас, бу қандай содир бўлди, тушунмайман. Бошим қотиб нима қилишга ҳайронман. Амиримга бу тўтрида оғиз очмаганман, чунки гап чувалашиб кетади... Шу ўринда Аҳадхоннинг айрим ожизликларини айтмасам, сизлар аҳволни тасаввур қилишингиз қийин. Жаноби олийларини хотинбоз дейишга тил бормайди, аммо заифаларга ишқибоз экани бутун Бухорода маълум. Газал айтиш подшоҳларнинг иши эмас, лекин амирим бўш вақтларда газал ёзади. Гап шундаки, Аҳадхон заифалар билан дўстлашиб, уларга газал ўқиб беришни яхши

кўради. Ҳар йили бир-икки марта Петербург ёки Ялтага бориб, у ёқлардан ҳам «газалга муштоқ» уч-тўрт хонимни Бухорога, саройга олиб келади. Бу хонимларнинг ўзи бетайин-бедаво экани бир бўлса, уларга эргашиб келадиган қаланги-қасанги таниш билиш-у қариндош-уруғи иккинчи гавго! Бундай шароитда аксар хизматчиларнинг ошкор нима қилаётганини кўриб турсанг-да, махфий ишларини Худодан бўлак ҳеч ким билмайди... Инчунун, ёрдамнингизга муҳтожман.

Шерлок Холмсга бухоролик савдогарнинг ҳикояси минг йиллик афсонадек туюлди. Шу билан бирга, изқуварлиги тутиб, воқеа магзини чақишга урина бошлади. Шарқ ҳаёти бўйича деярли «саводсиз» Холмс қаршисида «билимдон» Ватсон негадир хомуш тортиб ўтирарди.

— Бухоронинг шавкати, бойлиги дунёга машҳур, — дея босиқ сўз бошлади Ватсон. — Уни агар Русия эгалламаса, Англия мустамлакага айлантириши аниқ эди. Бухорони иккинчи Макка атаб, чор-атрофдан одамлар доим унга талпинади. Бундай жойга бориш жуда таштқи. Лекин сиз оддий бир муаммони, наҳотки, уша ерда ҳал қилолмадингиз?

— Бунинг иложи йўқ, — деди Умар Хужа. — Энг аввал амиримнинг сизларни ўз ҳузурида кўриш истаги! Мен буни бажо келтирмасам, қандай одам бўлдим?! Қимматбаҳо тош масаласига келсак, бу ишнинг ҳидини чиқармай, хамирдан қил сугургандек бажариш керак. Мен мулкдорман, бисотимда нималар борлигини ҳаммага ошкор қилолмайман. Айниқса, сарой аъёнлари билан муносабатда сир сақлай билиш муҳим. Бошқача бўлиши мумкин эмас...

— Агар Ватсон ҳамроҳликни қабул қилса-ю биз Бухорога борадиган бўлсак, бу қай тарзда амалга ошади? — деб сўради меҳмондан Шерлок Холмс.

— Кўпчилик Бухорога расмий тартибда саёҳат қилишни ёқтирмайди. Илгари Бухоро Русиянинг вассали бўлмаса ҳамки, расмий борди-келдилар Русия орқали амалга ошган. Рус императорлари номидан хат олиб, қўриқчилар қуршовида борилган. Масалан, Абдуллахон даврида англо-рус савдо компанияси вакили, Московда яшаган Женкинсон деган киши инглиз ҳамкасблари Ричард ва Роберт Жонсон билан татар таржимон ёллаб Бухорога борган. Кейинчалик Борнс деган инглиз зобити ҳам расмий тартибда Бухоро билан танишган. Қозон дорилфунунида ўқиган, чегара

посбонлари таржимони Денилсон деган шахс Жаъфар исми татар мулла қиёфасида савдо карвони билан бирга ўлкамизга сафар қилган... Татарлар мусулмон бўлгани ва тил билгани сабабли, аксарият ҳолларда шу ниқобдан фойдаланилган. Шарқ Ғарб учун доим сирли макон бўлиб келган. Лекин ҳозир шароит ўзгарди. Русия ҳаммаёққа мулозиму хуфияларини сочиб ташлаган. Бухорода қадимдан ҳар хил миллат яшагани-ю, энди амирга нисбатан оқ пошшонинг кўпроқ ҳукми утганидан маҳаллий аҳоли эшик олдида мабодо бирон ажнабийни кўрса, ажабланмайдиган бўлиб қолди... Сизларни Бухорога ўзим бошлаб бораман. Шу боис ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Умар Хўжа сўзини тутатиб, сукутга чўмди.

Узоқ маслаҳатлашувдан сўнг Шерлок Холмс сирли таклифга рози бўлди. Умар Хўжа йўл харажатларини тўлаб, меҳмонларга Абдуқодир исми мирзасини ёрдамчиликка тайинлади.

## II

Сафар тараддуди битгунча Абдуқодир ҳар куни Шерлок Холмсдан хабар олиб турди. Унинг ҳар гал гоҳ қаҳва, гоҳ "Аҳмад" ёки "Акбар" чойини кўтариб келганини кўрган Шерлок Холмс мусулмончиликдан узоқ Англияда Оллоҳ ва пайгамбар номи билан боғлиқ чой турларининг кенг тарқалгани сабаблари билан қизиқиш қолди. Шу баҳонада Шарқ ҳаётига доир бир даста китобни ўқиб чиқди. Улар ичида можор олими Вамберининг Бухоро тарихи тўғрисидаги китоби Холмснинг алоҳида эътиборини тортди.

Ниҳоят, "Шекспир" номидаги тезювар кемада Шерлок Холмс дўсти доктор Ватсон билан Умар Хўжа ва мирза Абдуқодир ҳамроҳлигида уммон орқали Ҳиндистонга йўл олди.

Бу даврда Англия Ҳиндистон ва Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган, Туркистонни эса Русия эгаллаган эди. Бу ўлкада гайридин хорижликларни "фаранги" дейишарди. Англия билан Русия орасида кўп йиллик рақобат ҳукм сураётгани сабабли рус маъмурулари инглизларни унчалик хушламас, маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам инглизларга нисбатан совуқроқ муносабат қарор топган эди.

Табиат инжиқликлари, денгиз қароқчиларининг ҳамлалари каби турфа саргузаштларни бошдан кечирган кема Ҳиндистонга етиб келди. "Дўстинг учун заҳар ют" қабилда сафарга розилик берган эҳтиросли доктор Ватсон йўлда кўп бора асабийлашди. Шерлок Холмс эса куни бўйи хотиржам трубка тугатиб утирар, гоҳо қадрдон скрипкасида алақандай куйни эзиб чалар эди. Устига устак, Холмс нимагадир Ватсон ва Умар Хужадан узини олиб қочиб, Абдуқодир билан узоқ суҳбат қуришни одат қилди. Ажабланарлиси шундаки, сўққабош изқувар мирза билан нуқул аёллар ҳақида гап сотишар эди. Бу ҳолат сиртдан қарагандагина шундай бўлиб, аслида, Холмс Умар Хужа узининг Бейкерстрит кўчасидаги кулбага қадам қўйган кундан буён амир Аҳадхон нега узини таклиф қилгани тўғрисида бош қотираётган эди. Ахир, амир изқуварни фақат "дийдор"лашиш учун чақирмагандир! Бу — катта жумбоқ... Утган давр мобайнида изқувар Бухоро тарихи ва ҳаёти тўғрисида озроқ тасаввурга эга бўлди. Бироқ Англия кўз тиккан ўлканинг чор Русияси томонидан эгалланиши кескин сиёсий вазиятни юзага келтирган бўлиб, бундай шароитда сирли сафарга чиқиш чиндан хатарли эди.

Деҳли ва Қобулда инглизлар кўп бўлгани сабабли изқуварлар узини анча хотиржам ҳис этди. Ҳиндистон ва Афғонистонда ҳам Умар Хужанинг савдо тармоқлари, шериклари бор экан. Шу боис бу ерда маълум муддат ушланиб қолишди. Доктор Ватсон эскидан таниш зобитларни учратиб қолгани учун меҳмондорчилик яна уч-тўрт кунга чўзилди. Бу эса йўл чарчоқларини бироз тарқатгандек бўлди. Аммо Умар Хужа инглиз ҳамроҳлари билан Амударёдан кечиб, амир Аҳадхон салтанатига қарашли ерларга қадам қўйиши билан турли текшир-текшир-у нохушликлар бошланди. Гарчи Аҳадхон имзо чекиб муҳр босган кафолат хати бўлса-да, чегарадаги маъмурлар Шерлок Холмс билан Доктор Ватсонни «жосус эмасмикан?» деган маънода обдон чигириқдан ўтказди. Шу каби йўл азобларини бошдан кечирган меҳмонлар ниҳоят Бухорои шарифга етиб келишди.

### III

Изқуварлар ўша даврда Бухоронинг энг обрўли меҳмонхонаси вазифасини ўтаган Девонбеги масжидидаги



юқори ва паст бўлмадан иборат шинамгина хужрага жойлаштирилди.

– Амирим уч кундан кейин сизларни қабул қилади, – деди ўша куни кечқурун меҳмонларга уйида зиёфат уюштирган Умар Хўжа. – Эртага шаҳарни таништираман. Қолган икки кун эса ўз ихтиёрингизда...

Эртаси куни меҳмонлар Заргарон, Телпакфурушон, Саррофон — уч тоқ остидан ўтиб, Минораи Калон, Масжиди Калон, зангор гумбазлар, Исмоил Сомоний мақбараси ва Чашмаи Айюб каби ёдгорликларни кўришди. Кейин раста ва бозорларни томоша қилишди.

Шерлок Холмс кўзига ҳинд ва афгон қиёфасида кўринган Шарқ бу ерда янгича либос кийган, шарқона сирли таманно қаерда бошланиб, қаерда давом этганини билиб бўлмасди. Буюк изқувар наздида Бухоро гузал ва сеҳрли бир эртак эди.

Кейинги кун Умар Хўжа изқуварларни саройга олиб борди. Шерлок Холмс у ердаги олди айвонли таҳоратxonани синчковлик билан кўздан кечирди. Сўнгра беш-ўн қадам наридаги кунгурали Арк деворини ҳам эринмай пайпаслаб чиқди. Қайтиш чоғида Умар Хўжадан деворнинг нариги томонида нима борлигини сўради. «Ҳарам-ҳовли жойлашган» деган жавобни гўё эшитмаганга олди. Бундан Умар Хўжа ажабланган бўлса-да, сабабини сўрашга жазм этмади.

Холмс меҳмонхонага келгандан сўнг Ватсоннинг саволларига ҳам лом-мим демади. Уйқу олдидан Ватсон дўстининг «Эртага ёрдамингиз керак, азизим!» деган ланж таклифини эшитди, холос. Бу эса одатдагидек Ватсоннинг хунобини оширди.

Эртаси тушда Лабиҳовуздаги асосан оврўполикларга мулжалланган тамаддихонага кирган икки дўст бу ерда турк, форс, араб тилларини билувчи Фарангистон жуғрофия жамияти аъзоси бўлган Маркиз де Круазье деган киши билан танишиб қолди. У билан шом қоронгисигача қизгин суҳбат қуришди. Аламаҳалда хужрага улардан хабар олгани келган Абдуқодирга Шерлок Холмснинг ниманидир шилпиганини кўрган Ватсон сўроққа огиз жуфтлаган эди, «Эртага иш кўп, илтимос, ухлайлик», деган қатъий қарорни эшитиб, ноилож бошини ёстиққа ташлади.

– Эртага кечга томон Аркни яна бир кўздан кечириб чиқиш керак. Ўша ерда гаплашамиз, – деди Холмс дустининг норозилигини сезмаганга олиб.

#### IV

Ватсон кўзини очганда ҳужрада ҳеч ким йўқ эди.

У Холмсни роса ёзгиргач, мажбуран кучага ёлғиз чиқди. Девонбеги ҳовузи бўйидаги чойхонага бориб нонушта қилди. Сўнгра Саррофон тоқи яқинидаги телеграфга кириб, икки-уч соат овора бўлгач, хотинига телеграмма юборишга эришди. Маҳкама назоратчилари бошида Англияга жўнатилаётган телеграммани умуман қабул қилмади, кейин эса қайта-қайта ёздирди.

Кечқурун ҳужрага қайтганида ўзини кутиб ўтирган Шерлок Холмс Ватсонга дарҳол кийинишни буюрди. Қоронгилик қуюқлаша бошлаганда меҳмонхона олдига келган фойтун изқуварларни Аркка олиб кетди. Айвоннинг ҳар хил ашқол-дашқол уюлган пана бурчагига боришгач, Шерлок Холмс Ватсонга ҳушёр бўлишни тайинлаб, эҳтиёткорлик билан бир чеккага бекиниб олди.

Орадан анча вақт ўтди. Арк аста-секин сукунат огушига чўмди. Шунда Шерлок Холмс асабийлаша бошлади.

– Бирон чигаллик борми, Холмс? – деб сўради Ватсон пичирлаб.

– Режам тўғри. Лекин сирли Шарқда ҳамма нарса рўй бериши мумкин... – деди Холмс мавҳум бир ҳолатда гудранганча.

Вақт имиллаб ўтмоқда эди. Ногаҳон гира-шира ой ёругида ҳарам-ҳовли томонда паранжи ёпинган бир кўланка кўзга ташланди. У икки ўртадаги сийрак дарахтзордан ўтиб, изқуварлар яширинган томон кела бошлади. Айвонга яқинлашгач, саросима ичида чор-атрофга бирма-бир қараб чиқди. Сўнгра кунгурали Арк девори ёнига бориб, пастдаги гун чуллаган шаҳарга тикилиб қолди. Бир қарорга келди шекилли, чаққонлик билан эгилганича нима биландир оёғи остидаги гиштни кўчирди. Унинг остидан кичкинагина тугунчани олди-да, гиштни яна жойига қўя бошлади. Шу пайт Шерлок Холмс панадан унга ташланиб, Ватсонни ёрдамга чақирди. Кутилмаган ҳужумдан саросимага

тушиб қолган паранжили кимса "вой" деганча қулидаги тугунчани ерга ташлаб юборди. Елкасидан ушлаган куйи юзидаги чимматни юлиб олган Ватсон ёшгина чиройли қизни кўриб ҳайратдан тили тутилиб, инглизчасига нималарнидир гўлдиради. Қиз эса бамисоли ҳушини йўқотгандек, нотаниш одамларга унсиз термиларди. Шу пайт Холмснинг чақирувига кўра бу ерга етиб келган Умар Хўжа қизни кўриб "Заҳро" деган исмни тилга олди.

## V

Меҳмонхонага келган заҳоти Ватсон дустини саволга кўмиб ташлади.

– Аслида, ҳаммаси жуда оддий, Ватсон, – дея гап бошлади Холмс. – Эсингизда бўлса, Умар Хўжа биз билан биринчи марта учрашгандаёқ амир Аҳадхоннинг кўҳлик аёлларга шеър ўкиб бериш одати борлиги, ҳарамни катталиги, шу сабаблар саройда турли тоифадаги кишилар тўпланганини сал ёқтирмайроқ гапириб ўтган эди. Мен ушанда унинг ўзида ҳам аёлларга нисбатан рағбат борлигини ҳис этдим. Сафарга чиққанимиздан кейин унинг содиқ мирзаси бўлган Абдуқодир билан ош-қатиқ бўлиб олдим. У менга Умар Хўжа тўғрисида кўп нарсаларни гапириб берди... У кўз очиб кўрган хотинидан фарзанд кўрмагач, бир базмда амир ҳарамдаги гузал бир қанизакка кўзи тушиб эс-ҳушини йўқотади. Улар кейинчалик хуфёна учрашиб турган. Биз гарбликлар подшоҳлар ҳарамини мутлақ уларники деб биламиз. Ҳолбуки, қайсидир қиз ёки жувон эрга тегиб, бемалол ҳарамдан кетиши мумкин. Бироқ Умар Хўжа сизни ҳам лол айлаган Заҳро исмли қанизакка уйланишга жазм этолмайди. Чунки тутинган ака мақомидаги амирга бу ҳақда оғиз очиш нафақат уят, балки хиёнатга тенг. Буни Заҳро ҳам яхши билган.

Бу ёгини сўрасангиз, Умар Хўжа сафарга кетиш олдидан маҳбубасини учрашувга таклиф қилган. Шунда нафс қутқусига учган жувон ошигининг қўйнидаги ёқуттошни билдирмасдан олиб қўйган. Айвонга мамнун қайтиб келган Умар Хўжа масжид томон кетаётганида ёқуттош йўқолганини пайқайди. Одатда, кўпчилик бир нарсани йўқотган жой қолиб, йўқотганини пайқаган

жойдан қидиради. Уша маҳал атрофда таҳорат олаётган гурт-беш киши бўлгани боис Умар Хужа улардан гумонсирайди. Захро эса ҳарам-ҳовлига киришда тинтиб қолишларидан чўчиб, ёқуттошни Арк девори тагидаги бир гиштнинг остига беркитиб қўяди. Девор ёнидаги кафтдек очиқ бу майдончага ойда-йилда биров оёқ босмайди. Мен дастлабки кун шаҳардаги ёдгорликларни кўрганимизда баъзи йўлчаларга йиллар бўйи одам оёғи тегмаганини сездим. Энг муҳими, ишқ оташида куйган Умар Хужа рашк ёки эҳтиёткорлик туфайлими — буни билмайман, сарой маъмурларидан то ўзи сафардан қайтгунича Захрони ҳарам-ҳовлидан чиқармасликни илтимос қилади. Бундан беҳабар Захро амирга шикоят қилишга журъат этмай, савдогарлар орқали Умар Хужага пинҳона мактуб йўллаб, бу тартибдан нолийди ва маъмурлардан ҳеч бўлмаса Арк девори атрофида сайр қилишга ижозат олиб беришни утинади. Аслида унинг мақсади ёқуттошни тезроқ яширилган жойидан олиш бўлган. Яхшиямки, Умар Хужа буни Захронинг шунчаки хархашаси деб уйлаб, илтимосни оқибатсиз қолдирган. Мен буларни Абдуқодир билан суҳбатлашиш асносида билиб олдим. Унинг ёрдамида мактубни ҳам ўқиб чиқишга муваффақ бўлдим. Захронинг мактубидан ёқуттош Арк девори тагига яширилганини пайқадим. У ерни синчиклаб кузатиб, тахминларимни яна бир бора текшириб кўрдим. Шундан сўнг Умар Хужага Захрога ҳарам-ҳовлидан чиқишга рухсат олиб беришни сурадим. Бу ёғи эса ўзингизга маълум. Муҳаббат бобида омади чопмаган Умар Хужанинг энди Захрони тез орада унутиши қийин...

## VI

Кечки овқатдан кейинги чойхўрлик чоғида Ватсон Захрога ачинаётганидан гап очиб қолди.

— Мен ҳам, — деди Шерлок Холмс. — Лекин жиноят жиноят-да. Аммо бу иш махфий бўлгани боис ҳеч ким уларни жазога тортаётгани йўқ. Чарх айланиб, келгусида Умар Хужа унга уйланиши ҳам мумкин. Ахир, орада ишқ-муҳаббат бор! Биласизми, азизим Ватсон, шу тобда мени бу масала эмас, аксинча, амир Аҳадхон бизни нима учун Бухорога таклиф қилгани ўйлангирмоқда. Менимча,

амир икковимизни шунчаки танишиш учун бу ерга чақирмаган бўлса керак... Мен маркиз де Круазье билан суҳбатлашганимда Аҳадхоннинг бобоси Амир Насрулло, отаси Амир Музаффар жоҳил ва зolim ҳукмдорлар бўлганини билиб олдим. Амир Насруллодан биргина ўғил — Музаффар тирик қолган экан. У эса серфарзанд бўлган, ҳар хил хотиндан беш-ўнта қиздан ташқари, ўттиз нафар ўғил кўрган, булардан айримлари отаси тириклигидаёқ дунёдан ўтган, бошқалари эса атроф музофотларда волий ёки бек лавозимида ишлаган. Аммо тахт Аҳадхонга теккан.

— Ога-инилар бунга тинчгина қараб туришмагандир? — деди хаёлида минг турфа савол айлана бошлатан Ватсон.

— Бу табиий. Аммо ўшанда бошқача воқеа рўй берган экан. Калаванинг учи олдинги даврларга бориб тақалади. Бу катта тарих, лекин билиш керак. Бухоро билан Русия муносабати, умуман, минг йиллар бурун бошланган. Икки ўртада савдо карвонлари қатнаган. Ажабки, Пётр I ҳукмронлиги замонидан Николай I ҳукмронлиги давригача Туркистонни эгаллаш режаси тузилган. Ниҳоят, Николай I нинг ўғли Александр II император бўлганида бу режани амалга оширишга киришилган. Амир Насрулло замонида Бухоро ва атрофдаги ўлкалардаги қолоқлик, сиёсий парокандалик русларга роса қўл келган. Амир Музаффар тахтта утирганидан кейин Туркистонга ҳужум бошланиб, чор Русияси дастлаб Авлиёота, кейин эса Чимкент, Тошкент, Хўжанд, Қўқон шаҳарларини босиб олган. Амир Музаффар эса айни шу жараёнда гоҳ русларга қарши туриб, гоҳ Қўқон хонлиги тугатилгач эгасиз қолган яқин-узоқдаги ерларни ўзига тобе қилиш билан банд бўлган. Амирга руслар аввал бошдаёқ сулҳ таклиф қилган. Бироқ у қайси йўлни танлашини билмай анча вақт аросатда юрган.

— Афтидан, у чорасиз қолган, — деди Ватсон. — Кичик балиқни бир наҳанг ютмаса, бошқа бири ютиши аниқ-ку! Одам баъзан шароитнинг ҳам қурбони бўлади...

— Эҳтимол, шундайдир. Қисқаси, орада икки марта сулҳ тузилган, икки марта шартнома имзоланган. Бу — Бухоро ўлкасида бўлган қанча мулк ташиб кетилиши, иқтисодий талафотлар-у, амирлик мустақиллигининг йўқолишига олиб келган. Амир фақат мамлакат ичида иш юритадиган ҳолга гушган, бундай сулҳ урушда енгилгандан баттар бўлгани сабабли кичик-кичик исёнлар кўтарилган. Шундай

исёнлардан бирига Қарши волийси, амирнинг тунгич ўгли Абдумалик (Катта тура) бошчилик қилган. Амир аскар тортиб, ўгли билан жангда руслардан ёрдам сўраган. Қонли жанглардан кейин Абдумалик енгилиб, Қошғарга қочган...

– Барибир, Аҳадхонга ҳеч ким тахтни қўшқўлаб бермагандир? Салтанатни курашсиз эгаллаб бўлмайди.

– Бу ерда кураш ўзига хос... Тахтнинг тақдирини амирзодалар эмас, Русия, Фарангистон, Англия, Олмония узаро баҳсда ҳал қилган. Таомил бўйича Музаффардан сунг бояги Абдумалик амир бўлиши керак. Лекин Русия Аҳадхонга қуръа ташлайди. Фарангистон Русияни қўллайди. Йигирма олти йил ҳукмронлик қилган амир Музаффар ҳам ўлиmidан уч йил бурун Аҳадхонни ворис деб эълон қилади. Буни тасдиқлатиш учун уни Русияга юборади... Эсласангиз, бу гапларни Умар Хўжа ҳам узук-юлуқ айтиб ўтган эди.

– Мен Аҳадхоннинг Русияга муносабатини билмайман, – деди чуқур ўйга чўмган Ватсон. – Хўш, у бизни Бухорога нима учун таклиф қилган?

– Ҳаммаси жуда оддий, Ватсон! Аҳадхон Петербург ва Москвада бўлган кунлари Александр II худкуш-террорчилар томонидан қатл қилиниб, унинг ўгли янги император Александр III қасамёд маросимини ўтказган пайтга тўғри келган. Отаси тутган сиёсатни унутмаган Александр III Аҳадхонга "меҳрибонлик" курсатади. Яна унинг даврида рус-фаранг иттифоқи тузилади... Қизиқ жойи шундаки, Русия Англия билан ҳам ихтилофга боришни истамайди. Шу билан бирга, Александр II императорлиги вақтида тобе қилинган Бухоро ўлкаси билан орада тузилган шартнома бўйича амирга рус ҳукумати руҳсатисиз бирор хорижий мамлакат фуқаросини қабул қилиш тақиқланган. Бироқ Аҳадхон Русиянинг барча талабларини энди қўл қовуштириб бажаравермайди. Императорни инжитмаган ҳолда ўзини эрка тутиб, кўпроқ ўзи истаган тарзда иш олиб боради. Икковимизнинг Бухорога сафаримиз ҳам шунинг натижаси...

Тирик қолган ун уч ўгилдан бири бўлган Аҳадхон, албатта, биродарларини тахтдан четлатиб, салтанатини анча мустаҳкамлаган. Улар билан бошқарув борасида асло ҳисоблашмайди. Аҳадхон ҳам отаси каби кўп фарзанд кўрган, аммо болаларидан йигирматаси вабо тарқалганида қирилиб, биргина ўгил билан қолган. Турт ёшли Саид

Олимхон ушанда жон сақлаган. Амир охир-оқиба<sup>т</sup> салтанат шу угли қулига ўтишига ҳаракат қилади... Мана, мен куп китоб титкилаб, олдин Умар Хўжа ва Абдуқодирдан, кейин Маркиз де Круазьедан эшитган узук-юлуқ гапларни ямаб, яхлит ҳолга келтирган манзара! Бу бизга асқотиши мумкин деб ўйлайман.

Ватсон ҳамиша дустининг керакли вақтда ва аниқ йуналишда "савод чиқариши"га қойил қоларди. Бундай паллада Холмс учун арзимас нарсалар ҳам муҳим аҳамият касб этарди. Сўнги бир ой ичида Холмсининг Бухоро ҳаётини чуқур ўрганганига Ватсон ич-ичида тан берди. Улар амир қабулига тараддуд кўра бошлади.

## VII

Амир Аҳадхон Саломхонада эди.

Кўкси қабарик, хушқомат амирнинг бошида амирлик нишони қадалган тож, эгнидаги бинафшаранг тўнга зар ип билан марваридлар қаторасига тикилган. Юзи тиниқ, нигоҳи уткир амир Аҳаднинг ёши тахминан қирқ бешда бўлса-да, лекин нотаниш киши илк қарашда унга ўттиз-ўттиз беш ёш берар эди.

Шерлок Холмс Ватсонга Аҳадхон тўғрисида батафсил сўзлаган бўлса-да, баъзи бир маълумотлар тушиб қолган эди. Уша чоғда Кармана Бухоро ўлкасининг иккинчи пойтахтига айланган бўлиб, бу ерда яшашга ўрганган амир Бухорога аҳён-аҳёнда келарди. Бу унинг Русияга боришига қиёс эди: у бу ўлкага йилда икки марта борар, турли маросимларда қатнашиб, гўё ишонч ришталарини мустаҳкамлаб қайтар эди. Бухорода аркони давлатни асосан қушбеги билан қозикалон бошқарарди. Аммо Аҳадхоннинг ҳукми ҳукм: амир қаерда бўлмасин, гилдирак бир маромда айланаверар эди. Катта сулолани ташкил этган мангит амирлари орасида энг маданиятлиси ва олижаноби бўлган Аҳадхон қон тукилишига тиш-тирноғи билан қарши эди. Шу сабабли унинг эл орасида ҳурмати баланд.

Шерлок Холмс Саломхонага қадам қўйиб, Аҳадхонга юзлашгани заҳоти амир кимнинг ичида нима борлигини тез илғайдиган зийрак киши эканини сездди. Умар Хўжанинг унга берган таърифи умуман мос келмаслигини

ҳам ҳаёлидан кечирди. Чунки машҳур изқувар қаршисида салобатли ва ақл-идрокли шахсни кўриб турарди. Шу маҳал Аҳадхон очиқ табассум билан меҳмонларга ўз яқинидан жой кўрсатди. Саломхонада у ёлғиз. Эшик оғаси ёки удайчи ҳам йўқ. Афтидан, Умар Хужа меҳмонларга ҳамроҳликдан ташқари тилмочликни ўз бўйнига олган эди. Амир Умар Хужага синчков тикилиб, ундан ниманидир сўради. Уларнинг авзойидан Холмс тахминан амир ёқуттош ва Заҳро воқеасидан хабар топган деган қарорга келди.

Сал фурсатдан сўнг Аҳадхон узрли табассум билан меҳмонларга қайта юзланди. Қисқача танишув маросими бўлиб ўтди. Холмс амирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, гап орасида салтанатда жинойтчиликнинг аҳволи қандай экани, ўзига қандай хизмат борлигини сўрашни ҳам унутмади.

– Тахтга ўтирганимга унча кўп вақт бўлмаган кезлар эди, – дея гапни узоқдан бошлади амир илтифоту расм-русумлар адо этилгач. – Эгри йўл билан бойлик тўплаган бир мирохўрнинг мол-мулкни мусодара қилишни буюрдим. Девонбеги амримни ижро қилиш учун борган экан, мирохўр уни отиб ташлабди. Бундан газабланиб, мирохўрни жазолашни эл-улуснинг ўзига топширдим. Шундан буён юртимизда бирон кишига ўлим жазоси берилмади. Илгари эса ҳар йили юзлаб киши қатл этилган. Ана шу далилнинг ўзиёқ жинойтчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатимиз нечоғлик самара бераётганини яққол кўрсатади деб ўйлайман, азиз меҳмон! Ё менинг фикрим нотўғрими?..

– Тарихда ҳукмдорнинг бағрикенглигидан фойдаланиб, тахтдан ағдариш, ҳаётини барбод қилиш ҳолатлари ҳам кўп бўлган. Афсуски, баъзан оломон ўзи қўрқмаган ҳукмдор билан ҳисоблашмай қўйгиси келади, – деб гапга аралашди "билимдон" Ватсон.

– Баракалла. Лекин салтанатни қағиққўллик билан бошқариш, ҳар қадамда тартиб ўрнатиш бошқа, раиятга зулм қилиш бошқа, – деди Аҳадхон. – Менимча, халқ орасида норозилик тугилмагани дуруст. Мабодо тугилса, ҳақ-ноҳақни аниқлаб, иш тутиш керак. Шунда эл-улус сиздан юз угирмайди. Ҳурматли Ватсон, тахтдан ағдарилган ҳукмдорлар, билсангиз, аксар нодон кишилар бўлган... Отам Русия билан тузган шартномада жангларда асир олинган



ёки ўғирланган кишиларни Бухорога келтириб қул қилиб сотиш тақиқланган эди. Биз қулчиликни ҳам йўқотиб боряпмиз. Ҳар қандай хўжайин хизматчига кунида уч марта дастурхон ёзиши, олти ойда бир янги уст-бош олиб бериши, рўзгорига қарашиши буюрилган. Тангри таолога шукроналар бўлсинки, ҳозир юртимиз тинч.

– Бунда Русиянинг ҳам ёрдами борми? – деб қизиқсинди Шерлок Холмс.

– Русия — бизнинг дўстимиз. Муҳтарам император ҳазрати олийларига садоқатимиз чексиз. У киши биз билан ҳисоблашади. Бунга иқрор бўлган ҳолда биз дунёдаги бошқа юртлар ҳаётидан гофил яшаёлмаймиз. Фарангистонда, Олмонияда савдо расталаримиз бор. Англияда ҳам кичикроқ дўконлар очилган... – шундай дея амир бехосдан ўйчан қиёфага кирди. – Энди мақсадга кўчадиган бўлсам, мен сизларни, жаноблар, бирон бир мушкул чигалликни ҳал этиш учун бу ерга таклиф қилганим йўқ. Биз муаммоимизни ўзимиз ҳал қиладиган халқмиз. Сиздек машҳур изқувар билан юзма-юз суҳбатлашиш, меҳмон қилишнинг ўзига хос завқи бор. Ягона илтимосим шуки, юртингизга қайтгандан сўнг Лондон ташқарисида яшовчи Том Ричард деган овчини излаб топсангиз. У билан Русияда танишиб, бирга ов қилганман. Агар ҳаёт бўлса, менга билдирсангиз. Мабодо дунёдан утган бўлса, оиласининг аҳволи билан қизиқсангиз, бошим кўкка етарди.

– Бу амрингизни, албатта, бажарамиз, жаноби олийлари! – дея ваъда бериб юборди ажабланган кўйи Шерлок Холмс.

– Ташаккур. Яна бир гап. Ҳозир Русия, Эрон, Туркияда нотинчлик бошланган. У авжига миниб, бир куни юртимиз устига ҳам соя солиши мумкин. Биз кўпдан буён илм-маърифатга эътибор бериб, янги дунёвий мактаблар ташкил этиш тарафдоримиз. Аммо ҳар қандай ўзгаришга қарши жоҳил уламолар йўл тўсиб, бош кўтаришга тайёр. Бу — масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шуки, бизда эскидан тоифа — сулуклар тўқнашуви хавфи мавжуд. Ҳозирда Бош вазир Остонақул ва қозикалон Бадриддин дўстона-аҳил иш тугиб, бу икки тоифа ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низони тўхтатиб турибди. Мен ҳам бу борада қатъий қарордаман. Аммо келгусида осойишталик бузилиши хавфи бор. Бу — дунёдаги умумий аҳвол, шароитга боғлиқ демоқчиман... Дунёда, аслида,

Шимол билан Жануб баҳси ҳеч қачон бўлмаган. Шарқу Ғарб баҳси борлиги айна ҳақиқат. Ғарб асрлар давомида Шарқ бешигида тебраниб, кўзини очган. Ғарбда Шарқдан сабоқ олмаган файласуф, шоир, ҳунарманд топилмайди. Лекин Ғарб Шарққа интилган давр тутаб, эндиликда Шарқнинг Ғарбга интилиш, тақлид қилиши кучаймоқда. Шу билан бирга, Ғарбда Шарқни камситиш, унга беписанд қараш расмга кирмоқдаки, бу диёнатсизликдан ўзга нарса эмас. Юртингиздаги газета ва китобларда Муҳаммад, Саййид, Расул исмларига мазах аралаш муносабатни кўраман. "Оллоҳу Акбар" деган нидо гўёки бузгунчилик, ёвузлик рамзига айланаётир. Бундай ҳолатда дунёда мувозанатни сақлаш қийин... Жаноблар, энг катта жиноятлар Шарқ ва Ғарб бири-бирини англамаслиги ҳосиласи бўлса ажаб эмас. Бизнинг юртимизда ҳатто кичик низолар ҳам олисдаги нотинчликлар тўфонида юзага келади. Менинг тилагим, ҳар қадамда гайирлик-гараз томирини қирқиш керак! Бунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликда яшашимиз зарур...

Амир меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдиргач, Умар Хўжага мурожаат қилди:

– Меҳмонлар уч-тўрт кун шаҳар ташқарисидagi богимизда ором олсинлар. Келаси ҳафта Наврўз байрамида қатнашиб, сўнг истасалар, ўз юртларига қайтишлари мумкин.

## VIII

– Бу зиддият қачон пайдо бўлган?! Қаерда? – деди Ватсон Шерлок Холмсга амир ҳузуридан чиққанда. – Бизни Шарқ илми ва санъати ҳамиша ром этади. Қадим ёдгорликларни кўришни орзу қиламиз. Бир умр Шарққа ҳайратланиб қараймиз. Аммо бунга зид равишда доим ўзимизни устун тутамиз. Шарқни босиб-янчгимиз, топтагимиз келади. Бу ердаги халқларнинг эътиқоди, турмуш тарзи, феъл-атворига ёт назар билан қараш бизга табиий туюлади. Амирнинг бу ҳақда куюнгани тушунарли. Овчи тўғрисидаги гапига эса ҳеч тушунмаяпман. Наҳотки, Бухоро амири учун Лондон этагида яшайдиган аллақандай овчининг оиласидаги аҳвол қизиқ бўлса?! Ёки хаёлга берилиб, бу гапни яхши англай олмадимми?

– Биз гап тагидаги маънони билмаймиз, дўстим Ватсон, – деди Шерлок Холмс. – Англашимча, амир "халқаро аҳвол"ни тушунтириш учун биз билан суҳбатлашгани йўқ... Лекин энди Англияга боргандан кейин мен дастлаб шугулланадиган иш шу бўлади!

Ҳеч нарсани англамаган Ватсон уларга йўл бошлаган Умар Хужани сўроққа тутди:

– Байрамга қатнашишда томошадан ташқари бирон мақсад кўзда тутилганми?

– Амирим унисини айтмадилар, – деди Умар Хўжа. – Аммо сизлар билан жуда ошқора суҳбатлашди. Ваҳоланки, у ҳамма билан ҳам бундай муносабатда бўлавермайди...

Уй суриб қолган Шерлок Холмс дабдурустан ҳамроҳларига бозордаги савдо расталарини айланиш истагини билдирди. Жума куни бўлгани боис тимда одам сийрак. Гумашталар-у баъзи бир савдогарлар унда-бунда чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирарди. Ажнабий меҳмонлар билан келган Умар Хужани кўриб барча жонланди. Тезда ҳамма катта бир дастурхон атрофида тўпланди. Дастурхонга иссиқ нон, қаймоқ, асал қўйилди. Бухоро ҳолвалари тўкиб ташланди. Ким қайси миллат вакили бўлмасин, барчага бирдек ҳурмат ва меҳр кўрсатилди. Айни чоғда даврада ҳақиқий меҳмондўстлик намоён эди. Шерлок Холмсга ҳеч ким шарқона тартибни бузиб, гарбона бетоқатлик билан меҳмонлар хусусида гап кавлаштириб тиргалмагани янада ёқди. Бухорога келганидан буён биринчи марта унинг ранг-рўйи очилиб кетди. Бу одамлар нақадар одобли, босиқ ва мулоҳазали! Навбат кутиб, шошмай, дона-дона сўзлайди!

Даврада, Аҳадхоннинг фикрини тасдиқлагандек, дунёдаги сиёсий аҳвол тўғрисида гап борди. Русияда подшоҳ Александр III га суиқасд уюштирилгани, фитначилар қўлга тушиб, қатл қилингани эсланди. Шерлок Холмс дастурхон бошида Неъматуллоҳ Хўжа деган дўкондор билан чиқишиб қолди. Улар қисқа фурсатда кўнгилларида бир яқинлик сезишди. Бири бирига кўз ташлабоқ, униси нима дейишини буниси пайқаб турибди.

Уринларидан турганда бу ҳолат Шерлок Холмсга янада аниқроқ сезилди. Пешин вақти булган эди. Барча шоша-пиша жума намозини ўқиш учун масжидга отланди. Уларнинг қулф-калити йўқ дўконларининг эшик-дерзасига оддий матодан парда тортганча кўчага йўналганини кўриб ҳайрон бўлган Шерлок Холмс доктор Ватсонга қаради. Бироқ Ватсон ҳам сўзсиз елкасини қисиб қўйди, холос.

– Ўғри тушиб, бир нарсани кўтариб кетмайдими? – деб сўради охири тоқати тоқ бўлган Шерлок Холмс.

– Ҳеч ким ҳеч нарсага тегмайди. Мусулмончилик! – дея кулимсиради Неъматуллоҳ Хўжа. – Ойда-йилда бир ўғри чиқса, қўли кесилади, гоҳ эшакка тескари миндириб сазойи қилинади. Биров жуда муҳтож ҳолга тушмаса, қўрққанидан ҳам ўғрилиқ қилмайди. Шу сабабдан, миршаб тутмаса, биз ўғрига баъзан раҳм-шафқат билан қараймиз. Очиғи, юрт қанча зарга ботган, бой бўлгани билан қўли калта, юпун-ночор кишилар жуда кўп. Гоҳида ўғрилиқ гуноҳ эканини била туриб, бировни оқлагандек иш тутишга мажбурсан. Ахир, буни турмуш дейдилар...

Мезбонлар жума намозини ўқиб чиққунича изқувар ва унинг дўсти атрофни томоша қилиб туришди.

Ниҳоят, Умар Хўжа фойтунда уларни "Ширбадан" боғига олиб борди. Йўлда у Шерлок Холмсинг кўнгли учундир, бошланган мавзуни давом эттириб, Неъматуллоҳ Хўжа тўғрисида ҳикоя қилди:

– Бу нуроний киши гоят доно ва тадбиркор... У бир кечаси уйда ёлғиз ётган экан. Шунда томдан сирғалиб ҳовлига ўғри тушибди. Чол эса уни кўриб, ҳар ёққа қараб ўғилларига гўё буйруқ бера бошлабди: "Ўғилларим, ушланглар ўғрини! Ураб олинглар! Барно Хўжа, ушла, ўғри сен томонга кетди! Ориф Хўжа, ўғри сен томонга қочди, ушла!"

Қисқаси, ўғри ваҳимада қайси томон борса, ўғилларидан бирининг номини тилга олиб, "ўғрини тут", деб бақираверибди. Ахийри, ўғри зора раҳми келса, деган умидда тўғри чолнинг ёнига бориб, унга таслим бўлибди. Чол эса унга танбеҳ бериб, қорнини тўйгазиб, сўнгра қўйиб юборибди.

Шерлок Холмс Бухорода юриб олган бутун таассурогини жамлаб, шу асно аниқ ҳис этди: бу ерда олим кўп, доно кўп! Улар орасида Неъматуллоҳ Хўжа алоҳида ўрин тутади.

– Бу ерда ақлли ва тадбиркор одамлар кўп экан. Амир уларнинг қадрини биладими? – деб сўради у.

Умар Хўжа ҳорғин хўрсинди:

– Гоҳ билади, гоҳ билмайди... Бизнинг бир шоиримиз "Мулки Ҳинд-у Марвдан келсам, эътибор топардим. Айбим шу ерлик эканлигим" дея шеър ёзган.

Заҳро билан боғлиқ воқеадан буён Умар Хўжанинг машқи паст. Зеро, у бир ёқуттошни топиб, иккинчисини йўқотган эди.

Буни сезган изқуварлар уни ортиқча уринтиришмади. Шаҳар ташқарисидаги боғда баҳор офтобида бадани қизиган дарахтлар аллақачон барг ёзган, атроф тиниқ кўм-кўк, гунчалар хандага чоғланган. Ариқларда кўпирган сув аллаёқларга шошиб-югурмоқда. Ер юзида бундан гузалроқ жаннат жой бор эканми?! Изқуварлар учун бу ердаги уч-тўрт кун худди туш каби ўтди.

## IX

Эски Бухоронинг тор йулакларидан қайроқтош ётқизилган катта кўчаларига гуррос-гуррос одам оқиб, барча Намозгоҳ сайлгоҳи томон йўналган эди. Наврўз байрамида ҳамма янги ва тоза либос кийгани боис турфа рангларга қараб кўз қамашар, шодиёна кайфиятдан беихтиёр юрак тошар эди. Бу ўлкада жанглар, исёнлар, суронлар, ҳасрат-надомат ҳеч қачон бўлмагандек таассурот уйғонарди.

Абдуқодир Шерлок Холмс билан доктор Ватсонни сайлгоҳга бошлаб келганида бутун шаҳарликлар Намозгоҳга кўчиб чиққан, айримлар шолча тўшаб, гуж ўтириб олган, бошқалар эса томошадан қуруқ қоладигандек майдонда депсиниб юрар эди. Изқуварларни ҳайит намози ўқиладиган масжид яқинида Умар Хўжа мамнун қаршилаб, уларни турли тоифа меҳмонлар ўтирган жойга етаклади. Холмс ва Ватсонга таниш фаранг Маркиз де Круазье шу ерда экан. Яна бир қанча ажнабийлар бор, даврада гала-говур авжида эди.

Бирдан майдонга сукунат чўқди. Сарой аҳли қуршовида сайлгоҳга амир Аҳадхон кириб келди. У гувуллаган оломон саломига алик олиб, таъзим қилганларга бош тебратиб, кўчма тахтга ўтиб ўтирди. Вазирлар — қушбеги, девонбеги, хазинабон — меҳтар, бош миршаб — иноқ, қўшин бошлиги — парвоначи, қозикалон, уламо, обрў-эътиборли кишилар бари амир яқинидан жой олди.

Барча дуога қўл очди. байрам бошланишига фатво берилди.

Карнай ва сурнай, ногора ва доира садолари осмон қопқасини кўчиргудек жаранглади. Бир ёқда дорбоз-у морбозлар, бошқа тарафда ашулачи-раққослар. Наврўз — отлиг-у пиёда тенг суюнадиган кун экан, кимдир "кўз бойлаш" ўйинларини кўрсатар, бошқа биров масхарабозлик қилар эди.

Томоша тугагач, тўкин дастурхонлар ёзилди. Ошпазлар базм паловини пиширишга киришди. Шу дамда бир кўнгилсизлик рўй берди. Атроф-ер қумлик эди. Икки пақирда ёғ кўтарган ёш ошпаз қоқилиб кетиб, ёғ ерга тўкилди. Буни кўриб Аҳадхоннинг қош-қовоғи уюлди. Бироқ сал фурсатда завқ билан кулиб юбориб, тўпанганларга хитоб қилди:

– Қани, ким бу ёғни қумдан ажратиб олади? Ким бу масалани ҳал қила олса, унга бир ҳамён тилла мукофот берилади.

Майдонни ўйчан-хижолатли бир жимлик қоплади. Шу алфозда орадан анча фурсат ўтди.

Шерлок Холмснинг хаёлидан айрим тахминлар кечаётган бўлса-да, аниқ қарорга келишга иккиланаётган эди. Ватсон билан маслаҳатлашишдан ҳам бирор натижа чиқмади.

Аста-секин оломон ўртасида баҳс-мунозара бошланди.

Шу чоғ одамлар орасидан елкалари сал букилган чол икки навқирон йигит билан ўртага чиқиб, Аҳадхоннинг рўпарасига келди.

– Олий ҳазратлари! Рухсат берсангиз, бу масалани мен ечаман.

– Рухсат! – деди Амир.

Шерлок Холмс кўзларини катта очиб, қандай киши экан деб чолга тикилди ва...

У — Шерлок Холмснинг тимда танишган биродари Неъматуллоҳ Хужа, ёнидаги йигитлар эса, афтидан, унинг ўтиллари эди.

Ота-болалар ҳайбатли қозонга яқинлашди.

Неъматуллоҳ Хужа ўчоқдаги учган оловни қайта ёқди. Сув қайнаётган бошқа қозон остига ҳам яна ўт қалади. Чолнинг буйруғи билан йигитлар қўлларига узун дастали тос-идиш олиб, ёгга беланган қумни сидирганча қозонга ағдара кетди. Орадан кўп ўтмай қум сув остига чўкиб, ёғ сув юзасига қалқиб чиқди. Неъматуллоҳ Хужа шошмай сувнинг устида қаймоқ боғлаётган ёғни чўмичда йигиб, катта қозонга сола бошлади. Ниҳоят, у яна Аҳадхонга рўпара бўлди.

– Ёғ тайёр, олий ҳазратлари!

– Баракалла! – деди чолнинг донолиги, топқирлигидан кўнгли тўлган амир. У имо қилгани асно меҳтар Неъматуллоҳ Хужага бир ҳамён тилла тортиқ қилди.

Майдонда тўпланганлар чолга қойил қолган эди.

Номи дунёда машҳур изқувар ҳам шу дамда шахсан зафар қозонгандек суюнган эди. Кунглининг туб-тубида у ниҳоят Аҳадхоннинг мақсадини англагандек бўлди. Неъматуллоҳ Хужага узоқдан разм солиб, қизик бир ҳолатни туйди. Назарида, Бухорога шу одамни учратиш учунгина келгандек эди.

Ош тортилиб, ҳали кўп кун давом этадиган байрамнинг биринчи куни якунига етгач, амир Аҳадхон меҳмонларга лутф кўрсатиб, бир-икки оғиз суҳбат қурди. У Шерлок Холмс ва доктор Ватсон билан қуюқ хайрлашиб, ташриф учун яна бир бор миннатдорчилик билдирди.

## Ж

Мадраса рўпарасида ҳовуз. Ҳовузда хонақоҳ акси. Ён томонда бири-бирига туташ яна икки мадраса. Ҳовузни ёнлаган анҳор тарафда эски ва янги иморатлар қоришиқ.

Зиналари пастга эниб, тўрт бурчак шаклда қурилган ҳовузни ўраган улкан қари тутлар атрофга эртақдагидек хаёлий шакл-шамойил ва улугворлик бахш этган. Бухоро манзараси гўё шу ерда мужассам бўлгандек эди.

Меҳмонхонадан чиқиб атрофни сўнгги бор айланган изқуварлар ажиб гуссага чўмган. Шарқ Гарб — нисбий, омонат тушунча, дунё — яхлит ҳолдаги вужуд! Ана, Холмс юрагининг бир парчаси тарвақайлаган тут шохларига, жимирлаган зангор сувга илашиб, Бухорода қолиб кетаётгандек сезмоқда. Англиядан жуда олисдаги бу ўлкада одамлар уни таниб, тан олган, унинг ҳам кунглида ҳурмат, меҳр уйғонган экан, бу юртга қандай қилиб у бегона кўз билан қарасин?! Башарият яратган ёдгорликлар, асрлар бўйи асраган эзгуликлар тенг-баробар барчаники эмасми?! "Бу меники, бу сеники" деб ажратиш, бир-бирининг ерини, мол-мулкини эгаллашга уриниб, Яратганнинг иродасига қарши юриш дунёнинг шўри эмасми?!

Ҳужра зшигида уларни Умар Хўжа кутиб турган эди.

— Мен сизларни черарагача кузатаман, — деди у гамгин оҳангда. — Балки Лондонгача бирга кетармиз. Аммо ҳозир бир нарса дея олмайман. Ҳай, шароитга қараймиз-да. Тақдирда нима борлигини киши ҳеч қачон билмайди. Инсон учун саргардонлик қисмат, шекилли...

Қўлэзма шу уринда узилиб қолган, давоми йўқ эди.

Мен уни аввал Тоҳир Маликка, кейин Турсунбой Адашбойга ўқишга бердим. Охирида қўлэзмани обдон муҳокама қилдик.

— Овчи Том Ричард тақдири нима бўлди? Воқеа тугамаган, — деди давомли саргузашт асарлар ёзишга мойил Тоҳир Малик.

— Энг қизиқ жойи шу эди, — деб қўйди шеърни қоқ белидан бошлашни ёқтирадиган Турсунбой Адашбой.

— Эҳтимол, Конан Дойл уни шу ҳолда қолдиришни истагандир? Ёки овчи воқеасини бошқа асарга киритишни ўйлагандир? — дедим мен инглиз адаби урнида жавоб беришга мажбур кишидек.

— Шу воқеа асосида Конан Дойлга ўхшатма тарзида ҳашар-қисса ёзсақмикан? Бу адабиётда синалган тажриба. Шерлок Холмсни бу кунги Бухорога юбориб, замонавий асар ҳам яратиш мумкин, — деди Тоҳир Малик ўй сурганча.

— Бу қийин иш, — дедим мен кўнглим чопмай.

— Шерлок Холмс — ҳар қачонгидек аёнанавий асар қаҳрамони. Лекин Умар Хўжа билан амир Аҳадхон ҳам қаҳрамонга айланиб қолган, — деб мулоҳаза билдирди Турсунбой Адашбой.

— Менимча, Неъматуллоҳ Хўжа Шерлок Холмсга «эгизак» қаҳрамон. Асардаги энг эътиборли жиҳат шу, — дедим тилла топган гадейдек хурсанд бўлиб.

Бу мунозара узоқ давом этди. Охир-оқибатда эса муҳим тарихий ва маърифий аҳамиятта эга бўлган қўлэзмани матбуотда чоп этгиришга келидик. Ушбу қўлэзмани сиз ҳам ўқиб чиқдингиз, энди унга қандай муносабат билдириш ўзингизга ҳавола.



## ҚУШЛАР ВА ТУШЛАР

«...Хонлар, муллолар ҳимоясига сигиниб, фуқарога истаганларича шариат исмидан ҳукм юритдилар. Ора-сира зулмга қарши қўзғалганларни — боғий, осий деб қирдилар, ўдирдилар.

...Дин тўғрисида таҳорат ва намоз масалаларидан, фан тўғрисида китоб дебочаларидан бошқа нарсани билмайдиган уламо ўзи билмаган ҳар бир нарсага дин исмидан қарши келди.

Мана шу вақтда Бухорода... жаҳид (янги, ёш авлод) ва қадим (эски, қари авлод) низолари майдонга чиқиб қолди.

... Ёш бухороликлар, умумият эътибори билан фақир синфдан бўлиб, ҳар турли касб ва кор эгаларидан йиғилган зотлар эди».

Буни Садриддин Айний ёзган.

Бухоро...

Рус ҳукумати ўз тужжорлари манфаатини кўзлаб қайроқтош ётқизган катта кўчада сипоҳларнинг оёғига нагал урилган маст отлари ўйноқлаб йўргалайди...

Эғнида зарбоф ва кимхоб тўнлари бўлган бадавлат одамлар кўча-кўйда кибр-у ҳаво билан сайр иштиёқида кезишади. Қўлларидаги лаълига игнадан сақичга довур бор мулкани жойлаган бебурд атторлар «олинг, олинг» деб бозоргагина эмас, дунёга жар солаётганга ўхшайдилар.

Тўнлари жулдур, сочлари патила, ўзлари шамолдай беватан қаландарлар кўнгилсиз «ё-ҳув» билан ҳасса уриб, узуқун санқишади.

Малла куз япрогидай тентираган сув сотувчи етимчалар — бир қўлда пақир, бир қўлда коса тутиб, «яхтаккина яхоб» дея ожизгина овоз берадилар.

Олақуроқ чопон ва яктак кийган, саллалари телба-тескари ўроғлиқ чоллар... паранжи-чачвонга ўранган хотин-халажлар... бош яланг, оёқ яланг норасидалар...

Тизгинсиз говур ва димиққан ҳаводан юрак ёрилар даражада сиқилади, киприклар тош осилгандай вазминлашади, одамлар ўрнида соялар кезиб юраёттандек туюлади...

Аравалар ҳоргин гирчиллайди, туялар ҳоргин лўкиллайди, отлар ҳоргин кишнайди.

Энди шаҳарнинг бошидан мудроқ сели қуюлади ва уни бутунлай кўмиб юборади...

Ногоҳ масжидлардаги баланд мезаналарга кўтарилган муаззинлар мўмин-мусулмонларни ибодатга чорлайдилар — асрий ноладек чўзиқ азон айтадилар. Бўғиқ, лекин ёқимли, сокин ва мунгли муқаддас садо гўё вазмин мудроқ туманини, бостириб келаётган селни қайтаришга, ҳайдашга қасд қилаётгандек туюлади.

Масжидга осойишта оқиб келган одамлар, худди сочилган дон устига ошиқмай ёпирилган ва шатирлатиб отилган кесақлардан тумтарақай бўлган паррандалардек, масжиддан шошқин чиқиб, тез ва бетартиб тарқайдилар...

Яна азон... яна шу ҳол...

Сўнг, кўчаларда одам сийрак бўла боради.

Сўнг, кеч киради...

Сўнг, хоналарда шамлар милтирайди, сўнади.

Шаҳарни зулмат ўзининг қора чодирига йўргаклаб ташлайди. Маъюсгина юксалган ой ва унсиз тўкилган кўз ёшларидай йилтираган юлдузлар кун ўтганидан далолат бераётгандай бўлишади.

Оддий ва одатий бир кунда ҳеч нарса бўлиб ўтмагандай.

Кун уфққа жимгина сингиб кетгандай...

1917 милодий йилнинг кўклами Бухорога мана шундай зулматли тунлар, мана шундай серговур ва ҳароратли кунлар билан ҳар йилгидан эрта келган эди. Тез кунда қуёш деворлар рангини кўтарди, эндигина кўкара бошлаган гиёҳларни қовжиратди. Ҳали яшашга ҳам улгурмаган нав-ниҳол дарахтлардаги митти япроқчалар сўла бошлади. Илк баҳор кунлари дарахт шохларида гуллардек гуж-гуж бўлган ва телба чуғурлаган қушларнинг кўзлари юмила бошлади, нафаслари қайтди ва қанотларини бир-икки патиллатиб; қунишиб қолдилар...

Худди шу кунларда, кўчаларда соялардек юрган қари ва ёш кишилар орасида бундай баҳслар ўтиб турарди:

— Газет ўқимоқдин ҳеч бир зиён йўқ!

— Газет ўқиб, дунёни билмоқ истайсан. Дунёни билган одам эса диндан озадир. Бор зиёни шу!

— Эски мактабларда бесавод муллолар кўп ва гўдакларимиз ҳам бесавод қолаётир. Янги мактаб очиш турмуш зарурати-ку...

– Янги мактаб гўдакларга кўп нарсаларни ўргатмоқ истайди. Унда гўдаклар хаёли қочадур, оталарин ҳурмат қилишмайдур.

– Сиз бир кичик суроққа жавоб беринг... Офтоб нечун саҳарда кўтарилиб, шомда қайтиб ботадир? Муни дунё аллақай билган... Биз билмасмиз, гўдакларимизга янги мактаб мундай ҳикматларни ўргата олур.

– Офтобни Худо яратган, бизни Яратган Мавлон ҳам ўшал. Оллоҳнинг ишларига аралашмоқ бандага муносиб эмас, Худога шерикдай бўлмоқ ва ишларига аралашмоқ куфру разолатдир.

– Бу фурсатда... бандага не хизмат муносиб санайсиз?

– Ибодат ва илтижо...

– Маъқул! Ва локин умрни қўл қовуштириб ўтказиб бўлмайди-да! Бу фурсатда одамзод вайрон бўлиб кетмасми?!

– Худо хоҳламаса, мўмин одам бошидаги бир тола соч узилмайди. Ҳамма нарса Худонинг хоҳиши билан бўладир.

– Маъқул! Ва локин мундай ҳикмат ҳам борки, Худодан хоҳиш кутиб ўзни томдан ташласангиз, оёқ синади...

Уша замона таъбири билан айтганда, жумаи муборак куни эди.

Куёш деразаларни ялтиратган эрталабки лайт.

Мирараб мадрасасининг мударриси Ҳомид шайх уйида, дераза олдида утирганча кўзойнак тақиб Қуръон ўқир, ҳар дамда қироатдан тўхтаб, товўқлар тентираб юрган ҳовлига қараб қўярди. У елкаларини кўтариб ўтирар, чайқалар, озгин юзидаги чўкиб кетган кўзлари қаҳрли, умуман, шу даргазаб кўзларгина унинг увоқ жуссасига салобат берарди.

Мударриснинг кайфи бузуқ эди. У одатга кўра наҳорда Қуръон ўқир, аслида кўп кунлардан буён сидқидилдан ўқий олмас, кўзи ва тили билан ўқир, бошида эса бутунлай ўзга хаёллар чарх урарди.

Унинг хаёлини кўп кунлардан буён банд этган нарса — ўн бирдан ўн олти ёшгача бўлган қизларни куёв хушлаб, хотинликка оладиган бир замонада, йигирма уч ёшга чиққан қизининг ҳамон бош остида «ёстиқ» бўлиб юргани эди. Аллақачон бировга узатиш мударриснинг қўлидан келмайдиган иш эмасди, ҳамма бало шундаки, Назокат

исмли бу қизнинг чап кўзига тарикдайд оқ тушган, унг оёғи бир оз оқсар, букирлиги ҳам бор, гўёки Худо «урсам, шу бир қизни ҳар жиҳатдан урайин!» дегандек эди.

Мударрис анча йил бурунги бир воқеани эсларди: шу гузарда истиқомат қилган, соддаликда номи чиққан кимсани улфатлари уйлантириб қўймоқчи бўлишади. Содда кимса бу гапдан хабар топгач, ўз биродарларидан шундай шод бўладики, чеки йўқ... Хуллас, тўй бошланади, келган-кетганлар муборакбод қилишади, қозон осилади, тўй ўтади. Расм бўйича, келин билан кувёни бир уйга қамаб қўядилар. Кувё бечора келинга: «Дийдорингизни кўрайлик, фаришта!» деб илтижо қилади ва келиннинг бошидаги чимматни аста тортади. Воҳ-ҳа! Чиммат ичида соқоли селкиллаган бир чол тиржайиб турибди. Улфатлар содда кимсадан кулмоқчи бўлиб, шундай ҳазилни топган эканлар.

Қизини шу йўсинда бировнинг қўйнига тугунчак қилиб ташлаш мударриснинг қулидан келарди, лекин яна ҳамма бало шундаки, инжиқ мударрис Назокатдаги қусурлардан қаттиқ инжиган ва эзма одам бўлгани учун, барчага бу гапни дастурхон қилган, энди бу дастурхонни йигиб олиш осон эмасди.

Оғиздан чиққан гап қафасдан қочган қушга ухшайди, учган қушни қайтиб қафасга солиш қанча мумкин бўлмагандек, гапни ҳам қайтиб ютишнинг имкони йўқ. Аммо буни билган мударрис, қизни барибир кимгадир узатиш зарурлигини, уни бир умр «ёстиқ» қилишнинг иложи йўқлигини ҳам яхши биларди. Унинг бутун ўйлаган ўйи кун-бакун нотинч бўлиб бораётган шу замонада қандайдир бир йўл топиб Назокатни бошдан соқит қилиш эди.

Мударрис ҳозир Қуръондаги узун бир оятни сўнгига етказди. Китобни ёпиб, тоқчага қўйди-да, энкайиб олди ва кўзларини чирт юмди.

Мана, одатга кўра, Қуръондан бир улуш ўқиб қўйди, энди ҳар жумалик одатга кўра, қабристонга бориш, у ерда қисқароқ бир сурани ёдаки ўқиш ва «арвоҳларни шод қилдим» деган таскин билан қайтиш керак. Кейин масжидга кириб, намози жумани ўқиш, намоздан чиқиб, бирон-бир даврада яна Қуръон ўқиш ёки кимдир ўқиркан, уни эшитиш қисматда бор гап. Ҳар жума кун шундай

ўтади, бошқа кунлар бундан кўп фарқ ҳам қилмайди. Фақат бошқа кунларда мадрасага бориши, талабаларга дарс бериши бор. Кунлар ўтади, замона жуда нотинч, аммо ҳеч нарсага қарамай бўйинда турган ҳар қандай ташвишни ҳал қилиш одамнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолаверади...

Ҳомид шайхнинг назарида дарвоза шириқлаб очилгандай бўлди. Ҳовлидан қадам шарпалари келди ва хона эшиги гижирлаб очилди.

Мударрис кўзларини очиб бошини кутарди-да, пойгақда — боши чап елкасига қийшайган гўладек йўгон кишини ва унинг ўнг елкаси устида қилич дамидай қилтираган ингичка, рангпар бир юзни кўрди. Гўё пойгақда бири катта, бири кичик — иккита боши бўлган ёввойи одам қаққайиб турганга ўхшарди.

— Ассалому алайкум...

— Ваалайкум, ассалом...

Мударрис ўтирган куйи девор этагида ёзиглиг кўрпачага ишора қилди:

— Марҳабол!..

Боши қийшиқ одам — рух қуювчи уста — Ҳамид рехтагар мударриснинг укаси эди. Рангпар йигитча эса уларнинг жияни — Зухурхўжа бўлиб, мадрасада таҳсил оларди.

Ҳамид рехтагар тўғри юқорига ўтди ва сиполикни билмаган бу одам, акаси тизза букиб ўтирганига парво ҳам қилмай, ёстиққа ёнбошлади. Зухурхўжа эса, унинг аксича йўл тутди — рехтагарнинг оёқлари учида, кўрпачанинг чеккагинасида ўтириб дарҳол гужанак бўлиб олди.

— Дунё тўполонлари одамни дилгир қилиб юборди, инжиди мударрис, юзга фотиҳа тортиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин. — Бир аёғи гўрга борган биздай мўйсафед одамга ҳар нарса малол келайкан...

У нимадан ҳасрат қилаётганини билиш қийин, бироқ унинг бошидаги ташвиш ва «замона нотинчлиги» — бу икки кимсага ҳам маълум нарса эди. Мударриснинг ҳасратига жавобан рехтагар бир нима демади. У кар ва соқовдай, ҳеч гапни эшитмаган ва ҳеч гапни эшитгиси келмаган кишидай ўтирарди. Умуман, бу одамнинг оғзидан гап чиқиши ўлимдан қийин, кар ва соқовдай ўтириш унинг одати эди. Зухурхўжа бўлса, «катта одамлар олдида ёш киши тек туриши лозим» деб билгани учун, бир нима

демади, аммо индамай ўтириш ноқулай туюлдими, зўрма-зўраки илжайиб қўйди.

– Сан камнамо бўлиб қолдинг, – деди жиянига Ҳомид шайх. – Не юмушлар билан банд бўлиб турибсан?!

– Ман, тогожон, мадрасада шундай... – астагина гўлдиради Зухурхўжа ва унинг нима демоқчи эканлигига тушуниб бўлмади. Мударрис унга ортиқ сўз қотмади, чунки ўзи хаёл сура бошлаганди. Мударрис шу лаҳзада беихтиёр «икки жияним бор, Назокатни бирига унаштириб қўйсам бўлмайдими?! Ҳозиргача миямга келмаганини қара-я!» – деб ўйлади. Ногаҳон келган бу фикр уни бир оз довдиратди. «Сухроб жиянимни тутсам ва сен ҳақда гап бўлди, иш шундай десам, йўқ дермиди?! – иккинчи жиянини эслади у: Зухур бир оз бушанг, оғзидагини олдиргуси. Локин Сухроб куёв қилса, арзигудай, ўзиям шер!»

Мударрис жиянига худди шу хаёл билан сўз қотди:

– Сан-ку, баҳарнав кўриниб турибсан, Сухроб икки-уч йилдирки, дарвозадан бош суққани йўқ. Того, бормисиз, деган гапни билмайкан бу бала... Унга сани кўзинг тушмадими?!

– Ман у кишини кўрмай юриб... кеча оқшом кўрдим, тогожон, – шивирлади Зухурхўжа. – Салом қарзи Худо, салом берсам, бош тебратиб ўтиб кетдилар... Тухтаб сўрашмадиларам... Ёнларига Далилбек деган жадид бор эди, тогожон...

– Замона бузилди, ямон вайрон бўлди-е, – хириллади мударрис ва унинг даргазаб кўзлари ярқиради. У, шу лаҳзадаёқ Сухробдан онаси бир куни «саёқ бўлди» деб шикоят қилганини эслади. Ўзи боя эсламаган яна бир нарса ёдига тушди: бундан кўп ойлар бурун кўчада кетаётиб Сухробни учратаркан, ўзига ҳам у Зухурхўжага қилгандай муомалада бўлган эди. Шу лаҳзадаёқ фикри енгил мударрис Сухробни куёв қилиш хаёлидан айнаиди, аммо уни бир кўриш, агар чинданам «исёнчи болалар» ичида юрган булса, койиш, бу кор қилмаса қандайдир жазо бериш хаёлига борди. Ичида «тағойи бажойи ҳафт падар», яъни «тоға етти отанинг ўрнини босади» деб ўйлади ва яна «мандай одам жиловини тортмаса, ким тортади? Бу хизмат манга муносиб, ман ижро этишим лозим!» деган хаёлга борди.

Хаёл қургур мударрисни бушатай демасди. «Зухурни куёв қила қоламан. Бир оз бушанг, локин рўзгор гурваси

бўйнига осилса, ўз аравасини ўзи тортар... Бундан ташқари, қизда қусур кўп, Сухроб талтайма кўринади, барибир бош буриши ҳам мумкин... Зухур маъқул, бош буриш эсигаям келмайди...»

Мударрис худди шу хаёл билан энди укасига юзланди ва Зухур ҳақидаги сўзни юқорироқдан бошлади:

– Мулло Ҳамид, – деди у, – ман бу балаларни сизданам кўпроқ сўраганимга боис бор. Булар кўзга кам кўринса, дилимга ҳам ботади. Тағойи ба жойи ҳафт падар, балалар муни тушунмайди...

Зухурхўжа умрида меҳрибонликни билмаган тоғасининг сирли илиқ гапларидан ҳайратга тушиб, бир унинг, бир рехтагарнинг юзига кўзларини жавдиратиб қаради ва кўзлар тўқнаш келиб қолишидан қурқдими, қайтиб дарровгина бошини буқди.

– Мулло Ҳамид, – сўзида давом этди мударрис, – Худо кўпдан бери кўнглимга бир гапни солиб қўйган... Шу... Зухуржонга ота бўлиб бошини силасам, муни Назокат билан қовуштирсам. Иккиси ҳам фарзандим-ку...

– И-и... Ҳо-о!..

Нохос рехтагардан садо чиқди. У ҳозиргача бир хилда кар ва соқовдай гунг-у лол, бепарво ва безътибор бўлиб утирган эди. Нохос овоз бериб гапга аралашаркан, ўз овози билан айтилган гапдан куляптими, хурсанд бўлдимми ёки бу гап ҳам сукут сақлашни ножўя деб билдимми — англаш қийин эди.

Зухурхўжа бўлса, сўйиладиган қузичоқдай, кўзларини оддингидан кўпроқ жавдиратди. Сунг кўрпачанинг учини гижимлаганча, боши ва елкаларини шундай буқдики, худди ҳозир яширингани кўрпачанинг тагига кириб кетадиганга ўхшарди.

– Манга қуллуқ қилмайсанми, тевтак! – инжиди мударрис ўзининг ингичка овози билан. – Худо де, қизимни ваъда қилсам-а...

Зухурхўжа титраб-қақшаб елкаларини базўр кўтарди ва ўзига бўйсунмаётган қўлларини зўр билан кўксига қовуштирди.

– Тогожон, қуллуқ... Тогожон...

Укаси ва жияни уйдан чиқиб кетгач, мударрис узини бир қадар осойишта ҳис этди. Айни вақтда хурсанд ҳам эмаслигини сизди-да, юраги гашланди. У шу лаҳзада замона буткул бузилиб бораётгани, ҳатто ўз жияни Сухробнинг

йўлдан озгани ҳақида гапиришганларини уйлаб қолди. Ҳозир қабристонга бориб, арвоҳларни зиёрат қилиши, кейин намози жумага кириши, кейин бирон даврада ўтириши, кунни ҳар жумадагидек ўтқариши кераклигини биларди, аммо мударрис орада фурсат топиб, Суҳробни, албатта, бир кўришни ҳам яна кўнглига тутди. Худди бояги каби: «Мандай одам жиловини тортмаса, ким тортади? Бу хизмат манга муносиб, ман ижро этишим лозим!» деган хаёлларни бошдан кечирди.

\* \* \*

Ҳомид шайхнинг хаёлларидан ҳам, унинг бу кунги кайфиятидан ҳам Суҳроб буткул беҳабар эди. Унинг ўзи кеча пешинда олис сафардан Бухорога қайтди, кечқурун ўз ота ҳовлисига қадам босиб, уйга кирди-ю, бир пиёла чой ичар-ичмас, қаттиқ уйқуга кетди.

Суҳроб уйқудан уйгонганда уй салқин ва ним қоронги, ёғоч эшиклар тирқишидан ёйилиб қолган қуёшнинг олмос шугъалари тўкилар эди. У туриб ўтирди ва хонани ўйчанлик билан кўздан кечира бошлади. Юқори бурчакда қопламали каттакон сандиқ, девордаги қозикда титилиб кетган эски чакмон, даҳлиз эшиги устида дудама, пичоқ, ханжар... Уҳ! Бу уйдаги ҳамма нарса унга отасини эслатади.

Суҳробнинг хонани кезган нигоҳи даҳлиз эшигига етди ва икки тавақа орасидан мўралаётган кўзларга тўқнаш келди. Она! Уйга у келдими, кампир доимо бирдай пойлоқчилик қилади.

Суҳроб қовоқ солиб ўрнидан кўзгалди ва даҳлизга йўналди. Эшик панасидан чекинган кампир ўзини нима ишга банд қилишни билолмай қолган эди. У шоша-пиша даҳлиз тўридаги токчага яқинлашди-да, ип-игналар қалашган қутичани ковлаётган киши бўлди.

– Каланг пишдими, балам?! – сўради у ўглидан хуркакгина товушда.

Суҳроб онасига кўзи остидан бир қараб қўйди, леки индамади, тошнов оғзида чўнқайиб, юз-қўл юва бошлади.

Она қутичани қўлдан қўймай, бурчакка биқинди. Иқлима биби исми бу кампир «балогатга етган ўғил туққан онасига ҳам номаҳрам бўлади!» деган шаръий қонунни билса-да, ўглидан юзини сира беркитмасди. Ҳозир ҳам салқиган юзи, оқ соч боши очиқ, чит рўмолини сербар



елкасига ташлаб утирар, углини ҳуркак кўзлари билан кузатарди. Углининг тоғдай қомати, ўтда тобланган юзига суқланар, қимирлашга ботинолмасди. Қутичани бекордан-бекор пайласларкан, хаёл огушига берилганди. Бир вақтлар унинг эри Саид оҳангар, яъни темирчи уста хонадонга нон қўлтиқлаб кирар. Суҳроб мадрасада таълим олар ва отасига кўмак ҳам бериб турарди. Кунлари осойишта ва тинч эди. Бундан беш-олти йил бурун Саид оҳангарни амир кишилари уйдан уриб-судраб олиб кетдилар ва уни «осий» деб эълон қилдилар-да, Регистонда бугзига пичоқ тортдилар... Худди ўша кундан бошлаб Суҳроб ўзгарди. У ўқишдан кечди, бироқ, отасининг дўконини очиб, темирчилик ҳам қилмади... Саёқ бўлиб қолди.

Иқлима биби углининг ичида нима борлиги ва кўрар куни қандайлигини билмайди. Аввало, суриштиришга ботинмайди, чунки ўзи заифа, сўнг суриштиргани билан ўгли бир гап айтмаслигига фаҳми етади. Кампирнинг ўзи эридан қолган асбоб-ускуналарни, рўзгор буюмларини кириб-чиқиб турадиган қуни-қўшниларга сотиб кун кўради. Акаси Ҳомид шайх, укаси Ҳамид рехтагар ойда-йилда ҳолини сўрамайди. Усгига-устак, мунгайиб утаётган гариб кунларини ўйлаб, кўнгли дашти ялдодай ҳувиллайди. «Ўғлимни бутунлай йўқотиб қўйсам, нима қиламан?!» – деб қаттиқ қўрқади. Ўгли саёқликда гойиб бўларкан, ўзича «энди келмайди!» – деб ишонади ва багрини нам ерга босиб ётади. Бугунгидек у пайдо бўлган пайтларда «ҳозир эшиқдан чиқса бас, қайтиб кириши гумон!» деб юрагини ҳовучлайди.

Мана, Суҳроб ҳамон онасига миқ этмасдан дастурхон бошида чўнқайди, бир бурда нон чайнаб, бир пиёла чой ичди. Мана, оёқларига маҳси, эгнига калта яқтак кийди, бошига қизгиш салла ўраб, ўшандай индамаганча эшикка йўналди. Мана, бошини букиб эшиқдан чиқди.

Кампир ортиқ нафасини ютиб ўтиролмади. У бехосдан ўзини эшикка урди... оёқларини базўр кўтариб босаркан, талпинди... ҳовли ўртасида ўглига егиб олди-да, унинг енгига маҳкам ёпишди:

– Қаерга кетасан, балам?!

Суҳроб ҳабашларники сингари қуралай кўзларини дарвоза томонга тикиб, сукут сақларди.

– Огамни зиёрат қиламан, – деди у ниҳоят. – Намози жумани ўқийман...

– Балам! – деди она ва овози билан бирга елкалари, қўллари, боши — бор вужуди аёздаги дарахт каби қалтираб кетди. У яна бир марта «қаерга» деб сўрамоқчи эди, эплломади.

– Келаман, бибижон! – деди Сухроб унга эмас, қандайдир четта қараб. Сўнг, дарвозага шошқин йўналди.

«Бу гаши ёлгон, манга ростини айтмайди, ҳеч қачон айтмайди!» – ўйлади Иқлима биби. У томоғига тиқилган тошни ютди. Ўғлининг тоғдай қоматига ҳасрат билан мўлтираб, дарвозагача судралиб борди. Ўгил номаълум йўлга, номаълум томонга кетди... ке-етди...

Иқлима биби ёпилган дарвозанинг орқасида туриб, тирқишдан кўчага кўз ташлаб қолди. У яна мунгайиб ўтаётган ғариб кунларини, акаси Ҳомид шайх ва укаси Ҳамид рехтагарнинг бемеҳрлигини, ўглининг феъли бундайлигини ўйлади. Хўрлиги келди. Бошини дарвозага бемадор суяркан, кўзларидан ёш тирқиради... Бу дарвоза кампир учун темир панжарадай гап. Панжарадан нарига утолмайди, утган билан қаерга бора олар, нима ҳам қила олар эди. Яна панжара ортига ўтмасликнинг иложи бормикан... Бундан ортиги қайси заифанинг қўлидан келибдики, унинг қўлидан келса!..

\* \* \*

Уйдан кўчага чиққан Сухроб Ҳазрати Имом мазорига қадам босаркан, чўққайган совуқ дўнгликлар ва улар орасидаги ўнгирлардан иборат бўлган нотекис, қаровсиз, хароб қабристон юрагига аччиқ ҳасрат ва мунг солди... У қуриб қолган букри тут соясидаги шўрхок қабр бошида тиз чўкди.

Сухроб ҳар гал мана шу қабр бошида ҳозиргидек тиз чўкканда, унинг кўз олдига бундай манзара келар эди: тақир Регистон майдонида шу қадар одам кўпки!.. Худди бутун шаҳар шу кафтдек ерга ёпирилиб, масхарабознинг гаройиб қилиқларини кўрмоқчидай. Улар томошабин... Томошани кўрсатувчилар ҳам озчилик эмас. Муҳташам Арк дарвозаси оғзида қатор ясовуллар, нари ва берида аркони давлат туришибди. Дарвоза устидаги энсизгина айвончада Арк тепасидан бу томонга чиққан амир ва унинг аъёнлари ўтиришибди. Гувиллаган одамлар давраси

ичидаги ялангликда бўйра ёзиглиқ, бунда чуқур бир хандақ ҳам бор. Бўйра устида соқоли узун, ингичка бир мулла қўлидаги очиқ китоб устига энкайган. Бўйра этагида бели қалин тасма билан тангилган, бошида учли қалпоги бор, енглари шимарилган беш-олти жаллод ивирсийди. Улар орасида сурп кўйлак-лозимда, бош яланг, оёқ яланг бир кўйда турган икки бандига кўз тушади. Бандиларнинг қўллари кишанланган, сочи қирилган, бошлари эгик. Улардан бири оқ соқоли сийрак, ўзи мункиллаган чол. Уни бўйра устига олиб келдилар. Энкайган мулла нималардир деб юзига фотиҳа тортди, жаллодлар дарвоза устидаги баланд айвончага кўз тикдилар. Айвончада ўтирган амир бир қўли билан қора соқолини силаб қўйди, бу — ишни бошлашга ижозат берилгани эди. Чолни букчайтирган жаллодлар унинг кўйлагини юқори кўтариб, пуштига уз тасмаларига ўхшаш энли камар — дарра билан ура бошладилар. Чол бир-икки силтанди... сўнг йиқилди... сўнг оғзидан қон келди. Жаллодлар уни ердан кўтариб, дарра саноги маромига етгунича урдилар... Шундан кейин иккинчи бандини — полвонсифат — баланд, елкадор одамни бўйрага тортдилар. Яна энкайган ингичка мулла юзига фотиҳа тортди, яна амир Олим бир қўли билан қора соқолини силаб қўйди. Бу бандини хандақ оғзида тиз чўктирдилар. Бири унинг икки елкасига кафтини босиб, олдинга энгаштириб турди, иккинчиси иягидан тутиб, бошини олдинга тортди ва қўлидаги узун тигни унинг бўғзига урди...

Суҳроб ҳар гал отаси қабрини зиёрат қиларкан, мана шу манзара унинг кўз олдига келар ва кўзлари олдида даҳшатли тусда қотиб қоларди. Отаси Саид оҳангарнинг молдек сўйилгани ва ўша кунда у кўрган бутун шарқона жаҳолат бор вужудини тутактирар эди. У ҳар гал қабристонда тиз чўкиб ўтираркан, қўлларини мушт қилиб тугар, фақатгина газабнок пичирларди:

— Алам... интиқом... алам!

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Суҳроб қабр бошида Қуръон ўқиди, юзига фотиҳа тортди, узоқ хаёлга толиб ўтиргач, ҳар сафаргидек дардли пичирлаб, ўрнидан қўзғалди.

У энди қабристонни — минглаб тилсиз ва жонсиз фуқароси бўлган сокин масканни маънос кўздан кечирди.

Нохос... йироқдаги бир дўнглик устида — диккайган дашт юмронқозиги сингари елкаларини кўтариб, қозондай салла ичида яширинган бошини тебратиб, гиловат қилаётган кишини кўриб қолди. Елкасини бундай кўтариб ўгириши, қилтилаган бўйни ва кичкина бошидаги каттакон салласи билан бу одам Ҳомид шайхга ўхшади. Сухроб уни куп вақтлардан буён кўрмаганини эслади, аммо ҳозир кўнглига ҳеч қандай гап сигмаслигини ҳис этди. Бундан бўлак отасини ўдиртирган «аҳли уламо»нинг бир вакили бўлмиш тоғасини Сухроб аслида ҳам унча хуш кўрмас эди, шундан унинг ёнига боргани оёғи тортмади. У ўзини кўрмаганга солиб, бошини букди-да, мозор қопқасига йўналиб, кучага чиқди ва ўз йўлига кета қолди.

\* \* \*

Қабристонда, ота-онаси турбати бошида қисқагина Қуръон ўқиган мударрис ҳам ўрнидан қўзғалиб, ён-верига қаради. Нохос... баланд дўнгликлар орасида лўкиллаб бораётган барваста кишини кўрди. Қулини пешонасида соябон қилиб, хира кўзларини тикаркан, бу одамнинг кимлигини билмоқчи бўлди. Яхшилаб қарагач, Сухробга ўхшаётир, деган фикрга келди.

Мударрис баланд-паст дўнгликлар орасидан ўтган ёлғизоёқ йўлда пиддираб қолди. Лекин ҳали беш-ун қадам юрмасиданоқ, ҳалиги одам қабристон қопқасига етиб борганди.

– У-у... жиян! – овоз берди мударрис. – Сухроб... у-у!

Йигит эшитмадими, бошқа бир одам эканми, ҳар қалай, қайрилиб қарамади. Мударрис калиш-маҳсили калта оёқларини типиллатиб, унга, албатта, етиб олмоқчи бўлди, лекин оёқлари бир газдан келадиган йигитга етиб олиш унча осон нарса эмас экан. Ўзини «уламо одам» деб билган мударрис яна ва яна бурилиб бақиришни лозим кўрмади, бироқ барибир етиш қасдида оёқларини типиллатишни ҳам қўймади. У оёққа зўр бераркан, бошида икки хаёл айланар, булардан бири — Сухробни тутиб унга саёқлигидан гап очиш, койиш ва ҳатто керак бўлса, ҳассани ҳам ишга солиб, йигитнинг танобини тортиб қўйиш эди. Иккинчиси, эрталаб кўнглига келганидек, ҳар қалай бир

қур Сухробга Назокат борасида қармоқ ташлаб кўриш, агар илинса, Зухурхўжага дарровгина «бор у ёққа, тентак, калланга қурт тушганми?!» – дейиш. «Хотинга етиш ҳазил гап эмас, бу замонда ҳар кимга насиб этавермайди, – ўйларди мударрис. – Зухур ўзини йўқотгани бежиз эмас-ку! Эҳтимол, буям шу гапни эшитса, ўшандай ҳолга тушар! Йўлдан озганига келсак, узим кейин йўлга соламан. От тўрт қёғи билан қоқилади, бу-ку одам!»

Мударрис агар Сухробга етиб олса, бу икки хаёлдан қайси бири ўзига қўл келишини билмасди. У бир-бирига сира ёпишмаган шу икки хаёл билан питиллаб борар, етиб олишга умиди зўр эди. Бироқ у сал ўтмай, ҳарсиллаб қолди ва беихтиёр қадамини секинлатди. Кўп ўтмай йигит ҳам секинлаганини пайқади, бошидаги нотинч хаёллар ва бу қадам секинлашуви унга куч берди-да, жадаллади.

Улар орасида йигирма қадам чамаси йўл қолди. Энди шаҳарга кириб борган эдилар, мударрис етайин деб олдингидан ҳам тез пилдирай бошлади.

Улар жудаям яқинлашди. Бироқ энди одам гавжум кучада пилдиреб бориш ҳам ноқулай, ҳам қийин эди. Устига-устак, барваста йигит оломон денгизига сингиб кетди. Тикилган қозон қайнамас, дейди одамлар, пакана мударрис уни кўздан йўқотиб қўйди ва қанча алангласин, барибир тополмади.

«Уйига бораман. Уни, албатта, кўраман!» – ўйлади мударрис. Муюлишга етиб, торгина паст кўчага бурилди. Кайфиятсиз ва қўлидан нақ овни қочирган сайёддек, гаш ҳолатда беш-олти қадам илгари юрди, шунда «уям тасодифан шу ёққа келмаётганми экан?!» деган хаёлга борди ва орқасига қайрилиб қаради. Шу пайг муюлишдан бир киши чиқди. Йўқ, бу Сухроб эмас.

Муюлишдан чиққан малла одам Ҳомид шайхдан «дарс олувчи» талаба — муллавачча эди. У ун-ун беш йилдан буён мадрасада айланишиб юрар, бу даргоҳда йигирма беш-ўттиз йиллик талабалар ҳам бўлгани, мадрасада таълим муддати умуман белгили эмаслиги гуфайли, у билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, эди. Унинг мадрасадаги бир ҳужрада истиқомат қилиши, маъруза дарсларга кириб бошини тебратиб утиришини ҳамма билар, лекин унинг исми нималигини кўп одам ва жумладан, мударрис ҳам билмас эди. Ҳамма уни бирдай «Маллажон» деб атар, у ҳам бу исмга аллақачон ўрганиб кетганга ўхшарди.

Мударрис Маллажоннинг эгилиб-букилиб келаётганини кўрди-да, тўхтади. У етиб келиб салом бергач, бошини салобат билан қимирлатиб, алиқ олди.

– Бугунги гаплар муборак бўлсун, устод! – деди Маллажон шундан кейин.

Мударрис «Зухур бўшанг дарров ҳаммага оғиз очибди-да!» – деган хаёлга борди ва инжиб, истар-истамас мингиллади:

– Ҳоли... ҳамин гап... номаълум нарса!

– Фармон чиқди-ку, устод, амирим бир гапни айтгандан кейин... – сирли оҳангда пичирлади Маллажон.

– Не фармон? Худо шоҳид, билмабман, — ҳайратли қизиқиш билан Маллажоннинг енгидан тутиб, уни кўча четига тортди Ҳомид шайх.

– Ислоҳотга фармон-да, устод! – деди Маллажон.

Бухородаги қариларга, айниқса уламоларга ганим бўлган ёшлар кўпдан буён амирдан ислоҳот ўтказиш, яъни турмушда алакай расм бўлган кўп идора ва билим масканларидаги бемаъни тартибларни текшириб, бошқачароқ йўлга солишни талаб қилишарди. Бунга шаҳарда газета чоп этиш, мадрасалардаги фақатгина диний таълимга дунёвий фанларни қўшиш ва янги усул мактаблар очиш сингари гаплар кирар эди... «Исёнчи ёшлар»дан ичида қўрққан ва «бузилиб бораётган замон»дан танг аҳволда қолган амир шу кўни номига бу талабларни бажо келтириш ҳақида фармон чиқарган, унинг муддаоси ёшларни «бир оз босиб қўйиш»дан иборат эди. Узининг улкада якка ҳоким эканлигини билган Олимхон «ҳокимнинг ҳокимияти»га аралашган ёшларни ёмон кўрар, уларга ҳаргиз ён бермоқчи эмасди. Аксинча, фармон оқибатида газабланиши керак бўлган қариларнинг қўли билан ҳам уларни «босиброқ» қўймоқчи эди.

– Палид балалар!.. Номусулмон муртадлар! – кўзларига қон қуюлиб, ичидан келган газаб титроғи билан хириллади мударрис.

Бухорода «тараққиёт истаб юрган», барча ёшларни қарилар бир хилда «жадид» ёки «ёшлар» ва ёки «балалар» деб атар эдилар.

– Нимага жаҳлингиз чиқади, устод?! – сап-сариқ қошларини чимирди Маллажон. – Манам аввал шу янги гапларни хушламай юрдим. Эмди кўрсам, аҳвол башқача... ёшларни йўли маъқул, устод!

– Сани ўз кучанг йўқ, иблис! – чийиллади мударрис ва кичкина гавдасига зид ҳолатда ўзини «тоғни урса талқон қиладиган» йигитдай кучли ҳис этди. – Мани кучам бор, иблис! – чийиллашда давом этди у. – Бугун балаларни қўли ёқамизга етибди, бир кун бизни қўлимизам ёқасига етади...

– Э-э... устод, э... – тушуниб бўлмайдиган тарзда овоз чиқарди Маллажон.

Ҳомид шайх буни ўз устидан мазах ва таҳқирдек қабул қилди. Қўлидаги ҳассанинг чуқморли учини ердан узди.

– Қочки, уриб миянгни чиқораман!

Аммо Маллажон бу таҳдидга парво ҳам қилмади, тиржайиб осойишта нари кетаркан, астагина минггирлади:

– Ҳай, устод, ҳай...

Ҳомид шайхнинг кўнглига энди ҳеч нарса сигмасди. У энди кўрарга кўзи йўқ Сухробнинг уйига борармиди? Йўқ! У тўғри Мирараб мадрасасига йўл олди.

«Ёшлар голиб келди! Кўчаси йўқлар биздан куладир!» деган хаёл мударрисни эзар эди. Ҳали намози жумагача вақт бор, у мадрасага кириб, бошқа талабалар кайфиятини билмоқчи бўлди. Ҳамма талабаларнинг мана шу Маллажондай кўчаси йўқми ёки борми!

Ҳомид шайх Минораи Калон соясидаги Мирараб мадрасасига яқинлашди. Кичкина тош зиналардан кўтарилиб, мадрасанинг муаззам дарвозасидан ичкарига йўналди. Ним қоронги йўлакка, ундан ҳужралари гардиш шаклида айлана келган, ерига тўрт бурч мусулмон гишталари терилган кенг саҳнга ўтди. У бир ҳужра эшигида ўтириб шатранж ўйнаётган уч-тўрт талабани кўрди. Талабалар ўринларидан туриб, унга қўл қовуштирганча, салом бердилар. Уларнинг лабларида ҳуркитишлари қийин бўлган табассум бор, кайфиятлари яхши эканлиги кўриниб турарди.

– Нима санларни бу қадар шод этди? – хаёлига келган сўроқни дарҳол тилига чиқара қолди мударрис.

– Бугун жумаи муборак-ку, устод, – деди унга жавобан, ўзидек кичкина жуссали ва кичкина бошига катта салла қўндирган ёшгина, хушсурат муллавачча.

Мударрис йигитга бир нима деёлмай қолди. Жума куни — муборак кун, мусулмон одам шод бўлмоғи керак. Фақат бу эмас, жума куни мадрасаларда дарс-у таълим бўлмайди, бу кунда улар ҳаммомларга борадилар, уст-

бошларини ювадилар, ухлаб ором оладилар. Бу жиҳатдан ҳам муллавачча жумани эслатишга ҳақли эди.

– Шу нафас шатранж ўйнамоқ мақбул эмас, – деди мударрис иккинчи томондан ҳужум қилиб. – Фарзанди мусулмон жумаи муборақда қабристон зиёратини бажо келтириши, Қуръон ўқиши лозим.

– Балли, устод, – деди ҳалиги муллавачча, сўнг «мин муслиматун...» дея, арабчадан «Худонинг бандаси ўзи билмаган ҳолда баъзан гуноҳ қилиб қўяркан?» деган гапни келтирди.

Мударрис ортиқ гапира олмади. У нари-берига кўз ташлаб, кўп ҳужраларнинг эшиги берклигини кўрди. Демак, талабалар кўча-кўйда «гап териб» юришибди. У гашланди, бироқ бу ерга кириб билгиси келган нарсани билолмагани учун талабаларни яна исканжага олишдан фойда йўқлигига ҳам фаҳми етди. Бундан булак «Маллажон сингари кучаси йўқлар кўп эмас, фарзанди мусулмон кўп, фурсати етса кўринадир!» деб, ўзига ўзи таскин берди ва гашлиги бир оз тарқалди. Талабалар шатранж доналарини йигиб, халтага солаётганини кўргач, ҳатто бир қадар мамнун ҳам бўлди...

Ҳомид шайх одатдаги жумаларга ўхшамай келган шу жума оқшомида, замон савдоларидан боши салгина бушар экан, яна қизи Назокат қисматини ўйлаб қолди. «Сухробдан авваламбор умид қилганим хато, – ўйлади у. – Бу бала йўлдан озганини кўнгил сезиб турибди... Зухур ўзи маъқул бала. Бушанглиги рост, локин рўзгор тўрваси бўйнига тушса, аравасини ўзи торта беради. Тугри-да, у бушанг, локин ўзимам бўш одамман-ку, жуда бўш одам эканим бугун қандай намоён бўлди...»

\* \* \*

Шу куни эрталаб мударриснинг уйидан чиққан Ҳамид рехтагар билан Зухурхужа кўчаларда ҳар жумадагидан кўпроқ одам кўрдилар. Аммо фармон чиққани, Бухоро ёшлари ҳар ерда йигинлар ўтказаетгани, муллолар орқа-орқадан тиш қайраётганини билдилар-да, ортиқ «янги гап қидириб», кўчада тентираб юрмадилар. Афтидан, бу гаплар уларни унча қизиқтирмади, ҳатто бир-бирларига лом-мим демай, ҳали намозга жудаям эрта эканига ҳам қарамасдан, масжидга



келдилар, масжиднинг қўйи кунжида босиқ ўтирдилар. Рехтагар қўлларини кўксида чиллик қилиб, қийшиқ бошини солинтирди ва муҳим ишлар туфайли кўп тунлар ширин уйқудан жудо бўлган кишидай, мудрай бошлади. Зухурхўжа бўлса, тиззаларини букканча, лабларини чилпиллатиб, паст бир товущда қироат қилишга тушди.

Сунг... аста-аста одам тўпланди. Муаззин одатдагидек Масжиди Калоннинг энсизгина, узун кўприкка ўхшаш айвонида туриб азон айтди. Домла имом икки ён токчасида хира шам милтираган, кундузи ҳам ним қоронғи меҳробга ўтгач, намоз ўқиш бошланди. Мусулмонлар домла имом раҳнамолигида диний оятларни пичирладилар, ёйдек букилдилар, турдилар, ўтирдилар, бу ҳол бир неча бор такрорланди.

– Ё арҳамар роҳимин... омин!

Домла имомнинг бу сўзлари баландроқ янгради ва бир неча мулла бу сўзларни ҳар бир қулоққа етказиш учун овоз чиқариб, такрор этдилар.

Домла имом очиқ эшикка ёки ўнгирга ўхшаб ичкарига ботиқ кетган меҳробдан олдинроққа келди ва чеккада турган, пастак курсига ёхуд кичкинагина супачага ўхшаш тахтага — минбар устига чиқиб тизза букди. Унинг минбар устида ўтириб ваъз айтиши, яъни шарият-у тариқатдан содда тилда сўз юритиши — ҳар жума кунги ва ҳайит кунларидаги расм эди. Домла имом ваъз айтarkan, навбат билан рўза ёки намоз тартиботларидан, ҳаждан, мерос тақсимотидан гапирар эди. Бу кун у Муҳаммад пайгамбар ҳадислари, яъни айтмишлари — васиятларидан узоқ гапирди. Оқибат, имом гапни шу кунги амир фармони ва ислоҳот масаласига олиб келди.

– Ҳазрати олий фармонларида мундой дейилган, – у одамларга бир қараб, минбар учида турган китоб ичидан бир варақ қогоз олди-да, кўз солди. – Ҳаминчунин..., яъни... «Фуқароларимизга эшиттирамизким, ислоҳот ва ҳукумат идораларида бўлатурган ўзгаришларнинг барчаси шаръи шарифга мувофиқ бўладир...» Аз ин маълум, аввало, ҳазрати олий неки тадбир кўрупурулар, буткул оқилона ва меҳрибонона бўлибдир... ва аз ин маълум, не тадбирки кўрилуру, ул шаръи шарифга беэён бўлуру, алқисса, лашкари Ислом дини Муҳаммадга ихлосу муҳаббатни биладир ва уни таги по қилмайдир...

Домла имомнинг гаплари уламоларни «кўтариброқ қўйиш» билан якунига етди. Ҳазрати олийга ташаккур ва тасанно айтишлар билан тугади.

Халойиқ тарқала бошлади.

Масжидга ҳаммадан бурун қадам ранжида қилган Ҳамид рехтагар билан Зухурхўжа ҳаммадан кейин қалин, баланд, мустаҳкам, аммо кўҳна ва заъфарон тош девор этагидан жимгина юриб яна кўчага чиқдилар. Яна лом-мим демасдан, аммо бир-бирларидан узилмай, кўчаларда ҳамон гужгон ўйнаётган нотинч одамлар оломонини оралаб, Лабиҳовузга келдилар. Бу ердаги қатор расталар бузилган ари инидек серговур шаҳар сийнаси бўлган Лаби ҳовузда халойиқ тиқилиб кетганди. Ҳовузда лиммо-лим сув лапиллайди. Сув юзида ҳовуз атрофидаги тут дарахтларидан тўкилган шох-шаббалар, хашаклар сузади. Ҳовузнинг ярмини Девонбеги хонақосининг сувга тушган синиқ сояси эгалаб ётади. Ямоқ-ёсқи чопонларга ўралиб, белни маҳкам тангиган мешкоблар, мешларини сувга ботириб, ҳовуз этагидан нари кетаётирлар. Улар уйма-уй юриб, сассиқ сув билан бирга баданда яра тоширувчи ришта касалини, унга қўшиб яна минг туман маразни ҳам бирма-бир улашиб чиқадилар...

– Ке, мани ҳавлимга юр, – деб қолди «тилга кирган» рехтагар жиянига. – Сассиқ дунёни кетидан бир тепайлук...

– Нима деёпсиз, тогожон? – унинг гапларига тушунолмайданграйиб қаради Зухурхўжа.

– Ҳавлимга юр, манам того бўламан, деёпман... – уни силтаб жеркиди рехтагар.

– Тогажон, ҳай десайиз мани ҳужрам, – пичирлади Зухурхўжа ботинмайгина ва ён томондаги ўзи унча баланд бўлмаса-да, анчагина энди Кўкалдош мадрасаси томонга ишора қилди. – Жудо салқин, тогожон, жудо яхши...

– Мани ҳавлимга юр, деёпман, – қўлини кескин силтади рехтагар. – Гапни мунча чўздинг, эзма экансан. Ман ҳужрамга сигмайман...

У ортиқ гапирмай, йулга туша бошлади. Зухурхўжа буйнига арқон солингандай, зур-базур, аммо итоаткорона эргашди.

Ҳамид рехтагар ўзидек рух қуювчи бир, кимсанинг қоронги йўлақдан тик тахта зина билан кўтариладиган болохонасида якка-ёлғиз яшар эди. Хонада пахтаси оққан кўрпалар паришон ётар, иссиқ кунлар келганига қарамай, хона уртасидаги дагал сандал худди қишдагидек ҳамон қаққайиб турарди. Сандал устидаги лаълида могор босган нон бурдалари уюлган бўлиб, ювилмаган коса ва пиёла ҳам кўринарди. Бу уйга қадам қўйган кишига бир қарашдаёқ, уй эгасининг эринчоқ, ҳожибемалоллиги дарров сезиларди.

Рехтагар жиянини беш-олти йилдан буён бу останага етаклаб келмаганди. Бугун унга ҳамроҳ бўлиб қолган Зухурхўжа уйнинг тартибида олдин кўрганидан янгироқ нарса кўрмади. Бу ерда ҳам кўрпачанинг бир четига қисинибгина ўтираркан, ўзича «тоғомнинг ичида гапи кўп, бугун бир ёрилгиси келганки, куни бўйи мандан узилмади!» – деб ўйлади.

Рехтагар меҳмондай тўрга утиб ўтирди. У акасидан гап очди ва ажабо, уни «ака» деб эмас, «шайх» деб тилга олди.

– Шайх сани кўп хурсанд қилди-ё, – деди у. – Гапир, хурсанд бўлдингми?!

Зухурхўжа кичик тоғасининг ичида бир гап борлигини хаёлидан кечиргани учун, бу кинояли гапдан кейин бугун дардини ўртага тўккиси келди.

– Тогожон, у тоғом катта марҳамат қилдилар, – деди Зухурхўжа. – Хотун юзини кўрмай ўлиб кетган йигит дунёда кўп. Муни биламан... Локин билмадим, тогожон, мани ёмон кўриб юрган тоғом нимага бирдан меҳрибон бўлиб қолдилар... Тўғри, қизлари сал майиб, локин уни кимга берсаларам, кўчага чиқариб ташламайди...

У «тоғом гапимга бир нима дермикин?» – деган хаёлда бошини эгиб, бир фурсат жим қолди. Рехтагар ҳадеганда оғиз очмагандан кейин, яна гапида давом этди:

– Тогожон, у киши ичи тор одам, манга кўп азоб берганлар. Ўйларига охириги бир келганим, бундан бирон ой бурун эди. Нима бўлди-ю, бухоролик баалардан гап чиқди. У киши ҳаммани буралаб сўқдилар. Ман у кишига: «Ундой деманг, ҳамма нарса Худонинг хоҳиши билан бўлади!» – дедим. Маниям бир сўқдилар-ки!.. Кейин ҳовлидан «кет-кет» деб ҳайдаб чиқордилар...

Зухурхужа чуқур уф тортди. Яна рехтагарнинг бир нима дейишини кутиб, бўйнини қисиб утирди ва рехтагар ҳамон оғиз очмагандан кейин яна дардини ёришда давом этди.

– У гапни бекор гапирганим йўқ. Ҳеч кимга айтмаган бир воқеани сизга айтай, тогожон... Бир йили муллобаччалар билан Баҳоуддини балогардонни зиёрат қилишга бордик. Биласиз, у жойга ҳар йили навбаҳорда «Гули сурх» деган сайл бўлади. Ушандай сайл эди. Одамлар фарзанд тилаб, давлат тилаб, омад тилаб авлиё тугларига латта боғлади, қўй сўйди, ҳазратим турбатлари бош ёғидаги қудуқдан сув ичди... Кун шу зайлда ўтди. Кечаси зиёратгоҳ ичидаги масжиднинг айвонида муллобаччалар қатор ётдик. Ухлашдан олдин бошимга кўп гап келди, кўнглим бузулди... «Нима учун беш ёшда отадан, етти ёшда онадан етим қолдим? Нима учун бошимга соябоним бибимдан ҳам дарравгина айрилдим?! Нима учун бирон гамхўр, гамгузорим йўқ, бундай гарибман?! Нима учун мусофир талабалардай қоронгу мадраса ҳужрасини макон этдим?!» Шу ҳасрат билан кўнглим юмшаб, гўдақдай ухлаб қолибман, тогожон... Бир вақт қарасам, худди ўзим айвонда эмас, кичкина уйда, палоси йўқ нам ерда ётганга ўхшайман. Нохос уйнинг эшиги очилди, уй ичи шундой ёруғ бўлдики, кундузгидан чандон зиёда. Эшикка кўз ташласам, катта оқ саллани, оқ соқолли, юз-кўзлари мулоийм бир мўйсафед чап қўллари кафтида шам тутиб, остонада турибдилар. У киши уйга кирдилар, ўрнимдан ирғиб туриб, салом бердим.

– Қўрқма! – дедилар у киши ўнг қўлларини кўтариб.  
– Ман Баҳоуддин бўламан!

Ўзимни оёқларига ташладим, қўлларини кўзларимга суртдим. У киши елкамдан тутиб мани ердан кўтардилар, ўша бўш қўллари билан бошимни силадилар.

– Сан кўп ўксима, – дедилар у киши. – Худонинг бир куни қоронгу бўлса, бир куни ёруғ! Ҳамма нарса Худонинг хоҳиши билан бўлади...

Уйгонсам, саҳар бўлган экан. Дарров таҳорат олиб, ҳазратим қабрлари ёнига бордим, ҳар бир гурбат тошини йиғлаб-йиғлаб ўпдим. Эшон мани кўриб «кўзинг бу кун намунча ёруғ, бўтам», – дедилар. Тушимни айтдим. Эшон «Баҳоуддин назар қилибдилар, муни зинҳор-базинҳор бировга айтма!» – дедилар. Ҳазратим тушимга кириб «ҳамма нарса Худонинг хоҳиши билан бўлади» деганлари

ҳеч эсимдан чиқмайди... Катта тоғомга бўлса, қачон шундай деб оғиз очсанг, оғзингга кафтлари билан урадилар. Ҳолбуки, ўзлари шайх...

Зухурхўжа рехтагарнинг кўзлари устига ҳурпайиб тушган бароқ қошларига, пишиқ юзи, икки чаккасида пахмайган соқолига қараб қолди. Рехтагар ҳар доимги одатига кўра, бошини бир елкасига оғдириб, кар ва соқов одамдай жимгина ўтирар, бу гапларни эшитмай, ўз хаёли билан банд кишига ўхшарди.

– Тогожон, нимага ҳеч оғиз очмайсиз?! – йигламсирагандай бўлди Зухурхўжа тоқати тугаб.

Рехтагар тиржайди ва хириллаган товушда жеркиб сўз қотди:

– Кўп эзма бала экансан! Кичкина бир нарсани сўраса, мунча даромад-у буромад қиласан! У ёғини сўрайдиган бўлсанг, шайхга мани неча пуллик ишим бор-у, жадида неча пуллик ишим бор... Авлиёдан гапирасан. Девона билан девона чикора...

Рехтагар шу билан гапни тутата қолди. У қўлини сандал кўрпасининг ичига тиқди-да, ундан кичик бир сопол кўзача олди. Кўзачани лаъли юзига қўйди, унга тикилиб турди ва тиржайди.

– Сан кўп гапиришга ўрганма! – ярим ҳазил, ярим мазах ва ярим насиҳат оҳангида сўз қотди у. – Ҳай...бу гапларга саловат... Сан билан икков бу кулбага сассиқ дунёни тепайлук, деб кирдик...

Рехтагар кўзача оғзидаги рангсиз латгани сугурди. Лаълида турган пиёланинг ичини яктагининг ўт ямлаган куюк енги билан артди-да, кўзачадан унга ним қизгимтир бир нарсани қулгиллатиб қўйди. Ўткир бир ҳид Зухурхўжанинг димоғига гупиллаб урилди.

– Бу... бўзами?! Бу... нима, тогожон? – кўзларини жавдиратиб, ўтирган ерида қимирлаб тисарилгандай бўлди Зухурхўжа. – Ичманг... жон того, муни ҳаром деган...

Рехтагар афтини буриштириб, пиёлани жиянининг олдига сурди:

– Ма, жигар, аввал сан ич... Ман унча шошмайдиган одам.

– Йў-уқ, ман, тогожон, ҳеч ичмайман... Сизам ичманг, ҳай денг, жон того... Бошимиз устида Худо турибди, – тез-тез, аммо журъатсиз сўз қотди Зухурхўжа. – Муни китобада ҳаром деган...

– Китобда гап кўп.. Локин бу узумни суйи... шуям ҳаром бўлдими, бор-е! – мингирлади рехтагар ҳафсаласи пир бўлиб. Кейин, афтини янада буриштирди ва пиёлани ўз олдига тортди, гилай бўлиб роса тикилди, кейин кўтариб ичди. Яна қуйди, яна тикилди, яна кўтариб ичди. Уч-тўрт марта шу ҳол такрорлангач, Зухурхўжа, қўлини ерга тираб турмоқчи бўлган ва гуролмаган бемадор одамдай аста-аста қимирлай бошлади.

– Того, ман кетаман... – пичирлади Зухурхўжа.

Афтини буриштириб ўтирган рехтагар миқ этмади.

– Того, ман кетаман... – такрорлади Зухурхўжа.

– Кўп телба бала экансан, бир нафас тухтаб турмайсанми!

– тўнгиллади Ҳамид рехтагар. – Санданам одам чиқадими десам, одам чиқмади...

У ҳалиги рангсиз латта билан кўзачанинг оғзини маҳкамлади ва уни қайтиб сандал ичига солиб қуйди.

– Ҳай... маслаҳат бундой... Боз кўчага чиқайлук, ичмасанг ичма, кўчани бирга томоша қиларсан...

Тогасининг бу гапини эшитган Зухурхўжа яна одатдагидай кўзларини қўзичоқ сингари жавдиратди.

– Йў-ўқ, того, ман...

– Юр! – қатъий буюрди рехтагар. – Кўп эзма бала бўлма...

Улар кўчага чиқдилар. Гира-шира шом қоронғусида кўчалар ҳувилаб қолган, онда-сонда олисдан миршаблар шовқини келар, аҳён-аҳёнда уларнинг ёнидан соявонли фойтунар тарақлаб ўтиб кетарди.

Зухурхўжа кўзлари остидан бир тоғасига, бир паст кўчалар оғзига қараб-қараб борар, қандай қилиб қочиш йўлини билмасди. Рехтагар эса вазмин калласини лиқиллатиб борар, ҳар дамда қип-қизил, ёввойи кўзларини жиянига тикарди.

Улар шаҳарнинг бир этагига бориб қолдилар. Қандайдир куча муюлишига етганда, рехтагар секинлади, сўнг жиянини белигача ерга боғган кўҳна, кир дарвоза ёнига олиб келди. Дарвозани рехтагарнинг ўзи гуртиб очди ва жияни ҳам судралиб киргач, ўзи ёлди. Бу ер — карвонсаройларни эслатувчи саҳни кенг ҳовли бўлиб, ажабо, бунда бир талай юзи ва боши очиқ аёллар ивирсиб юришарди.

Зухурхўжа анграйиб, оғзини очди. Умрида бундай очиқ юрган аёлларни ҳеч қачон кўрмагани учун, гира-шира кеч

қоронгисида кўзга чалинаётган бу манзара унга тушдек бўлиб туюлди.

– Ке, утир...

Рехтагар девор этагидаги рандаланган узун тахтанинг бир учига утириб олганини кўрган Зухурхўжа ҳам тахтанинг иккинчи учига гаранг ҳолда утираркан, яна анграя бошлади.

Ҳовли тўридаги энсиз айвончанинг қийшиқ бир устунни ёнида икки хотин ниманидир сўзлашиб туришар, улардан бири новча ва ориқ, иккинчиси калта, бақалоқ эди. Қўққисдан... новча буларга қараб қолди ва бақалоқни туртиб, унга кўзи билан булар томон ишора қилди. Бақалоқ дугонасидан узилиб, лорсиллаганча шу ёққа кела бошлади. У рехтагарнинг рўпарасига келди-да, оппоқ тишларини ярақлатиб, илжайиб қўйди. Хотиннинг эғнида қандайдир рангсиз кўйлак бўлиб, унинг кенг ёқасидан кўкраклари кўриниб турарди. У ўз кўринишига мос келмаган енгил, чаққон бир ҳаракат билан шартта рехтагарнинг бўйнига осилиб, унинг тиззаларига ўтириб олди.

Уларга тикилиб турган Зухурхўжа дарровгина кўзларини олиб қочди. Шу пайт ўзининг рўпарасида ҳалигина бақалоқ билан сўзлашиб турган новча хотин турганини кўрди. Новчанинг эғнидаги кўйлаги қора, калта кўйлак остидан тиззалари диркиллаб турарди.

Хотин Зухурхўжага лайча мушукка қарагандек, галати қараш қилди. У бўшгина, бироқ қизиқсиниб куз соларди. Тезда... унинг бу ҳолати ўзгарди: кўзлари сузилиб, лаблари табассумга келди. У Зухурхўжага яқинлашди... Зухурхўжа сурмадан ярақлаётган кўзларга қарагани тоб беролмай, елкасини букди ва ингичка қўлларига қарай бошлади. Новча хотин кичкина, озгин қўлчасини унинг тиззасига босди ва бирдан... уни чимчилади.

Зухурхўжа оёқларини четга тортди ва хотиннинг кулаётган кўзларига беихтиёр кўзи тушди-да, баланд тахтадан сирғалиб, оёқлари ерга тегар-тегмас, ўзини шахт билан дарвозага урди. У қоқила-суқила остонага етганида, ўзи ўйлаганидек, тоғасининг чақириқ овозини эмас, гулдураган мазах аралаш кулгини эшитди.

Зухурхўжа дарвозадан чиқди-да, ура қочди. У ўзини биров таъқиб қилаётгандай, Лабиҳовузга етгунича на бир қадамини секинлатди, на бир орқасига қайрилиб қаради. Лабиҳовузга етганидан сўнггина тўхтади ва орқа-олдига

миршабдан қочган ўғри сингари пусибгина кўз ташлади. Кўча бум-буш, тинч, шивиллаётган енгил тун шамолидан булак шарпа йўқ эди... У мана шундагина ҳозир борган ери — ўзи бир-икки эшитган «исловотхона» деган жой бўлиши кераклигини ўйлади... Ғаш тортиб, қунишди-да, шахдам босиб Кўкалдош мадрасасига кирди.

\* \* \*

Зухурхўжа истиқомат қиладиган ҳужра барча масжид ва мадрасалардаги ҳужралардан фарқ қилмасди. Бу гўша эски, шарқона ҳаммомлар ёки зиндонларни эслатарди. Усти косанинг ичидай силлиқ, қоронги ва дим, кичик бир туйнукдан булак дарча-деразаси йўқ эди. Ҳужрага ичма-ич ўрнатилган қўш эшиқдан кириларди.

Зухурхўжа ҳужрага кириб, вазмин ва қалин тош девор этагидаги ўринга чўзилди. У ёстиққа елкасини суяб, бир даста заъфарон ой нури тўкилаётган ягона панжарали баланд туйнукка гамгин тикилиб ётди.

Унинг бу кунги ҳолатлари хуррамлик ва хафақонликнинг, мамнуният ва гашликнинг, умид ва хижолатнинг аралаш-қуралаш қоришмаси эди. У ўзини шу гарибон тунда олдингидан ҳам зиёдароқ кимсасиз, гариб ва эзилгандек ҳис этди. Кўзлари олдига катта тоғаси келди. Ўзи қандай кичкина-ю, виқор билан юради, бўғилиб, бақириб, чийиллаб гапиради. Энди қизини бермоқчи, демак, кунда унинг инжиқ ва қайсар табиатига чидаш лозим. Кичик тоғасини ҳалигача билмасди, бу одам ҳаром нарсани ичар экан, оёғи суюқ экан... Иккиси ҳам бегона, кеча оқшом кўчада тўхтаб сўрашмаган Сухроб ҳам бегона, бошқа қариндошлар ҳам, бутун мударрис ва муллаваччалар ҳам бегона!

Зухурхўжага ҳужра торлик қилаётгандай, баҳайбат деворлар ўзини босиб келаётгандай туюлди. Шу ҳужрада яшаб, шу ўринда чўзилган, туйнукдан тўкилаётган шу бир даста заъфарон ой нурига гамгин тикилган одамлар кўп бўлганмикан?! Балки, элик йил бурун ҳам бир муллавачча шундай ҳолатни бошдан кечиргандир! Балки, юз йил бурун, балки, уч юз йил бурун, балки, боринги, беш юз йил бурун ҳам... қандайдир муллавачча шу ҳужрада кун кўрган, заъфарон ой нури қаршисида мунгайгандир, эзилгандир. Дунё нега гуноҳга ботган бундай гурбагхона?!



Бу каби уйлар Зухурхўжанинг юрагини гижимлай бошлади. Энди бу танг-у тор ҳужрадан кетса эҳтимол. Уй-жой, бола-чақа... Аммо ушанда ҳам худди ҳозиргидек исканжа, гусса, ҳасрат барибир юракни бешафқат эзади... Уйланади, бола-чақа кўради. Кун келиб эзма тоғасидан ҳам қутулади. Кейин-чи?! Кейин... кейин, барибир, яна умр, зерикарли, бекорчи, дардисар умр...

\* \* \*

Ёш бухороликлар фақат Олимхон тахтта ўтиргандан кейин утган етти йиллик салтанат давридагина эмас, балки бу амирнинг отаси — амир Аҳадхон даврида ҳам исёнкор эдилар. Аммо ақлли киши бўлган Аҳадхон уларнинг «шашти»ни сал қайтариб турар эди, холос. Улар ун беш йиллар давомида қандай қилиб эрка етишни ўйлаб келган эдилар. Шу давр ичида кўп «балалар»ни турли шарқ ва рус шаҳарларига «дунё кўксига қулоқ тутгани» юборган, ўша ерлардан газеталар, махфий китобларни Бухорога келтириб, тарқатишга муяссар бўлган эдилар. Бу ўн беш йил давомида неча карра очиқ, неча карра махфий мактаблар очдилар, ёлғиз кичкиналарга эмас, ҳатто катталарга кечки махфий мактаблар ҳам очган эди улар. Ёшлар энг аввал элнинг «қўзини бир оз очини» ва эл қўлига «чироқ бериб қўйишни» ўйлаган эдилар. Асосан, халқни саводли қилиш, маърифат тарқатишни истардилар. Эрк, деганда шуни тушунардилар. Улар шу ниятда «Бухоройи шариф» ва «Турон» номида газеталар чоп этган, булар тез орада ёпилгандан кейин, янги газеталар очиш хаёли билан то ҳамон талшиб келар эдилар. Ёшларнинг кўп аъзоси бўлмаган яширин ташкилоти бу ишларга раҳнамолик қилган эди. Раҳнамолар ташкилотнинг катта-кичик ҳар бир қадамини ёпиб юргувчи эди...

Шу куни, бу гапларни яхши билган Сухробга Бухоро ёшларининг парокандалиги хунук таъсир этди. Шу куни Сухроб Лабиҳовуз атрофида, Регистон ва бошқа катта майдонларда йигинлар ўтказаетган ёшларни кўрди. Бу одамлар орасида яширин ташкилот вакиллари ҳам, умуман ўзини «янги» деб билгувчилар ҳам, ҳатто ҳеч бир маслаги йўқ ва фақат шовқин-суронга ўч ёшлар ҳам бир талай эди. Булардан бирлари «Амир фармони чиқди, жанжал

тамом, ишимиз битди!» дегувчи бўлса, бирлари «фармон бизга обрў берди, кучимизни кўрсатди, тантана намунаси қилиб намойиш ўтказиш лозим. Намойишдан кейин бошқа ишларни ўйлаб оламиз» дегувчи эди. Ҳар иккала мулоҳазага ҳам қўшилмаган учинчилар: «амирга бу олий фармон учун ташаккур билдирмасак бўлмас!» – дер эдилар.

Ҳар қалай намойиш нафаси келар эди. Бироқ нима учун намойиш ўтказилиши кераклигини тушунадиганларга қараганда, шунчаки байроқ кўтариб намойиш ўтказишни истагувчилар кўпроқ эди.

Кеч кирди...

Суҳроб сўзлашгани ва ўз фикрини билдиргани «нўғой домла» деган янги мактаб муаллимларидан бирининг уйига борди. Кичкина соқолли татар чол баланд супа четида, Суҳробга яқиндан таниш ёшлардан бири Далилбек исми қаримсиқ, сўлгин юзли йигит билан сўзлашиб турарди. Учов супа юзидаги гиламчага ўтиб ўтирдилар, Суҳроб бошда чолдан ҳозирги аҳвол ҳақида фикрини сўради.

– Народ аёққа турган... – деди чол. У фармон баҳонасида Бухоро аҳли иккига бўлинганини ва икки гуруҳ ҳам бугун қўзғалиб, чайқалганини айтди. Бироқ намойиш ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида аниқ гап айтмади.

– Фармон баҳона... бир кўчага чиқиб кўрамиз, – деди Далилбек.

– Унда... икки тоифа тўқнашиб, кўп қон тўкилур, – деди Суҳроб. – Икки томон ҳам биргина халқ. Мусулмон фарзанди! Элнинг қони тўкилишига йўл қўймоқ гуноҳ-ку...

– Амирдан ижрони талаб қиламиз! – деди Далилбек. – Бу олдинга бир қадам ташлаш бўлади.

– Бир бошли одам икки кўчадан юриб кетолмайди, – истехзоли кудди Суҳроб. – Амирни ўз кўчангизга солманг. Фармон номига бир қогоз...

– Фармон бизга ён бериш, амир учун мажбурият бўлганидан далолатдир, – деди Далилбек. – Тантана намунаси қилиб, намойиш ўтказишимиз лозим.

– Унда... амир сизга ўқ узади... У муллолар томонга, ўз кўчасига ўтиб олади.

– Сиз амирга адоватли қарайсиз, – деди Далилбек.

– Ҳар қалай, муҳаббатли қарашга ҳаққим йўқ, кўнглим ҳам буюрмайди, – деди Суҳроб.

Далилбекнинг қаримсиқ юзи шу оқшом очилиб кетган, митти кўзларида голибона учқунлар ёлқинланар эди. Суҳроб кутаринки кайфиятдаги йигитнинг қаршисида туриб «у амирдан марҳамат кутаётир» деган хулосага келди ва кўп йиллик дустининг бу ҳолати унга алам қилди.

– Ман кўп урус шаҳарларида бўлдим, – деди Суҳроб мулойимлик билан. – Улар ўз шоҳидан марҳамат кутиш нималигини кўрган, энди марҳамат кутмайдиам... Бизда ҳамма амирдан марҳамат кутяпти...

– Эҳтимол, – деди Далилбек. – Ҳар ерда шароит ўзга бўлади. Уруслар ўзга, биз ўзга...

Улар гаплари чиқишмай хайрлашдилар. Татар чол то охир бошқа огиз очмади, чамаси, унинг ўзи ҳам равшан бир фикрга келмаган эди.

Суҳроб уйга қайтди ва яна бир қур боши осмонга етган, хаёллари тўзгиган Иқлима биби бу кеч супа юзига ўзи учун солиб қўйган ўринга кирди. Баландга кутарилиб, ҳовли бошида сузган ой ҳовли юзини мунаввар қилган эди. Суҳроб ҳеч нарсани ўйламасдан тонг оттиришга, эртаги кун нима беришини эртанинг ўзида кўришга қарор қилиб ухлаш учун кўзини юмди. Бироқ салгина мизгимасдан, кўзлари қайтиб очилди, уйқуси қочди. Ой ёнбошлаган, томга келиб қўнаётганга ўхшарди. Суҳроб ўрнидан оҳиста қўзғалиб, уст-бошини кийди. Белидаги белбоққа ханжар тақди ва онасини безовта қилмаслик учун, оёқ учида юриб, оҳиста чиқиб кетди.

Кўчалар тун бағрида жимжит эди. Огзига қопми, гиламчами тортилган савдо дўкончалари атрофида фақатгина битта-яримта қоровуллар айланиб юришар, одам шарпаси кўринганда овоз беришарди:

– Ким-ду-ур?...

Суҳроб қоровуллар учун яхши жавобни билар эди:

– Ошно-о!

У қўллари орақасида бириктириб, гузардан гузарга, кўчадан кўчага ўтиб борар, ёшлар ва мулалар орасида бошланган бу низо «Айний, Фитратлар гапириб юрадиган миллат дарди, озодлик»ка ҳеч бир ўхшамаслигини ўйларди. Шу билан бирга, отасининг бўғзига пичоқ тортирган, ўзига қаттол ганим бўлиб қолган табиатан жоҳил Олимхондан ёшларнинг кўплари, жуда кўплари марҳамат кутиб келганига, ҳозир «инсофга кирган» амирдан рози ва ризо эканлигига ақли етарди. Бу унга алам қилар, жони бўғзига келган эди.

Суҳроб мана шу жимжит кечада, ҳар эҳтимолга қарши шаҳардан саломат чиқиб кетиш йўлини ҳам топиб қўйди. Бу — эскирган ҳовуз сувларини даштга олиб чиқадиған ифлос хандақ эди.

Йигит мана шу жимжит кечада яна бир қатла қабристонга отасини зиёрат қилгани борди ва қабр бошида чунқайди, узоқ ўтирди.

... Уфқ қизариб, қуёш ўз найзаларини ярқиратиб чиқди...

Суҳроб Лабиховузга келди ва «ёшлар маркази» бўлған янги, «урус иморат»да тўпланған оломонни кўрди. Худди кеча Далилбекда кўринған ҳолат кўп ёшларда намоён — уларнинг юзлари очилиб кетган, кўзларида голибона учқунлар чақнар эди, кўплари ҳамон огиз тулдириб фармон ва амирдан гапирардилар.

Кеча Суҳроб Далилбекка айтған гапларини, бу ердаги ҳар бир одамга бирма-бир айтиб чиқишдан фойда йўқлигини англади. Шу билан бирга, улар орасидан кетиб қолиш ва кўрқоқ қочқинга ўхшашни ҳам ўзига муносиб кўрмасдан, шу ерда тура қолди.

Кўп ўтмай... байроқлар кўтарған оломон Регистонга йўл тутди. Бироқ йўлнинг ўзидаёқ ҳар бир пастқам кучадан, тор-у танг гузарлардан қўлига тушған яроқни илиб чиққан уламолар тўда-тўда бўлиб кела бошладилар. Улар ҳам кўпчилик эди.

— Ур-р!

Икки орада сурон бошланиб кетди. Сўнг... қўллар ёқаларга чирмашди, ҳавода ханжар ва пичоқлар дами ялтиради, бошлар устида таёқлар уйнади.

«Бу муллалар жоҳиллиги аниқ. Аммо ёшлар-чи? Улар ота-боболар йўлидан кечиб, халқни қаёққа олиб боришмоқчи?! Улар истаған «эркинлик» — тараққиёт халққа, мамлакатга бахт келтирармикан?!»

Кўп ўтмай... «тўполонни тинчитмоқчи» ва унга сабаб бўлған ёшларнинг адабини беришга бел боғлаган отлиқ амир сарбозлари пайдо бўлдилар. Улар дуч келған ёшни урар, абгор қилгач, отга босиб, зиндонларга, ҳибсхоналарга олиб кетар эдилар...

Суҳроб ханжарни қиндан чиқарди. Шу пайт... узоқдан ўзи томон шахт билан келаётган, кўзлари оловга айланған митти одамни кўрди. Бу — унинг тоғаси Ҳомид шайх эди, шайх ҳассасини бошига кўтарганди. У «ҳаҳ, сани-ю, ҳаҳ,

кофирни...» дея бир лаҳзада бостириб келди ва жияни ўзига ҳамла қилмаслигига ишониб, уни савалашга шайланди. Тугри, Суҳроб унга ҳамла қилмади, фақатгина бир қули билан салгина нарига суриб қўйди, холос, мударриснинг ун қадам йироққа сурилиши учун, шунинг ўзигина кифоя эди.

Бир-бирига ганимдай тўқнашган тоға-жиян — бир умр яқин, илиқ муомалага киришолмаганлари сингари, муштлашишсиз бир-бирларидан узоқлашдилар.

Суҳроб устига бостириб келаётган сипоҳиларга ҳамла қилди. Тоғдай йигитнинг гавдаси оломон ичида яққол кўриниб турар, у қаёққа ҳамла қилса, ўша ердаги кишилар пароканда бўлиб, ўша ер очилиб қолар эди.

Йигит ўзи энди сипоҳилар ҳалқасида қолаётганини сезди. У бир сипоҳини отидан аганатиб, узангига оёқ босди... одамлар унинг кўча этагига ўтиб олганини кўришди... сўнг... унинг тоғдай гавдаси бир у, бир нариги томда кўринди-да, кўздан йўқолди...

...Баҳор нафасидан сўлиган хунук тиканаклар ва қизил гуллар билан қопланган кенг даштдаги сўқмоқда бораётган Суҳроб, оҳиста пичирларди:

– Қонхўр амир, шу билан вассалом деб ўйлама... мени кут... мен, албатта, қайтиб келаман...

У қум юзида чуқур излар қолдириб, уфқ томон борар эди.

\* \* \*

Мана шу қаро шанба кунда Ҳомид шайх худди жума кундаги сингари бир улуш Қуръон ўқиган, сўнг энқайиб кўзларини чирт юмган эди. Эрталабки пайт, кучадан номаълум шовқинлар келар, мударрис «энди нима гаплар чиқяпти экан?» деб ўйлаб ўтирарди. Худди кечаги кундагидай дарвоза тарақлаб очилгандек бўлди. Ҳовлидан оёқ шарпалари келди ва хона эшиги гижирлаб очилди.

Мударрис кўзларини очиб, бошини кўтарди. Қараса, пойгакда Зухурхужанинг ёлғиз ўзи қалтираб, соядеккина бўлиб турибди.

– Кел, ўғлум, – деди мударрис ва унга ўтиргани жой кўрсатди.

Зухурхўжа пойгакнинг лабгинасида, ўзининг доимий одатича, биқинибгина ўтирди.

– Бу ёқда утмайсанми, мундой одамга яқинроқ ўтирсанг нима бўлади? – меҳрибон койиш билан сўз қотди Ҳомид шайх.

Зухурхўжа бир баҳя юқорига сурилди.

– Тогожон, мадрасага бормадийизми? – сўради у астагина.

– Аёқ ҳеч ерга тортмайди, – деди мударрис инжиб. – Кўп ланжман... – шу пайт кўчадан гувиллаб бир шовқин утаркан, у телбалик билан сўради: – Бугун кучада боз нима шавқун?!

– Билмадийизми, тогожон? – пичирлади Зухурхўжа. – Жадиждлар кўчага байдоқ олиб чиққан... Ҳозир муллолар билан икки ўртада ур-сур...

– Рост гапни айтяпсанми? – хириллади мударрис ва елкаларини кутариброқ ўтирди.

– Ҳа, рост, тогожон, – кўзлари жавдираб, ботинмайгина тушунтира кетди Зухурхўжа. – Наҳорда маҳсимни яматай деб бозорга бордим. Йўлга қарасам, Девонбеги хонақоси олдида бир тўп муллони кўрдим... Бу ёқроқ, келсам, ёнимдан Далилбек деган жадижд шипиллаб ўтиб кетди. Кўчада ҳар қадамга жадиждлар юришипти... Бозорга бордим, тогожон, маҳсимни яматиб қайтиб келсам, мадраса олдида тўполонни кўрдим... Ман шу тўполондан қочиб бу уйга кирдим, тогожон...

– Сан нимага қочасан-а, нимага қочасан?! – қўққисдан чийиллаб юборди мударрис ва узининг катта ёшига, салобатли, киборона ҳаракатларига мос келмаган бир тарзда ўрнидан ирғиб турди. У шу дамдаёқ бошини чангаллаб, салласини қўлига олди-да, ерга урди. Сўнг... эшикка ошиқди. Остонадан ўтгач, ногоҳ узини қайтиб орқага тортди, пойгак бурчида деворга тиркалиб турган учи чўқморли ҳассасини қўлга олиб, Зухурхўжага яна бир бақирди:

– Санга қиз йўқ, аҳмақ! Сан палидга ман ота бўлдимми?! Кет, иккинчи кўринма кўзимга, аблаҳ... Бедин-у бейймон...

Сўнг... мударрис чиқиб кетди.

Зухурхўжа яктаги ёқаларини маҳкам чангаллади ва анча вақт остонага бақрайиб тикилиб қолди. Сўнг, ошиқмай калима ўгира бошлади... Сўнг, кафтларини кенг ёзиб, қўлларини очди:

– Худовандо, ўзинг марҳамат қил!.. Майли, ман жабр-у жафо кўрай, ман бедин эмасман, бейймон эмасман. Худоё, дину миллат бир эмасми?! Икки ёқдан бу гумроҳлик, бу исён... Ўзинг марҳамат қил!

У юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди, шошилмай кўчага чиқди ва деворлар этагидан соядек судралиб, қаёққадир кетди.

\* \* \*

Кўчаларнинг тўс-тўполони чиққан, расталар берк, ваҳший бир ҳайқириқ гувиллар эди:

- Ким у, Худо ишларига аралашмоқчи бўлган осий?!  
– Шариат хор бўлдимۇ, Худо санларга ўйин бўлдимۇ?  
– Ур-р!

Муллоларнинг қўлларида таёқлар ўйнар, уларнинг кўзлари қиндан чиққан, саллалари паришон бўлиб, бошларидан бўйинларига тушиб ўралган, айримлари уларни ерга урган, ҳаммалари бирдай бўғила-бўғила қичқирар эдилар. Бу ваҳший суронни оралаган отлиқ амир сипоҳилари бош узра қамчи кўтарган эдилар. Кетмон ва кетмон даста, болта ва пичоқ кўтарганлар кўп эди.

Ҳомид шайх кўчада шуларни кўрди. У муллолардан ўзини ҳимоя қилиб, ҳавога қўл кўтарган, кўпчилиги яроқсиз ёшгина йигитчалар бўлган исёнкорларни ҳам кўрди. У оломон денгизига ёвуз бир фарёд билан ташланаркан, дарровгина хира кўзлари олдида ранг-баранг саллалар, тўнлар, узун ва калта қўллар, турли-туман қиёфалар бир-бирига қоришиб кетди. Мударрис қўлидаги ҳассани баланд кўтарди ва ёнидан ўтаётган бир йигитнинг бошига солди. Йигитнинг бўйни қилтираб, боши унга томон ўгирилди. У жон ҳолатда бақрайган кўзларни, сўлгин бир юзни кўрди. Зухурхўжанинг «ёнимдан Далилбек деган жадид шипиллаб ўтиб кетди», деган сўзлари қулоқларида қайта садо берди. «Саҳардан кўчага чопган лаънати санми?!» деди ичида мударрис. Шу пайт йўлнинг иккинчи четидан «ур-р!» деган бақриқни эшитиб, шошқин қаради, у ёқда салласини бўйнига ташлаб бораётган «кўчаси йўқ» Маллажонни кўрди-да, бошда ҳайратланди, кейин руҳланиб кетди. У ўз олдида телбанамо чайқалиб турган Далилбекнинг бошига яна бир зарба берди. Бироқ... Шу замон ўзининг ҳам

юз-күзи аралаш бир зарба муҳри тушди ва у ҳозиргина оёқлари остига йиқилган Далилбекка қоқиниб, унинг устига қулади. Шу лаҳзада қандайдир отлар яқингинадан дупур-дупурлаб ўтгандай бўлди. Ҳомид шайхга бир оқ отда Сухроб, ҳалигина ўзини силтаган Сухроб кўрингандай туюлди, аммо аслида у кўриндими ёки фақат шундай туюлдими, ҳаттоки дупурлаган отларнинг ўзи ҳам хаёлида кўриндими, буни билолмади. Оғзида кўпирган шўр бир нарсадан кўнгли беҳузур бўлиб, боши оғирлаша борди ва Далилбекни ҳалигина қузғундай чангалга тортган мударрис энди унинг жасадига бошини сўйкади. Дардига дармон излаб, бу озгин жасадни мулойим қучди... Одамлар сурони шагилаган дарё бўлиб телба оқар, дагал оёқлар қулагайларни топтар эди.

Ҳомид шайхнинг кўзлари олдида қуёш шуълалари сўниб, туман тарала бошлади. Туман ичида Сухроб, қўлга илинмаган, ганимга айланган Сухроб сузиб ўтди. Сўнг, боши икки бўлиши насиб этмаётган, яна қисмати пайсалга тушган хунук ва бадбахт Назокат кўрингандай бўлди. Кейин соядеккина Зухурхўжа зулмат туманида кўринди...

Мударрис ноҳос... қуюқ туман ичида икки пиёла лим-лим қонни кўраётгандай бўлди. Шу дам улардан тепароқда қалин, қора бир чизиқни равшан кўрди. Бу нарсалар энди кимнингдир қош-у кўзларига ўхшади. «Азроил бўлса керак!» – уйлади мударрис ва ўрнидан иргиб туриб уйи томон қочгиси келди. Бироқ тебранолмади. Ўша кимса унга чангал солди ва чамаси елкасигами, бошигами даст кўтарди. Кейин, қандайдир дарвозаларнинг ҳалқалари, қандайдир деворлар, қандайдир ноаниқ соялар кўз олдидан тебраниб ўтди. Мударрис Азроил деб ўйлаган кимса қандайдир ним қоронги гушага кирди. Мударрис ўзининг ерга гуширилганини сезаётгандай бўлди. «Лаҳат... тамом!» – уйлади у. Худди шу дамнинг ўзидаёқ, қулоқларига тўнгилаган бир овоз урилди:

– Сан қари аҳмаққа бало борми, мунча типирламасанг...  
Ул!

«Нимага мундой сўқади, – уйлади мударрис. – Тавушидан Ҳамидга ўхшайди. Азроилми ёки Ҳамид?!»

Бу сўроққа у барибир жавоб тополмади.

Қандайдир аёлнинг мингилагани эшитилаётгандай бўлди, афтидан, мударриснинг хотини бўлса керак:

– Вой, манинг маҳрами жоним...



Ҳалиги тўнгиллаган кимса яна тўнгиллади:

– Овоз беришга ҳожат йўқ! Улди деб ўйлама, бу дарров ўла бермайди.

Сўнг мулойимроқ сўз қотди:

– Узи аёқ остида ётганини кўриб қолдим-у кўтардим-да, олмасам ўлайди-кетайди... қари аҳмоқ-да бу, типирлаб бунга бало борми?!

\* \* \*

Шанба кунининг беҳосият, беумид ва бефайз оқшоми чўқди.

Қурбонлар, йиги-сиғи, қўрқув ва безовталиқ кўпгина хонадонларнинг чақирилмаган қўноғи эди. Масжидлар саҳнида одам жасадига тўймаган совуқ тобутлар огзини очиб ётар, эрта ё индин узилажак жонларга мунтазир эди. Куча-қўйлардан бемадор уламоларни уй-уйига ташишар, табибларнинг қўли қўлига тегмасди. Ҳар қандай янгиликка, ўзгаришга ашаддий ганим бўлган уламолар типирчилаб, жон сақлашга, яна ёшларга қарши қомат тиклашга умидвор эдилар. Уларни «эрк» мушти қайтиб туролмайдиган ҳолатга келтирган эди... Шоҳлик аравасини билмаган ёш бухорийларнинг белини арава гилдираги буккан ва улар кўнглидан шу куни нафрат, олдин ҳеч сезилмаган беқиёс нафрат илк дафъа ингроқ билан чиқа бошлаган эди.

Худди шу куни... бепоён дунёга ўзини муқаддас деб танитган, номи замонлар буйи дунё қулоғида жаранглаган кичкина ва хароб Бухоронинг бағридан мовий апрел осмонига қўланса қон ҳиди ва аччиқ фарёд кўтарилди...

\* \* \*

Шу куни амирдан марҳамат кутган кўп ёшларнинг ёстиги қуриди. Кўп ёшлар ҳовли-жойларини, тирикчилик асбоб-ускуналари, ашқол-дашқолларини ташлаб, Бухородан тўрт томонга тумтарақай бўдилар. Амир сарбозлари панжасида қолган ёшлар қалъа девори этагидаги зах зиндонга ва арк йўлагидаги каталак маҳбусхоналарга тушдилар. Зарбалардан дабдала, уст-бошлари қонга беланган бўлиб, ўз имконлари даражасида халқ, миллат тақдирини ўйлаган ёшларни дарра, дор ва ўлим кутарди.

## ВАЗИФА

*Вазифанг оғир!..*

*«Алишер Навоий» драмасидан*

– Умар Қосимович, телефон!.. – деди эшиқда кўринган котиба.

Олдида бир даста қогоз бетартиб сочилиб ётган Умар Қосимович хаёли бўлинганидан инжиган алфозда унга қаради.

– Азизов... – қўшимча қилди котиба илжайиб.

Умар Қосимович ҳушёр тортди... Азизов — идора бошлиғи; бирон ҳафта тоби бўлмаган, ундан сўнг яна бир ҳафта вилоятга кетган эди. Бошлиқ доим шундай кутилмаганда идорага келиб қолар (у бировга ҳисоб бериб ўтирмасди), ходимлар қанчалик сергак туришмасин, барибир уларни ҳар гал доводиратиб қўярди.

Умар Қосимович алланечук ҳаяжонланиб, муҳим бир ишни бажараётган одамдек эътиқод билан трубкани кўтарди.

– Ассалому алайкум, Акмал Турсунович!..

– Салом, – бир оз ҳоргин, бир оз ланж кайфиятда жавоб қайтарди Азизов.

– Яхши келдингизми? С приездом!

– Раҳмат, – деди Азизов қуруқроқ оҳангда. – Мен томонга бир келиб кетсангиз...

Умар Қосимович, ҳозир ёки ҳўп бўлади, демоқчи эди, аммо иккисидан бирини танлашга улгуролмади — қисқа гудок эшитила бошлади. У, ҳамон бунинг аҳамияти бордек, трубкани эътиёткорлик билан урнига қўйди.

Эшиқдан қараб турган котиба ҳануз нари кетмаган эди.

Ёши ўтгизлар атрофидаги кўримсизгина бу жувоннинг эшиқни тутиб, худди нимадандир суюниб турганга ўхшаб, ҳадеб илжаявериши Умар Қосимовичга ёқмасди. Аммо у аёлларни ўзича яхши кўрар, уларга бефарқ қарамайдиган феъли бор эди, шу боисдан, котибанинг бундай «эрка»лигидан кўз юмишга ҳаракат қиларди. Ҳозир ҳам, котиба кетсин, деб унга жавобан синиққина жилмайиб қўя қолди.

Азизов ишда бўлса бас, баъзан кунига бир, баъзан бир неча марта қўнгироқ қилиб, Умар Қосимовични ҳузурига

чақирар (афтидан, котиба орқали чақиришни раҳбар ходим учун камситиш деб ўйлаб, шахсан, мен томонга бир келиб-кетсангиз, дерди), Умар Қосимович кириб боргач, унинг қўлидаги идора қоғозларига узун, ингичка хат тортиб, имзо чекар, ҳар сафар янгидан ишнинг қандай кетаётганини обдон сўраб-суриштирарди.

Бошқа кўпгина идораларда бўлганидек, бу ерда ҳам бошлиқнинг хурсанд ёки таъби хира эканлиги ходимлар учун муҳим эди. Бугун Азизовнинг шашти пастлигига шакшубҳа йўқ, буни Умар Қосимович икки огиз гап-сўздан дарҳол ҳис этган эди.

Шу тўғрида ўйлаганича, у шошмасдан, имзо чекиладиган қоғозларни тўплади. Кейин, уларни идора номи муҳрланган жид орасига солганча эшик томон қадам босди.

Калта кўйлак кийиб, сочини елкасига ёйиб ташлаган бир қиз йўлакда негадир у ёқдан-бу ёққа юриб турарди.

– Сиз мени кутаётганингиз йўқми? – деб сўради, бу қиз ўзини кутмаётганини билса ҳамки, Умар Қосимович тухтаб.

– Йў-ўқ, – деди қиз чўзиб, унга бақрайиб қараганча.

Бошини эгиб ва чуқур хўрсиниб қўйиб, йўлида давом этди Умар Қосимович.

Маданият-маърифат ишлари бўйича бўлим беш қаватли бинонинг бешинчи қаватида, Азизовнинг кабинети эса биринчи қаватда эди.

Зинадан тушаётиб, Азизов шу палла кабинетда ташвишли, андак асабий қиёфада ўтиргани Умар Қосимовичнинг кўз олдига келди.

У, идора — катта, бошлиқнинг иши — қийин, ташвиши кўп, гоҳо беихтиёр асабийлашмаслиги мумкин эмас, деб билар, Азизовга меҳр билан қараб, аксар кўнгли ачирди. Шу боисдан, Умар Қосимович, одатда бошлиқдан келган пасти-баланд муомалани ҳам ўзига огир олмас, телефондаги боягидек расмий, кескин оҳангдан ҳам тезда инжийвермас эди. У ҳар қандай шароитда ўзини унутиб, бошлиқнинг ташвиши, дардини имкон етганча, ҳеч бўлмаганда ширинсуханлик қилиб, енгиллатишга ошиқарди.

Умуман, бошлиқнинг унга муносабати яхши эди.

Идорадаги бошқа ходимлар билан ишдан бўлак нарса устида деярли гаплашмайдиган, табиатан сўзга хасис — Азизов, Умар Қосимович билан иш санжоб бўлган пайтлар

кабинетда яйраб ўтириб, турли мавзуларда, саломатлиги, уй-рўзгори, бола-чақасига тегишли «гурбат»лар тўғрисида ҳам суҳбатлашаверар эди. Бу илтифот, дўстлик нишонаси эди. Ҳар ҳолда, Азизов идорада ҳаммага бир кўз билан қарагандек бўлса ҳамки, хизматчилар орасида Умар Қосимовичга унинг муносабати бошқачароқ эканлиги ҳеч кимга сир эмасди.

\* \* \*

Азизов уни хона ўртасида қаршилади, лоқайдроқ кўришиб, индамай, тўрдаги курсига ўтиб ўтирди.

Умар Қосимович ҳам ён томондаги курсидан жой олди ва имзо чекиладиган қоғозларни бошлиққа узатди.

Азизов асаби таранглашган пайтлардаги одати — бўйни, елкаларини қисиб, қандайдир қунишган кўйда қоғозларни бирма-бир кўздан кечира бошлади.

Умар Қосимович ёши қирқдан ўтиб, идоралардаги йигирма йиллик хизмати давомида ўзи учун шундай ҳикматни кашф этган эди: бошлиқнинг жаҳли бурни учидан турган пайтда, уни елпишга уриниш телбалиқдан бошқа нарса эмас, ўз шамолинг ўзингни учириб кетиши мумкин. Сабр-бардошли бўлиш керак. Бошлиқ сенга беихтиёр дардини «ёра» бошлаб, жилла енгил тортса, унда сен ҳам елпиб, бошлиқнинг кўнгли буткул ёришишига ҳисса қўша оласан,

У, айниқса, Азизов билан муносабатда шу ҳикматта риоя қиларди. Азизовни қадрлагани, ўз бошлиғига сизиниб яшаганидан, бехос гашига тегиб, озор етказишдан қўрқарди.

Мана, ҳозир ҳам Умар Қосимович бошлиқнинг қўйма, пишиқ гавдаси, бугдойранг юзига аҳён-аҳён кўз остидан итоаткорлик, мутелик билан беозор қараб қўйиб, профессор ҳузуридаги талаба, генерал олдидаги аскар сингари қимтиниб, одоб сақлаб ўтирганича, Азизов қоғозларни кўриб чиқиши, нима ҳақда, қайси йўсинда бўлмасин, гапга оғиз жуфтлашини кутди... Кейин, ҳаммаси, одатдагидек, ўрни-ўрнига тушади, деб умидланди.

Шу аснода у катта, ойнабанд деразадан тушаётган қуёш нурларига тикилиб, ўзича хаёлга толди... Уч йил бурун поездда Азизовни тасодифан учратганини эслади (инсигутни битиргач, курсдонларидан кимдир икки йил,

кимдир беш йилда омади келиб, мансаб, мавқе эгаллаган, ammo Умар ўтган йигирма йилдан ўн етти йил маданият уйлари, истироҳат боғи, иш топилган жойда оддий хизматчи бўлиб, «соя»да, «пана»да юрганди; у Азизовни билар, Азизов уни танимас эди). Ушанда улар ҳамроҳ сифатида шунчаки ундан-бундан суҳбатлашишганди... Орадан кўп ўтмай, бир куни кўққисдан Умарни Азизовнинг қабулига чақиришди. (У поезддаги учрашувга ортиқча аҳамият бермаганди, каттакон бирон иш буюрмоқчи бўлсалар керак, деган хаёлда қабулга бўйнига арқон солингандек ноилож борди.) Азизов уни очиқ чەҳра билан, кулимсираб қаршилади. Сўнг эслаш ҳам ноқулай, унга умрида биринчи марта, Умар Қосимович, деб мурожаат қилди. «Мен сизни ўша поездда кўришган пайтимиз кўз остимга олгандим, яна кузатдим, Умар Қосимович, – деди Азизов. – Сиз тўғри, ҳалол одамсиз. Шундай одамлар керак менга!» Азизов худди шу куни дабдурустан уни маданият-маърифат ишлари бўйича бўлимга бошлиқ қилиб тайинлади... Умар Қосимовичга бу воқеалар ҳамон бир тушдек туюларди. У хушомадгўйлик ёки «катта»дан ҳайиққани учун эмас, Азизовнинг олдида ўзини азбаройи бир умрга қарздор деб билгани учун ҳам, меъердан баъзан, ҳаттоки жилла ошиқ даражада, фидойиларча муносабатда бўлишга одатланган эди...

Азизов олдидаги қогозларни кўриб бўлиб, айримларига имзо чеқди, айримлари тўтрисида, мен бир уйлаб кўрай, деди. Бир қисмини Умар Қосимовичнинг қўлига қайтариб берди: яхши ўрганмасдан ёзаверманглар, қогозбозликка бало борми!..

Умар Қосимович бугуноқ ҳаммасини қайтадан текшириб кўришни бўйнига олди. Ниҳоят, бошлиқ пружинали креслони ўйчан нари-бери суриб ўтирганча, савол ташлади:

– Ҳалиги... Муся ишдами? Юрибдими?!

Бу — Умар Қосимовичнинг ўринбосари, фамилияси Муслимов, ёши эликдан ўтган киши... Лекин сочини буяб пахмайтириб, олачалпоқ куйлак кийганча ўсмирларга ўхшаб юрганидан, Азизов уни ёқтирмай, «Муся» дерди.

Бошлиқ шу асно Муслимовни нега сўраётган экан?

– Юрибди, – гудраниб қўйди Умар Қосимович.

– Мен тутримда шу одамингиз ҳам ёзадими, дейман!  
– Унга синчков тикилиб, суришгирди яна Азизов.

– Тунгиллаб юради-ку, лекин у ёзмайди, – деди Умар Қосимович худди ўзини ҳимоя қилаётган айбдор киши оҳангида. Бировни азбаройи ноҳақ ёмонлашдан қўрққани ва бўлимдагиларни бошлиқнинг олдида гажишни жини суймаганидан шундай деди.

– Бу ўзи қанақа идора, тушунмайман, – деди энди алам билан Азизов. – Ун йилдан буён аҳвол шу!.. Бирон йил йўқки, уч-тўртга шикоятнома тушмаган бўлса! Чапараста қилиб, имзосиз ёзаверишади. Ўқиб, ҳайрон қоласан, мендан тубан, мендан қабиҳ одам йўқ, гуё. Тавба!

Улар қанчалик суҳбатдош бўлишмасин, олдин ҳеч бу ҳақда гаплашишмаган эди. Умар Қосимович бошлиқнинг устидан баъзан «думалоқ хат»лар тушиб туриши, идорага йилида икки-уч марта комиссия келиб кетишини биларди. Аммо аҳвол шу қадар огирлиги, Азизов бундан не чоғли изтироб чекишидан беҳабар эди. Шу дамда унинг бошлиққа нисбатан кўнгли ҳар қачонгидан ҳам кўп ачишди, бошлиқнинг номаълум душманларини бирма-бир топиб-тутиб, ўз қўллари билан нақ бўғиб ташлагиси келди.

– Соғлиқнинг мазаси йўқ. Юрагим ёмон, – жазаваси тутиб, тугоқиб сўзида давом этди Азизов. – Шунга қарамай, жонимни жабборга бериб ишлайман. Қани, биронта одам билса!..

Умар Қосимович бундай пайтлардаги одатича, ширинсуханлик қилиб, имкон етганча, Азизовнинг кўнглини кўтаришга уринди.

– Бу ҳаммаси ўтиб кетади, Акмал Турсунович. Битта-иккита ифлос одам доим топилар экан дунёда. Буюк кишиларга қанча тош отишмаган. Сизнинг қадрингизга етадиган одам ҳам кўп. Ёзса ёзаверсин, шунга азобланиб, қайгуриб утирасизми? Катталар ҳақиқат қилишар, ахир! – деди у ҳар бир сўзига меҳрини қўшиб.

– Ҳа, майли, – деди деразага энди ўйчан, афгидан, ўз хаёли билан бўлиб, қараб қолган Азизов. Умар Қосимович бу гапни кетиш мумкинлигига ишора деб ўйлаб, ўрнидан қўзгалди. Аммо бошлиқ у томон ўтирилиб, дабдурустан сўради: – Сиз, ҳалиги... Бухорога бориб турибсизми баъзан?

Бутун хаёлини Азизов, Азизовнинг бошидаги ташвиш эгаллаган Умар Қосимович учун бу томдан тараша тушгандек бўлди. (Бошлиқнинг кайфият-ҳолати, бутунги суҳбатга унинг ёки Бухоронинг нима алоқаси бор?) У саволга сал паришонланиб, шунинг баробарида, анча лоқайд жавоб қайтарди.

– Бориб турибман, албатта. Тугилиб-ўсган жойим, – деди Умар Қосимович. – Лекин, тўгриси, кейинги пайтлар бир оз... Иш кўпайиб кетди. Ундан ташқари, чол-кампир қазо қилишиб... унча маъно йўқ...

– Нега? – жабланди Азизов. – Жигарларингиз-чи? Синглингиз? Акангиз? Улардан хабар олмайсизми?

– Улар ўзлари доим келишади, – деди шошиб Умар Қосимович.

– Очиқ айтаверинг, қанча бўлди бормаганингизга? Бир йилми, икки йилми? – деб сўради Азизов бу гал яқин кишиларга хос меҳрибон жилмайиб ва шу билан бирга, қандайдир кескин, талабчан оҳангда.

– Бир-икки йил, – деди Умар Қосимович баттар довдираб.

– Аниги?

– Икки йилча бўлди, адашмасам, – қийналиб гудранди Умар Қосимович.

– Яшанг! – деди Азизов. У пружинали креслони нари-бери суриб, негадир чуқур ўйга толгандек бўлди.

Бу орада бушашганча қайта ўрнига ўтириб олган Умар Қосимович манглайини тер босиб, муаллимга юзлашган интизомсиз мактаб боладек, ўз тирноқлари остидан узи кир қидира бошлади. Бошлиқ анчадан сўнг унга қаради.

– Мен кеча Бухородан келдим, – деди Азизов. – Бир даврада менга акангизни кўрсатишди...

– Акам? Сиз кўришдингизми акам билан? – Қизиқиш ва зўраки суюнч қоришган аянчроқ бир кўйда сўради Умар Қосимович. Унинг саволида, наҳотки акам сизга мендан шикоят қилган бўлса, деган қўрқинч, ҳадик ҳам бор эди.

– Кўришадиган аҳволда эмас эдилар акангиз, – деди Азизов. – Кулгили... Ичиб, яна муллагилилик қиларкан у киши қишлоқларда...

Умар Қосимович бошлиқдан бепарволиги учун койиш эшитаман, деб ўйлаганди холос, гапнинг бундай якунланиши хаёлига ҳам келмаган эди.

Унинг биринчи таассуроти: ўзини гўёки ҳозир ер ёрилса, кириб кетадигандек ҳолатда ҳис этди. У акаси учун хижолат чеккандек, шунинг баробарида, аллақандай ҳақоратлангандек эди — вужудида бу туйғулардан қайси бири устунлик қилганини айтиш қийин эди. Кўп ўтмай, Умар Қосимович эгилган қоматини сал тиклади. Аммо у ўйланиб, барибир, бошлиқнинг гапига жавобан ҳеч нарса деёлмади. Нафаси ичига тушганча, яна лол қотди.

Азизовнинг креслода тебраниб ўтириб, йўл-йўлакай айтган икки оғиз сўзи унга фавқулодда таъсир этгани бежиз эмас... Бир лаҳза бурун Азизовга Умар Қосимович, улар ўзлари доим келишади, деб шунчаки айтган-қўйган эди. Аслида эса у кўпдан буён акасини кўрмаган эди. Синглиси сўнгги йилларда Умар Қосимович билан бирми, икки дийдорлашган, аниқроғи ёз, сафар пайти йўл устида уйга бош суққанди. Бироқ ҳамма бало шундаки, тўнгич акаси тўғрисида бу акасига у ҳам ортиқча оғиз очмаган, ўшанда «акам юрибдими», «юрибди»дан нарига ўтишмаган эди. Қисқаси, акасининг шу кунларда ҳол-аҳволи қандайлиги Умар Қосимовичга буткул қоронғи эди. Бу ҳақда бошқа биров эмас, Азизовдан эшитгани унга худди дард устига чипқон бўлиб туолди.

— Ҳа, майли, — деди орага чўккан сукунатни бузиб Азизов. — Ҳалиги... қўлингиздаги қогозларни қайтиб кўриб чиқинглар. Кейин имзо чекарман, — у ўйланиб туриб, қўшимча қилди: — Зубайдадан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Шу ерда бўлса кирсин...

\* \* \*

Умар Қосимович бошлиқнинг кабинетидан ўласи тепки еган кишидек эзилиб чиқди.

У зинадан юқорига тўхтаб-тўхтаб, шошмасдан кўтариларкан, ўзини бугундан эътиборан Азизовнинг назаридан қолгандек ҳис этди. Унга бошлиқ охирида Зубайдани эслагани ҳам шунга ишора бўлиб кўринди.

Бошлиқ Умар Қосимовичга унинг акаси тўғрисида қисқа гап қилди. Акангиз ҳам мулла, ҳам ароқхўр, тасқара ҳолда юрибди, дегандек бўлди... Аммо у аҳмоқ эмас, яхши отга бир қамчи кифоя, ҳаммасини дарҳол тушунди. Азизов илк қарашда ундан-бундан, бетартиб суҳбатлашганига қарамай, яна бундай фикрни илгари сурди: «Мен ўз



ишимни сидқидилдан бажараман, ўртоқ Қамбаров, буни кўриб турибсиз. Лекин атрофдаги айрим одамлар барибир менинг устимдан шикоятнома ёзишади. Йўқ, сиз менга таскин берманг. Ундан кўра эсингиз борида ўз этагингизни ёпинг. Акангизни биров эшитса, буни ҳам хатта тиркайди. Сизгагина эмас, калтакнинг учи бизга ҳам тегади. Умуман, қўлим остидаги ишонган кишилар сизга ўхшаб ланжлик қилишмаса, мен бунчалик ноҳақ қийноқларга тўқнаш келиб, азобланиб ўтирмасдим!»

Маданият-маърифат ишлари бўйича бўлим узун, ним қоронги йўлак тўридаги уч хонани эгаллаганди. Ўртада қабулхона, бир томонда кабинет, иккинчи томонда хизматчиларга тегишли хона жойлашган.

Умар Қосимович ўзини ўрнидан туриб, ийиб қаршилаган котибадан ҳаммани чақиритишни сўраб, кабинетига кирди.

«Ҳамма» дегани ўринбосар, иккита ходима ва котибанинг ўзи. Дам ўтмай, Муслимов, унинг изидан Зубайда ва Холида деган қизлар ва ниҳоят, илжайган котиба эшиқдан бирма-бир кириб, «т» ҳарфини эслатган, раҳбар столига тиркалган иккинчи стол ёнидаги курсиларни эгаллашди.

Умар Қосимович ўз аскарларини сафга тизган лашкарбошидек, бўлимдагиларни кўздан кечириб, Муслимовга қадалиб қолди. У Азизов бу одамни «Муся» дейишини эслаб, фақат соч бўяб, олачалпоқ кийгани учун эмас, юз тузилиши, афт-ангори билан ҳам чиндан қандайдир ўсмирга ўхшайди, қуйиб қўйган Муся, деб ўйлади. Кейин ўзича, бу одам имзосиз хат ёзадими ёки буни эп кўрмайдими, деб чамалади. Аммо Муслимов бировнинг устидан ёзишига ақли бовар қилмади ва бошлиқ олдида тўғри гапирганидан қаноатланди. Шу сонияда ишга янги келган пайтлари Муслимов билан бир гал жуда очиқ, самимий суҳбатлашишгани ҳам ёдига тушди. «Кимдир мансабга имкон етганча бепарво қараши, мансабпараст бўлмаслиги мумкин, — деганди ўшанда ўринбосари Умар Қосимовичга. — Лекин дунёда мансабдан кўнгли заррача ўсмайдиган, эгаллаган столи, ишини қадрламайдиган одамни топиш қийин. Қайси бир киши, мен мансабни ёқтирмайман, ўлганни кунидан шу столга ўтириб қолдим деса, билингки, ёлгон. Ҳаммамиз ҳам тирик жонмиз! Мана, масалан, мен ўзим... Булим ташкил қилинганида бошлиқ қилиб қўйишди. Ҳали бўлимда машина йўқ, трамвайда қатнаш керак. Мен, обрў кетмасин, деб пиёда қатнайман.

Ўзимни худди ўн мингта аскарни бор саркардадек сезаман. Ҳолбуки, бор-йўғи икки киши ишлаймиз, менинг қўл остимдаги одам ориқ, маймоқ бир йигитча, холос... Сиз ҳам ўзингизни қанча камтар тутманг, бунга озми-кўпми ўрганиб кетасиз. Юзингизга айтдим, хафа бўлмайсиз!» Муслимов ҳақ эди.

Умар Қосимович ҳозир ростдан ҳам энди мансабга ўргана бошлаганини ҳис этди. Унга шу хона, стол, тўртта қоракўзнинг оғзига қараб ўтириши ёқади. У ўз ишининг одам ёпишса арзигулик катта лавозим эмаслигига ақли етади. Бунинг устига, олдинги — оддий ишда, ўзи истаганча, эркин юргани минг чандон яхши булганига ҳам тушунади. Бироқ отини бировга бериб, шиеда кетган суворидек йўл тутиш... У бундай қилолмайди. Шу стол — шу от уники, эгарга маҳкамроқ ўрнашиши керак, холос. Ният шу бўлмаса эди, акаси тўғрисидаги Азизовнинг нордон гапини Умар Қосимович ҳалол луқмадек, қўлт этиб ичига ютмас эди!

— Кейинги пайтда интизом бир оз бўшашди, — деди у ниҳоят бўлимдагиларга. — Мен сизларга ишониб, индамайман, кўпинча кеч келасизлар, ўз жойларингизда утирмайсизлар. Шунақа бўлгач, ҳар хил гап чиқади. Энг муҳими, бу ишимизга таъсир қиляпти. Мана, Акмал Турсунович анча-мунча хатларимизга имзо чекмадилар. Чунки ишни яхши ўрганмасдан ёзгансизлар, мен ҳам ишонганимдан, текширмаганман... — Умар Қосимович имзо чекилмаган хатларни шахсан шугулланиш учун четта олиб қўйди. У бошлиқ қўл қўйган бошқа бир қисм хатни дафтардан ўтказиб, тегишли ташкилотларга жўнатишларини сўраганча, бўлимдагиларга топширди. Шундан сўнг ташвишланган бир қўйда Зубайдага қаради.

Зубайда хонага кирганидан буён, Муслимовнинг рўпарасида бировдан аччиқлангандек, беписанд лаб буриб ўтирарди.

— Сиз ҳозир Акмал Турсуновичга учрайсиз, — деди Умар Қосимович, оғрингандек буришиб. — Қайтиб чиқиб, ўртоқларингизга ёрдам берарсиз...

Зубайда Азизовнинг исми шарифини эшитиши билан жонланиб, юз-кўзлари порлади.

Бу — ниҳоятда ақлли жувон. Кино дейсизми, театрми, бутун маданиятнинг шу кунги аҳволи-ю қайси соҳада қандай янгиликлар, дунёнинг қайси бурчида нима воқеалар бўлаётганини беш қўлдай билади, ҳуснда ҳам тенги йўқ.

Айниқса, кўзлари... кўзларига тикилиб, оҳу, дейсиз. Умар Қосимович уни баъзан ҳузурига чақирган Азизовдан қўриқиб, унинг ўзидан ҳам сал ҳайиқмаса — бу жувоннинг олдида қандайдир ожизлик ҳис этмаса, унга биринчи кунлардаёқ муҳаббат изҳор қилган буларди! Қисқаси, бу жувонга ҳар жиҳатдан тан бериш лозим. Бу сизга ҳадеб илжаядиган котиба ёки, дейлик, куни бўйи олдида китоб очиб қўйиб мудраб ўтирадиган, тур, десангиз, ўрнидан туриб, юр, десангиз, қаёққа, негалигини уйлашга ҳам эриниб, лоқайд судраладиган Холида эмас.

Аммо Зубайданинг бутун кўрки, фазилати билан ёнма-ён Умар Қосимовични нохушлантириб, асабийлаштирадиган, сертак бўлишга ундайдиган бир томони бор. У обрўли, ўз қадр-қимматини билган, ҳаттоки иззатталаб оилада усган. Ёшлигидан ҳурмат-эътиборга одатланган машҳур ва мағрур одамлар даврасида улар билан тенг муомала қилиб келган. Шу боисдан, Зубайда Умар Қосимовичга ўхшаб ҳар бир бўйинбоғ таққан ёки шляпа қўндирган одам олдида қимгинавермайди. Буниси майли. У бўлимдагилар орасида ҳаммадан кўп Азизовнинг ҳузурига киришни ёқтиради. Бундай пайтларда ҳозиргидек яйраб кетади. Гап шундаки, Зубайда Муслимовни ҳам четлаб, ўзини тўппа-тўғри Умар Қосимовичнинг ўрнини эгаллашга муносиб киши, деб билади.

У хонадан тез чиқиб кетди.

— Сиз ўтираверинг, — деди ўрнида қимирлаб қўйган Муслимовга Умар Қосимович. — Бошқаларга жавоб!..

У қизларни чиқариб, ўринбосари билан нима ҳақда гаплашмоқчи эканини ўзи ҳам билмасди. Фақат унда дардлашиш иштиёқи борлиги муқаррар эди.

\* \* \*

Орадан кунлар ўтиб, ҳаёт олдингидек бир маромда давом этаётгандек бўлди. Лекин Умар Қосимовичнинг кўнглида қандайдир хижиллик сақланиб қолган эди.

У айрим кунлар котибага, мен бандман, деб кабинетни ичкаридан қулфлаб, соатлаб ёлғиз ўтирганча, ўй сурар, унинг хаёлида, нимадир қилиш керак, деган фикр айлангани-айланган эди.

Умар Қосимович оддий бир ҳақиқатни ҳис этарди: Азизов Бухородан қайтиб сўз очмаганига қарамай, бу гап кўмилиб кетди, деб тинчиб юравериш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Бошлиқларнинг одати шунақа: гапирди-қўяди, кейин индамай натижасини кутади. Ҳар қандай муносабат қизларнинг соч ўримига ўхшайди. Гап яна кўзгалиши аниқ. Жавобнинг тайёр бўлмаса, ўзингга қийин. Гугурт чақилгач, уни учирмай гуриб, ёнгин чиқмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди!

Умар Қосимовичнинг юрагида бундан булак бир хавф ҳам тутилганди: Азизов иши, ташвиши кўплигидан, арзимаган бу кўнгилсизликни эслаб юрмайди, дейлик, аммо (ҳаётда нималар бўлмайди!) бу гапни чиндан бўлимдагилар, идорадаги бошқа ходимлар эшитиб қолишса-чи? Хунук хабар, бемаъни гапнинг саккизта оёғи, тўртта қаноти бўлади, қулоқдан қулоққа ўтиб учиб юраверади! Унга Азизовнинг заҳарханда билан, ҳақорат қилгандек гапиргани камми? Атрофдагилар уни баттар лойга қормайди, деб ким айта олади? Ахир, Зубайда биринчилардан бўлиб енг шимариб, маломат тоши ёғдирмайдими?

Булардан ташқари, умуман, туман марказида дуппа-дуруст муаллимлик қилиб юрган акаси нега умрида ўрганмаган кўчага ўзини уриб кетди? Нима сабабдан Азизов айтган тасқара аҳволга тушди акаси? Умар Қосимовични шундай саволлар қийнар, баъзан ўйлаб ўтириб, юрагига беҳос гулгула тушар эди.

У ҳафтанинг сўнги кунларидан бирида, қаёққа, қандай ташвиш билан кетаётганини ҳеч кимга билдирмай, Бухорога жўнади.

Умар Қосимовичнинг акаси Усмон Бухоро ташқарисида, Галаосиёда, синглиси Сабоҳат эса шаҳарда яшарди.

У аэропортдан машина тутиб, тўғри Регистонга борди ва Арк дарвозаси қаршисидаги кўчага бурилгач, машинани тўхтатди.

Бухоро...

Умар Қосимович олдинги сафар келганида ҳам машинадан худди шу ерда тушган, орқага ўгирилиб, Регистон майдони, қадим дарвоза, улугвор қалъа деворларига тикилган эди. Ўшанда ҳам айнаи ёз эканлигидан, унга гўёки майдон ва қалъадан қандайдир буг кўтарилаётгандек туюлган эди. Шу сонияда беихтиёр эслади: бунга икки йил эмас, ронпа-роса тўрт йил бўлибди. Шунча вақт сени тавоф этмабман,

гуноҳим бўйнимда, мени кечир, Бухоро, деган шоирона бир гап Умар Қосимовичнинг кўнглидан кечди. У лаҳза ичида мана шу қаршисидаги майдон, қалъа атрофларида энди олис туманлар орасида қолиб кетган болалик йиллари ўтганини эслади. Нечундир, бояги шоироналик таъсиридами, кутилмаганда кўзларига ёш қалқди.

Тез кўча бошига қараб кетди. Бу ердаги ҳовлилар ҳаммаси бир пайтда қурилган, бир-бирига ухшаш. Қайси ҳовли эди Сабоҳатники? Мановими ёки буниси?! Иккиси ҳам эмас, сал нарироқда бўлиши керак. Эшигида эгри тут бор эди...

Топди. Кўнгироқни босди.

Беш-олти ёшлардаги сариқдан келган қизча дарвозани очди. Сабоҳатнинг қизчаси. Лекин исми нима эди?!

– Ки-им, Гулнор? – деган овоз эшитилди уй томондан. Қизча Умар Қосимовичга тикилиб, худди ойиси орқада эмас, ёнида туриб, уни кўраётгандек, бўйинини секин қисиб кўйди.

Уй томонда Сабоҳатнинг ўзи кўринди, ниҳоят.

– Бо! Ака! – Кўзларига ишонмаганидан, анча нарида тек қотиб, кўлларини ёзди Сабоҳат. Кейин, чизик устида қимир этмай турган спортчи тўппонча отилиши билан олдинга югурганига ўхшаб, бирдан дарвоза томон елди. – Киравермайсизми, ака, ўз уйингиз, – деди у алланечук севиниб, ҳаяжонланган кўйда. Бехосдан жаҳли чиқиб, киприклари учди. – Тоғанни танимайсанми, жувонмарг, киринг, демайсанми дарров?!

Умар Қосимович ўзини ҳам, Гулнорани ҳам оқлаш учун қўлидаги портфель, тугунни Сабоҳатга бериб, қизчанинг қўлидан тутди.

Айвонда уларни Сабоҳатнинг эри Абдусамад қаршилади. У хотинидан ҳам кўпроқ мамнун, худди ўз пирини учратган муриддек, оғзи қўлоғида эди.

\* \* \*

Умар Қосимович бир пиёла чой ичиб, кўчада ишим бор, деганча ўрнидан турди. Чойга уннаб, ҳали у билан бундай сўрашишга ҳам улгурмаган синглиси, кечгача юрманг, овқат интизор бўлмасин, деб чирқиллаганча қолди.

Кун қайтганига қарамай, ҳаво нафас олиб бўлмас даражада иссиқ, дим эди. Ёзда Тошкентда ҳам, ён-атрофдаги

бошқа ерларда ҳам куннинг ёниши табиий. Бироқ «саратон» деган сўзни теграси даштдан иборат Бухорода рўйирост ҳис этади киши. Шўр босган ер ошланган териға ўхшаб, оқариб ётади. Ҳавони оқиш бир чанг тутгандек туюлади. Бу офтоб зарраларими, нурға қўшилиб сочилаётган қумми, тушуниб бўлмайди. Чўнтақдан гутурт чиқариб тутса, ёнади, деб ўйлаш мумкин. (Ёқилғи бу ерда ўз-ўзидан ёниб кетган пайтлар бўлган.) Одамлар эса (фақат бухороликлар эмас, ҳар ёқдан келган минг-минглаб меҳмонлар ҳам), барибир, кўчаларда терлаб-пишиб юраверишади.

Умар Қосимович Шоҳруд ёқалаб, Лабиҳовузға қараб йўл олди. Унинг тайинли иши йўқ. Узича, шаҳарни айланиб, сўнгги кунларда муштдек тугилган юрагини сал ёзмоқчи эди. Шу билан бирға, Бухороға келгач, энди нималар қилишини ўйлаб олиши керак эди.

У Лабиҳовузға етмай, Гавкушон минораси остидаги Мадраса пинжига гиқилган эскигина ҳовли қаршисида, оёқлари ерга михлангандек, бехос тўхтаб қолди.

Ҳаётнинг қандай қизиқ ўйинлари йўқ, дейсиз. Умар, унинг акаси-ю синглиси — ҳаммаси мана шу ҳовлида тугилган. Урушдан кейинги йилларда, Дарвозани Самарқанд томонға кўчгунға қадар, улар шу ерда туришган. Ҳозир эса, гўёки бутун болалигини Умарға бир йўла эслатмоқчидек, ҳовли оддидаги сулачаға шолча ташлаб, унинг синфдоши Марзия ўтирибди.

— Ака Умар! Ака Умар-э! — деб ўрнидан вазмин кўзгалганча, ўрдакюриш қилиб, унга яқинлашди Марзия.

Наҳотки, бу ўша — бир пайтлар Умарнинг юрагини кўксидан юлқиб олган шаддод қиз бўлса!

Улар мактабни тугатишганиға уттиз йилча бўляпти. Орада янги анъана — битирганимиз ўн беш йиллиги, деб бир гал, йигирма йиллиги, деб яна бир гал учрашишди. Аммо мактабда ўқиб юрган пайтлар Марзияға синфидан икки йигит баб-баравар ошиқ бўлиб қолганди. Марзия эса Умарға ҳам, нариги йигитға ҳам қарамай, мактаб остонасидан кечар-кечмас, бошқа бировға тегиб кетди. Шу боисдан, кейинчалик кўришишган бўлса-да, Умар синфдошининг ўй-жойидан ҳам, туриш-турмушидан ҳам беҳабар эди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради у беихтиёр.

Марзия шарақлаб кулди.

– Мени-ку, уйим шу! – деди у, – лекин сиз бизнинг кучамизга кирадиган кун ҳам бор экан...

– Биз қочиб юрганимиз йўқ эди, қочган бошқалар! – Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Умар Қосимович.

– Бузоқнинг қочгани сомонхонагача. Ўзингиз вақтида билмагансиз, – деди яна кулиб Марзия. – Ҳай, утганга саловат. Уйга юринг, меҳмон бўлинг, – деди у энди жиддий тортиб.

– Йўқ, уйингизга кирмайман. Лекин остонангизга бош қўйиш мумкин, – деди Умар Қосимович ҳамон ҳазиллашганча, супага имо қилиб. Марзия яна кулди. Ҳовли олдидаги супага келиб утиришгач, Умар Қосимович қўшиб қўйди. – Меҳмон қилмоқчи булсангиз, бир коса сув...

Марзия ўтирган кўйи бошини буриб, дарвозанинг очиқ тавақасидан ичкарига овоз берди:

– Сотимжон! Бир коса сув келтиринг, бачам...  
– У қизлик пайтларидагидек қизариб, шу билан бирга, шўхлигини қўймай, Умар Қосимовичга яна илмоқли суз отди. – Ҳалиям юрагим куйиб юрибман, денг!

– Сураманг! – деди Умар Қосимович. У секин пичирлади:  
– Иссиқ...

– Янгамиз, бунинг устига, сизни Сибир қилибдилар!  
– деди Марзия кулганча, Умар Қосимовичнинг эгнига имо қилиб.

Умар Қосимович сафарга ҳам ишдагидек қора костюм кийиб чиққанини энди пайқади. Жўнроқ кийинса буларди, албатта. Лекин идорада шундай юришга ўрганиб қолганидан, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

У очиқ тавақадан ҳовлига — оқарган кафтдек ер, чанг босган гулларга қаради. Унинг кўз олдига ўзи — шу ҳовлида умбалоқ ошиб ўйнаб юрган бола келди. Бу бола шу ҳовлидан ҳам, ота-онасининг пинжидан ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайман, деб ўйларди. Аммо ҳаёт буюк ҳаракатдан иборат экан. Инсон — чумоли. Саф чекиб, ҳалқа бўлиб, суринаверар экан. Бу сурунишдан маъно нима?! Дарвоза оғзида пайдо бўлган ориқ, соядеккиша йигитча Умар Қосимовичнинг хаёлини тўзитиб юборди. У бир ойиси, бир Умар Қосимовичга ўқрайиб қараб қўйиб, хўмрайганча, қўлида коса тутиб гурарди.

– Дард кўрманг, бачам. Баракалло! – деди Марзия.

У ўглининг қулидан косани олиб, Умар Қосимовичга узатди.

Бу — ичига муз солинган яхоб эди. Умар Қосимович йигитчанинг, ойисини рашк қилибми, дарвоза оғзида хўмрайганча яна бир нафас серрайиб турганини кузатиб, ичида кулимсираганча, сувни роҳатланиб симирди.

– Тошкентда обрўйингиз яхши экан. Катта ишга ўтибсиз, эшитдик, – деди унга боядан бери разм солаётган Марзия ниҳоят. – Ҳозир Бухорода текширувчи куп. Сизниям бирон ишни текширишга юборишгандир, командировка қилиб...

– Йўқ, мен бошқа вазифа... – гудранди Умар Қосимович. Унинг шу сонияда Марзияга кўнглини очгиси келди. – Акам бор... Ёши эликка бориб қолди. Мендан олти ёш катта... Шу киши ичишга ўрганибди... – Умар Қосимович аслида акасининг муллачилик қилаётганини ҳам айтмоқчи эди, бироқ буни айтишга уялди. Марзиянинг олдида ўзининг ҳам кулги бўлишидан қўрқди.

– Э, шу ичиш қурсин. Шунча зараридан гапирамиз, яна ичган ичади, – деди Марзия. – Бола-чақасини уйласа бўлмайдим... Мана, Сотимни дадаси... Алафга оғзини босиб, нафас ололмай, ўлиб кетди. Кимга қийин — бизга! Кўйиб қолавердик... – Бу энди бошқа Марзия эди. Умар Қосимовичга у изтироб чекканидан қорайиб, ҳамон қандайдир тутаётгандек туюлди.

– Қачон ундай бўлди? Узр. Мен билмаган эканман, – деди Умар Қосимович, гўеки билса, дарҳол чора курадиган одам кўйида.

– Тўрт-беш йил ўтди... Ҳай, энди фойдаси йўқ. – деди Марзия. – Хўш, энди нима қилмоқчисиз? – деб сўради у бирдан.

– Нимани? – деди гангиб қолган Умар Қосимович.

– Акангизнида... Мени эмас, албатта!.. – яна оддингидек шарақлаб кулди Марзия.

– Ҳа, акам... Билмадим, – деди Умар Қосимович. – Нима қилганда ҳам, ўзи билан ҳушёр пайтида бир гаплашишим кўрак. Кейин, бирон дарди бўлса, енгиллатиш... Бусиз мумкин эмас!

– Ҳай, ишсиз, вазифасиз бир келинг, меҳмон бўлиш учун. Минг тошкентлик бўлиб кетгандаям, Бухорони эсдан



чиқариш... унда, қулогингизни ўзим кесаман, янгамизга билдирмай, — деди кулганча Марзия.

Умар Қосимович беозор жилмайиб, Марзияга бу гал фаромуш тикилди. У Марзиядан вақтида узоқлашиб кетгани-ю, ҳозир Бухорога ташвиш билан келганига ўқинди. Афсус, суҳбат тутаган эди. Умар Қосимович ўрнидан турди.

— Ўзингиз ҳам биз томонларга ўтинг... — деди у шунчаки мулозамат юзасидан.

— Ҳа, албатта... — деди Марзия.

Лабиҳовузга етиб, асрий тутларнинг осмонга чўзилган қўллардек ялангоч шоҳлари, сийрак баргларига тикилганча, ҳовузни ёқалаб кетаётиб, Умар Қосимович бу ердан бир неча қадам юқорида ўрнашган Насриддин Афанди ҳайкалига кўзи тушди.

У ҳайкал тўғрисида газеталарда, журналларда ўқиган, лекин ҳали кўрмаган эди. Тикилиб туриб, завқи тошди. Дунёда афанди ўтган бўлса ҳам уни худди мана шунақа одам эканлигига ишонади киши, ҳайкалнинг ўрнашган жойи ҳам афандига мос, кулги уйғотади: «Оёқ остида зина, ундан нарёғи ҳовуз, сиз эса зўр бериб, эшакни ниқтаб боряпсиз, афанди бўлмасангиз, шундай қилармидингиз, хужам!»

Шу аснода унга афанди ўз устидан ҳам кулаётгандек туюлди. У негадир ҳайкал олдида ўз-ўзидан хижолат чекди.

\* \* \*

Сабоҳатнинг уйига бутун узоқ-яқин қариндошлар ёпирилган — бир ҳовли одам тўпланган эди.

Бир-бирини қучиб-ўпиш, меҳр изҳор қилиш, гинахонлик бошланди.

Ўртада қатта дастурхон ёзиглиқ эди. Абдусамад икки қўлида иккитадан тўртта шиша кўтариб кирди.

— Э, қўйинглар шу сабилни, ҳукумат қатагон қилсаям, булар ичади, бачам, — бир даврага, бир Умар Қосимовичга юзланиб, зорланди уларнинг авлодидаги энг кекса киши — аммабуви, ёши юзга яқинлашиб, иягини мўй қоплаган кампир.

У Умар ўзини кўришга бормаслигини билиб, бир кўрай бачамни, деб анча ердан судралиб келган. Аслида,

Умар бир пайтлар отаси учун ҳам волидаликка яраган бу кампирнинг оёғига йиқилиб, оёқларини ўпса, арзийди... Болаликда нуқул ундан куларди. Масалан, аммабуви уйга келганида, муллаойимникига бордим, бир огизгина ош қилган эканлар, икки огизгина едим, қабилда гапирарди. Умар, сиз бир огиз ошдан қанақасига икки огиз едингиз, деб кампирни мазах қиларди. Кейин, аммабувининг бор-йўқлигини унутди. Ота-онасига тегишли маросимларда уймаллашиб юрган кампирга бир-икки тўқнаш келди, лекин барибир у билан ортиқча иши бўлмади... Бошқаларнинг муносабати ҳам шунақа. Аммабувига Умар Қосимович тўғрисида одоб юзасидан хабар етказишган, ўзлари эса, келмаса яхши бўларди, деб туришганди. Чунки кўпчилик, кампир гапдонлик қилиб, даврани бузади, деб қўрқишади. Бу кампир — тирик тарих, лекин атрофдагилардан ҳеч кимнинг қайрилиб қарагиси йўқ. У — китоб, лекин ён-верида ўқийдиган киши топилмаганидан унутилиб, чанг босиб ётибди.

– Акамullo бир келибдилар, бибижон, ҳурматлари...  
– гудранди Абдусаммад шишаларни дастурхонга қўйганча.  
– Қатагонни ҳисобга олиб, фақат оз-оздан, бибижон...  
кўпайтирмаймиз...

– Ўзларинг ичсанглар, майли. Олдиндан айтишим керак, мен ичмаяпман, – деди Умар Қосимович, Абдусаммад ўз номини ўртага қўшганча шиша очишга киришганини кўриб. (У ҳаётида қаттиқ ичган пайтлар ҳам, оз-оздан олиб юрган кунлари ҳам бўлган, яқин-яқингача буни оддий, табиий ҳол, деб билар эди. Бироқ акаси тўғрисида гап чиққан фурсатдан бошлаб, огзига олмаган ва энди огзига олмасликка ўз-ўзига сўз берганди.) – Лекин сизларга айтадиган гапларим йўқ эмас... Шу сафар Бухорога келганимдан, мана, сизларни кўриб турганимдан хурсандман. Айбим бўйнимда. Анча йил келмадим. Ҳолбуки, Тошкент билан Бухоро Мағриб билан Машриқ эмас, икки қадамлик йўл... Отам бўлмасалар, акам бор, онам бўлмасалар, синглим... Мана, бибим катта бошларини кичик қилиб, мени кургани келибдилар. Мен бу кишини зиёрат қилишим керак эди. Бунинг устига, Бухоро ўзи мана шу бибимга ўхшаган... Мен келмасам, Бухорога эмас, ўзимга жабр... Бугун шу нарсаларни тушунганимдан ҳам хурсандман...

– Э, раҳмат-э, акамулло, минг раҳмат, шунча яхши гап айтдингиз, – деди бу орада қадаҳ тўлдиришга улгурган Абдусамад. – Энди ичмасангиз ҳам, шу яхши гапларга ўзингиз муҳр босиб...

– Йўқ, муҳр босмаймиз, – деди Умар Қосимович.

– Нега? Нега? – чугурлашди Абдусамадга қўшилишиб Умар Қосимовичнинг даврани тўлдирган холавачча, тоғаваччалари, бошқа қариндошлари.

– Ичиб юрганимдаям, бугун ичмасдим, – деди Умар Қосимович. – Эртага ишим кўп. Индин кетяпман, улгуриш керак. Ундан ташқари, наҳорда қабристонга бормоқчиман. Кечқурун ичиб, эрталаб ота-онанг ёнига бориш... яхши эмас... – У рўпарасидаги кампирга имо қилди. – Мен библиман билан гаплашсам, ҳозир кўпроқ кайф қиладиганга ўхшаб турибман... – Бошқалар, аёл-эркак ҳаммалари ичишди. Умар Қосимович эса кампирдан сўради: – Қизиқ бир гап... Сиз эски замонларниям кўргансиз. Масалан, ўшандаям одамлар шундай утириб ичишармиди, бибижон?

– Йўқ, бачам, – деди кампир. – Ким бекитиб ичганини биров эшитсаям, дарров овоза бўлиб кетайди. Амирлик ичганини тутуб, зиндонга ташлаган, бачам. Мабодо, обрўли одам ўртага тушиб, шафқат қилса, сарбозликка олайди, қариб, ўлгунча аскар бўлиб юра берайди, бачам. Қуймасди... Яна, бир одамни биламан, кучага ялангоч чиқориб, сазойи қилган. Ямон эди, бачам... Хотунлар ичгани бирон китобгаям йўқ. Ман фақат эркакни айтаяпман...

– Беклар, амирлар ўзи ичган. Кинода кўрганмиз, – деб гудранди Абдусамад.

– Амирни билмадим, бачам, – деди аммабуви. – Халқ ичмаган. Уят деб билган. Шариат ҳам кўтармаган... Бошқаларни айтмайман, сизлар катта булгунча бизнинг авлодга ичган одам йўқ...

– У замонлар билан бу замон ер билан осмонча фарқ қилади, бибижон, – деди давра совишидан кўрқибми, эри томон ўтиб олган Сабоҳат, гапга аралашиб. – Масалан, дадам бошларига қийиқча ўраб, чопон кийиб юрганлар. Акам бугун шундай кийиниб келсалар ўзингиз ёқа ушлаб, бу Умарбойга бир бало бўлибди, дердингиз. Тўйми, маросимми, ҳар куни ичмаслик керак, албатта. Биз ҳам ичмасак буларди. Лекин акам нима дейишларини билмадик. Бунинг устига, озиб-ёзиб бир келибдилар акам, ахир! – Сабоҳатнинг беҳосдан кўзларига жиққа ёш тўлди.

«Мен бемехрлик қилганим кам, бошқаларнинг меҳрини ҳам ҳисобга олмабман. Яна бир карра айб менда! — деб ўйлади Умар Қосимович. Шунинг баробарида, у бундай хаёлга борди. — Иззат-нафс нозик бўлиб қолган, ичма, десанг, узларига огир олишяпти. Мен ҳали акам билан қандай гаплашаман?!»

Абдусамад хотини қўлаганига суюниб, қадаҳларга яна бир сидра қўйди.

Умар Қосимович ўтган узоқ замонлар эмас, ўзи билган болалик йиллари — урушдан кейинги йилларни эслади. Ўшанда тўй кўп, лекин ичилмас эди. Ундан ташқари, қизиқ жойи: эркаларга наҳордами, кечқурун ош тортлар, уларнинг дастурхон бошида базми жамшид қилиб ўтириши расм эмас эди. Тўй, асосан, аёллар, болалар учун, деб тушуниларди, шекилли. Куй-қўшиқ, кулги, рақс, «ёғоч оёқ»да ўйинлар, тўй сабабчилари бошидан қанд-қурс, танга сочишлар... Аллақандай фэйзли эди. Уйга кимдир келса ҳам бир чойнак чой ўрнига шиша кўтариб чиқиш у пайтлар тасаввурга сигмасди. Бу анча сўнг одатга айланди...

Кексалар нақадар зийрак бўлишади!

Афтидан, аммабуви Сабоҳат билан Абдусамад сал инжишиб, бу ҳамманинг кайфиятига таъсир қилганини ҳис этган эди. У ҳеч қачон даврани бузган эмас, бузмоқчи ҳам эмас. Буни амалда исбот қилиши мумкин...

— Саники тўғри, бачам. Замон бошқа! — деди кампир Сабоҳатга дам ўтмай, меҳрибонлик билан тикилганча. — Одамлар етти ўлчаб, бир кесади. Ўз ишини билади. Эс-ҳушли... Ҳозир кундузи чироқ ёқиб қидирсанг, мулло Садирга ўхшаган одамни топмайсан...

— Мулло Садир деганингиз ким экан? — Қизиқсиниб сўради Умар Қосимович.

— Шундай бир одам ўтган, — деди кампир. — Эшитмаган бўлсанг, айтаман... Мулло Садир кечаси шамни ёнига ўтириб, китоб ўқийкан. Қайси бир кеча: «Соқоли бир тутамдан ошган одам аҳмоқ бўлади!» деган гапни ўқибди китобдан. Бундай соқолини тутамлаб кўрса, кўп... Қайчи қидириб ўтирмасдан, соқолининг ошиқча бўлиб кўринганини шамга тутибди. Қўлига олов тегиб, қўлини тортган экан, бутун соқол пах этиб ёнгани майли, юз-бетигача куйиб кетибди...

Даврада ҳамма беихтиёр кулиб юборди.

— Кўп қизиқ гапларингиз бор-да, бибижон! — деди завқланиб Абдусамад. — Узи дафтар олиб, сизнинг гапларингизни ёзиб бориш керак...

Ниҳоят, меҳмонлар ўрниларидан қўзғалишди.

— Сиз қолинг, бибижон. Кеч бўлди, — деди кампирга Сабоҳат.

— Йўқ, манам уйимга борай. Манга ўз жойим яхши, — деди аммабуви. У эшик оғзида тўхтаб, Умар Қосимовичга қаради. — Бу келишингга ман бўлмайман, бачам. Янги уйимни сўраб боргин, хўпми?..

Умар Қосимович юраги гижимланиб, алланечук эзилди. У ҳис этди: кампирнинг гапи тўғри — худди шундай бўлади. Яна бир фикр унинг хаёлидан кечди: ҳеч ким дафтар олиб, кампирнинг бир асрга яқин умрида кўрган-кечирганлари, эшитган-билганларини ёзмайди. Кампир ҳаммасини ўзи билан тўпроққа олиб кетади!

Аммо Умар Қосимович аммабувиغا дарҳол далда беришга ошиқди:

— Сиз ҳали тетиксиз, бибижон. Ундай деманг. Ундай деманг-да...

— Бир айтдим-да, бачам, — деди кампир. — Йўқлаб борсанг, ман хурсанд бўламан. Тириклардан икки оғиз фотиҳа...

Умар Қосимович ўзи кутмаганди: томоғи қуруқшаб, киприклари намланди.

Дарвозахонадан уйга қайтиб киришгач, Сабоҳат чойни янгилаб акаси билан энди астойдил ҳол-аҳвол сўрашга чоғланди. У негадир секин, эҳтиёткор оҳангда сўради:

— Янгам қалай? Яхши юрибдиларми, ака?!

— Юрибди янганг, — деди Умар Қосимович. — Ўтирадиган жойи кичик бир дўкон, лекин шундаям ўзидан ортмайди. Баъзан духтирга боришга вақти йўқ. Булмаса, шу сафар униям олиб келармидим.

— Олиб келсангиз, яхши бўларди. Киши соғинади, — деди Сабоҳат.

— Сизлар борганда, доим яхши кутавермайди. Хиждолат чекасан киши, — кўнглидан кечганини тўғри айтаверди Умар Қосимович.

— Тошкентда шароит бошқача. Биз ҳам гушунамизку, ака, — деди Сабоҳат. У гапни болаларга кўчирди. — Донишбой тузукми? Мужримчик?!

Донишбой, бу — Аҳмад Дониш, Мужримчик, бу — Мужрим Обид шарафига қўйилган исм. Умар Қосимович бунга, одатда бефарқ қарарди, ҳозир қандайдир уялди: болаларга ҳадеб буюк кишилар исмини қўявермаслик керак экан.

— Болалар ҳозир тинч. Каникул, — деди у. — Сен менга қара, — деди шундан сўнг бирдан, — акамни аҳволидан гапир...

— Сиз, бу эртага ишингиз кўп бўлса, акамни ҳам кўролмасиз? — деди уни бирон топшириқ билан келган, деб ўйлаган Сабоҳат.

— Акамни аҳволи қанақа, деяпман? — бир оз асабийлашди Умар Қосимович.

— Юрибдилар... — деди Сабоҳат.

— Доим шунақа, юрибдилар, дейсан. Қандай юрибди, айтмайсанми?!

— Ишдан кетган. Бекорчилик...

— Ичиб, муллалик ҳам қияптими?!

— Унисини билмадим, — деди Сабоҳат. Кейин қўшиб қўйди: — Бухорога кам келадилар. Сўраб борсак, уйларидан топиш қийин...

Буни у тўғри айтди... Усмон Қосим Умар Қосимовичнинг тескариси: аёлларни ёмон кўради. Бир марта уйланиб, ун беи йилча турган, ўртада тирноқ бўлавермагач, хотини билан ажрашган. Бошқа уйланмаган.

Ушанда Умар унга: «Ака, уйланинг қайтиб, бола-чақа яхши нарса, орзу-ҳавас!..» деб ўзича насиҳат қилган.

Аммо Усмон: «Э, йўқ, бўлди, хотин бадимга тегди!» деган.

Қисқаси, Усмон Қосим Галаосиё марказидаги катта йўлдан анча ичкарида, бир тавақали дарвозаси бор кичик бир уйда туради.

У ўзига тахаллус олган шоир ҳам, санъаткор ҳам эмас, лекин уни туманда ҳамма негадир шундай — Усмон Қосим деб аташга ўрганиб қолган. Олдинлари ҳам кўпинча шу: дарвозасига қулф осиглиқ эди; қаерлардадир юради. Лекин олдинги пайтлар уни, ҳар қалай, мактабдан топиш мумкин эди. Энди мактабдан кетган, унинг устига ичиб, муллачилик ҳам қилаётган бўлса, қидирган билан топиш даргумон!

Буни Умар Қосимович йўлга чиққанидаёқ ўйлаган эди. Бу читалликни инобатга олмаса, Галаосиё Бухоронинг

пинжида, у Сабоҳатнинг уйига киришни ҳам кейинга қолдириб, тугри уша ёққа кетаверарди. Сабоҳат билан гаплашиб, ишга имкон етганича аниқлик киритмоқчи эди, бўлмади.

Боядан бери узича гоҳ уйга кириб, гоҳ уйдан чиқиб турган Абдусамад кутилмаганда уларнинг ёнига келди.

– Сизга ака Усмон керак, мен эшитдим, – деди у илжайиб Умар Қосимовичга. – Ака Усмон юқори Кобдун ёки қуйи Кобдунда бўладилар. Бу икки қишлоқдан топмасангиз, Ғурбунда бўлишлари аниқ...

– Сиз бу гапни қаёқдан олдингиз? – деб, эрига аччиқланиб қаради Сабоҳат.

– Одамлардан... Бир борганимда, шунақа деб айтишди...

– Ичдингиз-да, алжираяпсиз. – Эрини койиб берди Сабоҳат. – Акамни ҳозир биз ўзимиз ҳам унча билмаймиз, ака...

\* \* \*

Кун ёришмасдан ўрнидан турган Умар Қосимович бошқаларни безовта қилмаслик учун оёқ учида юрганча ташқарига чиқди-ю, айвон этагида қўққисдан Абдусамад билан Сабоҳатга туқнаш келди.

– Яхши ухлолмадингизми, ака? – деб сўради сал хижолатланиб, меҳрибонлик билан Сабоҳат.

– Йўқ, калла пишди, – деди Умар Қосимович.

– Бўлмаса, ошга кетдик, акамулло, – деди Абдусамад.

– Қанақа ош? Йўқ, мен...

– Дарвозаи Самарқандда Рустам деган жўрангиз бор. Сиз билан кўча чангитган... Тошкентда уйингизгаям борган...

– Биламан Рустамни. Нима бўлибди Рустамга? – деди Умар Қосимович куёви узоқ тушунтириш бераётганидан, сабри чидамай.

– Шу ака Рустам бугун ош беряптилар, оналари учун... Мен кеча кечқурун кўчада кўрдим у кишини, келганингизни биладилар...

Умар Қосимович қизиқ ҳолатта тушди. Гавкушондаги сингари Дарвозаи Самарқанддаги ҳовли ҳам энди бегона

булиб кетди. Лекин чол-кампир умрлари сунгигача шу ерда яшаб, шу ҳовлидан чиқарилган эди. Умарнинг онаси вафот этганида, Рустам дарвоза огзида бир ҳафта бел боғлаб турган. Умуман, Умар Қосимович эсласин-эсламасин, ҳеч қачон унутмаган фидойи дўсти Рустам. Ҳозир бориб, уни табриклаб қўймаслик, етмишми, саксон йиллигими (анигини Умар Қосимович билмайди, билишга ҳам куп қизиқмайди) нишонланаётган кампирга бир қур салом бериб чиқмаслик одамгарчиликдан бўлмайди... Э, Бухорога келганда, доим нима етишмайди — вақт. Тошкентдаги кундалик югур-югурдан ҳам баттар аҳволга тушади киши бу ерда!

«Шунинг учун келмай қўя қолиш менга бегалва туюлса керак!» деб ўйлади Умар Қосимович.

У ичкаридан портфелини кўтариб чиқди.

— Мен шу ёқдан кетавердим, Сабо, — деди синглисига кеча мақсадини очиқ айтмаган Умар Қосимович ҳозир ҳам дардини ёриб ўтирмай, — Эртага бўш қолсам, яна бир кирарман. Бўлмаса, ўзларинг боринглар биз томонга...

— Акам мабодо келсалар, нима дей? — деб сўради Сабоҳат.

— Ҳеч нима, — деди Умар Қосимович ўйланиб. — Ўзим кўрсам керак... Куришга ҳаракат қиламан.

Бу ердан икки-уч гузар наридаги Дарвозаи Самарқандга етганда ўз ҳовлилари олдида бир нафас тўхтади. Унга шу дамда онаси беҳос дарвозани очадигандек, огаси ҳам ҳовлида айланиб юргандек туюлди.

Рустамнинг ҳовлиси кучанинг охирида. Эшик ёнида одамлар тўпланиб туришибди.

Умар Қосимовични дарҳол пайқашди. Рустам унга пешвоз ҳаллослаб кела бошлади.

— Яша, жўра! — деди Умар Қосимовични қаттиқ қучоқлаб Рустам. — Лекин шу бугун келмасанг, сўяман, деб тургандим...

— Қўй, бир оз яшайлик, жўра, — деди Рустамнинг ўзига ўхшаган дагал лутфига жавобан кулиб Умар Қосимович.

— Келдинг, энди минг йил дардисар бўлиб яшайверасан! — деди Рустам. — Қани, юр... Олдин бибига бундай қуюқ бир салом бер, боши осмонга етсин, кейин ўзимиз гаплашиб ўтираверамиз...

Эшик ёнида гурганлардан бўлак, кимдир ҳовлига кирган, кимдир чиққан. Ичкарида дастурхон олдида утирган ҳам кўп.



Умар Қосимович билан бировлар бош силкишиб кўришган бўлишди, бировлар ўзаро нимадир деб, пичирлашиб қўйишди.

Рустам уни ҳовли тўридаги тўққиз болорли хонага олиб кирди.

Хонада Рустамнинг ойиси уч-тўртта хотинлар ичида, худди ҳали утиришга яхши урганмаган ёш болага ухшаб, юмшоқ болишлар орасига чўкиб утирар эди.

Умар Қосимович кампир, сўнг бошқа аёллар билан саломлашди.

У, кўришмаган тўрт-беш йилда, Рустамнинг ойиси анча қариб қолганини дарҳол пайқади. Асли ойисининг ёши аммабувисига нисбатан кичик, лекин бир қарашда, кексароқ, деб ўйлаш мумкин. Аммабуви қоронгида ҳам бамисоли мушукдек ҳамма балони кўради. Ойининг эса кўзлари хира тортган. Мана, хонага ким кирганини билмай, анграйиб турибди.

Умар Қосимович эслади: ойи бир умр зардўзлик қилган, машҳур зардўз, деб талай китобларда суратлари ҳам босилган. Кашта, зардўзлик, қўлдан ташқари, кўз меҳнати, ойининг кўзлари шундан нурсизланган бўлса, ажаб эмас.

– Сизни эшитиб, Умаржон жўрам Тошкентдан келибди, она, – деб тушунтириш берди ойисига Рустам.

– Умаржон... Яхшимисиз, ўғлум?! – деди овози титраб ойи. – Умрингиз узоқ бўлсин, бизни йўқлабсиз, сизни Худо йўқласин! – Кейин сўради: – Ишларингиз яхшими, ўғлум?

Умар Қосимович Бухорода, акаси қолиб асосан, Марзия, аммабуви билан мулоқотда бўлгани-ю яна бу ёққа бош суқишига тўғри келганини ўйлаб, кулимсираганча, ишлар пачава, Бухорога келиб, нуқул кампирлар билан «свидания» қилиб юрибмиз, деган хаёлга борди. Аммо ойига:

– Шукур, ҳаммаси жойида, – деди. – Ўзингиз бардаммисиз? Табаррук ёшингиз қутлуг бўлсин! (Анигини билмаганидан фалон ёшингиз, демади.)

Кейин кампир Умарнинг ота-онасини эслаб, улар билан аҳил қўшничилик қилишганидан бир оз гапириб ўтирди. Умар Қосимович ҳам аёллар қўйиб узатган бир пиёла чойни ҳўлаб, ойининг ўзи яхши аёл эканлиги, Рустамдек ўғил ўстиргани, меҳнаткашлигидан — у тиккан зардўппи, заррин кавушлар қанча қизларни суюнтирганигача, узуқ-юлуқ ҳолда, суз қўшиб турди.

Ниҳоят, Рустам икковлари рухсат сўрашиб, ташқарига чиқишди.

Бошқалардан четроқдаги дастурхон ёнида ўтирган Абдусамаднинг олдига ўтишди. Бирпасда бу дастурхон атрофида беш-олти киши йигилди. Хизмат қилаётган ўсмир болалар ҳаш-паш дегунча бир хумчойнакда чой, бир хумчойнакда ароқ келтиришди.

– Сиз ўзимиз учун ҳам икки оғиз бундай ўқимайсизми, тақсир?! – деди Рустам чувдўппини қулогигача бостириб кийган қорамағиз бир кишига.

Давра қўйисида ўтирган ҳалиги киши Рустамга лом-мим демади. Қоматини бир ростлаб, қайтиб бўйни, елкаларини қисди ва кўзларини юмганча Қуръондан қисқа оятлар ўқий бошлади.

Умар Қосимович ҳовлига қадам қўйганида биров қироат қилаётганига эътибор берган, хонада ўтирган пайтида ҳам қулогига элас-элас овоз чалинган эди. У тушунди: қори шу одам экан.

Қироат тугаши билан Рустам пиёлага ароқ қўйиб, бир четдан узата бошлади.

«Ота-оналар ёшини нишонлаш яхши удум. Фақат бу ерда... қироатнинг ароққа, ароқнинг қироатга нима алоқаси бор?!» деб ўйлади ўзича Умар Қосимович. Лекин шу дамда унинг диққатини бошқа бир нарса жалб этди.

Қори Рустамнинг яқинида ўтирганидан унга ҳам биринчилардан пиёла узатилди. У лом-мим демай, қироат қилишни «ўрнига қўйгани»дек, яна лом-мим демай, ароқни симириб, қўлининг орқаси билан лаб-лўнжини артди. Шу пайт дарвоза томондан «ака қори» деган нидо эшитилди. У ўрнидан туриб, келган бир гуруҳ янги меҳмонлар ёнига борди ва улар ёнида ўтириб, ҳеч нарса бўлмагандек яна қироат қилишга тушди.

Умар Қосимович акасини эслаб, шу дамда у ҳам қайсидир қишлоқда шунақа «ҳунар» кўрсатаётган бўлиши мумкинлигини тасаввур қилди ва бекорга вақт ўтаётганини ўйлаб, бирдан нотинчланди.

– Мен наҳорда ичолмайман, жўра. Соғлиқ кўтармайди, – деди Умар Қосимович пиёла узатган Рустамга. – Бугун бир оз ташвишларим ҳам бор...

– Булмаса, кечқурун келасан. Ҳозир келганинг ҳисоб эмас. Бу қанақа ўтириш бўлди! – деди Рустам.

– Келаман. Яхши... – гудранди урнидан қузғалиб Умар Қосимович.

– Кечқурун келмаган ҳар нима, деб қасам ич! – қайсарланди Рустам. У, афтидан, олдин ҳам бир оз ичган эди.

– Кечқурун келмаган ҳар нима! – деди Умар Қосимович қасам ичмасликнинг иложи йўқлигини ҳис этиб.

У Абдусамаднинг қўлидаги портфелини олиб, кўчага чиқди...

\*\*\*

Умар Қосимовичнинг отаси туқсон йиллик умрининг ярмини амирлик, ярмини кейинги даврда ўтказган, кўпни кўрган-билгани сингари ўзида ҳам кўп нарсаларни мужассамлаштирган бир киши эди. Вақтида Бухоро аҳолиси, асосан, ҳунармандлар, деҳқонлар ҳамда зиёлилардан иборат бўлган, дейишади. У ўз ҳаётида мана шу уч табақани оралаб ўтган ва қандайдир буларнинг барчасига мансуб эди. Гап шундаки, Қосим бобонинг ота авлоди деҳқон, она авлоди ҳунарманд сулола бўлиб, қуювчилик — рехтагарлик қилишгани-ю бу хонадонлардаги аёллар билимли, «отинбуви» деб ном олишганидан ташқари, унинг ўзи шахсан шундай тақдирни бошдан кечирган: болаликдан бобоси, тогалари олдида рехтагарлик билан шуғулланган, иши бароридан келмаганида қишлоққа кетиб, деҳқончилик ҳам қилган, буларнинг устига-устак, отинбувилар қўлида савод чиқариб, мактабда, сўнг мадрасада таҳсил кўрган эди. Давр ўзгаргандан кейин ҳам у деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан узоқлашмаган, шунинг баробарида, ўзича нималарнидир ўқиб-ўрганишни ҳеч қачон тарк этмаган эди... Умар Қосимович эслайди: отаси ҳовли бурчагидаги кичик бир уйда худди қадимги уламоларга ўхшаб, олдида уч-тўрт китоб, уларни варақлаб ўтиргани ўтирган эди. Қосим бобо барча туркий тилларни яхши ўзлаштирган, озар билан ҳам, туркман билан ҳам эркин гаплашиб кетаверар, рус тилини билар, араб ва форс тилларини сув қилиб ичган эди. Буниси майли қария умрининг сўнгги кунларигача бояги уйчада мунтазам радио қўлогини бураб ўтирар, дунёда бўлаётган бутун воқеалар уни қизиқтирарди. У мана шундай билимдон эканлиги туфайли кутилмаган саволлар бериб, Умар

Қосимовични эсанкиратиб қўйган пайтлар кўп бўлган эди. Қария Тошкентда юрган ўглини ўзига нисбатан зукко одам деб билгиси келар, Умар Қосимович баъзан оддий саволларга жавоб қайтаролмаганида, алланечук — ишонмай, ажабланиб қарарди... Унинг ўлими ҳам ўзига хос бир тарзда рўй берган эди. Кўрпа-тўшак қилмаган, ўзи бемалол кириб чиқиб юрган Қосим бобо, одатдаги кун наҳорда, чой дамлаб келган кампирига бундай мурожаат қилганди: «Менга қара, онаси... Болалар ҳунар урганиб, авлодимизда рехтагар қоладими, десам, бўлмади. Уқиб ҳам, кўп нарса олганга ўхшамайди болаларинг... Локин булар ёмон фарзанд эмас, мен булардан рои... Кейин, сенга яна айтмоқчи эдим... Бировнинг олдида айбим йўқ, қарзимам йўқ... Шу...» Кампир довдираб қолиб, сураганди: «Нега унақа деяпсиз?» — «Ўзим. Эсимдан чиқмасин, деб айтдим. Энди боравер ишингга...» Кампир ўша кунни юрагига ваҳм тушиб, бир айланиб, қайтиб уйга кирган, шу қисқа фурсат ичида қария тўшакка беозор чўзилганча, омонатини топширган эди...

Умар Қосимовичнинг онаси Муслима биби етим ўсган, у Қосим бободан анча ёш, бунинг устига, етмиш йил атрофида умр кўрган эди. Унинг шу умри ҳам бир хил, бир «ранг»да — бола-чақа, уй-рўзгор, деб деярли кўча кўрмай ўтган эди. У Қосим бобонинг гуёки гоҳ кўзга ташланиб, гоҳ ташланмаган бир сояси бўлиб яшаган, шу унинг ҳаёти мазмунига айланганди. Аниқ касби-кори бўлмаганидек, Муслима бибининг саводи ҳам чала, хат таниш даражасида эди. У қаттиқ хасталаниб, ўлим билан олишган, яшайман, деб умидлана туриб, беҳосдан узилган эди. Умуман, кампирнинг ўлими ҳам унинг бутун ҳаёти сингари қандайдир мискин ва маҳзун эди. Эҳтимол, шу боисдан, Умар Қосимович отасини ифтихор, онасини ачиниш билан хотирларди... Умар Қосимовичнинг юрагида ота-онасига тегишли армон бор эди. У отаси билан видолашолмаган, отанинг фақат жасадини кўрганди. Аммо Қосим бобони, ҳар қалай, қабрга ўзи қўйганди. Муслима бибини эса, қабрга қўйиб, гупроқ торгишганида у етиб келган, нам тупроққа чўкиб, ўкраб йиғлаганди, холос...

Умар Қосимович Чашмаи Аюб пойидаги қабристонга қадам қўяётиб, шуларнинг барини эслади.

У икки ёндан дарахтлар соя ташлаган йўлка бўйлаб олдинга одимлади ва узун йўлканинг охирига етмай,

тўхтади. Сунг, худди мана шу йўлкада, кетаётган йўлининг қоқ ўртасида, тиз чўқди. Унинг бундай қилгани бежиз эмас эди. Бир томонда отасининг, бир томонда онасининг қабри — ўнг қўлда ота, чап қўл тарафда она!

«Отажон, мени маъзур тутинг! Мени маъзур тутинг, онажон! — Тиз чўкиб турганча ўйлади Умар Қосимович. — Мен қандай одам бўдим, ахир!... Тирингизда, уйдан узоқ юриб, сизга яхши хизмат қилолмадим, энди яна узоқда юриб, сизни бундай йўқлашни ҳам эпломаяпман. Бу ишларнинг ҳеч бири фарзандликка муносиб эмас. Мени кечириш қийин, лекин маъзур тутинг мени, болалик кунларимдагидек, шафқат қилинг менга!»

Шу аснода у беихтиёр кеча аммабуви хайрлашаётиб айтган сўзларни эслади: «Тириклардан икки оғиз фотиҳа...»

Умар Қосимович бошини кўксига солинтириб, қабристон сукунатида юраги қаъридаги яширин садоларни аниқ эшиттиси келгандек, кўзларини чирт юмди. «Мен ўзимча янги одамман, эскилар тутган йўлни тутолмайман, — хаёлидан кечирди яна у. — Лекин янги бўлиб нима қилишим кераклигини ҳам билмайман... Умрим икки ўртада ўтяпти... Сизнинг қабрингизга гул қўйиш мени қаноатлантирмайди... Айтинг, нималар қилишим керак, отажон, онажон?!»

Умар Қосимович гўёки ернинг пинжига суқилаётгандек бир куйда ўтирганча, болаликда ўзи кузатган бир воқеа ҳам унинг ёдига тушди.

Бухорода мулло Сабур деган одам бўларди. У, атрофидаги муллалар билан гапи қочганми, ҳар ҳолда, кўққисдан қайсидир журналда (наузамбиллоҳ!) «Мен Худодан қайтдим» деган мақола эълон қилди. Буниси гурга, фикри қатъий эканини билдириш учунми, мулло Сабур, ўша кунлар дабдурустан соқолини қириб, кучага салла ўрнига шапка, яктак ўрнига костюм кийиб чиқди. Ҳар ким нима дейиши-ю, қандай юриши ўз ихтиёри, эътиқод мажбурий эмас. Мулло Сабурга ҳам ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ, даҳрийларга қўшилгиси келибдими, бемалол! Аммо кейин... қизиқ бўлди. Эскилар билан ҳисоб-китобни тўғрилаган мулло Сабур исён кўтариб, мақола ёзгани-ю уст-бошини янгилагани билан, янги замонавий (шўраний) одамлар даврасига ҳам қўшилолмади. У кучадан кетаётиб икки томонда дарвозаларни кўриб турган-у, аммо на у

томондаги, на бу томондаги ҳовлига кира олган одам ҳолига тушди. Шундай яккаланган алфозда юриб, хор-у зорликда дунёдан ўтиб кетди шурлик мулло Сабур... Бунинг ҳаммасига сабаб: ў янги (эътиқоди, тўғрироғи, эътиқодсиз) одам бўлишга урингани билан унинг бу йўлда таржимаи ҳоли йўқ эди. У эски таржимаи ҳолдан кечган, янгисини қўлга киритиш унга насиб этмаганди.

«Мен мулло Сабур эмасман, албатта, мен бошқа одамман, — ўйлади яна, бу воқеани эслаб, икки қабр ўртасида тиз чўкиб турган Умар Қосимович. — Локин мен қандай яшадим-у, умримни қандай утказяпман? Ҳаётимни кимга, нимага бахш этдим?! Беш-ўн йил ярим-ёрти билим эгаллаш... яшаш учун кураш... ниҳоят, хизмат... шу хона меники, деб кун бўйи қогоз қоралаб ўтириш, қўнгироқвозлик, қаватдан-қаватга капалакдай учиб юриш ва умуман, одамларнинг дунёда бахтли бўлишига, бугунгидан пок ва гўзалроқ яшашига бирон-бир нафи тегмайдиган, ҳеч кимга аслида кераги йўқ югур-югурлар... Наҳотки, шу мен учун муҳим, катта бир иш — инсон эришишга интиладиган шараф бўлса?! Умрнинг кўпи кетиб, ози қолди! Бир марта берилган ҳаётни буюк бир мақсаддан йироқ телба югуришларга бериб, бунчалик бемаъни (даҳрий бўлиб — даҳрий, мусулмон бўлиб мусулмон эмас) яшаш жабр эмасми кишининг ўзига?! Мен бундай яшаб, акам ҳам Рустамнинг уйдаги қоридек тасқара ҳолда юрган бўлса, бизнинг мулло Сабурдан фарқимиз нима, отажон, онажон?! Бизни маъзур тутинг бунинг учун...»

\* \* \*

Галаосиёга Бухородан енгил машинада узоғи билан ярим соатда бориш мумкин.

У ҳам ана-мана дегунча, туман марказига етди.

Вақт пешинга яқинланган, қуёш аямай олов селини ёғдирарди.

Умар Қосимович шаҳардаёқ иссиқдан лоҳасланганди. Бу ерда у худди тандирга бошини суққандек булди.

Акасининг аввалдан саёқлигини билса ҳамки Умар Қосимович кечадан буён унинг уйда бўлишини умид қиларди. Ҳозир ҳам: «Кечқурун ёки эрталаб маросимга борган тақдирда барибир, кундузи, айниқса, бу иссиқда уйда бўлиши керак акам!.. Бунақа ҳавода фақат одам

эмас, бутун тирик жон ўзини сояга уради-ку, ахир!» деб уйлаганча, катта йулдан тупроқ кучага ўтди. Шу аснода, акамни топсам, бир оз ҳордиқ чиқарармидим, деган гап ҳам унинг хаёлидан кечди.

Аммо, йўқ, у бекорга умилланиб ҳовлиққан эди. Усмон Қосимнинг эшигида одатдагидек отнинг калласидай қулф осиглиқ эди.

Қулоги остида Абдусамаднинг овози янгради: «Ака Усмон юқори Кобдун ёки қуйи Кобдунда бўладилар. Бу икки қишлоқдан топмасангиз, Гурбунда бўлишлари аниқ...»

«Саратон офтобида, тўрвасини йўқотган дарвешга ўхшаб, қишлоқма-қишлоқ сандироқлаш бемаънилиқ, албатта, — деб уйлади Умар Қосимович. — Учта қишлоқни айланиб чиқиш осон ҳам эмас. Тошкентдагидек остимда машинам бўлса, бошқа гап эди. Иккинчи томондан, шунча оворагарчиликдан кейин, уни кўрмай кетавериш ҳам кишига алам қилади... Хўш, уни қаердан, қандай топиб, у билан қайси йўсинда гаплашиш керак?!»

Умар Қосимович боши қотиб, бир тавақали дарвоза қаршисидаги, букри тол остидаги тошга келиб ўтирди. Ўзи ҳам, кайфияти ҳам ланж булиб, қанча ўтирганини билмайди, бехосдан қўшни дарвоза гижирлаб очилиб, остонада атлас кийган миқти бир жувон кўринди.

Умар Қосимович ўзидан-ўзи ноқулайлик сезиб, ўрнидан турди ва жувон билан бош ирғаб саломлашгандек бўлди.

— Сиз ака Усмонни кутяпсизми? — деб сўради жувон. У анча гапдон экан, саволига жавоб олиб-олмай, ўзи яна гапира кетди: — Эрталаб уйда радио эшитиб ўтиргандилар. Қачон, қаёққа кетдилар, билмай қолдим. Иссиқда утирманг, юринг уйга. Хабар олиб турамиз, келсалар, чиқаверасиз...

— А, йўқ, мен... — гудранди Умар Қосимович, жувоннинг бунчалик очиқлигини қандай тушунишини билолмай.

— Юринг. Унақа уялманг. Узоқдан келганга ўхшайсиз. Куча ёняпти. Бизнинг уйимиз салқин... — Негадир қизариб, кўзлари порлаб, бунинг устига шоён илжайгандек бўлди жувон.

Умар Қосимовичга жувон ўзини руйирост уйга қистаётгандек гуялди. Назарида, жувоннинг ўзини туттиши, муомаласида аллақандай истигноли маъно бордек эди.

«Афтидан, ёлғиз турса керак, нима қилганда ҳам, у ҳозир уйда бир ўзи, шекилли, — уйлади Умар Қосимович. — Ёш, чиройли жувон...»

У кириб-кирмасликка иккиланиш сеза бошлади. Шу пайт, ердан чиқишдими, осмондан тушишдими, унинг этакларига уралашиб иккита жужуқ — бир бола ва бир қизалоқ пайдо бўлишди-қолишди.

— Вой, унақа ёпишманлар, уят, уят-ку, жовим!..  
— Болаларни Умар Қосимовичдан юлқиб, бағрига босди жувон. — Шаҳардан, ана, амакибобо келибдилар, чоп, жоним, дадангга айт, меҳмон, де...

«Падарига лаънат! — Ишнинг бунақа тус олганиними, умуман ўзининг бадният феълиними, ичида беихтиёр сўқди Умар Қосимович. — Аёлларнинг ортиқча эркинлиги баъзан хаёлни қочиради. Падарига лаънат!..»

Аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам «амакибобо» деган сўз унда галати таассурот уйғотди. «Қарибсиз, Умарбой, оғайни, ёшингизга муносиб иш тутишингизга тўғри келади, — хаёлидан кечирди у. — Дунёда ҳар кимнинг ўзига яраша ожизлиги, бемаънилиги бўлар экан баъзан. Акангиз ичиб, муллачилик қилади. Сиз эса аёлларга ишқибоз. Хўш, ўзингиз бачканаликдан бундай қутулмай туриб, сизга акангизни тергашга бало борми?! Аввал ўзингга боқ, сўнг ногора қоқ, шундай эмасми, амакибобо?!»

— Мен, яхшиси, бир айланиб кела қоламан, қизим,  
— деди мўминланиб Умар Қосимович жувонга. — Узр, раҳмат...



У қаерга бориши, нима қилишини ўзи ҳам билмас эди.

Терга ботганча кетаётиб, дабдурустан мактаб биносига кўзи тушди. Мактабда биров бўлса, акам тўғрисида, ҳар қалай, гаплашиш мумкин-ку, деган хаёлда шу томонга йул олди.

— Келинг, отам, хизмат? — Умар Қосимович мактаб ҳовлисига кириши билан бинодан чиқиб уни қаршилади қоровул чол.

— Мен Усмон Қосимнинг укалари буламан, — очигини айтди Умар Қосимович. — Меҳмонга келгандим.

— Яхши килибсиз, отам, — деди қоровул кўришгани қулини чузиб. — Марҳамат...

Улар нимқоронги йулакка киришиб, дераза олдидаги стол ёнидан жой олишди.



– Акам уйда йўқ эканлар... – Яна очиқ гапирди Умар Қосимович, чолдан бирон нарса эшитишга умидланиб.

– Бир ерда бекор утиролмайдди. Юришга урганган. Юргандир-да! – деди қоровул.

– Қаердан топсам бўларкин?

– Мен унисини билмадим, – деди чол. – Бекорчи одам қаерда хоҳласа, уша ерда юраберади. Бизга индамайди, зероки биз уни хафа қилганмиз...

– Биз, деганингиз ким? – қизиқсинди Умар Қосимович.

– Мактаб-да, отам... Шу ерни қуриб, очиб, ўтгиз йилдан кўп югуриб юрган одамни орқасига тепгандай иш қилдик.

– Ким? Нега, ахир?! – Асабийлашди Умар Қосимович. У, акам ўзи аҳмоқчилик қилиб, ишдан кетган, деб уйлаган, акасига қандайдир жабр таъсир қилганини билмас эди. То шу дамгача кўнглида акасида фақат норозилик ҳис этаёттанди, энди унга нисбатан бирдан кўнгли ачишди.

– Бу катта дoston, отам... Менинг айтишга ҳаққим йўқ. Акангиз ўзи сизга айтар, лозим топса... Қани, чойга қаранг. Қанд билан олинг, отам.

\* \* \*

Умар Қосимович одингидан баттар лоҳасланиб боши қотган эди.

Энди нима қилишини билмаганидек, бирон нарса тўтрисида ўйлагиси ҳам келмас, шуурсиз бир ҳолат уни домига тортган эди.

Шу ҳолатда у мактаб ёнламасидаги кўчадан тўтрига қараб кетди ва кенг дала-даштга, сўнг қандайдир чуқур зовур буйига бориб қолди.

Зовур ёқалаб яна илдам юра бошлади. Атроф деярли бум-бўш, бу чексиз осмон остидаги чексиз ер эди.

Сукунат. Фақат офтоб ўз қўшигини баралла куйламоқда.

Шу боисдан, Умар Қосимович бошига тур шляпа қўндирган новча бир одам негандир гоҳ қаддини ростлаб, гоҳ эгилиб, кўпроқ диконглаб юрганини узоқдан кўриб, ажабланди. «Бу ё жинни ва ёки шу паллада балиқ овига чиққан бирон овсар! Бошқа одамнинг менга ухшаб бу ерда саргардон юриши ақлга сигмайди!» – деб ўйлади у ўзича

ва энди ҳалиги кишига терс томонга қараб одимлади. Аммо кўп ўтмай, ўтирилиб ҳалиги киши узоқлашиш ўрнига қандайдир яқинида пайдо бўлганини пайқаб, юраги ўз-ўзидан орқага тортди.

– Нима қилиб юрибсиз бу ерда, биродар? – ҳайиққаниданми, беихтиёр овоз берди Умар Қосимович. – Балиқ тутяпсизми?

– Бу ерларга балиқ йўқ, – деб тўнгилади ҳалиги киши. Кейин, Умар Қосимовичга қадалганча, унга яқинлаша бошлади.

– Қўйинг, биродар, ишингизни... яхши эмас. – Гудранди Умар Қосимович орқага тисарилганича, – Ака, э...

Ҳа, бу Усмон Қосим эди.

– Умар, ўзингми, жигар?!

Умар Қосимович ўзига келиб, нафасини ростлашга улгурмай, акаси унинг қучоғига ташланди.

У акасини ҳар қандай шароитда учратишни кутган, буни кутмаган эди.

– Бу ерлар нам, – дарҳол укасига тушунтириш бера бошлади Усмон Қосим. – Дашт тарафдан иссиқда тошбақа, ҳар хил ҳашаротлар судралиб келишади. Мен уларни тутишим керак. Юр, юр! Уйга борамиз... Фақат мана бу ёқда қоп билан челақ бор, ташишга ёрдам берсанг, ёмон бўлмайди...

– Нима бор ўзи бунинг ичида? – Улар қопқоғи беркитилган челақ билан оғзи боғланган қопга яқинлашгач, нохушланиб сўради Умар Қосимович қопни кутаришга чоғланганча.

– Қўрқма, булар одамдан заҳарли эмас, – қудди Усмон Қосим. – Кутарган пайтинг битта-яримтаси елкангни уқалаши мумкин, холос, бошқа зиёни йўқ!

\*\*\*

Бир тавақали дарвозадан кириладиган ҳовли ҳам тор, йўлакни эслатар эди. Бир-бирига туташ икки хона мана шу йўлак деворига худди елимлаб қўйилгандек таассурот қолдирарди.

Усмон Қосимнинг сўнгги кунлардаги иши: хоналардан бирига китоб, бошқасига ҳар хил ҳайвон, ҳашаротлар йиғиётган экан.

– Келганинг яхши бўлди, жигар, зерикиб юргандим узим, – деди укасига у, икки булак қотган гўшт топиб, дарҳол ош қилишга уринаркан. – Бир кеча меҳмон бўлмай, кетаман, демайсан, лекин. Шу китобли хона сеники, мен нариги уйда ётавераман.

– Сиз ҳам шу ерда ётганингиз маъқул. Нима қиласиз хашаротлар ичида? – деди Умар Қосимович. – Майли, бир кеча қолсам, қолдим, ака. Аммо менинг сиздан упкам бор, очиги... Мен яна келдим, сиз Тошкентга ҳеч бормайсиз...

– Бир бордим. Идорама-идора айландим, – деди Усмон Қосим уйчан. – Бир идора бор экан. Катта хона. Бу четдаги одам у томондаги билан телефонда гаплашади... Сенинг идоранг ҳам шу, деб қайтиб келавердим...

– Мен... алоҳида хона... бизда иш тинч... Хўп, яна қачон борасиз? – Қайсарланди Умар Қосимович.

– Билмадим, жигар... Мен ёшлиқда ўқишни битириб, қишлоққа келган одамман, биласан. Мендан бир ёдгорлик қолиши керак бу ерда. Шу кўриб турган ҳовлинг музей бўлади... Бир томон адабиёт, бир томон табиат... Ҳозир боришим қийинов!.. Иш кўп...

\* \* \*

Умар Қосимович Тошкентга қайтиши билан эртанги иш кунини кутишга сабри чидамай, бунинг ноқулайлигини билса ҳамки, Азизовнинг уйига қўнгироқ қилди.

Азизов уйда экан. Трубкани ўзи олди.

Улар ўртасида бундай суҳбат ўтди:

– Сизни безовта қилмадимми, Акмал Турсунович?

– Йўқ. Умар Қосимович, ўзингизми?

– Мен... Сизга бир одам тўтрисида гапирмоқчи эдим...

– Ким?... Нима иш экан?!

– Тумандаги бир мактаб директори... муаллимдан чиққан, охириг уч-тўрт йил директорлик қилган... Шу одам...

– Хўп, кейин?

– Маориф соҳасидаги раҳбарлардан бирининг унга муносабати яхши экан. Лекин ўша раҳбар ишдан бўшатилибди... Директорнинг муовини пайт пойлаб юрган

экан, бу фалончининг думи эди, деб директорга хужум бошлабди. Уни ишдан бўшатиб, ўрнини эгаллабди.

– Умар Қосимович! Мен унга ёрдам қилишимни сўраяпсизми?

– Йўқ. Гап бошқа. Баъзи бир қабиҳ кишилар бировни ўлдириш билан кифояланмай, уни иложи борида чуқурроққа кўмиб, устидан тупроқ тортавериш пайдан бўлишади. Биз олижаноблик тўғрисида кўп гапирармиз, лекин аксар олижаноб одамларни қўллаш ўрнига, ҳалигидек кимсаларга эринмай қулоқ солармиз, ногорасига беихтиёр ўйнагандай иш тутармиз...

– Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман...

– Айтаверайми?

– Албатта!...

– Узингиздан мисол келтирсам, хафа бўлмайсизми, Акмал Турсунович? Майлими?

– Гапираверинг. Биласиз, мен очиқ гапни яхши кўраман...

– Сизни ишониб кагга лавозимга қўйишган. Лекин биров сизнинг устингиздан ёзади... Эсингиздами, шу тўғрида гаплашгандик?

– Эсимда...

– Кўпчилик сизнинг кимлигингизни, нима ишлар билан машғуллигингизни унутиб, имзолими, имзосизми, хатни текширишга тушади. Бу билан сизни ҳам, ўзини ҳам таҳқирлайди... Игвони ёзган киши ўзи ким — буни ўйлаш негадир хаёлга ҳам келмайди...

– Мен барибир тушунмаяпман, Умар Қосимович... Бунинг директорга нима алоқаси бор?

– Директор қайтиб бош кўтармасин, деб душманлари, хат ёзишмаса ҳамки, шунга ўхшаш «эҳтиёт» чораларни кўришади. Ҳар хил миш-мишлар тарқатишади, бошқа бировларнинг мағзавасини унинг устига ағдаришдан ҳам тойишмайди... Унинг ўзини шахсан билмаган ҳолда — анча — мунча оддий одамлардан тортиб, дуппа-дуруст обрўли кишиларгача, мана шу уйдирмага паққос ишонишади...

– Хўп, қисқаси, директорингиз ким? Қаерда? Мақсад?

– Директор Бухорода, Акмал Турсунович...

– Ҳалиги... Сиз Бухорога бориб келдингизми, дейман?

– Худди шундай!...

Азизов уйланганми, нафасини ичга ютганми кўйда, бир оз жим бўлиб қолди. Кейин, ўзи-ўзидан қотиб кула бошлади.

– Мени бир мот қилдингиз, Умар Қосимович, ичиб муллачилик қилган «тасқара» одам! Эсладим, – деди у ниҳоят. – Менга қаранг, сиз-чи? Сиз ишонмаганмидингиз шу гапга? Тўтрисини айтинг!..

Умар Қосимович ҳам бехосдан кудди.

– Мен ҳам ишонгандим, Акмал Турсунович... Акамга эмас, эшитганимга... – у уйланиб туриб, қўшиб қўйди: – Лекин барибир сизга раҳмат.

– Қўйсангиз-чи... Нега?

– Буни тушунтириб бўлмайди, Акмал Турсунович...

Мундарижа

## МУЪЖИЗА

### I ҚИСМ

#### ИЗЛАР

Номаълум шарпа .....	3
Ўғилнинг ҳасрати .....	4
Келиннинг кузатишлари .....	5
Ён қушни .....	7
Қодир ота ҳаётининг қисқача тарихи .....	9
Қассоб ҳам инсон .....	16
Бир онанинг болалари .....	19
Жамилнинг хотини .....	25
Уйдаги гап .....	28
Ақл балоси .....	30
Бир тушақда тўрт киши .....	37
Исмат Бўроновнинг баҳори .....	40
Малика .....	51
Бегона одам .....	55

### II ҚИСМ

#### ИЛДИЗЛАР

Қабристондаги одам .....	57
Рақиблар .....	58
Дард устига чипқон .....	60
Аҳмоқ .....	61
Ишқ дейсизми? .....	64
Ўн гулдан бир гул .....	69
Уч киши .....	73
Мулланинг тушунчаси .....	76
Жумбоқ .....	81
Ҳар тукисда бир айб .....	84

Этик кийган аёллар .....	89
Калаванинг учи .....	99
Интиқом .....	102
<b>БОЛАЛИККА САЁХАТ .....</b>	<b>108</b>

### ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

Биринчи киши .....	133
Яна ўша биринчи киши .....	137
Қўргонов .....	142
Яна Қўргонов .....	154
Биринчи киши .....	156
Иккинчи киши .....	158
Учинчи ва тўртинчи киши .....	159
Яна биринчи киши .....	159
Қўргонов .....	159
Турт йигит ва Гулгун .....	160

<b>ШЕРЛОК ХОЛМС БУХОРОДА ЁХУД СИРЛИ ҚЎЛЁЗМА ТАРИХИ .....</b>	<b>161</b>
--	------------

<b>ҚУШЛАР ВА ТУШЛАР .....</b>	<b>185</b>
<b>ВАЗИФА .....</b>	<b>218</b>

84(59)6  
M95

Мухтор, Омон.  
Шерлок Холмс Бухорода: [Қиссалар]/ О. Мухтор. —  
Тошкент: «DAVR PRESS», 2008. — 256 бет

ББК 84(59)6

Омон Мухтор

## ШЕРЛОК ХОЛМС БУХОРОДА

Бош муҳаррир	Улутбек Урунов
Муҳаррир	Дилноза Зуннунова
Техник муҳаррир	Жаҳонгир Абдужалилов
Мусахҳиҳ	Азиза Ҳайитова
Саҳифаловчи-дизайнер	Мултарий Абдужалилова

2008 йил 7 июлда босишга рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
«BalticaAPP» гарнитураси Шартли босма табоги 8,0.  
Нашриёт ҳисоб табоги 12,2. Адади 3000 нусха. 1-завод 1000 нусха  
109-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди  
«MAXIGRAF PLUS» МЧЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, 20^-даҳа, 42-уй. Тел: 216-9014; 307-1061  
Web: www.mgp.uz E-mail: davr-press@mail.ru